



АКМАЛ АБДИЕВ

ХАЁТ ЎЗИ МУРАББИЙ



МАЖБУРИЙ
НУСХА



БИГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ
2013

105

А

УУК: 821.512.133-1
КБК: 84(5У)7 - Ўз. агад.
A-14

Абдиев, Акмал

Ҳаёт ўзи мураббий: Шеърлар, сұхбатлар, маколалар (Оиласиий ўкишга мўлжалланган тарбияий, ҳаётний китоб) / А. Абдиев. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. – 336 бет.

ISBN 978-9943-27-132-6

Ҳаёт бошка, ҳаёл бошка. Бу китоб ҳаёт ҳақида. Чунки ширин ҳаёл сурин осон, аммо яхши ҳаёт кечириш кийин. Бунинг учун тинимсиз ўкиш, ўрганиш, меҳнат килиш талаб этилади. Китобда ибратли инсонлар, эл-юрт хизматида камарбаста бўлаётган фидойилар ҳаёти ҳақида сўз боради.

Инсон умри давомида кўнгил кўчаларида саргардоң бўлади. орзулар рўёби ҳамда армонлар ўртасида, интилиш ва ишонч канотида турли савдоларни бошидан кечиради. Буларнинг барчаси китобнинг асосий мезонини белгилайди, муаллифнинг кўнгил аталмиш самимият кошонаси сиз азизларга намоён бўлади.

Бундан ташкири, болажонлар учун аталган бобда қизикарли эртак ва шеърлар ўрин олганки, бу сизни бегубор болалик сари етаклайди. Демак, китоб оиласиий ўкишга мўлжалланган тарбиявий, ҳаётний кўлланимадир.

УУК: 821.512.133-1

КБК: 84(5У)7

ISBN 978-9943-27-132-6

© Абдиев Акмал, «Ҳаёт ўзи мураббий», «Янги аср авлоди»,
2013

2014/8 A 609	Alişer Navoiy nomidagi O'zbekiston MK
--------------------	---

Ю41860
3

ЯХШИЛИКНИ КҮЙЛАЙДИ БАХШИ

Үзим ижодкорларни қадрлайман. Уларни хурмат қила-ман. Чунки ижоднинг машакқатларини қалдан хис этаман. калам тेбратиш заҳмати ҳамроҳим, ҳамрозим.

Қўлингиздаги китоб ёш ижодкор. мухбир укамиз Акмал Абдиевнинг илк уриниши. Муаллифнинг «Ҳаёт ўзи мураббий» дея номланиб, яхши ният ила ёзила бошланган китобининг биринчиси. Китобни ўқир эканмиз, муаллиф ол-дига биргина мақсадни қўйганини кўрамиз. У яхшиларга ёндашиб, уларнинг эзгу амалларини тараннум этиш орқали бошқаларни, хусусан, ёш авлодни улардек бўлишга ундайди. Бу чизгилар, жиҳатлар бир нечта дилбар маколаларда ўз аксини топган. Мисол учун, «Маърифат фидойилари» маколасида оддий қишлоқ муаллимининг туйғу ва кечинмалари, сермазмун ҳётидан сабоклар тилга олинса, «Элнинг кайвониси эди» деган хикояда Қарши туманида яшаб ўтган эл оқсоколи Сирожхон Раҳматовнинг халқпарварлиги, унинг бирорга билдириб, билдиримай амалга оширган хайрли ишлари калам измига тушади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий. Ўзбекистон огир атлетика федерацияси вице-президенти Шахрулло Маҳмудов ҳакидаги маколада спортчининг орзу ва армонлари, машакқатлар ортидан, албатта, муваффакиятлар келиши тўлақонли очиб берилган.

Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев билан сұхбатни ўқир экансиз, машхур инсоннинг беғубор қалби ҳамда унинг ҳаёт ҳакидаги ҳақиқатларидан вокиф бўласиз.

Бунданташкари китобдан ўзбек курашиустунлари бўлган Жобир полвон Язданов, Холиёр полвон Қодиров ҳакидаги қизиқарли хикоялар ўрин олган бўлиб, ҳикматларга тўла кураш фалсафаси, асрий анъаналаримиз ҳақиқиати ўзиға хос

ёндашувни кўришимиз мумкин. Бахшиёна услубда ёзилган мақолалар ўқувчини бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз.

Масалан, «Тўдачорбоғдаги кураш» мақоласи шундай сатрлар билан бошланади:

Гурунг яхши... Диљбар гурунглар яхши. Бежизга даврапанинг тўрида ўтирмас бахши. Бахши, у яхшиликдан, эзгуликдан сўзлайди. Мардликни, ориятни бор бўлсини, деб бўзлайди. Бахшиларни эшитсанг, қалбинг тоза бўлади, яхшии полвон тилида зўр овоза бўлади...

Галдир-гулдур гурунгдан чарчоғинг тўклиди, ахборотлар алмасиб, тафаккуринг тўлади. Айниқса, тўртта ўзбек йигилса мавзу кураш, гурунг бўлар тоиг қадар, эсга келмайди тарқаш. Мозийдан сўз очилар, ўтганилар хам ёдланар, суйлаганилар савобда, тишгланилар шодланар...

Тўпламни вараклаб туриб. «Уйланадиган укаларимга маслаҳатлар» мақоласи ҳам эътиборимни ўзига тортди. Муаллиф ёш йигитларга, яъни келинтанлашга қийналаётган укаларига акаларча маслаҳат беришга харакат қилган:

Азиз укам! Солиҳа хотин ташламоқчи бўлсанг, бўлажак рафиқаиг билан учрашув чори уни қуидаги саволлар билан имтиҳон қилиб кўр:

1. Ота-онамиз бизнинг энг катта бойлигимиз. Уларни яхши кўришимиз, авайлаб-асрашимиз шарт. Бир-бiri-мизнинг ота-онамизни ўз надаримиздай, волидамиздай қа-бул қила оламиزم? Шунга розимисан?...

Шунингдек, Акмал Абдиев китобда болажонлар учун ҳам алоҳида боб ажратган бўлиб, унда ўғил-қизларимизга мўлжалланган ижод намуналари ўрин олган. Айниқса, «Алифбе байрамида» шеърий асари ўрта умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқувчиларига яхшигина совға бўлишига умид бор:

«Алифбе» китобининг сўзи:

...Ўқиб, ўрганинг ҳар дам,
Дангасаликдан қочиб.

**Сизларни «Ўкиш» акам,
Кутмоқда қучок очиб.**

**Ҳозирча мен сизларни,
Бир оз қиласай имтихон.
Ким инманин ўрганди,
Саф бўлиб айланг баён...**

Хуллас, китобни оиласвий мутолаа қилса бўлади. Содда, аммо самимий сатрлар сизни кўнгил аталмиш нозик оламга бошлайди. Муаллиф айнан шу самимий кўнгил билан ҳаётнинг сўқмоқли йўлларидан битик териб, ойдин манзилларга чиқмоқчи бўлади, гўё...

*Шерали ҲАБИБУЛЛАЕВ,
журналист.*

МУҚАДДИМА

Инсон асрлар давомида мукаммал баҳтга интилиб яшайди. Бу йўлда не-не машаккатларга дуч келади, йикилади, туради. Тусиклар, муаммолар кийнаган пайтда чекинмай, узининг тоғдек саботини намоён этади. Чексиз, ҳадсиз орзулар, умидлар уммонида сузди, ишонч аталмиши ҳаёт қуёшидан куч олиб, яна ва яна баҳт касрини бунёд этишга киришади.

Аслида мукаммал баҳт борми? Унга кандай эришилади?

Кўлингиздаги китобда турфа хил қасб-хунар, феъл-автор соҳибларининг ҳаёт тарзи қаламга олинади. Спортда, санъатда, ижодда, ёшлар тарбиясида катта ютукларни кўлга киритган, эл-юрт ҳурматини қозонган замондошларимиз ҳакида сўз юритилади. Муштарийларга Ватанимизнинг юксак мукофотларига эришган инсонлар ҳакида тўлакоили тасаввурга эга бўлиш, уларнинг ҳаёт сабокларидан ниманидир ўрганиш имкони берилади.

Бухоролик шоир Садриддин Салим Бухорий ёзганидек,

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё.
Ким нени изласа топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.

Мен китобни болаларга аталган шеърлар ва, энг аввало, «Алифбе байрамида» шеъри билан бошладим. Чунки ҳар биримиз илк бор мактабга қадам кўйганимизда меҳрибон устозларимиз жажжи қўйчаларимизга қалам ушлатиб, ёзишини ўргатади. Сир эмаски, ҳаммамизнинг илк сабокларимиз «Алифбе»дан бошланган.

Ўша «Алифбе»ни билмасдан туриб, ҳаётда бирор нарсани ўрганиб бўлмаслиги ҳам барчага аён. Мундарижани тузгунича, дастлаб болаларга аталган шеърлар, сўнгра ёшлиқ ҳаяжонлари, ундан кейинги бобда эса Ватанимизнинг таникли, эл орасида ҳурмат-зытибор қозонган кишилари ҳакидаги ҳикояларни жойлаштирдим.

Кимга қанака, аммо мен китобимни болажонлар ҳам варақлашини жуда-жуда истардим. Улар улгайиш остонасида таникли кишилар хаётидан ибрат олишсин. Ҳохлардимки, яхшилар турмуш тарзи баён этилган сатрларни ота-оналар ўз фарзандларига ўқиб бернишин, ўқитишин. Ҳикоя ва сұхбатларда тилга олинган машхур инсонлар хаётидан инмадир изланисин, излаганини тоңиб, улардек әл аро қурматли ватандошларимни тарбиялашисин.

Кино ва театр соҳасидаги кўплаб роллари билан ҳалкимизнинг қалбидан жой олган Ўзбекистон ҳалқ артисти Ёдгор Саъдиев, оғир атлетика бўйича ўнлаб чемпионларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўреатган мураббий, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шахрулло Маҳмудов, Қашқадарёнинг узок тогли кишлоғида тугилиб-усиб, бугун минглаб ёшларга билим сарчашмаларини улашаётган олим, Плеханов номидаги Россия иктисадиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ректори, беш нафар фарзандининг барчасини илм йўлига бошлаб, уларнинг барчасини ўзидек профессор бўлиб шаклланишига муваффак бўлган баҳтиёр замондошларимиздан Қаландар Абдураҳмонов ва бошқалар билан сұхбат уюштиришдан кўзланган максад ҳам битта – юртимизда Ёдгор Саъдиевлар, Шахрулло Маҳмудовлар, Қаландар Абдураҳмоновлар кўпайисин!

Уларнинг болалиги, фарзанд тарбиясидаги тутуми сизни бефарқ колдирмайди, деган умиддамиз.

«Болам улар каби яхши инсон бўлсин!», деган эзгу ис так соҳибларига омад тилаймиз, китоб бу йўлда озгина бўлса-да, кўмакчи, кўзгу, намуна вазифасини ўтаса, биз максадимизга етган ҳисобланамиз.


«Ҳаёт ўзи мураббий» — оилавий ўқишига мўлжалланган. Тўғри, болалик ҳакида ёзилган шеърларни ўқиган болакайга ёки «Алифбе байрамида» шеърини ёд олган 1-синф ўкувчисига кейинги бобларда келтирилган севги изтироблари ёхуд бола тарбияси ҳакидаги маколалар мутолааси оғирлик килади. Аммо, ўша болакай ҳам бир кун улғаяди, севги ёшига етади, оила қуради, фарзанд тарбиялайди...

Хуллас, ҳаёт деб аталмиш доно мураббийнинг сабокларига эхтиёж сезади. Ана ўшанда тўпламни қўлига олиб, битикларга бир назар солиб, ўқиса, изласа, ўрганса у илми толиб, ажабмас, сабоклар аскотиб қолиб, мушкулот ёчилса, билинг, биз ғолиб...

Зеро, кечанинг сабоги бугуннинг, бугунники эса эртанинг яхшироқ келишига ҳиссасини қўшса, юрагинг яашадан завқ олиб жўшса, қувонса, кўзларинг яхшига тушса, бу кунинг эзгу кун. Аллоҳга шукр! Турмушнинг муштлари эзса бошингдан, ёстиклар хўл бўлса тўйкан ёшингдан, нажоткор билганинг қочса қошингдан кунингга лаънатлар ўқирсан буткул.

Оти ўчсин лаънатнинг, тилингдан «раҳмат» тушмасин, ёмондан ёт қилсин Ўзи, шайтонга асло қўшмасин!

Муаллиф



Болаларга аталған шеърлар



Ұқывчининг ўртоги,
Билимнинг бош булоги.
Чароғбони, чироги –
Алифбеман.



АЛИФБЕ БАЙРАМИДА

(Үртта умумшатылым мактабчарыда үтадырат «Алифбе» (лотин ациффбесін ассоциа) байрамчарыда фойдаланыла мүмкін)

«Алифбе» китобининг сүзи:

Үқувчининг ўртоғи,
Билимнинг бош булоги.
Чароғбони, чироги,
Алифбеман, Алифбе.

Бунча шириң боласиз,
Мәхрим түшди сизларга.
Ватан учун хали сиз,
Кодирсиз күп ишларга.

Үкиб, ўрганинг хар дам,
Дангасаликдан қочиб.
Сизларни «Үкиш» акам,
Кутмоқда кучок очиб.

Хозирча мен сизларни,
Бир оз килай имтихон.
Ким нимаппі ўрганди,
Сағ бўлиб айланг баён.

Аа

Ассалому алайкум,
Ақволингиз аъломи?
Аммам, акам, амаким,
Азизларим омонми?

Бб

Бўлар бола бошидан,
Бардошли бўл, болажон.
Бахтли бўлмоқ истасанг,
Билимдан изла имкон!

Дд

Дала-даштга дон экиб.
Декон бобо толмайди.
Доно, меҳнаткаш киши.
Ҳеч қачон оч қолмайди.

Ээ

Элимдир озод, эркин.
Эргам менинг ёп-ёргуғ.
Эҳтимолмас, балки чин.
Эъзозли юрт – эиг улуг!

Фф

Фарида, Фарход, Фаёз.
Боришиди фил куриш-чун.
Факат қўрқдилар бир оз.
Филининг хартуми узун.

Гг

Гулзоримда гуллар мўл.
Гўзал бир чаман бўлган.
Гулбеор-у атиргул.
Гуркираган, очилган!

Ҳҳ

Ҳошим борди ҳаммомга,
Ҳаким қилди ҳамроҳлик.
Ҳамиша пок одамга,
Ҳамдам бўлади соглик!

Ии

Инсоғ, иймон – құш ирмок.
Инсонийлик белгиси!
Иноқ ҳамда иттифок
Бўлсақ, имкон бизники!

Жж

Жаҳл чиқса – ақл кетар,
Жаҳлингни жиловлай бил.
Жами жаҳондаги сирлар,
Жавоби – сабрдадир!

Лл

Лола билан Латофат.
Лазиза ва Лазокат.
Тушар «Лазги» рақсига.
Лойик улар таҳсинга!

Кк

«Камтарга камол» дерлар.
Камтар бўл ва комил ўс!
Кўнгил кўнгилни қўмсар,
Кенг дунёда топ чин дўст!

Мм

Миевлайди мушугим,
Менимча, у оч қолган.
Майда қилиб нон бердим,
Мош мушук бўлди хурсанд.

Ни

Нонни буюк неъмат бил.
Ноннинг ушоги ҳам нон!
Уни асра, эъзоз қил,
Нонсиз яшолмас инсон!

Оо

Озодинг оқ оти бор,
Осмонга учсам дейди.
Исми ҳам зўр – «Оқ тулпор»,
Урсанг, кўкка сапчиди!

Пп

Паркентлик Пўлат пойвон,
Пирлар қўллаган арслон.
Пойтахтда кураш найти,
Бўлди яна чемпион!

Ққ

Қиргий, кумри ва қарга,
Қарнигай ёзган қулоч.
Қойилмиз, сиз қушларга.
Қизилиштон, калдирғоч!

Рр

Раҳбаринг бўлсин одоб.
Равон бўлади йўлинг.
Рахмил бўл, ривож топ,
Ростгўй сўзласин тилинг!

Сс

Соғ танда – соглом акл,
Спорт билан шугуллан!
Сахий бўл, бўлма баҳил.
Савоб ишлар қил улкан!

Тт

Тогнинг тоза ҳавоси,
Танга роҳат беради.
Тогликлар шу туфайли,
Тетик, бардам юради!

Үү

Укажоним Улугбек.
Униб, улғай, топ камол.
Уқувли бўл, бўл етук.
Мирзо Улугбек мисол!

Вв

Воҳа, водий, вилоят.
Ватаним чексиз ва кенг.
Вазифамиз ҳамма вакт.
Асраромок, эсда тутинг!

Ҳҳ

Ҳўроз харид қилдим мен.
Хоразмга борганда.
«Хива хони бўлдим мен»
Ҳўрозимга ёлғондан!

Йй

Иллар силиб ўтади.
Ҳали йигит бўламан.
Йиқитаман йўлбарени.
Ҳозирча ёш боламан!

Зз

Зийрак бўл, бўлма заҳар,
Забонинг бўлсин ширин.
Илм – зар, олим – заргар.
Зарафшон ўтсин умринг!

Ўў

Ўзбекистон – ўз ўлкам,
Ўқтам, навқирон, кўркам.
Ўтмиши – ўта чуқур.
Ўқ томири мустаҳкам!

Ғғ

Ғаниғиңшиб турибди,
Ғайрати ҳам кам чоги.
Ғар-ғара ҳам килибди.
Оғриганми томоги?

Шш

Шаршаралар шаркираб,
Шиддат ила шошади.
Шодлан, ШараФ, кел, караб,
Шижаатинг ошади!

Чч

Чирокчида чироклар.
Чараклайди чароғон.
Чашма, зилол булоқлар.
Чанқагангча чин дармон!

Нг нг

«Кел» дегандан «келинг» деган гүзалрок,
«Ол» дейишдан «олнинг» демок чиройли.
«Нг» товушли сўздан ишлатинг кўпроқ.
Одобингиз ошади шу туфайли!

Ъ (Тутук белгиси)

Менман тутук белгиси,
Айиришни биламан.
«Ваъда», «баъзан», «маълумки»
Сўзларида қсламан!

Яя

Яйра яйраб кулгаңда,
Ярашади жудаям.
Яшнаб-яшнаб юрганда.
«Яша, кизим», дер онам!

Юю

Юсуф югуриб келди,
Юраги тошиб деди:
«!Ор, тогларга чикамиз,
Йүқ дема, дүстим, энди!»

Ес

Етти ўлчаб, бир кесгин,
Етишгайсан муродга.
Енгил бүлма, бүл вазмин,
Етакламас уятга.

Ёё

Ёлгиз ётма овлокда,
Ёмон инсу жинслар бор.
Ёлғон эмас Ялмогиз,
Ёки пари кизлар бор.

Ци

Шер күрдим циркка борсам,
У доирада айланди.
Билмам, бу доирани ҳам,
Циркул билан чизганми?

«Алифбе»нинг якуний сўзи:


— Балли, ўғил-кизларим,
Харф ҳамда товушлар!
Билимингиз синадим,
Сизга бўлсин олқишлиар!

Қойил колдим чин дилдан,
«Алифбе»ни билдингиз.
Маъноли шеърлар билан,
Мени хурсанд килдингиз.

Такрор омад тилайман,
Олдинда кўп довон бор.
Сиз севган, сизни севган,
Озод Ўзбекистон бор!

БОЛАЛИКДАГИ ИЛК ШЕЪРИМ

Ўзим инжиқ боламан,
Урсанг йиглаб қоламан.
Агар конфет берсангиз,
Ҳеч тортишмай оламан.



ВАТАНИМ

Улугвор төглари бор.
Сарҳадлари кенг Ватан.
Водийлари мафтуңкор.
Воҳалари ҳам гулшан.

Ҳар инсони бир олам,
Мехнаткаш ҳамда зукко.
Мехрибон, аҳил, ҳамдам.
Фузало, окил, доно.

Чўлларида саботли.
Миришкорлар яшайди.
Қовуни бирам тотли,
Еган диллар яшнайди.

Боғлари мевага лик,
Терсанг адo булмайди.
Күёшимиз ҳам иссиқ.
Нури зарга ўхшайди.

Амударё, Сирдарё,
Сурхон, Қашқа, Зарафшон.
Этар ерга жон ато,
Ҳосиллар бўлар хирмон.

Шаҳарлари кундан-кун,
Кўркамлашар, яшаар.
Кўчалари равон, кенг,
Учади машиналар.

Куз тегмасин юртимга,
Мадҳи тилларда достон.
Тинч, озод диёр, сенга.
Тилай шараф, тилай шон!

БОГБОН ҲАҚИДА ЭРТАК

Богбон бозорга борди,
Яхши күчатлар олди.

Уйга келиб ўтқазди,
Роса меҳр кўргазди.

Сугорди, чопди тагин.
Бутади шоҳ-шаббасин.

Мол-холга бўлди огоҳ,
Ташламасин еб ногоҳ.

Фурсат ўтди. ўтли вакт.
Қийғос гуллади дараҳт.

Мева тугди шигиллаб,
Ҳавасинг келар караб.

Томири сувни шимиб,
Ўзи қуёшни эмиб.

Мевалар бўлди йирик,
Олтиранг пишди ўрик.

Еганлар килди маза,
«Рахмат, бобожон, сизга!»

Ёпдилар мурабболовар,
Туршаги қанду шакар.

Ичсанг ўрик шарбати,
Бўлар юрак куввати.

Едилар данагин ҳам,
Даво, минг дардга малҳам.

Йиллар ўтди шу зайл,
Озмас, кўпмас, нақд қирқ йил.

Боғбон бобо кексайди,
Оек-қўли какшайди.

Ўрик ҳам колди кариб,
Баъзи шохлари қуриб.

Боғбон хаёлга толар:
«Касбим ким қўлга олар?»

Аlam билан хўрсинар:
Қани навкирон йиллар?!

Неварадалар шаҳарда,
Йўқдир улардан фойда.

Нахот, қурийди боғим,
Афсус, кексайиб колдим.

Бу ёқда хафа ўрик,
Бобо дардига шерик.

Тушган данакларидан,
Ниҳоллар униб чиқкан.

Бирок бу етарлимас,
Меҳрсиз бօғ бօғ бўлмас.

«Ким қарап, сугорар ким?»,
Саволга борми ечим.

«Ўт-ўланлар босибди,
Навниҳолни қисибди».

Бобо ҳорғин ўй сурар,
Ўрик оғир хўрсинар.

Лекин кун ўтиб бир кун.
Ечилиди савол. тугун.

Шаҳардан набираси,
Келиб, кулди чехраси.

Дили қувониб кетди,
Оғрикларни унутди.

– Кел, боламнинг боласи,
Кўзимнинг оқ-кораси.

Яхшими даданглар ҳам,
Оҳ, согиндим жудаям.

Нега бирга келмади,
Балки кўпдир ишлари?

Майли, ёзда келишар.
Ўрик, олма ғарк пишар.

Мени шод этдинг, болам,
Уйга кириб олгин дам.

Мен сенга қўяман чой,
Айвонга тўшайман жой.

– Йўқ, уринманг, бобожон,
Сизга эмасман меҳмон.

Бугундан эътиборан,
Мен сиз билан яшайман.

Кунидирдим дадамни хам,
Меҳрибон аямни хам.

Богбон бўлиш ниятим,
Асли шунинг-чун келдим.

Мехнат қиласман боғда,
Ўқийман шу қишлоқда.

Менга боғни кўрсатинг,
Ва ишларни ўргагинг.

Келдим айти баҳорда,
Рост, зерикдим, шаҳарда.

Кўчатларни қадайлик,
Бокка бирга қарайлик.

Набираси суйларди.
Дил шукрга тўларди.

Бобо тинглаб шодланди,
Гўёки кувватланди.

Кўкка етди-ку охи.
Энди қуримас боги.

Икковлон чой ичишди,
Сўнгра ишга киришди.

Ўрикнинг ниҳолларин.
Қадашди бирин-кетин.

Бобо ўрик хам хурсанд.
Кўлдан кетмади фурсат.

Энди иихоллари хам.
Томир отар мустаҳкам.

Кийналмайди сояда.
Дуркун етар вояга.

Ўсар, кирап мевага.
Етар ҳамма-ҳаммага.

Анъана этар давом.
Эртагим бўлди тамом.

БУЗОКЧАМ

Бордир кизил бузокчам,
Чопади тойчок каби.
Уришиб, боғлаб қўйсам.
Диккаяди қулоги.

Барра ўтлар ташлайман,
Танлаб-танлаб ейди у.
Онаси ўтлаб қетган,
«Қани онам?», дейди у.

«Онанг келар шом чоғи,
Елини сутга тўлиб.
Менга колдирмай тагини,
Сутни қўймагин эмиб».

Иккимиз шундай килиб,
Сўзлашамиз, ўйнаймиз.
У эмиб, мен сут ичиб,
Кундан-кунга ўсгаймиз.

ЯЛҚОВ

Бир иш айтса афти бужмайиб,
Баҳона қидирап дангаса.
Хаёл сурар: «Ҳали улгайиб,
Бой бўламан, бойийман роса».

Миндираман онажон, сизни,
Ана шунда олиб бир улов.
Ҳозир эса ишларингизни,
Қилсин акам, укам ё биров.

Масъулият деган хис-туйғу,
Унда йўқдир ялқовлик сабаб.
Бир соатки, тополмайди у,
«Ўт юл» десанг ўрокни излаб.

Бурч нима-ю, вазифа нима,
Билмас ёки қилмайди амал.
Унга юмуш айтгандан кўра,
Ўзинг бориб килганинг афзал.

У жуда ухлашни хуш кўрар,
Тушида бадавлат бўлганмиш.
Ўйғотсанг, турмайди туш кўрар.
«Мерседес» машина минганмиш.

Оҳ, кандай мазали, ёкимли,
Уйғонса, бариси туш бўлар.
Саробга менгзарлар ушбуни,
Куп-куруқ, кўллари бўш бўлар.

Ялков бола, ҳомхаёл бола,
Бекорчига сарфлама вактинг.
Яхши ўки, меҳнатдан кочма,
Шунда кулар, толеинг, баҳтинг!

НАВРҮЗ – ЭҢГ ГҮЗАЛ АСАР

Яңги йилга Корбобо-ю Коркиз ярашган.
Наврүзга-чи, янгиланиш, күкламлар хусн!
Сулув кизлар ўсма тортар камон қошига.
Гүё бахор чечагидек этади мафтун!

Чумолилар ғимирлашиб чиқар инидан,
Яйрашади күзичоклар яйловда чопиб.
Ұпгим келар қулогидан, мунчок күзидан,
Жажжигина, ширингина, қолди-ку ёкиб.

Күзин очар она замин кишки уйкудан.
Эзгу ният ила чигит сочади дәхкон.
Жами юртдошларим қалби умидга түлган.
Илоҳо, йил яхши келиб, ўюлсин хирмон!

Моможонлар қўзгашади катта козонда,
Бикир-бикир килиб рангга кирап сумалак.
Бир ялами танга кувват, жонга дармон-да,
Айни «йўғон чўзилган» пайт зарур яламак!

Келинларнинг келинсалом қилишин кўринг.
Миллий либос – хонатласи бирам ярашган.
Отахонлар алик олар: «Кўп яшанг, келин!»,
Қадриятлар кадр топган ўлка бу Ватан!

Жилмайганча күёш күкдан меҳрин аяmas,
Чах-чах уриб ошик булбул наво айлайди.
Нафакат у, бор мавжудот севгидан сармаст,
Мусичалар «ку-ку»лашиб, жуфтин қувлади!

Бу томонда паҳлавонлар кучин синайди,
Улок қизир, күпкарида чопагон бисёр.
Бахши бобо ўланини куйлаб тўймайди,
Янги таронасин тақдим этар санъаткор!

Табиат-да, тунд булутлар қоплаб осмонни,
Шаррос-шаррос ёмғир ёғиб, майсани сувлар.
Алмашади мұчаллар ҳам, қутланг бу онни.
Наврўз куни яралади энг гўзал асар!

ШАҲАР ЯХШИМИ, ҚИШЛОҚ?

– Шаҳар яхшими, қишлоқ,
Айтгил, менга эй ўртотқ.
Ҳар икки гўшада ҳам,
Яшадинг, айт хуносанг.

– Шаҳарнинг боғчасида
Ўргандим кўп нарсани.
Русча сўзлашиш ҳамда
Ва оз-моз инглизчани.

Ҳар қадамда спорт зал,
Тўғараклар чорлайди.
Бўш вақтга мазмун сайқал,
Хуллас, ҳаёт қайнайди.

Қишлоқда бошқача гап,
Далалар тўла экин.
Ҳавасинг келар караб,
Қовунлари зап ширин.

Шундай узиб пайкалдан.
Ювиб, сўйиб, тотасан.
Ишлаб роса далада.
Чарчаганда ётасан.

Кўй, эчки, сигир, бузок.
Бок, давлатинг ошади.
Шаҳар ахлига қаймоқ,
Қишлоқларда «пишади».

Күл ботирдир. күз күркөк,
Күркмадик ҳеч бир ишдан.
Үт ўриб кучок-кучок,
Емиш ғамладик қишига.

Чўмилиб дарёларда.
Тойчок мисол кишинадик.
Қишида қайтиб шаҳарга,
Иссик уйда кишиладик.

Хуллас, шаҳару кишилок.
Файзи ҳар хил, ўхшамас.
Керак кадрига етмоқ,
Ватанингедир мукаддас!

АЗОБДАН ҚОЧМА

Ота ва бола
Сұхбат куришар.
Ора-сирада
Хаёл суриншар.

Ота ўйлайди:
«Үғлим улғайди.
Касб танламаса,
Энди бўлмайди».

Ўуди эркарок.
Ҳеч иш ёкмайди.
Ўкувчи, бирок.
Ўқиш ёкмайди.

– Ўғлим, – дер ота. –
Бирор касб танла.
Сўнгра, албатта,
Бунга тайёрлан.

Мухташам коллаж,
Имконлар гиж-гиж.
Сенга мунтазир,
Ўки-да, ахир.

Ўғил дер: – Хўп, хўп,
Ўйлаб олайин.
Касбу хунар кўп.
Танлаб олайин.

Үн олтига ҳам,
Етди-ку, ёши.
«Ким бўлсам, экан?»
Қотади боши.

Бўлсам шифокор,
Заҳмати бисёр.
Етти-саккиз йил,
Ўқимоқ даркор.

Китоб титкилаб,
Чарчайди асаб.
Муаллимлик ҳам,
Эмас осон касб.

У деса, бу деб.
Бу деса, у деб.
Топар баҳона.
Ҳар касбга ҳадеб.

Кўргани ўйин,
Нон-оши тайин.
Шунгами ҳар иш.
Туюлар кийин.

Мана меваси,
Бўм-бўш калласи.
Бу ёқда жавоб
Кутар дадаси.

– Меҳнатсиз нон йўқ.
Касбсиз имкон йўқ.

Үғлим, дейсан не.

Бирор нима де.

— Дада. — дер үғли, —

Гапингиз түгри.

Бир оз ўйлайин,

Айтаман сүнгра.

У ўйлар ҳамон,

Касб излар осон.

Хүп, излайверсин.

Топиши гумон.

Үйинқароклар,

Бебош, саёклар.

Холи шу бўлар.

Баттар, бўл, баттар.

Хулоса сўзим,

Эй, ўғил, кизим.

Йўк, бекорликни,

Кургани кўзим.

Китобсевар бўл,

Мехнатсевар бўл.

Азобдан қочма,

Роҳати мўл-мўл.



Пок муҳаббат қиссаси

Дил сўзлари, юрак қофиялари

*Томиримда тоза қон,
Оқар чотиб, беармон.
Вужудимда ошиқ жон,
Юрт шиқи деб андармон.*



ҚИСКАЧА ЎЗИМ ҲАҚИМДА

Ота-онам, болалик йилларим

1978 йилда Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани Мехнатобод ширкатлар хўжалиги Каҳрамони кишилогида ишчи оиласида тугилдим. Оғам Үрол бобо Абдиев – хўжаликда тракторчи, онам Норхол момо Үтқирова эса колхозчи бўлиб ишлашган. Ҳозир ҳар иккиси ҳам нафакада.

Гўдаклик чоғларимда бобом Абди бува менни тиззаснга ўтказиб, кўплаб достонларни ўқиб берарди. Бобом ориятли чаандоз, сахий, элларвар киши бўлган. Адабиётга кизикиш менга бобомнинг достонларидан юккан, десам асло адашмайман.

Болалигимдатурли спорттурларини, жумладан, футбол, чим устида хоккей, шахмат ва шашка ўйинларини севиб ўйнардим. Укаларим ва жиянларимдан жамоа тузиб, кишлоқдаги бошқа командаларга қарши ўйинлар ўтказишни яхши кўрадим. Кори Ниёзий номидаги 13-ўрта мактабни тугатдим. Дарвоке, биринчи муаллимим – Дониёр Ёрматов, каттиккўл ва тажрибали устозлардан. (Кишлоқда уни Оргик домла дейишади.) Она тили ва адабиёт фани ўқитувчилари Тухли домла Жўраев ҳамда Равшан Яхшибоевнинг (рахматли) бизга берган чукур сабоклари адабиётга бўлган кизикишимни оширгани аник.

Синфимизнинг футбол жамоаси дарвозабони эдим. Ўша даврлар Москванинг «Спартак» клуби ҳамда собик Игтифок терма жамоаси дарвозабони Ринат Дасаев анча машхур эди ва дарвозада яхши турганим учун синфдошларим мени Дасаев деб чакиришарди. Параллел синфимиз («Б» синф). Юкори синфлар ва қўшни кишлоқ жамоалари билан муросасиз ўйинлар ўтказардик.

«А» синфда Зокир Туропов, Зокир Қораев, Баҳром Холиёров, Баҳром Дониёров, Шоҳмурод Маташев, Отабек Яхшибоев, Учкун Бесназаров, Ақбар Эшонкулов, Обид Жуманов. Икром Пардаев каби синфдошларим, «Б» синфда эса Мустафо Эргашев, Зафар Ражабов, Шуҳрат Тойлоков.

Бахром Мансуров, Бахром Тўраев, Баҳриддин Қодиров, Ҳайрулла Мұхаммадиев, Жўрабек Эргашев, Улуғбек Оролов, Зокир Оролов, Үрол Махмудов, Ғанишер Үтқиров. Махмадамниң Жўраев сингари тенгқурларим мактаб майдонининг чангини чиқариб тўп тепишарди.

Орамизда яхши ўқийдиганлар кўп эди, бироқ танаффусда тўп тениб тўймаганимиз боис, бирор марта ҳам дарсга ўқитувчидан олдин кирганимизни эслай олмайман.

Ёшлигимда иқтисодчи бўлишни ва қайсиdir раҳбарлик лавозимида ишлаб, инсонлар оғирини енгил қилишни орзу қиласардим. Аммо спортга бўлган қизиқишим бу орзумдан устуницлик қилди... Ҳаётим ижод билан янада каттикрок боғланди.

Ижоддаги илк олимлар

Ижодга кириб келишим ҳам бевосита спортга, футболга бўлган ашаддий ишқибозлигимга bogлиқ. 3-синфдалигимданоқ ўша пайтдаги спорт нашри «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасига обуна бўлгандим. Кейин бу газета «Спорт» номи билан чиқа бошлади. 1993 йилдан бошлаб эса «Ўзбекистон футболи» газетаси дунё юзини кўрди.

Биз оиласиз билан бу газетани талашиб ўқирдик. Мустафо Эргашев деган ўртоғим билан биргаликда футбол ҳакида соатлаб сухбатлашардик.

Уша пайтда бутун Ўзбекистон Тошкентнинг «Пахтакор» жамоасига муҳлислик қиласарди. Қишлоқда чирок ўчиб колганида «Пахтакор»нинг ўйинини кўриш учун туман марказига бориб, ҳамкишлогимиз Ҳурмат опаникидан учрашувни томоша килганларим ёдимда.

«Пахтакор»нинг ўйинлари таассуротларини дафтаримга ёзib борардим.

Таҳририятга хатлар ёзардим. «Ўзбекистон футболи» газетасининг «Муҳлислар клуби» саҳифасида бир нечта мактубларим чиқди. Орадан 20 йил фурсат ўтган бўлса-да, бу газеталарини саклаб қўйганман.

2001 йилда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги нашри – «Спорт» ва унинг иловаси ҳисобланмиш – «Ўзбекистон футболи» газеталарига сураткаш-мухбир лавозимига ишга кирдим. Орадан бир йил ўтиб, мени муҳбирликка ўтказиши.

2000-2001 йилларда футбол ҳакидаги фикрларим, ўйинлар тахлили, жаҳон ва Европа чемпионатлари тафсилотларини ўзида жамлаган «Футболнома» деб аталган шеърий достонни кораладим. Менинг оддий кишлоқдан, яна ўрта мактаб маълумоти билан Республика газеталарига келиб колишимга ҳам ушбу достон ҳамда меҳрибон устозларим ишончи сабабчи бўлса керак.

Пойтахтда тонгандарим

Пойтахт менга жуда кўп нарсани берди, десам асло муболага бўлмайди. Бу ерда олий маълумотли бўлдим, оқу корани танидим. Муҳбир сифатида республиканизнинг тапиқли кишилари – Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиеv, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Аҳбор Имомхўжаев, ҳакикий спорт фидойиси Йўлчибой Раҳимжонов, тажрибали мураббийлар Эркин Қодиров, Клара Шокиржонова, Исмоил Матхолиқов, унинг ўғли, гандбол бўйича мамлакат терма жамоаси етакчи аъзоси, таъбир жоиз бўлса, юлдузи ва ўйновчи-мураббий Улуғбек Икромов, футбол бўйича миллий терма жамоамиз ва «Бунёдкор» клуби устози Миржалол Қосимов, касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти ривожига бемисл ҳисса қўшган мутахассис Баходир Тоҷиев, футбол фахрийси Баҳодир Иброҳимов, Республика техник ва амалий спорт турлари маркази директори Шарифжон Мўминжонов, ўзбек гандболининг жонкуяр мураббийлари Фирдавс Абдураҳмонов, Шоислом Павлов, Маданият ва спорт ишлари вазирининг спорт ишлари бўйича ўринбосари Жасур Акромов, от спорти бўйича жаҳон чемпиони Жўракўзи

Турдиматов, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов, Ўзбекистонда пауэрлифтинг спорт турини ривож топишига катта хисса қўшаётган мутахассис Эркин Қодиров, ўзбек футболининг мозий юлдузларидан Биродар Абдураимов, Акмал Азизхўжаев (марҳум), таэквондо ITF ва ўзбек жанг санъати бўйича юзлаб чемпионларининг устози Пўлат Усмонов, Ўзбекистон самбо федерацияси президенти Фазлиддин Пўлатов каби инсонлар билан кўп марта ҳамсухбат бўлдим, билмаганларимни ўргандим, улар ҳақидаги мақолаларим республика матбуотида бир неча бор чоп этилди. Буларни дилим фахр ва ифтихорга, шукронага тўлиб ёдга оламан.

Камтарона меҳнатларимни эътиборга олиб, 2008 йил Матбуот ва Оммавий аҳборот воситалари куни арафасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Йилнинг энг яхши спорт журналисти» танловида ғолиблар сафида тақдирлади. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари комплекси томонидан 2009 йил якунлари бўйича мени «Йилнинг энг фаол спорт мухбири» деб топишганидаги қувончимни таърифлаш қийни...

Шунингдек, 2009 йил якунида Ўзбекистон Касаба ўюнмалари Федерацияси кенгаши ва “Ишонч” газетаси таҳrirиятишининг «Инсонга наф келтириш – олий баҳт!» танловида «Чемпионнинг отаси» сарлавҳали мақолам учун профессионал журналистлар ўртасида иккинчи ўринни беришиди. Бу ҳам жуда ёқимли хотираларимдан.

Устозларим

Устозларим кўп. Масалан, суратга олиш сирларини ўргатган инсон Жонузоқ aka Эсиргадиев. У киши Чирокчи туманидаги етакчи сураткашлардан.

Мени Тошкентга олиб келиб, «Футболнома» достоним билан «Спорт» газетасига олиб борган инсон эса Эркин

Эсиргадиев. Таникли журналист. Ўзбекистон телерадиокомпанияси мухаррирларидан. Жонузоқ аканинг укаси.

Эркин акадан кўп нарсани ўргандим. У кини ҳалол, меҳрибон. Пойтахт мухитида ўзининг қимматли маслаҳатлари билан менга устозлик килди. Уйидан жой бериб, янгам билан меҳр кўрсатди.

Тошкентда Ахборака Имомхўжаев, Шерали Ҳабибуллаев, Тўлкин Рўзиев, Ҳайдар Акбаров, Ойбек Юнусов, Эркин Холбобоев. Аслиддин Болиевлардан спорт журналистикаси сир-асрорларини ўргандим.

Бир неча йилдан бўён «Ишонч» газетасида ишлатган бўлсам, бу ердаги устоз журналистлар — Абдухолик Абдураззоков, Зайниддин Рихсиев, Довуд Мадиев, Жаҳонгири Шароффбоевлар менга ўз кўрсатма ва маслаҳатлари билан мураббий бўлишди.

Инсонлардаги гўзал фазилатлар

Халқпарварлик ва очиккўнгилликка етадигани йўқ. Ёлғонни умуман кечира олмайман. Ростгўй, бировлар ютуғидан қувонадиган инсонларни ёқтираман.

Ёқтирган ёзувчи ва шоирларим

Киши канчалик кўп китоб ўқиса, унинг шунчалик билими ошади, дунёкараши кенгаяди. Бу айникса, биз мухбирларга жуда тегишли. Бадиий асарлар, гўзал шеърлар жону дилим. Абдулла Қодирий, Абдулла Қаххор, янги ўзбек адабиётидан Тохир Малик, Тоғай Мурод... Шоирлардан Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, Ҳамид Олимжон ижоди чексиз даражада гўзал...

Махмуд Тоирнинг шеърлари ҳам мени мафтуни этади.

Замон ва ҳаёт ҳакила

Замонавийлик ўзгарувчан бўлади. Бугун сочингизни корага бўясангиз, эртага сарикка бўяб, кўчага чикасиз. Бир кун лабингизга лаб бўёк суртсангиз, иккинчи кун бўямай чикасиз. Бу бўяниш сизга ёқса, албатта, қилинг. Аммо у атрофдагиларга ҳам маъкул келсин-да. Сен бой яшасангу, кўшинингнинг иқтисоди ноҳор бўлса, демак, унга ёрдам, кўмак кўрсатиш керак. Менинча, оддий ва самимий яшасак, ҳар қандай замонда ҳам ҳаётимиз ўзимиз хоҳлагандай ширин, тотимли бўлади.

Орзуларим

Худога шукр, уч нафар ўғлим бор. Ота-онам, бобо-бувилярим дуоси остида уларни сог-саломат вояга етказсам, яхши хулкли, элпарвар килиб тарбияласам, дейман.

«Ишонич» газетасининг шиори «Инсонга наф келтириш – олий баҳт!» Бу шиор менга жуда ёқади. Ҳаётимда қўлимдан келганча яхши инсонларга ёрдам берсам, жамиятга заррача бўлса-да, нафим тегса дейман. Ҳеч кимга кераксиз бўлиб яшашдан Худо асрасин!

Ҳар бир нарсага босқичма-босқич эришилади. Худо хоҳласа, ишларни тўғри йўлга кўйиб, яхши, иқтисоди бакувват кишига айлансан кўлимдан келганча одамларга моддий ва маънавий томондан ёрдам кўрсатишга ҳаракат киласман.

Тилакларим

Президентимиз ёшларга катта ғамхўрлик кўрсатяпти. Баркамол, максадлар сари дадил интиладиган ёшлар давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланяпти. Бу – жонажон Ўзбекистонимизнинг эртаси янада порлоклигидан далолат. Демак, бефарқ бўлишга ҳакимиз йўқ. Истайманки, ўтаётган ҳар бир куни сарҳисоб килганда ҳар бир ўзбек

келажагимиз учун нимадир яхши иш килган ёки шундай иш килинганининг гувоҳи бўлиб чикайлик. Шундагина Юртбошимиз айтган буюк келажакни куришга ўз улумизни қўшган бўламиз.

Кисқача айтганда, тилагим – ҳеч ким ноумид бўлмасин. Умидвор бўлганларнинг умидлари ўлмасин!

Томиримда тоза кон,
Окар чопиб, беармон.
Вужудимда ошиқ жон,
Юрт ишки деб андармон.

Сирлидир олам, замон,
Саволи кўп, сергумон.
Ажратмок эмас осон,
Ким яхши-ю ким ёмон?

Умидим – куч, сабрим – шон.
Улар рухимга дармон.
Бобомдан қолган виждон,
Ийоним менга посбон.

Шиорим: «Ақмал, уйгон,
Хисоблидир ҳар бир он.
Умр – бу окар уммон,
Окиб кетма бенишон!»

Ҳаёт ўзи мураббий

Ўзим ёшлигимда эртакларни, бадинй адабиётни ўқишни ёқтиардим. Туман марказига борсам, албатта, китоб дўконига кириб, қандайдир китоб сотиб олардим.

Спорт соҳасида ғалабалар йўлидаги машаққатларни озгина бўлса-да очиб берсам. дейман. Қолаверса, неча-неча инсонларга иш бериб, уларнинг таъминотини килаётган иб-

ратли корхоналар ҳакида, шунингдек, ҳалол, фарнштасифат инсонлар ҳаётидан лавҳалар ёзсан, дейман.

Ҳаётнинг ўзи мураббий. Ўтаётган ҳар бир күп, ҳар бир сония бизга ўз сабогини беради, вакт аталмиш олий ҳакам йўл қўйгани хатоларимиз жавобидан воқиғ этади, огоҳликка ундаиди.

Инсон ҳаёти сирли. Ҳар бир инсон баҳтли бўлишга ҳақли. Баҳтли инсонлар ҳаётини намуна қилиб ёзсан-у, яна кимиnidir баҳт сари бошласам дейман. Мен ҳаммани баҳтиёр кўришни истайман.

Ҳаёт ўзи мураббий,
Ҳикматdir ҳар лаҳзаси.
Ўрганар ундан табиий,
Сабоқ истаса кимки.

Эрта тонгдан токи тун
Дедим: «Юрай сурнимай».
Лекин Шайтон ҳам борки,
Йўлдан урап кўринмай.

Мен ҳам осий йўловчи,
Ҳақдан умидвор банда.
Дедим: «Ўзинг асрарин,
Шайтон чоҳин қазганда».

Қоқиламан, тураман,
Йўл гоҳ равон, гоҳ сўқмок.
Йўлдан битик тераман,
Баҳт шудир – яшаб ўтмок.

Қўлингиздаги рисола турмуш сўқмокларида терган битикларим, кўнгилнинг армонлари, шодон ҳамда масрур онлари...

Яхши инсонларнинг ўргатганлари, эзгулик аъмолин кўрсатганлари. Яхшига ёндашиб яхши бўлайлик, яхши ишин

куйлаб, бахши бўлайлик. Зеро, қалбимдаги ўтинч битта, ҳар бир киши ўзи орзу қилган ойдин кунларга эришсин. Аллоҳ барча бандасини, бутун Коинотни ўз паноҳида асрасин!

ЮРАК

Ошиклар юраги висолга ташна.
Машшоқнинг-чи қалби наво-ла тирик.
Кимларгадир юрак ҳамсухбат, ошна,
Бирорга айттолмас дардига шерик.

Юрак мушук учун бир парча гўштдир.
Врачга маҳорат тажрибагоҳи.
Менга максад сари тугилган муштдир,
Яна хатоларим, гуноҳлар охи...

ПОК МУҲАББАТ ҚИССАСИ

Пок юрагимга илк бор муҳаббат, ошиклик меҳмон бўлган йилларни унутмайман.

...У мактабининг ховлисида дугоналари билан айланиди юарди. Рости, уни шу пайтгача кўрмагани ёки эътибор бермаган эканман. Шунчалар хушруй, шунчалар истарали бўладими қиз деганлари. Айниқса, кўзларини ерга кадаб, дугоналари орасида камтаргина бўлиб, энг орқада юришичи... Бўлмаса, ўн беш-йигирма кизнинг орасида энг сулуви ўша. Маликалардай олдинги сафда, офтобмисол кўрганнинг кўзини қамаштириб юрса арзийдиган рухсор ато этмиш Худо. Аммо у кийикдай хуркак, ибоси гулгун чеҳрасига ярашиғлик маъсума, ўз гўзаллигидан гўё бехабардек беўй, беташвиш юрадиган фаришта...

Дунёда яшайди гўзаллар,
Жуда кўп, мафтункор, саноқсиз.
Лек сенга фидо минг Акмаллар,
Айтаман тасанию адоксиз!

Бу фариштамисол кизга севгимни билдиришим осон бўлмаган. Ўйлай-ўйлай хийла ишлагандим. У укамнинг синфдоши эди. Севгим сатрларини қуидагича ёзиб, уйига бордим: «...! Мен сени якинда кўриб колдим ва гўзаллигинга шайдо бўлиб, севиб колдим. Мен сени севаман! Акмал.»

— Укамнинг, синфдошингизнинг туғилган кунига таклифнома олиб келгандим, — деб, номани қўлига тутқаздим. Хурилико хатни ўқий бошлагач, «Бўпти», дедим-да, ортга бурилиб, югурдим...

Мактабда кўриб колдим,
Яна кўрмок истадим.
Ўқишга таътил бўлди.
«Тезрок туга» кистадим.

Таътил тугади мана,
Киз ҳам келмокда, ана.
Күзлар согинган экан,
Узок термұлдим яна.

Мактабға кириб кетди,
Қадам ташлаши майин.
Юрагим бир «жиз» этди,
Севиб колганим тайин.

Уннинг рухсорин Ҳудо,
Малаксиймю яратмиш.
Күзига жойлаб ибо.
Масъум, ерга каратмиш.

Кузатаман узокдаи.
Туйгуларим бокира.
«Қандай севгим айтаман?»,
Жавоб тополмам сира.

Бирор гап-сўз тегмасин.
Огримасин пок дили.
Изхор бунчалар кийин.
Наҳот, бўлмаса йўли?

Шу ўйларда коврилдим,
Потирлаб урар юрак.
Ортиқ душвор чидашим.
Энди айтишим керак!

Нихоят, чора топдим,
У синфдош инимга.
«Таклифнома» ёзайин,
Ха, «туғилган куни»га!

Бордим, ёзиб номани,
«Сени севаман», дея.
Дилбар ҳайрон: «Акаси,
Тарқатар таклифнома?»

... Йиллар ўтди орадан,
Гүзәл ҳам балоғатда.
Янада хушрўйлашган,
Ҳаёланган, албатта.

Бир кун бордим олдига,
Күнглини билмоқ бўлиб.
«Билади уйдагилар»,
Деди дилдор уялиб.

Учрашдим онасига,
Олмок учун ризосин.
Она эса шоирга,
Лойик кўрмади қизин.

Аксинча, бир тадбиркор,
Йигитни куёв килди.
Жимгина кўнди дилдор,
Ибоси устун келди.

Энг қизиги, бир кунда,
Бўлди катта икки тўй.
Мен куёв бўлдим шунда,
У келин бўлди хушрой.

Факат жуфтимиз бошқа,
Ёрларимиз бўлакдир.
Биз содда ошиқларга,
Раво бўлди шу тақдир.

Бу менинг севги қиссам,
Аммо бахтсиз эмасман.
Бордир ширин оиласын,
Мени севган, тушунган...

Хозир ёшларга қараб,
Ошиб борар хайратим.
Ёр танлайди эрталаб,
Кечга тугар сұхбати.

Эртаси куни үзга.
Дилбар ила танишар.
Қиз йигит, йигит қизға.
Жүннатар «SMS»лар.

Индин яна бошқаси,
Үғирлайди хаёлин.
Құлтиқлашиб бөгларда,
Сайр қилишин күринг.

Менимча, бу ёшларда,
Бор-ов уч-тұртта юрак.
Е «муҳаббат» дегани.
Асли шу бўлса керак?!

БОЛАЛАРИМГА

Аллоҳга минг шукрлар бўлсинки, уч нафар ўғлим бор. Тўнгичи Суннатилло, уртаничаси Озодбек, кичиги Шарафиддин.

Амин бўлдимки, кора қўнгиз ҳам боласини оппоғим дегани каби, инсон ҳам фарзандини яхши кўрап, суйиб, эркалар экан. Айниқса, болалари гўдаклигида уларни ҳар хил эркалашлар билан чакириши, ардоклаши рост. Боласини еру кўкка ҳам ишонмай, парвона бўларкан, ота-ю она. Аммо ёши улғайган сари болаларинг ҳар хил феъл-автори шаклланар, баъзан, айтганингизни қилмай, сиздан яхшигина дакки эшлиш ҳоллари кўп бўларкан. Гоҳо асабингиз бузилиб турган бўлса, болангизни уришга ҳам мажбур бўларканси.

Табиийки, ёш болалар бундай ҳолатда йиглашади. Жаҳлингиз пасайгандан кейин-чи? «Наҳотки, мен боламни, азиз жигаргўшамни йиглатдим», дея афсусланасиз.

Сизни билмадим-у, бундай ҳолат менда кўп бора рўй беради.

Суннатиллони болалигида «Асал чойим», Озодбекни «Йўлбарсим» деб эркалатордим. Ҳозир беш ёшли Шарафиддинимни «Шакар бола», «Ширин бола» деб гиргиттон бўламан...

Гоҳо ёвнинг боласи каби,
Ўқрајман, ковок ўяман.
Хафа қилиб болаларимни
Сўнгра каттиқ қилгум пушаймон.

Фарзандларим гўдаклигида,
Ўпардим юзидан, кўзидан.
Улғаймоқда улар, шукронা.
Аммо мен хафаман ўзимдан.

Чунки айни пайтда каттасин,
Жеркиб-жеркиб ташламоқдаман.
Ҳатто бир кун урдим тарсаки,
Афсусдаман, сўзимга ишон!

Үртансасин «Йўлбарсим» дея.
Опичлардим чарчок билмасдан.
Мажбур бўлдим, сўқдим униям,
Кечир, тўхта, болам, йиғлашдан.

Кичигини «Шакар болам» деб,
Эркалайман, караб тўймайман.
Бир кун келиб униям жеркиб,
Ташламайин, дея ўйлайман.

Рост, каттикўл бўлмоқ ҳам керак,
Мураккабдир таълим, тарбия.
Қўл ураг, тил сўкар, лек юрак,
Эзиларкан, «урманглар» дея.

Тарбияли бўлинглар, дейман,
Деманг, «Дадам кўраркан ёмон».
Уришишимга сиз йўл қўйманг,
Мен сизларни севаман ҳамон.

Сизлар асло нокобил эмас.
Умидларим сизлардан улкан.
Яхши ўкинг, килишсин ҳавас,
Манфаатдор бўлсин эл, Ватан!

ЁШИМНИ СҮРАМАНГ

«Ишонч» газетасига эндиғина ишга киргап пайтларим.
Янги хамкасбим, хамхонам Шарофат опа Норкулова сүради:

- Акмалжон, неchanчи йилда тугилгансиз?
- Мен хам саволга савол билан жавоб қайтардим:
 - Нечанчи йилга ўхшайман?
 - Олтмиш саккизинчи йиллар бўлсангиз керак...
 - Топдингиз, – дедим жилмайиб. Аслида эса 1978 йилда тугилганман...

Кўзгуга бокаман, юзимда ажин,
Кундан-кун кўпаяр соchlаримда ок.
Илгари шошилиб, чакқон юрардим,
Бугун эҳтиёткор одимлар оёқ.

«Нечага кирганга ўхшайман?», дея.
Ёшимни сўрагап аёлдан сўрдим.
Унинг тахминини эшитган чоғда,
Ўзимни ўн ёшлар кексайган кўрдим.

Демак, мен хозирги ёшимдан кўра,
Чамаси ўн ёшлар кариб колибман.
Яна ўн ёшларга карисам керак,
Жувоннинг тахмини ботиб қалбимга.

ГҮЗАЛИМ-ЭЙ...

Гүзалим-эй, юрагимга наволар бер,
Чорасиз бу дардларимга даволар бер.
Эриб битсин, қалбим тубидаги музлар,
«Севаман» де, севгингдан сен садолар бер.
Хеч ким севмас, менинг каби шайдойингман,
Бир оғиз сўз. «Севаман» де, адойингман.

Умидсизлик камраб олган чоги мени,
Юз ўгирса хатто дўст, ўртогим мени.
Сендан ўтинч, ташлаб кетма тагин мени,
Мажнун кимdir? Мажнун менман, шайдойингман.
Бир оғиз сўз, «Севаман» де, адойингман.

Бу дунёда кўрдим тубсиз муаммолар,
Фараз, ҳасад, кибр, ғурбатли савдолар.
Яна ишкни ўйин билған бевафолар,
Аламларим арит мени, шайдойингман,
Бир оғиз сўз, «Севаман» де, адойингман.

Турмуш канча мушти бўлса, менга берсин,
Ғанимларим ўчи бўлса, келса, келсин.
Гар эзмокни истасалар, эза колсин.
Эзолмайди, севгинг кучдир, шайдойингман,
«Севаман» де, шу бир сўзинг адойингман.

«Бахтинг учун кураш», дея ишончим бўл,
Ғанимлардан йиглаганда, юланчим бўл.
Рафиқам бўл, азизам бўл, қувончим бўл,
Аҳдимсан сен, баҳтимсан сен, шайдойингман,
Бир оғиз сўз, «Севаман» де, адойингман.

ЯШАГИМ КЕЛАДИ, КЕЛМАЙДИ

Гоҳо жуда-жуда сикиламан. Ўзимнинг феъл-атворим, менга бўлаётган муносабатлар бунга сабаб. Гўё, дунё кўзимга коронгу бўлиб кетгандек бўлади. Доимо эмас, аммо бавзуда яшашдан тўйиб кетаман...

Ғарибу нотавон тугилдим,
Гўёки заъфарон тугилдим.
Комилмас, бир нимжон тугилдим,
Яшагим келмайди ўиласам.

Яқинларим меҳрин аямай,
Боқдилар полапон боладай.
Мен эса чиқмадим кутгандай.
Яшагим келмайди ўиласам.

Ўқидим, кўп нарса ўргандим,
Лек кўпdir билмайин юрганим.
Саволга кўмадир кўрганим,
Яшагим келмайди ўиласам.

Хотиним гапимга кирмаса,
Фарзандим айтганим қилмаса.
Эр кимдир, ота ким билмаса,
Яшагим келмайди ўиласам.

Ўзим ҳам оппоқмас, подонман,
Нафси бор, феъли тор, шайтонман.
Худбинлик бобида султонман,
Яшагим келмайди ўиласам.

Рост сўзлаб, ёлғондан жиркандим,
Фарқлолмай хар гапга ишондим.
Бақрайиб алдашса, тўлғондим.
Яшагим келмайди ўиласам.

Дүйстларим күп эмас, жуда кам.
Муттаҳам чиқади дүйстим хам.
Қанийди, содик дүйст тополсам.
Яшагим келмайди ўйласам.

Нұксонлар күп экан, санасам.
Армонлар күп экан, карасам.
Сизга ёқаманми, яшасам.
Яшагим келмайди, ўйласам.

Шеър келди, асабий чоғимда.
Хазонрез түйғулар богимда.
Лек умид йүқ эмас қалбимда,
Яшагим келади ўйласам.

Худойим, кечиргін гунохим.
Ұзингсан, ҳар дамда панохим.
Күзёшим артгувчи ҳамрохим,
Яшагим келади қўлласанг!

Яшагим келмайди, келади...

БОЛА КУЛСА

Болаларга беринг дунёни,
Қалби гардсиз, тоза бўлади.
Бола кулсин офтоб мисоли.
Бола кулса олам кулади.

У сизга «Уй қуриб бер» демас,
Сўрамайди тилла тақинчок.
Унга дунё, давлат керакмас,
Олиб беринг оддий ўйинчок.

«Алдагани бола яхши» деб.
Ҳар кадамда алдаманг уни.
Билмаганин туриңг ўргатиб,
Сўрайверар улар у-буни.

Мехр беринг; ажратинг вактни,
Иш-иш, дея алданманг бехос.
Аллоҳ Сизга берди фарзандни,
Богча опа қўмакчи, холос.

Фарзанд сизга таклид килади,
Қаранг, қандай гўзал манзара.
У сизнинг эртангиз бўлади,
Худди сиздай ўстирап бола.

Навниҳоллар ўқсиб колади,
Эру хотин жиккамушт бўлсак.
Тотув бўлсак, шодон кулади.
Бола кулса, кулар келажак!

МЕН ШОИР ЭМАСМАН

Менинг ёзганларим шеър эмас,
Ташбек, ок шеър унга бегона.
Битмам ғазал, туюк, мухаммас,
Шоирликка даъвом йўқ яна.

Фақат дилим сўзларин ёзиб,
Когоz ила қураман сухбат.
Қаламим ҳам ӯзимдек озиб,
Ёмонларга сочади нафрат.

Шодланаман яхшини кўрсам,
Яхши гапи жонимга озик.
Гўзал дунё – менинг маҳбубам,
Мен оламга мафтун бир ошик.

Гўзалликдан қувнайди кўзим,
Яратган Ҳак буюк мусаввир.
Кандайин жим турмоклик мумкин,
Юрак тошса уммондек, ахир.

Ёзганимда асрорлар ҳам кам,
Бари оддий, барчаси содда.
Мен ортиқча жумбок истамам,
У етарли, ҳатто зиёда.

У КИМИНИНГ ҚИЗИ?

Севгилисинг кутади дилдор,
Ёри кетган узок сафарга.
Ҳар кун йиглаб олади бир бор.
Билдирмасдан лек, бирорларга.

Барчинойдек гўзал ва масъум,
Дилдор топширмоқда имтиҳон.
Согинч дарди барчага маълум.
Айниқса, ёр согинчи ёмон.

У – садоқат, вафога тимсол,
У – сабринг чин намунаси.
У – меҳрининг қизи, эҳтимол,
Ёки пок севгининг онаси...

ХАЁТ АҚИДАСИ

Онамнинг отаси – Ўткир бува Шодиев 88 ёшга кириб, оламдан ўтди. Момомиз билан ҳаёт қийинчилликларига чидаб, ўн ўғил-қизни уйли-жойли қилди. Жуда меҳнаткаш ва соғлом бўлган бобомиз узок ётиб қолишни истамай, умрининг охирги кунларини илтижо қилиб, шукронга айтиб. Худодан жонини олишни сўраб ўтказди...

Бобо кари, қулоги оғир,
Битта гапни чала эшитар.
Кўзи хира, мадори курир,
У интикиб, ўлимин кутар.

– Худо, Худо, унутма мени,
Нега энди жоним олмайсан?
Қийнамайин болаларимни,
Олаколгин, жоним. Яратган...

Такрор-такрор қиласи илтижо.
Тили тўла лим-лим шукрга.
– Раҳмат, неъматларингга, Худо.
Энди мухтоҷ қилма ҳеч кимга.

Ўн болани злга қўшди у.
Уйли қилди, мол-холли қилди.
Мол-давлатга қўймади рўжу.
Фарзанд баҳтин чин баҳт деб билди.

Ошин ошаб, яшади умрин,
Мана бугун узилди жони.
Бандасига эгмади бўйин.
Кетди мағрур, қолмай армони.

ҚҰЛЛАРИМДАН УШЛА МЕНИ, ДИЛБАР ҚИЗ

Құлларимдан ушла мени, дилбар киз,
Күнглим сенда, хушла мени, дилбар киз.
Юзларингдан нур ёгилар, нур, нур, нур.
Сүзларингдан дур түқилар дур, дур, дур.

Рухсорингни чизган Ҳаққа тасанно,
Сенга берган ибосига салламно.
Ҳаёнг билан хуснинг чандон, дилбар киз,
Кулгичлари моҳитобон, дилбар киз.

Узун-узун киприкларинг қоқасан,
Уяласан, масъум ерга бокасан.
Кимдан олдинг бу таълимни дилбар киз,
Ожиз этдинг шер қалбимни дилбар киз.

Сўзим ростдир, сен кўзгуга бокиб кўр.
Малаксиймо қархисида дадил тур.
Таърифинг топдингми сўз, дилбар киз,
Қамашгайдир, зиёдан кўз, дилбар киз.

Гулчехрангга ошик бўлмаслик маҳол,
Кунчехрангга лойик бўлмоклик маҳол.
Қанча мактай, ҳаким кетмас, дилбар киз,
Қанча мактай, қалом етмас, дилбар киз.

Қўлларимдан ушла мени, дилбар киз,
Күнглим сенда, хушла мени дилбар киз...

ВАЗИФАМИЗ

(Хази)

Гоҳида эрнинг вазифаси нима, хотин кашдай юмушиларни бажариши керак, деган саволларга дуч келамиз. Баъзи рўзгорларда аёллар пул топиб, эркак уйда бола бокса ёхуд бирор масалани счиш лозим бўлганда эр қолиб, завжа жавоб қайтарса, бошинг қотаркан киши...

Ҳажвий қаҳрамонимиз Шайди Шаробий қўйида ушбу саволларга жавоб излайди:

Хотиннинг вазифаси – уйда сигирни согиш,
Эркакнинг вазифаси – ўша сигирни бокиш.
Хотиннинг вазифаси – ширин патирлар ёпиш,
Эркакнинг вазифаси – ишлаш ҳамда пул топиш.
Хотиннинг вазифаси – эр кўнглини хушламок,
Эркакнинг вазифаси – урмоқ, тепмок, муштламок.
Хотиннинг вазифаси – кир ювиш, тикиш, бичиш,
Эркакнинг вазифаси – чойхона ҳамда ичиш,
Хотиннинг битта айби – ичишини хуш кўрмайди,
Эркакнинг битта айби – хеч ичмасдан юрмайди.
Хотиннинг вазифаси – хуррак отмаедан ухлаш,
Эркакнинг вазифаси – айтган гапини оклаш,
Шунинг учун эй дўстлар, юзта-юзта қилайлик,
Уйда хотин кутмокда, месъёрни ҳам билайлик.

ҚАРИБ ҚОЛДИММИ?

Якипда автобусга чыкдим. Бир талаба йигит ўрнидан иргиб туриб, жой берди: «Амаки, ўтиринг. Рахмат». – дедим-да, ўтирамадим. Автобус бир бекат юргач, бояги бола яна жой бўшатди: «Амаки, ўтиринг». Унинг ганига бир автобус одам менга дув этиб қарайди. Мен хижолат тортаман, ўтиришга майл сезмайман. Учинчи бекатда талабанинг илтифоти яна такрорланди: «Амаки, ўтиринг». Менда вахимали ўй пайдо бўлди: «Қарид қолибман. Йўкса, бу йигит ҳадеб жой бўшатавермасди». Ени мендан беш-олти ёш кичик йигитнинг ҳадеб «Амаки, ўтиринг» деявериши хаёлларимни паришон этиб, поилож ўриндиқка ўтирдим ва қуйидаги сатрларим туғилди...

Юзларимда буриш кўпайди,
Нешонамда тириш кўпайди.
Уғ тортиб, ох уриш кўпайди.
Қарид қолдимми?

Мендан бошлиб узатишар чой.
Автобусда бўшатишар жой.
Ёшлар «Амаки» дер, хойнахой
Қарид қолдимми?

Қирқ беш ёшли аёл «тога» деб турса,
Алам қилас экан, айниқса.
Дардим тушуумайди ҳеч кимса.
Қарид қолдимми?

Юрагимдан қувай титрокни.
Сочим тарай кийнаб тарокни.
Кўрсатайин куч, иштиёкни,
Қарид қолдимми?

КҮЗГУ

Жонон, келиб ёнимга ўлтири.
Ўзинг билан майни ҳам келтир.

Бугун мепинг күнглимини күттар.
Суғур, дилга наштарлар ботар.

Якин дўстим алдовин сезиб.
Қолдим, кара хаётдан безиб.

Дўстим мепга ёлғон гапирди.
Тинглаб туриб, коним кўпирди.

Ташна қилас эди сухбати,
Энди эса ошар нафратим.

Чин дўст ҳакда айтайнин таъриф.
Шаббода, айт номардга бориб.

Кўзгу мисол бўлади чин дўст.
Айбинг айттар юзингга рўй-рост.

Сохта дўст-чи, хо-холаб кулар,
Ютуғингдан зимдан эзилар.

Гаштаклару тўкин онингда.
Ҳозир бўлар шу дам ёнингда.

Ишинг тушса, бўлар камнамо.
Топилмас шахс. нодир, раҳнамо.

Йўқ-йўқ, менга ёрдам зарурмас.
Факат ёлғон гапирмаса, бас.

Тўлиб-тўлиб, аламим келиб,
Турибман май ичмоқчи бўлиб.

Кўйгил, йиглаб-йиглаб ичаман,
Ростгўй дўстни излаб ичаман!

СИГИРНИНГ ШОИРГА ДЕГАНИ


(Хазил)

Янги-яңги шеърларимни ўзимча маниқ қилиб, ҳовлида айланиб юрадим. Ҳаёлимда кофиялар чарх уради. Ҳовлида бօглоқлик турған сигирим менга мўлтираб каради. Унинг корни очгани шундай кўзларидан билиниб туради. Мен эса бу пайтда мавали, серёғ қаймоқлар ҳакида шеър тўкиётгандим. Охири бўлмади, сигир менга қараб тилга кирди:

— Бу ёқда бузогим слиним туртар,
Бу ёқда хотининг «Сутинг кам» дейди.
Сенинг эса умринг шеър ўқиб ўтар.
Қаймоқлар ҳакида, жонимга тегди.

Мен шоир эмасман, балки сигирман,
Менга көғозлармас, балки керак ўт.
Сен менга соатлаб шеър ўқиб берма,
Вактида ўтии бер, вактида сув тут.

Сенинг шеърларинигга қорин тўймайди.
Китоб кил, пулига ем олгин, дўстим.
Ўшанда хотининг «Сут оз» демайди.
Кўпаяр ўшанда менинг ҳам сутим...





Ҳаёт ўзи мураббий

*Фидойи инсонлар ҳаётидан
лавҳалар, сұхбатлар, мақолалар*

*Қоқыламан, тұраман,
Йұл гоҳ равон, гоҳ сұқмоқ.
Йұлдан биттік тераман,
Бахт шудир – янааб үтмоқ.*

ЗИЁДАН МУНАВVAR ДИЛЛАР

Ўзбекистон Қаҳрамони, ҳалқ шоюри Абдулла Орипов
эл-юрт фидойилари ҳақида шундай ёзиши:

Сочилиб ётади олтин ва гавҳар,
Тоғларнинг каврида ё қумлок сойда.
Кимдир заҳмат чекиб йигмаса агар,
У пинҳон бойликдан, айтинг, не фойда.

Бедов от кезади чўялларда яйдок,
Фалакка етгудек шаҳди, шиддати.
Ёвкур бир чавацдоз бўлмаса, бирок,
Айтинг, чиқармиди донги, шухрати.

Асрий жумбокни хам бир фозил ечгай,
Дарғасиз кеманинг сузмоги гумон.
Кимдир ҳаловату уйкудан кечгай.
Шундан Ватани тинч, ҳалки хам омон.

Фидойи инсонлар: балки раҳнамо,
Балки оддий зотдир – хар кайда бордир.
Улар унугтайлар ўзин доимо.
Чунки кўлловчиси Парвардигордир.

Бор бўл, эзгуликка баҳшида ҳаст,
Заҳматиниг туфайли етдинг ниятга.
Шоҳмисан, фукаро – энди умрбод
Дахлдор бўлдинг сен абадиятга.

Дарҳақиқат, дилини эл дарди ўртаган, қулида эзгулик
байробини кўтарган инсонларни Яратганинг ўзи кўллади.

Г.В.Плеханов номидаги Россия иктиносидёт университе-
тииниг Тошкент шаҳридаги филиали ректори, иктиносид фанла-
ри доктори, профессор Қаландар Абдураҳмонов билан таълим
даргоҳидаги шарт-шароитлар, тизимда жорий этилган янги-
ликлар ва бошқа бир канча мавзуларда сұхбатлашдик.

Истиқболли илм маскани

— Каландар ака, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ҳақида сўзлаб берсангиз...

— Россия иқтисодиёт университетида 120 минг талаба таҳсил олади ва унинг 30 дан ортиқ филиаллари бор. Университетда 10 минг нафардан ортиқ ўқитувчи-профессорлар фаолият олиб боради.

Университетнинг Тошкентдаги филиали энг кўзга кўринган муассасалардан бўлиб, унда 700 нафарга якин йигит-киз ўқыйди. Ҳар йили 150 нафаргача бакалавр, 75 нафаргача магистр талабалар ўқишга қабул килинади.

1995 йилда ўкув-илмий марказ сифатида ташкил килинган ушбу таълим маскани Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 сентябрдаги «Г.В.Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт академиясининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорига мувоффик Академия филиалига айлантирилди, шаклан ва мазмунан янги босқичга кўтарилди.

Филиал ўзини ўзи тўла молиялаширадиган олий ўкув юрти хисобланади. 100 нафардан зиёд профессор-ўқитувчилар ишлайди. Уларнинг 75 фоизи фан докторлари ва номзодларирип. Бундай юкори салоҳият республикамизнинг бошка олий таълим муассасаларида кам учрайдиган кўрсаткичdir. Филиалда корхона ва фирмалар учун иқтисодчи ва молиячилар, шунингдек, персонал бошқариш, меҳнат иқтисодиёти ва социологияси, пул, молиявий инвестициялар бўйича ҳам кадрлар тайёрланади. Муассасамизда учта факультет ва олтига кафедра фаолият олиб боради. Барча кафедра мудирлари ва деканларимиз – фан докторларирип.

Филиал бугунги кунда республикамизда кам миқдорда тайёрланадиган бир катор йўналишлардаги иқтисодчи кадрларни ҳам тайёрлашига бел боғлаган. Жумладан, спорт индустрияси иқтисодчиси, қуқукий масалалар бўйича иқтисодчи, туризм менежменти, сув ресурсларидан фойдаланиш иқтисодиёти

каби бир катор янги мутахассисликлар бўйича кадрлар чиқаринига тайёрлигини маълум киламиз. Бунинг учун Москвадаги университетнинг бош қароргоҳи барча дастур, дарсликлар, ўқув қўялланмалари, кўргазмали қуроллар, амалиёт ўтказиш марказлари ва бошқаларни Тошкентдаги филиалга етказиб беришини ўз зинмасига олган.

Филиалда ўқиши билан бир каторда илму толиблар хорижий мамлакатлар билан танишиш, уларнинг профессор-ўқитувчилари маъruzаларини тинглаши, ёзги спорт ва соғломлаштириш оромтохларида қизикарли дарслар ўтиши, Россия ва бошқа давлатларда ўқув амалиётларини ўтказиш имкониятларига эга. Муассасамизда барча фанлар бўйича электрон дарсликлар ишлаб чиқилган. Абитуриентлар талабаликка қабул килинган кундан бошлаб уларга ҳар бир курсдаги таҳсили учун алоҳида электрон дарсликлар ёзилган диск топширилди. Кутубхонамиз 30 мингдан ортик китоб фондига эга бўлса-да, у ерда талабалар тирбандлиги кузатилмайди. Чунки барча ўқув дастурларининг электрон матни мавжуд бўлиб, уни ҳар бир талаба уй шаронтида очиб мутолаа қилиши мумкин.

2013 йилнинг январь ойидан бошлаб, айрим асосий фанларнинг ўттиз фоизи инглиз тилида олиб борилмокда. Филиалнинг 14 нафар профессори инглиз тилини мукаммал ўрганиган бўлиб, улар дарсларни инглиз тилида олиб боришмокда. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг ўз она тили бўлган ўзбек тилидан ташкари рус ва инглиз тилларида бемалол илмий ишлар олиб бориш ва мулокот қилиш имконини беради.

Филиалимизда адабиётшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар иштирокида адабий-бадиий кечалар ўтказиб турилади. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов. Олий Мажлис кўйи палатаси қўмита раиси Акмал Саидов. файласуф олим Исмоил Соибназаров, академик Саидахор Гуломов ҳамда хорижий мамлакатлар элчиларидан Индонезия, Малайзия давлатлари, Россия федерацияси элчилари

билим юртимизда ўтадиган байрам ва тантаналарининг азиз меҳмонлариридир.

Олийгоҳ бир катор машҳур олий ўкув юртлари билан яқиндан ўзаро фойдали алокалар ўринатган. Минг йиллик тарихга эга Италиядаги Болоня университети, Америка Кўшима Штатларининг Нью – Палтэс университети, Индонезиянинг Гунадарма университети, Малайзиянинг UCSI университети, Жанубий Кореянинг ИНХА университети, Хитой давлатининг Шанхай университети билан тўғридан-тўғри алокалар ўринатиб, хар хил илмий-амалий анжуманлар ўтказиб турамиз. Бундай ўзаро алокалар самарасини юкори баҳолаган Индонезиянинг Гунадарма университети илмий кенгашининг 2012 йил 13 сентябрдаги карори билан каминага Университетининг Фахрий доктори узвоними беришди.

Ҳар икки йилда бир борбаиъанавий «Плеханов ўчишлари» халкаро анжумани ташкил этилади ва унда ўнлаб давлатлардан вакиллар катнишишади.

Таълим маеканимиз кўп миллатли. Афғонлар, озарлар, арманилар, бошкирлар, грузинлар, греклар, яхудийлар, козоклар, кирғизлар, корейслар, уйғурлар, туркманилар, татарлар, руслар, хитой ва бошқалардан ташкил топган 25 хил миллат вакиллари ахил ва инок билим олишмоқда.

Филиалимиз ташкил топгандан бўён 1760 нафар бакалавр, 523 нафар магистр тайёрланган бўлса, уларнинг 95 фоиздан ортиги Ўзбекистоннинг йирик корхоналарида етакчи илмий ходим сифатида иш олиб боришяпти. Иш берувчи ташкилотлар орасида Ўзбекистон Марказий банки, «Ўзсаноаткурилишбанк», «Капиталбанк», Россиянинг «Лукойл» компанияси ҳамда реал ишлаб чиқариш билан бөглиқ бўлган Ўзбекистоннинг вилоятлардаги йирик корхоналари етакчи ўрин эгаллайди.

Шахмат жонкуури

– Талабаларнинг ўқишидан бўши вақтлари қандай ўтади?

– Ўкув юртида ўкиш, малака ошириш, талабаларнинг ўз иктидорини намоён этиши учун хилма-хил тўгараклар фаол ишлаб турибди. Шунинг учун «Талабаларнинг иш билан бандлик даражаси 24 соатдан хам ошади», десам ҳазилдек бўлса-да, бу муболага эмас.

Филиалда спортнинг шахмат тури кенг йўлга кўйилган.

2012 йил 21 ноябрь – 5 декабрь кунларни Тошкент шахрида Гран-При туркумига кирувчи нуфузли халкаро турнир ўтганидан хабарингиз бор. Жаҳоннинг 12 нафар шахмат тождори иштирокида «Ўзбекистон тасвирий санъат галеряси»да ўтган турнирни талабаларимиз мезбон сифатида кузатди. Ташкилий ишларда кўмаклашишди.

Мусобака чогида ФИДЕ президенти Кирсан Илюмжинов филиалимизга ташриф буюриб, талаба ёшлар билан учрашди. Яна шуни мамнуният билан айтишим мумкинки. Халкаро шахмат федерацияси президенти 2013 йил октябрь ойининг охириларида ўтадиган Бутунжаҳон талаба ёшларининг шахмат фестивали мезбоғлигини бизнинг филиалга ишониб топшириди.

– Кўнчилик сизнинг Тошкентда ўтган Гран-При туркумига кирувчи нуфузли халкаро мусобақада турнирнинг бош директори бўлганингизни, йирик спорт инжуманининг юқори савиядага ташкил этишига катнича ҳисса қўшганингизни билмаса керак. Муштарийларга Халкаро шахмат Федерацияси билан алоқаларингиз тўғрисида гапириб берсангиз...

– ФИДЕнинг ҳакамларидан бириман. Шунингдек, республика «Шатранж» клуби директориман. 2012 йилда “Гран-При”дан ташқари пойтахтимизда ёшлар ўртасида ўтган Осиё чемпионати ҳамда Георгий Агзамов халкаро хотира турнири директорлигини ҳам олиб бордим. Халкаро шахмат Федерацияси мутасаддилари камтарона меҳнатла-

римни юқори баҳолаб, “Шахмат ўйинлари ташкилотчиси” макеус унвони билан такдирлашиди.

– Шахматни севган, унинг ривожига ҳисса қўшаётган ишон сифатида ушибу спорт турининг бола тарбияси, унинг комил ишон бўлиб шакланишига қўшадиган ҳиссаси ҳакида ҳам ганириб берсангиз...

– Шахмат – санъат, шахмат – спорт тури, шахмат – маданият демакдир. Ҳозирги пайтда юртимизга оммавий гарб маданияти кириб келаётган бир пайтда шахмат ўйинлари билан талабаларни банд қилиншиниг тарбиявий жиҳатлари кўп. Шахматни яхши ўйнаган киши автомобилни тартибли бошқаради. У пафакат йўл қоидаларини, балки ўқиш ва иш давомида ҳам қонун-коидаларни бузмасликка ҳаракат киласди. Ғалабага интилади.

Яқинда тўрт ёшли набирам Саидалихонга шахмат сипоҳларини таништирдим, «Мана бу подшо, бу Фарзин – унинг вазири, бу сипоҳ, бу от, бу эса рух», дея ҳар бирининг жойлашини ўрни ва юришлари ҳакида тушунча бердим. У билан шахмат ўйнаб. атайин ютқазиб бера бошладим. Ахир у кичкина. У ютгач, яна ва яна ўйнагиси келарди. Ютуғидан қувониб, руҳи кўтарилади. Акси бўлса, шашти пасайиб, шахматдан совуши мумкин. Шунинг учун ҳозиргача ўзаро ўйнимизда факат Саидалихон ютапти. Шу тарика илгари факат «Тетрис» ўйнайдиган, телевизорда ҳар хил қўрқинчли маҳлуклар ҳакидаги мультфильмларни кўриб ўтирадиган набирам ишдан келишим билан менга шахмат ўйнашини таклиф этадиган бўлди.

– Кейинги ўн-ўн беш йилда Ўзбекистонда шахматниң ривожини қандай тасаввур қиласиз?

– Болалигимда мактабларда оммавий равишда шахмат ўйнаганларини деярли кўрмаганман. Ҳозир эса республикамизнинг ҳар бир бурчагида ўғил-кизлар севиб дона суриншмоқда. Ушбу спорт турининг ватани Ҳиндистон ҳисобланса-да, унинг тарихи аждодларимизга бориб тақалади. Ҳинд диёрида ҳукмронлик қилган шоҳ Бобур ўз саройида бу ўйинни севиб ўйнагани ҳакида маълумотлар бор. Бу

ўйин орқали душманини маҳв этиш, ундан ҳимояланинг, жанг олиб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Ўша пайтлар «Шатранж» – сарой аъёнларининг севимли ўйини бўлиб, оддий халқ уни ўйнаш хуқуқидан маҳрум бўлган...

Муборак Истиқлол шарофати билан юртимизда шахматнинг жадал ривожланаётгани кишини қувонтиради. Рустам Қосимжоновнинг жаҳон чемпиони бўлгани миллатимиз шавкатини янада улуғлаган бўлса. 8 ёшли Нодирбек Абдусатторовнинг тенгқурлари орасида дунё тожини кийгани мамлакатимизда ушбу спорт турининг келажаги порлоклигини билдиради.

Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 2010 йил ўтган Осиё ўйинларида кумуш медални кўлга киритиб, Нодира Нодиржонова, Нафиса Мўминова каби кизларимиз улкан ютуклари ҳали олдинда эканини бутун китъага матьлум қилди. Айни пайтда Рустам Қосимжонов муаллифлигига «Шахмат алифбоси» ўкув дарслиги тайёрланган бўлиб, ушбу спорт турининг мактаб дастурига фан сифатида киритиш бўйича ҳаракатлар ҳам йўқ эмас.

Мехрининг чуқур илдизлари

– Отам-опанинг фарзандлари камолоти учун масъуллиги, берган тарбияси ва муҳаббати уларнинг келажаганинг белгилайди. Шу ўринда, отам-опанги ҳақида ҳам гапириб берсангиз...

– Отам раҳматли Абдураҳмон Хўжаев эл учун яшади. Чирокчи туманидаги «Ёш Ғайрат» жамоа хўжалиги раиси ва бошқа катор вазифаларда ишлади. Мудом халқ учун қайғурди, инсонларнинг таълим, билим олиши тарафдори бўлди, шу йўлда тарғибот-ташвиқот қилди. Қишлоқларда яшаётган ёппасига саводсиз аҳолининг саводсизлигини тугатиш, қишлоқ худудидаги мактабларни таъмирлаш, маданий-маърифий ишларни йўлга кўйишда у кишининг амалга оширган ташкилотчилик ишларини замондошлари ҳамон фахр билан эслашади.

«Ота» деган сўз бенихоя юксак мақомда юради. Чунки аждод, уруғ, қабила, оиласининг шоҳсупада, кон-кардошлиқ шажарасининг бошида Ота тимсоли туради. Отажоним ҳакидаги порлок хотираларимни атоқли ҳалк шоиримиз, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг куйидаги ажойиб шеъри билан изоҳлашни истардим:

Ўглим, сўрамасман сендан мол-дунё,
Уй ҳам куриб берма, майли, аломат.
Майли, кўзларимга бўлмагин зиё,
Ёнимда юрсанг бас, согу саломат.

Майли, кўтартмагил мени елкангда,
Қалкон ҳам бўлмагин ёғса маломат.
Бир куни ёстикка бошим етганда.
Тепамда турсанг бас, согу саломат.

Минг қўйи бор ота боласидан жиллакурса битта қўй кутади. Минг тиллали она боласидан бир мисқол бўлса ҳам совға кутади. Ҳа, отапинг уйида коп-коп уни, дастурхони тўкин бўлсин, барибир боласидан икки дона иссиқ нон кутади. Гап қўйда ҳам эмас, нонда ҳам эмас, олтинда ҳам эмас. Гап меҳр-окибатда. Ани шуларнинг тагида ота-онага иззатхурмат, меҳр-муҳаббат ётади.

Ота-она фарзанди олиб келган кимматли озиқ-овқат, кийим-кечакни эмас, чироқдек ёнган меҳр-окибатни кўради. Олиб келибдими, илинибдими, ўзидан ортирибдими, демак, болам менга меҳр-окибатли экан, деб севинади. Меҳр-муҳаббатим бор экан, дейди. Чунки инсон ош-овқат билангиша катта бўлмайди. Меҳр-муҳаббат билан ўсиб-улғаяди. Меҳр-окибат, хурмат-иззат бўлмаса, дунёдаги ягона ақлли мавжудот бўлмиш инсоннинг ҳайвондан фарки колмайди.

Онам раҳматли. Ўғилой ая Абдураҳимбой кизи, оиласада соглом муҳит баркарорлигини таъминлаб туардилар: «Бир-бирларингизга меҳр-окибатли, катталарга хурмат-эътиборли, ёшларга эса меҳрибон булинглар» – деб уктириб,

шу фазилатларни бизга сингдиришга харакат килиндан чарчамади.

Ўз бошимдан ўтган бир воеа ҳеч ёдимдан чикмайди. 1987 йилининг 30 марта. Хотира кунини ота-она хузурида ўтказиш ниятида тонгда ўрнимдан туриб, коронгуликда бехосдан йикилиб тушдим ва чап оғим болдиридан синиб кетди. Воеани онамдан канча яширмайлик, менин тушидаги кўрган онам 4 апрель куни «Шахрисабз – Гошкент» йўналишидаги самолётда учиб, хонадонимизга кириб келдилар. Бу онамнинг илк бор самолётга чикиши эди.

Шунда она ва боланинг режалаштирилмаган учрашуви хамда онаизорининг аччик, аламли кўзёшларини кўриш нечоғлик оғир бўлганини ҳар кандай одамнинг хам хис этиши кийни эмас.

Оилада ўн нафар фарзандмиз. Падари бузрукворимиз бизнинг тарбиямизга доимо эътибор берар, барчамизнинг хатти-харакатимиз, юриш-туришимизни каттиқ назорат килар, баязан аёвсиз тергар эдилар. Ютукларимизга караганда кўпроқ хато-камчиликларимизни тез-тез зелатиб, огохлантириб турардилар оғам. Онам раҳматли кўнгли буш, юмшоқ феъли бўлганликлари учунми, бизнинг ёнимизни олар эди. Отамдаги каттиккўллик ва онамдаги мулоҳимлик тўқнашган пайтларда отам: «Мен фарзандларимга пухта тарбия берсам, интизомли ва одобли булишларни талаб килсан, эрта бир кун улар хаётда кокилмасдан яшайдилар. Бу менинг оталик бурчим», – деган катъиятли сўзлари янграради.

Тарбия масаласи

– Сизнингча, бола, ёмон ва яхши деган сифатларга кўпроқ қандай сабабларга қўра мұяссар бўлади?

– Оилада ота-она ўртасидаги самимий ҳурмат, меҳрмухаббат, назокат ва уят, андиша, ҳаёв ва ибо, ўзаро маслаҳат фарзандларга ўрнак намунасиdir. Жанжал-тўпалон, ўзаро ишончсизлик булган онлалардан кут-барака кўтарилади. Фарзандлар уз ота-оналарини ҳурмат килмай

кўядилар. Боланинг олдида ота, қизнинг олдида она ички-ликка берилса, оз вактдан кейин фарзандлар хам шунга ўрганади. Қизнинг олдида ярим яланғоч юрган ота, ўғилининг рўпарасида упа-элик сувраверадиган она хаё ва ибо тўғрисида маслаҳат бермаганилари матькул. Чунки бу мунофикона харакатлар тарбияга дарз етказади, болаларга кор килмай кўяди.

Буюк мутафаккир ва табиб Абу Али иби Сино ҳозирча кам ўрганилган «Гадбири маизил» асарида боланинг оиласий тарбиясига алоҳида ёъгибор қаратади. Аслида бола тайёр одат ва кўникмалар, ҳулк-атвор билан туғилмайди. Бундай хусусиятлар унинг ҳаётида секин-аста ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбиянинг самара-ли таъсирида шакллана боради.

Иби Сино ижтимоий-ахлоқий, педагогик фикрлар тарихида биринчилардан бўлиб, аёлларининг бола тарбиясидаги ўрнини, макомини чукур билган аллома сифатида машхур. Олим ўн етти хислат соҳибаси бўлгани аёлини беназир мураббий деб хисоблади. Буларга аёлнинг окила ва иймон-эътиқодлилиги, шарм-ҳаёли ва ор-номуслилиги, зийрак ва фаросатлилиги, ёқимтойлиги, ўз эрига меҳру мухабbat қўйганилиги, бетга чопмаслиги, эзма бўлмаслиги, итоагкорлиги, дилининг поклиги. Эри оркасидан гийбат килмаслиги, покизалилиги, вазмешлиги, жиддийлиги ва улугворлиги, оғир ламларда эрининг дарлига малҳам бўла олиши, меҳрибонлиги кабилар киради. Бундай хислатларга эга аёлга оиланинг зеби зийнати хисобланган бола тарбиясини бемалол ишониб топширеа бўлади.

Болани кичиклигидан юмушга, кучи етадиган ишларга, меҳнаттга ўргатиб бориш керак. Аяна шу юмушларни бажариш орқали боланинг аклий кобилияти хам ривожланади. Унинг атрофдаги оламга, ҳаётга ўзи идрок этган ва ўз шахсий фикр-мулоҳазасига асосланган нуқтаи назари юзага келади. Боланинг мустакил харакат килишига, шаҳе сифатида шаклланишига замин яратилади. Унда билим орттиришга кизикиш кучая боради.

Шундай экан. баъзи ота-оналар фарзаидини авайлаб. уни турли юмушларни, қулидан келадиган ишларни бажаришдан асраб, пайпаслаганларида күпөл хатога йўл кўйган бўладилар. Бундай хато аяичли окибатларга олиб келиши тайин. Улар буни тушунганиларида эса кеч бўлади.

Бола феъли шундайки, у доимо бирор-бир янги нарсани билиб, ўрганиб боргиси келади. Ана шу янги нарса билим, илм бўлса-ку, кошки-я. Лекин бу нарса билим, илм бўлмай, уларнинг ўринини хар кандай бошка нарсалар, шу жумладан, биринчи навбатда, кўча-кўй, бекорчи ўртоклар эгаллаши мумкин. Кўча ҳам ўзига хос бир мактаб, лекин охири баҳайр бўлмаслиги ҳам мумкин бўлган мактабдир. Дарслардан кейин бола ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у кўчанинг ихтиёрига тушиб қолиши, бошланишига сўкиниш, чекишини ўрганиши хеч гап эмас. У ёги нима бўлиши ўзингизга аён...

— *Билим олиш ва фан чўққилиари сари интилиши мезонлари қандай?*

— Билим — бу дунёни англаш, дунёда, ҳаётда ўз ўринини топиб, унда мустахкам оёкка туриш деганидир. Билиш, билим олиш — инсоннинг бурчи. Шу сабабли тарбия муаммоси илм ва таълим бериш муаммолари билан узвий boglik холда олиб каралиши керак. Аллоҳ берган истеъдод меҳнат билан чархлаб борилмаса, хиралашиб колиши мукаррар.

Ўрганилаётган билимларни ёд олиш, хотирада саклаш ва кези келганда тез-тез такрорлаб туриш таълим ва тарбия жараёнида муҳим ўрин эгаллаб, бола хотирасини мустахкамлайди. Илмлар чашмасига кириб боришини таъминлайди. Тарбияланувчида муайян тартиб-ингизомни шакллантиради, дунёвий ва диний масалалар юзасидан тегишли баҳс-мунозаралар юритиш маданиятини, амалий кўникмаларни янада юксалтиради.

Истеъдод — мияни билим билан озиқлаб борадиган манбадир. Инсоннинг акл-идроқи унга берилган энг кудратли кучдир. Илм эса ушбу кучни озод этиш, эркин қўйиш воситасидир.

Инсон акл-идроксиз, заковатсиз яшай олмаслиги каби кишилик жамияти ҳам илмсиз яшай олмайди.

Қимматли билимларга түлік әтін бүлиш учун ўзгалардагини ўзлаштирибина қолмай, ўзингдагини ҳам ўргатишинг керак. Билишнің уч погонаси бор. Булар савод, таълим ва илмдир. Таълим – инсон яратған хазина, савод ушбу хазинаниң калитидир.

Әңг яхши илм жамиятга наф келтирадиганидир. Яғни, илм жамиятни моддий ва мәннавий тәкомиллаштиришга хизмат қилиши зарур.

Ҳақиқий олим илм оркали бойишни ўйламаслиги керак. Илмнің үзи инсонни бойитади. Олим камтарин бүлиши даркор. Олим учун илм қасб әмас, балки уннің кисмети, тақдиридір. Үкімок ҳеч қачон кеч әмас. Чунки жисемдан фарқлы ўлароқ, инсон ақлиға қариш хос әмас. Акл ёш ошған сайни етилиб боради. Эңг яхши устоз – бошқаларни ўқитиб, үзи ҳам ўқиб-ўрганадиганидир.

Зиёлілар оиласы

– *Сизнің нағақат академик, күпілаб олимларнің устозы, балқи республикамыз шаму фаны ривожига ҳисса құнаётған зиёли фарзандларнің меҳрибон отасы, науқаты оила бошлиғы экаплигинің таҳсинге лойиқ. Келинг, сұхбатимизни ошланғыз ҳақида давом этиңдерсек...*

– Беш нафар фарзандым бор. Тұңғичим Олимжон Тошкент Далат іктисодиёт университетининг «Халқаро іктисодий алоқалар» факультетиши тұтаттган. У 2005 йил 11 июль куни «Жисмоний шахсдан олинадиган солиқлар тизимини ва уни тәкомиллаштириш мұаммөлары» мавзусида докторлық диссертациясими илмий кенгашда муваффақиятта химоя килди.

Кичик ўғлим Саид Одилхон ҳам акаси изидан бориб, шу университетде таҳсил олди. У ҳам фан доктори. Айни пайтда Ўзбекистон олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигінің ўрта маҳсус қасб-хунар таълими марказида бошқарма бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Қизим Нигора Тошкент банк коллежида катта ўқитувчи. Нодира қизим ҳам фан доктори, профессор. У Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида фаолият олиб боради.

Кенжак қызим Гулнорахон – Ташкент Давлат иқтисодиёт университетида катта ўқитувчи бўлиб ишлаб келянти. У иқтисод фанлари номзоди.

Турмуш ўртогим Бибиойша Абдураҳмонова «Фан» илмий текшириш институтида раҳбар мувонини бўлган. Ҳозир нафакада, набиралар тарбияси билан банд.

– *Сизнинг ва оила аъзоларингизнинг илму фан ривожи ийтидағи ҳаракатларингизга омадлар тилаймиз. Мазмунли сұхбатинингиз учун раҳмат!*

ОРЗУЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ИНСОН

Ҳеч кимга сир эмас, оғир атлетика республикамизда энг ривожланган спорт турларидан хисобланади.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси раҳбарларининг жонбозлиги туфайли республика биринчилиги, чемпионати ва кубок баҳслари юкори савияда ташкил этилмоқда. Истеъоддларнинг кўплиги мураббийларга кучли терма жамоаларни шакллантиришда кўл келәтир. Ўсмиrlар, ёшлар ва катталар терма жамоаларимиз ҳалкаро мусобакалар олдидан ўкув-машгулот йигинларида иштирок этиб, тайёргарликни маромига етказишяпти ва шуфузли турнирларда юкори натижалар кўлга киритилмоқда. Узокка бормайлик, 2013 йилнинг ёзида (июль ойида) Россиянинг Қозон шаҳрида ўтган Бутунжаон талабалар универсиадасида ҳамюртимиз Руслан Нуридинов даст кўтаришда 190 кг. силтаб кўтаришда 222 кг. жами 412 кг натижа билан олтин медалин кўлга киритди. Қувончлиси, у жаҳон универсиадаси рекордини янгилади. Шунингдек, 77 кг вазн тоифасидаги вакилимиз Улугбек Алимов 351 кг натижа билан кумуш, хотин-кизларимиздан Манзурахон Мамасолиева 69 кг вазн тоифасида бронза медали соҳибига айланди.

Бундан ташкири, Руслан 2013 йил Қозогистоннинг Остона шаҳрида ўтган навбатдаги Осиё чемпионатида иккикурашда энг юкори – 420 кг натижа кайд этиб, китъя чемпиони деган шарафли номга ҳам сазовор бўлди. Бунгача у 2011 йилда Францияда ўтган жаҳон чемпионатида кумуш медаль соҳибига айланганди. Остонада, шунингдек, аёллар терма жамоамиз аъзоси Марина Сисоева кўксини бронза медалларп безади.

Энг эътиборлиси, 2013 йилнинг 7 – 13 апрель кунлари пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича ўсмиrlар ўртасида жаҳон чемпионати юкори савияда ташкил этилди.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилаётган эътибор сабаб Ҳалкаро оғир

атлетика федерацияси томонидан 2017 йилда ўтиши лозим бўлган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати мезбонлиги хам Тошкент шаҳрига ишониб топширилди. Хуллас, оғир атлетика оламида ҳамюртларимиз калбини қувоиҷга, ифтихорга тўлдирадиган янгиликлар кўп.

Шу боис, Ўзбекистон ва Осиё оғир атлетика федерациялари вице-президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Шаҳрулло Маҳмудов билан сұхбат уюштирилди.

Сұхбатни өтиборингизга ҳавола этишдан олдин Шаҳрулло Маҳмудовнинг спортчилик йиллари, мураббийлик фаолиятидаги зафарлар ва бу галабалар ортидаги машаққатлар ҳакида тұхталишни лозим топдик.

Оғир атлетикага илк қадам

«Инсон ўз тақдирини ўз қўли билан яратади», дейишгани түгри экан. Инсонларга турлича таъриф бериш мумкин: кучли инсон, оддий одам, ожиз киши. Хўш, кучли инсон қандай бўлади, ўзи?

Фикри ожизимча. Яратган томонидан берилган кобилиятни, куч ва иктидорни вактида англаб, уни кучайтирган, фойдаланган ва буништадан ортидан улкан ютукларга эришган кишиларни кучли инсонларга мисол килишимиз мумкин.

Куч ва иродаси, мураббийлик соҳасидаги ютуклари туфайли бугунги қаҳрамонимиз Шаҳрулло Маҳмудовни бемалол кучли инсонлар тоғасига кўшсак бўлади...

У 1970 йил 13 сентябрь санаасида Бухоро вилояти Вобкент туманида туғилган. Тақдирни карангки, Шаҳрулло оғир атлетикачи эмас, балки футболчи бўлиб кетиши мумкин эди. Бир неча йил футбол тўғарагига катниаган қаҳрамонимиз Бухоронинг «Бинокор» футбол жамоаси ўринбосарлар таркибида машгулотларда катнашди. Аммо унинг пешонасига дарвозага кетма-кет тўплар киритиш эмас, балки оғир атлетика бўйича чемпионлар тарбиялаш ва шу меҳнатлари оргидан республикада хизмат кўрсатган мураббий бўлиш баҳти ёзилган экан...

Шаҳруллонинг футбоддан оғир атлетикага ўтишига асосий сабабчи мураббий Абдулла Тогаев, десак асло адашмаймиз. Али касби архитектор бўлишига қарамасдан оғир атлетика тўгараги очган устоз вобкентлик бир гурух ёшларнинг меҳрибон мураббийсига айланди...

Эски ҳаммомнинг бир қисмида жойлашган машғулотлар залига келувчилар орасида ёш Шаҳрулло ҳам бор эди. Машқларга киришган пайтда 16 ёшига қадам қўйган Маҳмудов гарчи, анча кеч бўлса-да, оғир атлетиканинг сир-аэрорларини қунт билан ўргаю бошлади. Орадан 5-6 ой фурсат ўтиб, дастлабки мусобақада (Самарқандда) ўз омадини синаб кўриб, тўртинчи ўринни эгаллади.

Кимлардир ундаги иштиёқдан, оғир атлетика спорт турига бутун вужуди билан меҳр қўйганидан ҳайратга тушса, яна кимдир «анча кечикканини, энди бу спорт туридан хеч нарсага эришолмаслигини» айтиб, уни шаштидан кайтармокчи бўларди.

Шаҳрулло 1988 йилда Бухоро Давлат университетининг Жисмоний тарбия факультетига ўқишига кириб, олдига улкан максадлар қўйганини яна бир бор исботлади. Олий ўқув юртида Раим Каримов, Ҳасан Шарипов сингари соҳа фидойилардан оғир атлетика сабоқларини олди. Ҳатто кишида бетон залнинг ҳаддан ташкири совук бўлиши ҳам унинг спорт турига бўлган мухаббатини сусайтира олмади.

«Машқда кийин бўлса, мусобақада осон бўлади», дейишади. Талабалик йилларида Маҳмудов Бутуниттифок универсиадасининг республика босқичида яхши катнашиб, фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Институтни тутагиб, Фаргонада ҳарбий хизматни ўтади. Албатта, Шаҳруллодек истеъодли, соглом ва бақувват йигитлар армиясининг таянчи, ишончи бўлиши кундай равишан. 1991 – 1992 йиллар, Истиқлолнинг дастлабки йиллари. Миллий армиямиз ташкил бўлганига ҳам кўп фурсат бўлмаган. Ҳарбий қисм раҳбарлари Маҳмудовдан офицер лавозимида хизматни шартнома асосида давом эттиришини сўрашиди.

Яхшигина маош, лавозим таклиф килинди. Бу ҳақда Шахрулло Маҳмудов шундай хотирлайди: «Рост, ҳарбийликни ҳам ёқтиардим. Бу соҳага қизикишим йўқ эмасди. Бирок спортда катта галабаларга эришолмаганим учун мураббийлик килиб, чемпионларни тайёрлаш истаги тинчлик бермасди. Шу истак туфайли ортга қайтдим».

Уни Бухородаги I-сонли Олимпия захиралари болалар ва ўсмиirlар спорт мактабига ишга қабул қилишди.

«Бухоро ва сизнинг машгулот залингиз оралиғи 25 километр. Биз сизни қандай назорат қиласиз?», дега унчалик ишонқирамаган спорт мактаби рахбарлари унга 0,25 ставка иш беришиди.

Аммо Шахрулло Маҳмудовни назорат қилиш шарт эмас эди.

Иш бошлаганига бир ой бўлмаёқ шогирдларидан Рамз Маҳмудов, Нурулла Тоғаев, Музроб Тоҳиров, Маҳмуд Тоғаев вилоят биринчилигида шоҳсупанинг энг юкорисидан жой олди.

«Қисқа вактда қандай қилиб натижа чиқариш мумкин?», – деган табиий савол туғилади.

Аслида Маҳмудов бунгача ҳеч қаердан ҳеч қандай маош олмасдан бир неча ёшларга оғир атлетика сирларини ўргатиб келаётган эди. Унинг меҳнаткашлиги ва яхши натижаларини кўрган спорт мутасадилари ёш мураббийнинг ишини тўлиқ ставкага кўтаришиди.

Шу тарика мусобақалар мусобақага, натижалар натижага уланиб кетди. 1997 йилда Нукусда ўтган Республика ёшлар ўйинларида Бухоро вилоят терма жамоаси аъзолари Маҳмуд Тоғаев, Фурқат Саидов ёш бўлишларига карамасдан голиб чиқди.

1998 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Юрий Арутунянни хотирасига бағишлиланган анъанавий турнирда шогирдлари Маҳмуд Тоғаев, Суҳроб Муинов биринчи, Фурқат Саидов иккинчи ўринни эталлаб, яна бир бор муҳлису мутахассисларнинг ишончини козонди.

Шу кезларда Махмудовни пойтахтга ишга таклиф килишди. Шахрулло Республика Олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими ва мамлакат ёшлар терма жамоасида иш бошлади.

Вактнинг силсиласида мураббийдаги максад сари дадил инициалиши, машаккагларни мардонавор тарзда енгиб ўтиш характери унинг шогирдларида хам шаклланча борди. 1999 йилда Хитойда ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионатида шогирди Махмуд Тогаев китъя чемпионлигига эришди.

Карангки, бу муваффакият навбатдаги ишончга ўз турткисини берди. Узбекистон оғир атлетика федерацияси мутахассислари бир овоздан Шахрулло Махмудовни Узбекистон ёшлар терма жамоасининг катта мураббийлигига ўтказишиди.

Тумандан чиккан мураббий зинама-зина юкорилаб, республика микёсида танилганди. Зиммасидаги масъулият хам ошганди. Яъни, у энди бутун бошли мамлакат оғир атлетикаси келажагига жавобгар бўлганди.

Буни теран хис қилган Махмудов қатъият билан шогирдларини жисплаштириди. Улардаги салбий кусурларни йўқотиш бўйича каттиқ назоратни йўлга кўйди. Жамоада ўзибўларнилик эмас, ҳамжихатлик, яқдиллик шаклланди. Ҳар бир вази тоифасида соғлом ракобат юзага келди. Ўз устида ишламай кўйган ёки юлдузлик касалига чалинган баъзи спортчиларни жазолаш, уларнинг интизомини йўлга кўйиш устида қатъий иш борди.

Интизом ва тартибли машгулотлар ўз самарасини бермай коямади: 2002 йилининг апрель ойида Гаиланд давлатида ўтган навбатдаги Осиё чемпионатида барча вази тоифасида ҳамюртларимиз шоҳсупадан жой олди. Жумладан, 50 кг вази тоифасида Руслан Алпанов бронза, 62 кг да Нурулло Тогаев олтин, 69 кг вазида Махмуд Тогаев кумуш, 77 килограмли полвонлар баҳсида Фурқат Сайдов кумуш, 85 кг да Вячеслав Тен бронза, вазни 105 кг дан юкори бўлган атлетлар орасида Андрей Мартемянов кумуш медалига эришиб, Узбекистон ёшлар терма жамоасининг умумжамоа хисобида биринчи ўриндан жой олишини таъминлади.

Худди шу йилнинг июлида ёшларимиз Туркиянинг Измир шаҳрида ўтган жаҳон чемпионатида ҳам зафар козонишиди: умумжамоа хисобида учиничи погона. Унда Махмуд Тоғасев ва Бахтиёр Нуруллаев мундиалининг кумуш медалига сазовор бўлган бўлса, Алишер Мамбеков 105 кг вази тоифасида бронза медали соҳибига айланди. Мусобакада колган вакилларимиз ҳам кучли олтиликдан жой эгаллаб, умумиотукка ўз улушларини кўшишиди.

Бизнинг жонажон Ватанимизда спортга эътибор сиёсат даражасига кўтарилиганилиги боис, ҳалкаро майдонларда юрт шарафига ҳисса кўшган спортчи ва мураббийларга муносиб рағбат кўрсатилади. Ўзбекистон ёшлиар терма жамоасининг Осиё ва жаҳон чемпионатларидағи оламишумул ғалабалари сабаб, (2002 йилда) Мустакиллик байрами арафасида Юрганбашимиз Фармонига асосан, Шахрулло Маҳмудовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий» фахрий унвони берилди.

Федерация яшги босқичда

Шахрулло Маҳмудов 2001 йилдан мураббийлик билан бир кагорда Ўзбекистон оғир атлетика федерациясида бош котиб вазифасини ҳам бажаарарди.

Бу пайтда республика оғир атлетика федерацияси жамоатчилик асосида фаолият кўрсатар, шу боисдан, ҳукуқ ва имкониятлари чегараланган эди. Шахрулло Маҳмудов ва катталаар терма жамоаси устози Рашид Маткаримовнинг саъй-харакатлари билан федерация кайтадан ташкил этилди, унга юридик маком берилди. 2003 йилда Федерацияга Навоий кон-металлургия комбинатининг «Зарафшон» курилиш бошқармаси бош ҳомий этиб бириктирилди. Зарафшон, Чирчик шахарларида, Тошкент вилоятининг Чорбог қўрғончасида терма жамоа базалари ташкил этилди. Масъулиятли ҳалкаро мусобакалар олдидан ўкув-машгулот йигинлари ташкил этиш йўлга кўйилди.

Шаҳрулло Маҳмудов 2003 – 2006 йилларда мамлакатнинг катталар терма жамоасини бошқариб, терманинг Афина Олимпиадасида кучли ўнликдан жой олишига ўз ҳиссасини қўшди. Ёдингизда бўлса, 2004 йилда Грекия пойтахтида XXVIII ёзги Олимпия ўйинлари ўтиб, унда оғир атлетикачиларимиздан Александр Үринов (105 кг) 7-урин, Игор Халилов (+105 кг) 9-урин ҳамда 17 ёшли Фурқат Саидов 14-ўриндан жой эгаллаганди.

Ташкилотчилик

Федерация бош котиби зиммасида нафақат миллий федерация ишини ташкил этиш, балки унинг халқаро майдонларда ҳам нуғузини кўтариш вазифаси юкланган. Шаҳрулло Маҳмудов бу борада сезиларли силжишларни амалга оширди.

Масалан, 2005 йилда Чирчик шахрига ёшлар ўртасидаги Осиё чемпионати мезбонлиги ишониб топширилди. Мусобака чогида Маҳмудов ташкилий ишларда ўзини кўрсатди.

Спорт турининг жадал ривожланиши учун бу каби халқаро мусобакаларнинг тез-тез ўтиши жуда муҳимлиги ҳеч кимга сир эмас. Биринчидан, маҳаллий ёшларда ўз маҳоратини кўрсатиш учун яхшигина имконият вужудга келса, иккинчидан, Халқаро ва Осиё оғир атлетика федерацияси мутасаддиларининг юртимиздаги шароитлар билан яқиндан танишиши йўлга қўйилади.

Ўзбекистондаги дастлабки халқаро мусобака мезбонлиги аъло даражада уддалангач, юртимизда бирин-кетин йирик турнирлар ўта бошлади. Санайдиган бўлсак, 2006 йилда Тошкентда Осиё чемпионати, 2009 йилда Қитъа кубоги, 2010 йилда ёшлар ўртасида Осиё чемпионати (Сингапурда ўтадиган бутунжаҳон ёшлар Олимпиадасига саралаш турнири), 2011 йилда Осиё кубоги баҳслари, 2013 йилги Жаҳон чемпионати шулар жумласидандир.

Англаган бўлсангиз, 2005 йилдан эътиборан, Маҳмудовнинг фаолиятида мураббийлик ишлари ташкилотчилик

йўналишига алмашди. Ундаги салоҳият халкаро конгрессларда ҳам эътироф этилди. 2002 – 2006 йилларда Осиё оғир атлетика федерациясида техник қўмита аъзоси, 2007 – 2010 йилларда Ижроня қўмита аъзоси, 2011 йилдан эса Осиё оғир атлетика федерацияси вице-президенти этиб сайланди. Вице-президент Шаҳрулло Маҳмудов айни пайтда Осиёда оғир атлетикани тарғибот-ташвиқот қизини ҳамда мусобакалар ташкил килиш ишларига жавобгар шахс сифатида фаолият юритмоқда.

Жаҳон ҳайратда

– *Шаҳрулло ака, 2013 йилнинг 7 – 13 апрель кунлари Тошкентидаги «Ўзбекистон» спорт мажисида ўсмирлар ўртасида ўтган жаҳон чемпионини тафсилоти ва таассурутларнинг билан ўтиюқлишсангиз?*

– Мусобака олдидан Халкаро Оғир атлетика федерацияси президенти Томаш Аян мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов билан учрашди ва юртимизда спортни, хусусан, оғир атлетикани ривожлантиришга берилаётган эътибор учун ўз миннатдорчилигини билдириди. Шунингдек, Томаш Аян 2017 йилда катталар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионати мезонлигини ҳам Ўзбекистонга ишониб топширилгани хакида Ижрокўм конгрессида ва ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг очилиш маросимида эълон килди.

Бужудакаттамасъудиятва юракларни фахргат тўлдирадиган янгиликдир. Бевосита ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатига тўхталсан, унда дунёнинг бешта қитъасидан 64 та энг кучли терма жамоа таркибида 805 нафар спортчи голиблик учун баҳс олиб борди. АҚШ, Россия, Франция, Туркия, Германия, Россия, Хитой каби оғир атлетика майдонида кўзга кўринган мамлакатлар каторида узок Уганда, Нигерия, Мадагаскар, Венесуэла, Чили, Аргентина ва бошқа давлат спортчилари серқўш диёrimиз билан танишишди. Юргимизнинг кенг имкониятлар мамлакати эканлигига, бағрикент халқимизнинг меҳмондўстлигига гувоҳ бўлишди.

2013 йил бошидан ўсмирларимиз Баҳром Абдумаликов, Ойбек Турғунов, ёшлартермажамоасиустози Борис Савченко, Шариф Шоҳназаров мураббийлигига мазкур турнирга пухта ҳозирлик кўришди. Чирчик ва Қозогистоннинг Толдикўргон шаҳарларида ўқув-машгулот йигинида катнашди.

Бизда ўтган IV жаҳон чемпионати 2014 йилда Хитойнинг Нанкинг шаҳрида ўтказиладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпиада ўйинларига йўлланма берадиган дастлабки ва энг асосий мусобака эди. Шу боис унга нисбатан кизиқиш, эътибор жуда юқори бўлди. Коидага мувофиқ, ўсмирлар ўртасида умумжамоа хисобида 1-9-ўринни эгаллаганилар иккитадан, 10-16-ўринни банд этган терма жамоалар биттадан лицензия соҳибига айланди. Қизлар баҳсида эса 1-7-ўринни қўлга киритган терма жамоаларга иккитадан, 8-15-погонадан жой олганларга биттадан йўлланма тақдим килинди.

Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда юртимиз шарафини Машҳурбек Йўлдошев, Голибжон Неъматуллаев, Абдуқодир Абдухалилов, Суннатилила Шокиржонов, Элёр Кенжаев, Азим Фаниев, Азамат Шарипов ва Амирзода Иброҳимов ҳимоя қилди. Кувонарлиси, умидли спортчимиз Машҳурбек Йўлдошев (50 кг) штанигани даст кўтаришда 86 килограмм, силтаб кўтаришда 110 килограмм, икки кураш бўйича 196 килограмм натижка кайд этиб, учта бронза медалига сазовор бўлди.

Терма жамоамизнинг колган аъзолари гарчи совриндорлар сафидан жой олишолмаган бўлса-да, уларнинг чикишлари муҳлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Ҳам-юртларимиз тўплаган муҳим очколар туфайли Узбекистон терма жамоаси II ўсмирлар Олимпиадасига иккита йўлланмани қўлга киритди.

Шунингдек, Миср, Эрон, Руминия, Ҳиндистон, Арманистон, Мексика, Россия ва Қозогистон терма жамоалари ҳам иккитадан, Колумбия, Польша, Таиланд, Вьетнам, Венесуэла, КХДР ва Украина вакиллари эса биттадан лицензия соҳиби бўлди.

Натижамиз – умумжамоа хисобида 64 давлат орасида 9-ўрин. Оғир атлетикада юқори натижаларга эришиш учун

халқаро тажрибанинг бўлиши, спортчининг руҳий тайёргарлиги жуда муҳим. Тошкентдаги мусобақа ўсмирларимиз учун катта мактаб вазифасини бажарди.

– *2017 йилги жаҳон чемпионатини ўтказишга қандай ҳозирлик кўришмоқда?*

– Халқаро оғир атлетика федерацияси ўз Конгрессида жаҳон чемпионати мезбонлигини Ўзбекистонга берар экан, спортга ҳукумат даражасида эътибор берилаётганини зътироф этди. Бу ҳам давлатимизнинг обрўси учун хизмат килади. Қолаверса, юртимизда бундай нуфузли мусобаканинг ўтиши Ўзбекистонни янада дунёга танитиш, туризм соҳасини ривожлантиришга ҳам хисса қўшади. Жаҳон чемпионатига пухта ҳозирлик кўриш максадида Тошкент шаҳрида оғир атлетикани ривожлантириш марказини ташкил этиш режалаштирилган.

– *Албатта, бу ўтада 2016 йил Бразилияда ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинлари ҳам бор...*

– 2008 йил Пекинда ўтган Олимпиадада икки нафар оғир атлетикачимиз иштирок этганди. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йил 5 январь санасида имзолаган «Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида»ги Қарори зълон килингач барча терма жамоалар аниқ дастур асосида иш олиб боришли. Биз ҳам терма жамоага хориждан мураббий жалб қилдик. Туркияда бир неча жаҳон ва Олимпия чемпионларини тайёрлаган Жафер Топчу юртимизда иш олиб борди. Бунинг натижасида оғир атлетикачилар томонидан Лондон Олимпиадасига олтита йўлланма қўлга киритилди.

Лондонда эса ҳамюртимиз Руслан Нуридинов тўртинчи, Иван Ефремов эса бешинчи погонадан жой эгаллаб, медалларни қўлга киритишга жуда якин бўлишиди.

2016 йилда Рио-де-Жанейрода ўтадиган навбатдаги Олимпиада баҳсларида оғир атлетикачиларимизнинг ҳам бошқа

спорт турлари каторида Узбекистон делегациясига ғалабасига ўз медаллари билан хисса қўшишини орзу киламан.

Хукумат эътибори, яратилган шароитлар натижасида илк бор катталар ўртасидаги жаҳон медали қўлга киритилинди. Руслан Нуридинов Парижда ўтган мусобакада кумуш медалга эришди.

Мамлакатимиз спортчилари ҳозирданок 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига тайёргарликни бошлаб юборишган. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги Узбекистон Республикаси спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) булиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори мухим асос бўлиб хизмат килмоқда.

— *Вилоятларда оғир атлетикага бўлган ҳътибор ҳусусида тұхтамсангиз...*

— Ҳозирги пайтда республикадаги барча Олимпия захиравлари коллежларида оғир атлетика бўлимлари ташкил этилган. Вилоятларда оғир атлетика федерацияси бўлимлари очишини йўлга кўйганмиз. Бухоро, Хоразм, Кашкадарё, Қоракалпогистон, Фарғона, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятларида республика федерацияси билан ишлаш яхши йўлга кўйилган.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия кўмитаси билан биргаликда Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах вилоятларида федерациянинг ҳудудий бўлимларини очиш бўйича иш олиб борилмоқда.

— *Аёллар ўртасида ушбу спорт тури ривожисидан қўнглиниң тұладады?*

— Илгари оғир атлетика билан шуғулланувчи хотин-кизлар жуда кам эди. Эндиликда Зарафшон шаҳри, Қашкадарё, Андижон, Фарғона вилоятларидан яхши спортчилар етишиб келмоқда. Колган ҳудудларда хам хотин-кизлар ўртасида ушбу спорт турини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар олиб бориляпти.

– Осиёда бизнинг асосий рақибларимиз қайси давлатлар ҳисобланади?

– Хитой, Эрон, Жанубий Корея, Корея халқ демократик республикаси, Япония. Қозогистон давлатлари нафакат китъада, балки жаҳон мөккебида оғир атлетика яхши ривожланган мамлакатлар ҳисобланади. Шу боис, Осиё ўйинлари ва китъа чемпионатларида кўлга киритилаётган ҳар бир муваффақият гоятда кадрли.

– Оғир атлетика ўз они билан оғир спорт турларидан. Сизнингча, ушибу спорт турнири билан неча ёшдан шуғулланган маъқуд?

– Кўпчиликда «Бола оғир атлетика билан шуғулланишини эрга бошласа, унинг буйин ўсмай колади», деган тушунча бор. Аммо бу фикрининг нотуғрилигини хаётий тажрибаларимиз исботлади. Масалан, ўглим Азамат. Ёши 17 да. Ўзбекистон биринчилигини ютди, Монголияда ўтган ўсмиirlар ўртасидаги Осиё кубогида 85 кг вазн тоифасида биринчи ўринни кўлга киритди. Ҳозир 94 кг вазн тоифасида мусобакаларга тайёргарлик кўрояпти. Мен унишг ёшида 56 кг вазн тоифасида мусобакаларда иштирок этардим. Ўғлим шуғулланишини эрга бошлаган бўлса-да, буйин ўсмай колгани йўқ. Буйин ҳозир 175 см, мендан баланд. Ҳали яна ўсади, деган умиддаман.

Хулоса шуки, мураббий томонидан «нагрузка» нотуғри берилса, ҳар кандай спорт турининг зиёни бўлиши мумкин. Аксинча, болаларга ўзига хос методика асосида машгулот ўтилса, куч билан биргаликда эгилувчаник, тезкорлик сифатлари ҳам ривожлантирилиб борилса, спортчи камолотида ҳеч кандай муаммога дуч келмайди.

Ватан ичра мўъжаз Ватан

– Кези келганда оиласангиз ҳақида ҳам мухтасар тұхтасаңыз...

– Икки ўғил ва кизим бор. Катта ўглим Азамат пойтахтимиздаги Юнус Ражабий номидаги педагогика колледжида

таҳсил оляпти. Шаҳруз 15 ёшда. У ҳам оғир атлетика билан шугууланяпти.

— Азамат педагогика колледжидә эмас, Республика Олимпия захиралари колледжидә ҳам ўқиниң мумкин-ку. Ахир ўсмиргар терма жамоаси аъзоси бўлса...

— Коллежда ўқиш учун жой чегараланган. Азамат у ерда ўқиса вилоятлардан келадиган бир истеъоддининг ўрнини банд этиши мумкин. Шуларни хисобга олдик. Колаверса, машғулот зали уйдан узок эмас.

Ёш чемпион орзуен

Шу ерда Шаҳрулло аканинг бағрикенглигига яна бир бор амин бўлдим. У доим чекка-чекка кишлоқларда яшаётган болалар орасидан истеъоддиларни излайди. оталарча уларнинг бошини силаб. мураббийлик қиласди. йўл-йўрик кўрсатади. Оддий қишлоқ боласини юрт чемпионига, юрт ифтихорига айлантиради. У кини каби мураббийлар ўзбек спортининг улкан ютуғидир, десак, асло муболага бўлмайди...

Биз фурсатдан фойдаланиб. Ўзбекистон биринчилиги галиби, ёшлар ўртасида Осиё кубоги сохиби Азамат Шариповдан (Шаҳрулло Махмудовнинг тўнгич ўгли) ҳам кисқача интервю олдик.

— Азамат, педагогика колледжидә ўқишингизга қарашда, сиз ҳам келајсакда отангиз каби мураббий бўлиб ишлап иштиядомисиз?

— Инглиз тили, математика фанларига қизиқаман. Коллежда устозларим ишончини оқлаш, яхши инсон бўлиш – менинг олдимдаги биринчи вазифа. Дипломатия соҳасида ўкиб, юрт тараккистига ўз хиссамни кўшсам, дейман. Спорт соҳасида эса Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионати, Олимпиада бахсларида Ватанимиз байроғини баланд кўтаришни истайман. Бунинг учун устозларим Александр Ким, Шариф ака Шоҳназаров, Борис Савченко сабоқларини қунт билан ўрганиб, бор имкониятларимни ишга соламан!

Ифтихор

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан бир катор ҳамюртларимиз Президентимиз Фармонига кўра, юксак мукофотларга сазовор бўлишди. Тақдирланганлар орасида Ўзбекистон оғир атлетика терма жамоаси аъзоси Руслан Нуридинов ҳам бор. Унга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи» узвони берилди.

– Русланга берилган юксак узвон нафакат унга, балки Ўзбекистон оғир атлетика федерациясига, унинг устоз ва мураббийларига билдирилган ишонч ва масъулиятдир, – деди хушхабарга муносабат билдирар экан Шахрулло Маҳмудов. – Федерация мутасаддилари, спортчи ва мураббийлар буни чукур хис қилган холда халқаро майдонларда Ватанимиз шаънини янада улуглашга, Осиё ўйинлари, китъя ва жаҳон чемпионати, Олимпиада баҳсларида эришган ғалабалари билан ўзбек спорт ишқибозларини хушнуд этишга харакат қилишади.

САДОКАТ

«Ноумид шайгою», деб сўзлашар баёт. орзу-умид билан сермазмун ҳаёт. Инсон орзу сари интилар бот-бот. орзу парвозиарга ундовчи канот. Шу орзу йўлида чархланар сабот. чархланар ирова, серкирра ижод. Бу йўлда инсоннинг чеккан азоби, жонига роҳатидир, занку шавк, хайхот. «Орзуга етмок осонмас, армон бўлгани билан», орзули кўнгилдир мусаффо. обод... Орзуга содиклик баҳтири белгиси, демак, орзу билан тирик одамзод. Тилагим, орзуга тўлавер юрак, шунда энг буюксан, хурдиреан, озод. Орзуси эзгулик бўлган инсонлар, саодат касрини этишар бунёд!..

Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев ана шундай саодатга эришган, умр йўллари орзулари билан мазмунли инсон. Кашибига, ойдин орзуларига содик замондошлиларимиздан. У туну кун «Элга хизмат килсам» деган тилакда изланади. Ҳайтига шу дилбар орзу-истак мазмун-моҳият беради...

Биз Ёдгор ака билан учрашиб, катор кизикарли мавзуларда сухбатлашдик.

— Ёдгор ака, бугунги кунда ўзбек театр ва кино санъатида энг тажрибали, таниқли актёрлардан саналасиз. Күн йиллик самарали ижод сизни шу даражага етказди. Шундай сиодамини кунларда «азиз устозларим», дей кимларни ишлга олган фулардигиз?

— Азиз устозларим деганда мен биринчи галда ўзбек театрини тилга оламан. Наби Рахимовдан тортиб Зайнаб Садиевагача, Гани Аъзамовдан тортиб Сора Эшонтурасевагача, Шукур Бурхоновдан тортиб Олим Хўжаевгача, барча-барчаси менинг азиз устозларимдир. Колаверса, театрда фаолият юритган устоз режиссёрлардан ҳам кўп нарса ўргандим. Шунингдек, бугунги кунда ижод килаётган театримиз дарғалари Ёкуб Аҳмедов ҳамда Турғун Азизовларни ҳам ўзимга устоз деб биламан.

Бу инсонларнинг театрга бўлган садокати, касбга бўлган фидойилигини кадрлайман. Улар халқ учун бутун борлиги,

вужуди билан бир-бираидан ажойиб роллар ижро этишган. Ўзбек театр ва кино санъати учун ҳаётларини бағишилашган.

— Сўнгги йилларда мухлисларигизни согинчириб қўйдигиз. Бир галги сухбанимизда бунга изоҳ бериб, «Яхин сценарийлар ёзилмаётгани, агар яхши асарлар бўлса, албаттна, инги роллар ижро этишингиз» ҳақида айтган эдингиз. Анин кунларда ижодингизда қандай янгиликлар бор?

— Постановкачи режиссёр сифатида ёзуви Эркин Аъзамнинг «Хонадон эгаси» асари асосида бадиий фильмни суратга олдик. Театр соҳасида эса Тохир Маликнинг «Хазонрезги» асарини саҳналаштириш учун сценарийни Ўзбек миллий академик театри раҳбарларига тақдим этдим. Бу борада ҳам тайёргарлик кизгин. Театр жамоаси билан Мустакиллигимизнинг 22 йиллик байрами олдидан вилоятларда бўлиб, учрашувлар ўтказдик. Бу ҳам менга илҳом беради. тинимиз изланишга ундайди...

— Учрашувлар чоғида кўшиклар ҳам куйладингиз...

— Кўшик куйлашимдан макеад – мухлислар ишончи ни оқлаш, уларга манзур бўлишдир. Мен мухлисларимни яхши кўраман. Улар билаи учрашувлардан завк оламан...

— Бугунги кунда қўйлаб ўзбек фильмлари суратга олининти. Улар орасида сизга манзур бўлаётган фильмлар борми?

— Йўқ эмас, лекин улар кўп ҳам эмас...

— Устоз санъаткор сифатида ўша фильмларда роль ижро этаётган ёшларнинг камчилигини нимада қурасиз?

— Ёшларнинг тезрок юлдуз булишга иштилиши – бу уларнинг энг асосий камчилигидир. Ёшларимизга кўпроқ ўз устида ишлашлари лозимлигини маслаҳат бергаг бўлардим.

— Тоҳир Маликнинг «Шайтанан» асари асосида суратга олинган кўп қисмли фильмда бош ролни ижро этидингиз. Асар қаҳрамони Асадбекнинг қайси ижобий фазилатларини инсонларда бўлшинини хоҳлардингиз?

— Асарда бир отаконнинг шундай тани бор: «Асадбек ўзи палаги тоза оиласдан». Дарҳакиқат. Асадбек яхши оиласнинг фарзанди. Үнда ижобий фазилатлар кўп. Ростгўйлиги,

одамларга ёрдам кўлини чўзиши... Ундаги барча яхши фазилатларни инсонларда кўргим келади.

— *Касбингиз жуда шарафли, аммо матакқатзи. Тинимисиз репетициялар орқали мухлисларга манзур бўладиган роллар дунёга келади. Одамларни кулдирадиган, тигглатадиган, керак бўлса тарбиялайдиган образлар яратилади. Ўйнаётган ролингиз устидага уйда ҳам ишланига тўғри келадими?*

— Театрда ўйнаган барча ролларимнинг сўзларини уйда ёдлаганман...

— *Фарзандларингизга тарбия бериш чогида уларни койнинга, уршининга тўғри келганими?*

— Икки нафар фарзандим бор. Ҳабиб ва Мунисахон. Худога шукрлар бўлсинки. болаларим ота-онасини ранжитадиган, уларни койишга мажбур киладиган ишларни килишмади. Хонадонимизда ота-онага эътибор. меҳр кучли. Болаларимиз бизни ардоқлашади.

— *Солих фарзандлар тарбияланади нималарга эътибор қарашдингиз?*

— Таълим-тарбияни болаларимизнинг иймонли бўлиб ўсишига йўналтиридик. Шу боис, фарзандларимнинг жамиятда, оиласида ўз ўрнига эгалиги мени кувонтиради.

— *Сизнингча, болалар қалбиди Она ватанга муҳаббат туйгузлари қандай шаклланади?*

— Ватаншарварлик оиладан бошланади. Ота-она ўз фарзандига оиласини севишни ўргатиши керак. Чунки оилани севмок – Ватанин севмоқdir!

— *Сиз нафақат баҳтиёр отиа, балки меҳри дарё бобо ҳамисиз. Набираларингизга қараб туриб, хаёлингиздан қандай ўйлар ўтади?*

— Беш нафар набирам бор. Уларга қараб туриб. қалбим чексиз қувончга тўлади. Уларнинг мустақиллик фарзандлари эканлигидан шодланаман. Яратгандан набираларимнинг камолини сўрайман. Улар хорижий тилларни. жумладан, рус. инглиз ва араб тилларини ўрганишянти. замонавий

компьютер техникасини мукаммал ўзлаштириши мөқда. Бу дилимда улкан умидлар уйғотади. Азизбек ва Заринанинг инглиз тилида эркин сўзлашаётганини кўрсам ўзимнинг болалигим ёдимга тушади. Уша Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврлар, элимиз тортган азоб-укубатлар. Бир нарча нон кайгуси, тинчлик, шодлик согинчи. Ана шундай суропли даврда менга ҳам она, ҳам ота меҳрини берган азиз волидам – Маҳбуба аяни дунёдаги энг меҳрибон оналардан деб биламан. Шунинг учун ҳам ўғлим Ҳабибнинг қизига азиз онажонимиз исмини қўйганмиз. (Ёдгор Сайдиевнинг отасининг исми эса Ҳабиб бўлган. – Муаллиф.)

– Мен футболимиз афсонаси, ҳозирги кунда «Бунёдкор» футбол клуби ҳамда миллӣ терма жамоамизни бошқараётган Миржисул Қосимовдан «Сизнинг энг яқин дўстингиз?» ким деб сўраганимда у «Дўстларим қўн, бирорқ энг яқин ҳамроҳим, қийин паллада суюнадиган дўстим бу турмуш ўргонимди», дега жавоб бергананди. Сиз бу саволга қандай жавоб қайтарган бўлардингиз?

– Энг яқин дўстим – бу менинг оиласи.

– Ўзингиз ёқтирган бирорна туртсикни ўқиб берсангиз...

– Дўст изласаңг, дўст топарсан,

Зинхор душман излама.

Душманинг ҳам ўзинг бирла.

Бўлсанг иккюзлама...

– Айсоёнб шеър учун раҳмат! Ёдгор ака, сиз ёшлигинизда дарвозабон бўлиб, мамлакатимиз бои жамоаси ҳисобланган «Пахтакор» футбол клуби шаънни ҳамоя қилгансиз. Ҳозир ҳам фахрийтар ўртасида тўн тенаётганингизни тез-тез учратамиз. Келинг, сизга футбол ҳақида савол берсанм. 2013 йилда Туркияда ёшлар ўртасида ўтиган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз чорак финалгача чиқиб, ўзбек футбол шиқибозларини хурсанд қилди. Бу жамоа интироқи ҳақидаги фикрингиз...

– Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг саккизинчи погонадан жой олиши – бу жуда катта

муваффакият, ўзбек футболининг жадал ривожланаштаганини, жаҳон футболида анча илгарилаб кетганидан далолат. Турияда Ватанимиз шарафини ғолибона химоя килган ёшлиаримиз ишни тўғри олиб боришса, юлдузлик касалига учраб колмасдан, ўз устиларида ишлашса. Якин йилларда улар миллий терма жамоамизининг ҳам асосий таркибидан ўрии олишларни мумкин.

— Дубляж орқали 800 га яқин фильмларда овоз берганлиз. Бугунги кунда ҳам дубляжеда қашшанинисизми?

— Ҳа, вактида дубляж соҳасида ҳам кўп ишладик. Аммо хозир бир ўзим бир фильмда 4-5 кишига овоз беролмайман. Бунга қурбим ҳам етмайди ва буни хоҳламайман ҳам...

Ёдгор ака садоқатли инсон. Ватанига, касбига, оиласига, муҳлисларига содиклик кўринади унинг ҳар бир ишида. Гапида, сўзида, юрши-туршида. Жиддий, қалбни очиқ, хушфевъ, камтар, ростгўй, оқибатли, бир шини сидқидилдан бажарадиган меҳнатсевар инсон. У ота касбни ташлаб, отага, унинг меҳрига садоқатини тўла на мойши этиди. Шу заҳматати касб орқасидан эзга танилди, ҳалқамизнинг энг суюкли инсонларидан бирига айланди.

Демак, биз ундан ўзбек театр ва кино соҳасида янги-янги роллар, фильmlар, спектакллар куниб қолишга ҳақлимиз.

ЮРАГИМДАСАН, ВАТАН!

Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Хеч бир нарса мамлакатни спортчалик тезда дунёга машхур кила олмайди». Истиклол йилларнда оламшумул галабалари билан Ватанимиз шарафини улуғлаган юонон-рум кураши бўйича Олимпиада чемпиони Александр Доктурошибили, жаҳон чемпиони Дилшод Орипов, спорт гимнастикаси бўйича жумлаи жаҳонни ҳайратга солган Оксана Чусовитина, дзюдо кураши бўйича Осиё ўйинлари совриндорлари Мирзоҳид Фармонов, Наврӯз Жўрақболов, байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича китъя ўйинлари голиблари Сергей Борзов, Серик Мирбеков, Юлия Борзова, Алексей Мочалов, Ксения Прелепская, каноэда эшкак эшиш бўйича хозиргача уч марта (2009, 2010 ва 2011 йиллар) сайёрамизининг энг кучли спортчилини деб топилган Вадим Менков, велоспорт бўйича жаҳон чемпиони Сергей Лагутин каби ўнлаб спортчиларимиз борки, улар билан ҳакли равишда фаҳрланамиз. Эътиборли томони шундаки, юқорида тилга олинган спортчиларимизнинг Ватан ифтихорларининг барчаси касаба уюшмалари тизимидағи болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари тарбияланувчиларидир.

Шу боис, кўп йиллардан бўён Узбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгашини бошқариб келаётган тажрибали мутахассис. Узбекистон республикасида хизмат кўрсатган мураббий, Республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг «Эҳтиром» нишони сохиби, ҳалқ таълими аълочиси, Узбекистон Миллий Олимпия қўмитаси Ижроқўм аъзоси Баҳодир Тожиев билан сұхбат уюштириб, у кишининг ҳаёт тарзи, шогирдлари ва бошка кизикарли мавзууларда сұхбат уюштиридик.

— *Баҳодир ака, инсон ҳаётидаги туб бурилишилар ясайдиган воқеалар бўладики, улар йиллар ўтса-да, унунт бўлмайди. Сизда ҳам шундай воқеа-ҳодисалар бўлганми?*

— Оиламиз катта бўлиб, 11 нафар ўғил-киз эдик. 12 ёшга кирганимда отам оламдан кўз юмди. Мехрибон онажоним

бу вактда 41 ёшга кирган бўлиб. бир этак бола билан бева колди. Ана шундай кийин паллада спорт жонимга оро кирди. Икки ўртогимга эргашиб, пойтахтимиздаги Алишер Навоий номли Миллий боғ худудида жойлашган спорт мажмуасига, юонон-рум кураши тўгарагига бордим.

Бу ерда мураббий бўлиб ишлаётган Алексей Пастухов хаётимга нур бўлиб кирди. У меҳр билан бошимни силади, машғулотларга жалб килиб, менинг ёмон, безори болаларга кўшилиб кетишимнинг олдини олди. «Сендан яхши спортчи чикади», дерди устозим. Ўша пайтлар хозиргидек шаритлар кәёқда дейсиз. Машғулот пайтида ракибни кўтариб йикитсан, гиламдан чиккан чанг-тўзондан шеригимиз кўришимай қоларди. Машкдан кейин катта қозонга сув солиб, тагига олов ёкиб, шу сувда ювинардик. Шароитнинг гигиена талабларига асло жавоб бермагани учун шамоллаб колган вактларимиз кўп бўларди.

Хозир ўйлаб қоламан, ана шунда яхши инсонларга дуч келмаганимда бугун бутунлай бошка одам бўлиб вояга етиш имконим эди.

1969 йилда собик Иттифок ҳалклари мактаб ўкувчилари спартакиадасининг юонон-рум кураши баҳсларида барча ракибларимни ёнгиб, олтин медалга эринишдим. Бу мувafferакият менга Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига имтиёзли кириш имконини берди. Йўқса, ўзимнинг истагим ҳукукушунос бўлиш эди.

Спортчилик фаолиятимда кўплаб мусобакаларда зафар қозониш насиб этди. Бир воеа хеч ёдимдан чикмайди. 1971 йил эди. Республика чемпионатида 74 кг вазн тоифасида финалга етиб келдим. Иккинчи томондан устозим Алексей Трофимович Пастухов ҳам финалга чикканди.

— Алексей Трофимович, сиз билан қандай қилиб қураман? — дедим азиз устозимга қараб.

— Бу мусобака. Сенга ўргатган усулларимни менга нисбатан кўллаб, ғалаба қозонсанг, жуда хурсанд бўламан. Устозинг эканлигимни ёдингдан чикар. — деди мураббийим

саволимга жавобан. Шу тарика минг-минг истиҳола билан майдонга чикдим ва устозимни ютдим. Ғалабага эришган бўлсам-да, хурсанд ёки хафа бўлишини билмас эдим. Шунда устозим келиб, «Қилған меҳнатларимнинг натижасини кўриб, бошим осмонга етди. Сендан хурсандмай», деганди.

Спортчилик фаолиятимни тугатгач, кўп йиллар мураббий бўлиб ишладим, камтарона меҳнатларимни юкори баҳолаб, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган мураббий» узвонига лойик топишди.

— Кўнглаб ёнларга устозлик қилиб, уларнинг маҳир спортични бўзиб шаклланшишига ўз ҳиссангизни қўшиб келяпсиз. Кўнглаб чеянионларимизни яқиндан биласиз, феъл-авторидан хабардорсиз. Чеянионларнинг қайси фазилатларини бошқаларга намуна қилиб кўрсатган булардингиз...

— Дзюдо кураши бўйича Олимпия ўйинлари совриндори, жаҳон чемпиони Ришод Собиров ўз устида жуда кўп ишлаши билан эътиборимни тортган. Уни гиламдан чиқариб тоборсангиз ҳам кайтиб келиб, машкни давом эттираверади. Бокс бўйича Олимпиада чемпиони Мухаммадқодир Абдуллаевни ҳам качон изласангиз, рингдан топиларди.

Бутун Европа эшқак эшиш бўйича Осиёдан яхши спортчи чикишига ишонмасди. Чунки эшқак эшиш «кухна китъа»да жуда тараккий этган спорт турларидан саналади. Щунга қарамасдан, ҳам ортимиз Вадим Менков кетма-кет уч йил – 2009, 2010 ва 2011 йилларда Халкаро эшқак эшиш федерацияси томонидан «Сайёранинг энг кучли каноэчиши» деб топилди. Вадим 2009, 2010 йилларда жаҳон чемпиони бўлди, 2011 йилда бронза медали насиб этди. 2008 йил Пекинда ўтган ёзги Олимпия ўйинларида барчанинг хайратга солган Менковнинг медалга эришишига сониянинг ўндан бир улушигина етмади. У тўртинчи погонадан жой олди.

Мен Менковни ҳазиллашиб, «Ихтиандр» деб чакирамаи. Ихтиандр «Одам амфибия» бадний фильмни қаҳрамони эканини яхши биласиз. Менков ҳам 8-10 соатлаб «Тошкент

денгизи»да эшкак эшиди. Устози «Чарчадинг, сувдан чиқ», деса ҳам чиқмайди. Жуда толиқса, қармок ташлаб, қайигида балиқ тутади.

Ёки Артур Таймазовни олайлик. Кетма-кет уч марта, 2004, 2008 ва 2012 йилларда эркин кураш буйича мутлак вазнда Олимпиада чемпиони бўлди. Бу осон эмас. Артур ўз спорт формасини ушлаб туриш учун жуда кўп нарсалардан кечади. Жиддий овқатланиш ва машгулотлар режимига амал қиласди.

Ўзбекистон спорт делегацияси сафида 1996 йил Атланта, 2000 йил Сидней, 2004 йил Афина, 2008 йил Пекин, 2012 йил Афина Олимпиадаларида иштирок этдим.

Баҳслар давомида ютуқлардан қувончим ичимга сигмаса, мағлубиятдан юрагим аламга тўларди.

Пекинда ўтган Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирокчи давлатлар раҳбарлари ҳам қатнашганидан хабарингиз бор. Очилиш маросимининг эртасига давлатимиз раҳбари, мухтарам Президентимиз Ислом Каримов «Олимпия шаҳарчаси»га келиб, ўзбекистонлик спортчилар билан учрашди. Юртбошнимиз барча спортчиларга омад тилаб шундай деганди: «Азиз болаларим! Кеча Олимпиаданинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистоннинг сиздай баходир, навқирон спортчиларига, Ватанимизнинг сара ёшлинига караб, фахрланиб ўтирдим. Сиздан Олимпиадада медал сўрамайман. Қанча-қанча саралаш мусобақаларидан ўтиб, финал боқичида иштирок этишингизнинг ўзи катта ютук. Ортингизда миллионлаб мухлисларингиз бор. Барчамиз севганин жонажон Ватан турибди. Шу Ватан, азиз ойлангиз, миллионлаб мухлисларингиз ҳаки. Ўзбекистоннинг сара, олди ёшлари нималарга қодирлигини бир кўрсатиб қўйинглар!».

Президентимизнинг бу гаплари тагида канчалик чуқур маъно, фалсафа борлигига қаранг. Давлатимиз раҳбарининг «Олимпия шаҳарчаси»га бориб, спортчилардан ҳол-аҳвол сўраши, уларнинг шароитлари билан танишиши спортчи ва мураббийларнинг руҳини кўтарди, кучига куч қўшди. Пекинда 206 та давлат вакиллари баҳсларда катнашган

бўлса, шундан 80 тасига Олимпия медаллари насиб этди. Вакилларимиз умумякунда 34 ўриндан жой олди!

Олдинлари факат бокс ва спорт курашлари бўйича вакилларимиз медаль соҳибига айланган бўлса. Хитойда дзюдо, тромполиндан сакраш, спорт гимнастикаси бўйича ҳам Олимпиада шохсуласидан ўрин олдик.

— *Табиий савол тугилади: Олимпиадага кучсиз спортчи йўлланма олмайди. Ҳамюртларимиз ютуғининг сири нимада?*

— Дархақиқат. Олимпия ўйинларида не-не чигириклардан ўтган, маҳорат даражаси ўзаро тенг бўлган спортчилар йўлланма олишади. Қайси спортчининг юрагида оиласига, маҳалласига. Она Ватанига мухаббати кучлирок бўлса, ана шу севгининг кудрати унга куч беради, улкан ютукларга бошлияди. «Менга Президентим, давлатим шунча шароитларни яратиб берди. Бу ишончни оклаш учун ҳаракат қилишим керак», деган туйғу тинчлик бермаган фарзанд ватарпарвар спортчидир. Улардан қандайдир юксак натижалар кутишга ҳақлисиз.

— *Сиз Ўзбекистон эшкак энти федерациясининг раиси ҳам ҳисобланасиз. Кейинги йилларда барча вилоятларда ушбу спорт турининг ривожланшини кузатиляти. Бу борадаги таҳлилларингиз қандай?*

— Эшкак эшиш спорт турлари бўйича сўнгги йилларда ўтаётган қитъа чемпионатларини кўрсангиз ёки Осиё ўйинларига назар ташласангиз, терма жамоамиз умумжамоа ҳисобида юқори ўринларни банд этяпти. 2011 йил Эроннинг Техрон шахрида ўтган қитъа чемпионатида вакилларимиз 28 та медални қўлга киритди. Чемпионлар орасида Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Фаргона вилоятларидан, Коракалпогистон республикасидан спортчилар борлиги зътиборли. Демак, жўғрофия кенгаймокда. Спорт турини ривожлантириш бўйича нафакат пойтахтда, балки чекка-чекка вилоятларда иш яхши йўлга кўйиляпти. Масалан, узок шимолда, Коракалпогистон республикасида камолга

стаётгани Абубакир Узокбосв деган йигитимиздан мутахас-
сисларниң умили катта. Сизга яна бир янгиликни айтай.
Бугун бизнинг ажойиб эшкак эшиш каналимиз бор.

1980 йил Москвада ёзги Олимпия ўйинлари ўтиши муно-
сабати билан Самарканда эшкак эшиш канали қурилганди.
Аммо бу каналда Олимпиада баҳслари ўтказилмади. Ўтган
вакт оралиғида бу каналдан турли максадларда фойдала-
нилди. Балик ҳам бокилди, қуриб ҳам колди...

Лекин хукуматимиз эътибори, Ўзбекистон эшкак эшиш
федерацияси ҳомийси «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик
компанияси эътибори остида Самарканнаги канал бутун-
лай таъмирланди, ҳалкаро талабларга жавоб берадиган
шаронтлар яратилди. Мусобака ўтказиш, спортчиларнинг
истикомат қилиши, овкатланиши, машғулотлари учун за-
рур бўладиган қулайликлар вужудга келди. Спортчиларга
300 та янги кайик олиб берилди.

Хозир бундай эшкак эшиш канали Осиё китъасидан
факаг Жанубий Корея ва бизда бор.

2012 йилнинг октябрь ойида ушбу каналда «Самарканд
юлдузлари» ҳалкаротурнир ташкил этилиб, унда Венесуэла,
Жанубий Корея, Франция, Польша, Россия, Козогистон,
Ҳиндистон, Тожикистон давлатларидан жамоалар катнашди.
Корея ва Россия давлати вакиллари қулай икlim ва шаронт-
ларни қўриб, ўз ўкув машғулот йигинларини Самарканда
 ўтказиш таклифини билдиришди. Юкори савияда ташкил
 этилган «Самарканд юлдузлари» ҳалкаротурнирини ҳар
 иккни йилда бир бор ўтказишга келишиб олишли.

Эшкак эшиш бўйича 2013 йилги Осиё чемпионатини ўзида
 ўтказиш бўйича Ўзбекистон, Ҳиндистон, Малайзия, Хитой
 Тайпейи, Жанубий Корея, давлатлари номзодлари қилишиди.
 Биз Самаркандинг тарихий жойларини, меҳмонхоналари ва
 эшкак эшиш каналидаги шаронтларни тасвирга олиб, диск
 тарзида ташкилий кўмитага тақдим этдик.

Биздаги шаронтлар, жаҳон ҳалкларининг ҳамиша нав-
 кирон Самарканд шаҳрига бўлган талпинишлари, кизикини

устун келиб, китъа чемпионати мезбонлиги Узбекистонга берилди.

2011 йил Эропда ўтган мусобакада 20 та давлат катнашган бўлса, 2013 йил сентябрь ойидаги юртимизда ўтадиган Осиё чемпионатига хозирданок 30 мамлакат катнашиш истагини билдирган.

Истиқболли режаларимиз кўп. 2013 йилда мазкур каналда эшкак эшиш бўйича республика ихтиослашган Олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабини очиш бўйича харакатлар олиб борилияни.

— Баходир ака, энди сұхбатимизни энг муқаддас даргоҳ ҳисобланманиши оила мавзусида давом этинирсак. Оила — ҳар бир инсоннинг муқаддас бойлиги. Намунали ота сифатида оиласигиз ҳақида гапириб берсангиз.

— Беш нафар фарзандим, олти набирам бор. Тўнгич фарзандим Камолаҳон педагогика йұналишида таҳсил олган. Ҳозир боғча мудираси. Ўглим Фарруҳ Тошкент Давлат Шарқшунослик институтини туттаган. Айни пайтда хорижда ишләяпти. Рустам — хукуқшунос. Аслияҳон ва Аслиддинхонлар хали кичкина. 16 ёшли набирам Алишерхон халкаро маркетинг соҳасида ўкияпти.

— Бола тарбиясидаги энг нозик масалалар, сизнингча, нима?

— Ҳеч кимга сир эмас, бола тарбиясида асосий ролни отана бажаради. Боланинг эсли-хушли бўлишида онанинг ўрни бекиёс. Лекин кўпгина фарзандлар отасидан намуна олишга харакат килишади. Демак, ота ётиб-туришда, кийинишида, муомала-ю мулоқот чогида анча ўзига эътиборли бўлиши зарур. Ота-оналар фарзандлари кўз ўнгидаги хар хил зарарли одатларни, масалан, ичиш, чекинш, бир-бири билан уришинш каби салбий таъсир кўреатадиган ҳолатларни кўрмасликлари зарур.

Болаларимиз 14-15 ёшга кирганида уларда турли ўзгаришлар рўй беради. Улар ҳамма нарсага кизика бошлишади. Ота-она шундай паллада уларни яхши, фойдали нарсаларга қизиктиришлари керак. Улар ўғил-қизларига

машхур ёки эл орасыда обруси бор инсонлар хаёт тарзидан мисоллар келтириб, болаларини улардек бўлишга йўналтиргани даркор.

Ҳар қанча иши кўп, ташибиши бошидан ошиб-тошиб ётса ҳам боласининг ҳар бир қадамини, ўтказаётган ҳар дақиқасини назорат қилиши лозим. Яна кайтариб айтаман, боланинг яхши инсон бўлиб вояга етишида атроф-муҳит, маҳала-кўй, яхши инсонлар билан мулоқотда бўлиши сезиларли таъсир кўрсатади. Ахир айтишадику, «яхшига ёндашсанг – етасан муродга, ёмонга ёндашсанг – қоласан уятга».

– *Ҳаётда қандай шиорга амал қиласиз?*

– Кимгadir ёрдамим тегса, инсонларга қўлимдан келганича яхшилик қилсам, дейман. Бирорларга яхшилик қилиш – кенг қамровли тушунча. Кимгadir тўғри маслаҳат бериш, кийин паллаларда кўмаклашиш, устозлик қилиш... Бунинг учун тинимсиз ўз устида ишлаш талаб этилади. Нозик паллада, ёмон йўлга кириб кетишим мукаррар бир пайтда мени тўғри йўлга бошлаган устозим Алексей Пастуховдан бир умрга миннатдорман. Азиз мураббийим билан қадрдонмиз, борди-келди қиласиз. Менинг ҳам устозимдек кимларгадир нафим тегса, дейман.

– *Мазмунли сұхбатингиз учун ташаккур!*

ДУНЁ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Ҳаётда шундай иисонлар учрайдики, уларни гүё Хизрга қиёслагинг келади. Чунки улар кимгадир ёрдам қилишни, кимнингдир кўнглига далда беришни, уларнинг руҳиятини кўтаришни ўзига шиор қилиб яшашади.

Ёзувчи, халқ депутатлари вилоят кенгашин депутати Жумакул Курбонов ана шундай бағрикенг иисонлардан бири. У кандай лавозимда ишламасин, доимо ўзининг меҳнатсеварлиги, қатъиятлилиги, ваъдасига вафодорлиги-ю, дўстларига содиклиги билан кишилар, кенг жамоатчилик эътиборида туради. Ватанини жондан ортиқ севиши, чукур илдиз отган тарихимизга бўлган хурмати, миллий қадриятларимизга йўғрилган муҳаббати унинг харакатларида, шунингдек, ёзган барча асарларида намоён бўлади.

Жумакул Курбоновдаги меҳр мезонлари ёзувчи тугилиб ўстган Муборак чўлларидек бепоён ва тафти нурафишон қуёшимиз янглиғ иссик.

Биз ёзувчи билан дилдан сұхбатлашдик.

- *Жумакул ака, сұхбатимизни ота-боболарингиз, уларнинг қасбу кори, феъл-авори қандай бўлганини ҳақидаги ҳикоянгиз билан бошласак...*

- Мен 1955 йилда Қашқадарё вилояти хозирги Муборак туманига карашли Кўхнашахар қишлоғида тугилганман.

Отам Файзулла бобо саксон бешга кирдилар. Умрлари меҳнатда ўтганлиги учун худога шукр, ҳамон бардам. Отам биз ака-укаларни ҳалолликка, тўгрисўзликка ўргатди. Доимо бизни меҳнатдан кочмасликка ундарди. Баъзан каттиқўллик килса-да, лекин адолат чегарасидан чикмасди.

Ўзи олий маълумот олмаган бўлса-да, лекин биз фарзандларининг ўқиёшимиз учун жон куйдирган. Шунинг учун акам, икки укам ва синглим, барчамиз олий маълумотлимиз. Ҳаётда ўз ўрнимизни топганимиз.

Онам раҳматли Шарифа момо эса меҳрибон, юмшок-кўнгил аёл эди. Кўплаб эртак ва достонларни ёд биларди.

Менинг адабиётга ҳавас кўйиншимида онамининг хизматлари жуда катта.

Бобом Курбон бобо яхшигина маълумот олган зиёли киши бўлган. Кишлокда обруси баланд кайвони бўлгани учун хеч ким у кишининг галини икки килишга ботина олмасди. Жуда кўп ривоят ва достонларни биларди. Кишининг узун тунларида сандал атрофига ўтириб олиб, еттинчи лампанинг ёруғида бобомнинг оғзиға термулганича ривоятлар тинглаш – жону дилимиз эди.

Баъзан бирон-бир асар устида ишлаганимда ўша пайтларда бобом айтган ривоятлар осимига тушиб кетади. Унинг салобатли, бирок майн овози қулогим остида жаранглает-гандек бўлади. Бобомнинг ўтқир нигохини хис киламан.

– Сизда шугилиб ўсган заминга, унинг қадриянишари, қадим тарихига чўқур ҳурмат-эҳтиром ҳар бир ҳараканингиздан, сўзларингиздан сезилиб туради. Муборак туманинг чўллари, одамларга оби-ҳаёт узашган сардобаларини шунчалик ардоқлайсизки, бунга ҳавас қиласа, бундан ўриак олса арзийди. Бу буюк муҳаббат қандай шаклланган?

– Ижодкор бўлиб шаклланишимга Муборакнинг чўлу биёбонлари, кенгликлари, киру адирлари, киска вакт бўлсада, баҳор ойларида қип-кизил гиламдек тўшлилиб ётган лолакизгалдоклари жуда катта хисса кўшган. Бу юртда яшовчи одамларнинг бағрикенглиги, соддалиги, самимияти шу кенгликларидан нусха олган бўлса, ажаб эмас.

Мен туғилган Кўхнашахар кишлоги Кашкаларёенинг кўни оқимида жойлашган. Кишлокининг номи ҳам бу ерда бир вактлар шаҳар бўлганилигидан далолатдир. Унинг кунбатар томонида машҳур Занжирсарой калъасининг харобалари. Кунчикар томонида эса Абдуллахонга нисбат бериладиган, бирок халқ орасида Бекча деб аталадиган Сардоба бўларди.

Болалигимда кўй бокиб юриб, Занжирсарой харобаларининг гиштларига караб, чукур хаёлга чўмардим. Гиштлар орасидаги чангда колган меъмор устанинг бармок излари

хәёлимни узок үтмишга судраб кетарди. Күмгә чўкиб бораётган улкан гүмбази устига тирмашиб чикиб, олис-олисларга термулиб ўтириши яхши кўрардим. Кейинчалик «Кашкадарё ҳакикати» газетаси таҳририятида ишлаганимда «Тупрок остидаги шахар» сарланҳаси остида катта маколам чоп этилди. Шу пайтларда Сардоба ва Занжирсарой ҳакида маълумотлар, ҳалк оғзида юрган ривоятларни йига бошладим. Шу аснода «Амир Темур туғилган жой ёхуд Занжирсарой киссанси», «Сардоба» романни ёзилди. Ўша пайтларда ривоятларни йигаётуб, бир кун келиб бирон-бир асаримда ишлатаман, деган ниятим йўқ эди. Уларни шунчаки кизикканлигим учун тўплагандим. Бирок орадан йиллар ўтиб, бу маълумотлар «Сардоба» романини яратиш учун зарур хомашёга айланди.

— *Инсон умрини фаслларга қиёсласак, сиз қайси фаслда нималарга алоҳида ўтишиб қаратни лозим деб ҳисоблайсиз? Умуман, болаликни баҳор, ёшлигини ёз, ўрта ёшлик даврини куз ёки кексаликни қиши фаслига қиёслаб бўладиши?*

— Инсон умри, унинг ҳаётдаги максадлари ҳакида жуда кўп гапириш мумкин. Бу ҳакдажуда кўплаб ёзилган. Аслида инсон умрини фаслларга қиёслаб бўлармикан? Фасллар бир-бири билан узвий боғланган. Фасллар яна қайтарилади, лекин инсон умри оркага кайтмайди.

Инсон табиати қизик яралган. Ёзниг жазирама иссиғига қишини залаймиз. «Қиши совук бўлса ҳам яхши», деймиз. Қишининг қаҳратон аёзида «ёз тезрок келсайди», дея энтикамиз.

— *«Ёшлар ўзгариб бораяти» деган тушуича бор. Албанита, бу борада ижобий ва салбий хулосалар йўқ элас. Сиз бунга нима дейсиз?*

— Ёшлар бизнинг келажагимиз. Биз хоҳлаймизми-йўкми, эстафетани уларга тоғиширишга мажбурмиз. Ёшларда шижоат бор, кексаларда тажриба. Қанийди, шу иккови бирлаштирилса... Лекин ёшларнинг тарбияси учун биз масъулмиз.

— *«Вақт – ганимат» дейиниади. Вақтдан унумни фойдаланини бўйича ўз карашларингизни, тажерибаларингизни ганириб берсангиз...*

– Бунда бир хитой халқиңнинг мақолини эслашыга түғри келади. «Врачни сотиб олиш мумкин, лекин согликни сотиб олиб бўлмайди. Уйни сотиб олиш мумкин, лекин уйниң файзини сотиб бўлмайди. Мансабни сотиб олиш мумкин, лекин обрў-эътиборни сотиб олиб бўлмайди. Соатни сотиб олиш мумкин, лекин вақтни сотиб олиб бўлмайди».

Менинг ишхонамдаги иш столимда «Икки от» манзараси бор. Биринчиси елиб, чопиб бораяпти, иккинчи от эса олдинги туёкларини тепага кўтариб, уни тұхтатишига харакат килаяпти, буларнинг ўртасида кичкина глобус... Китоблар жавошида тепасида эса гижинглаган от, ўртасида соат ўрнатилган, тұгмачани боссанғыз отнинг дукур-дукури эшитилади.

Дилемга яқин кишилар хонаамга кирса, сўрайман: «Мана булардан фалсафий хulosа чиқариб беринг». Ҳар хил қарашларни тинглайман. Ҳуллас, кўнглимдаги фикрни эшиitmagaç, ўзим изоҳ бераман: Мана – биринчи чопиб бораётган от инсон тимсоли, ўртасидаги глобус бу – олам, дунё. Инсон дунёning поёнига етиш учун елиб-югуряпти. Лекин иккинчи инсон, яъни донишманд уни тұхтатишига харакат килаяпти: «Кўп ҳөвлиқма. Дунёning поёнига етиб боролмайсан ва тепага қара, вактнинг қадрига ет, умрнинг қадрига ет», деётгандек...

Вактни борлигида енгишинг мумкин. Йўклигига у сени, албатта, енгади. Яқинда бир китобда ўқиб колдим. «Вактинг борида, у шу қадар қадрсизки, ҳатто бир чакага олмайсан, аммо вакт-соаттинг ниҳоясига етиб келгач, у шу қадар кимматбаҳо бўлиб кетадики, яна бир кун яшашиб учун, бутун умр йиккан бойлигинги беришига шай турасан, шунда вакт сенинг бутун умр йиккан бойлигинги бир чакага олмайди». Накадар доно гап.

– *Инсондаги бирор салбий фазилат унинг фарзандида ҳам наимоён бўлса, (ёлғончилик, безорилик, шўхлик, тақаббурлик ва ҳоказо) буни бартараф этиб бўладими? Ёки қон билан кирган хислат жисон билан чиқадими?*

— Күш уясида күрганини қилади. Түғри, баъзан «ўгридан ўгри, түғридан түғри», дейишади.

Иисон дунёга нима учун келади? Иисон умрининг мазмунин нимадан иборат? Лев Толстойнинг умрининг охирида ёзган «Икрорнома» асарини севиб мутолаа қиласман. Чунки унда бу ҳақда батафсил ёзилган.

Айтишади-ку, «Фарзандда бўлмаса ота нишони, демак унда бордур ўзгалар қони». Ойлада фарзанд, айникса, ўғил бола отага тақлид қиласми.

«Бола бошидан...» деб бежиз айтишмаган. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз айтганиларидек,

*Агар ешишни қийшиқ қўйса гар меъмор.
Юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор.*

Бир куни Халифа Маъмуни одоб билан сўзлаётган бир боладан «Кимнинг ўглисан?» деб, сўради. Бола «Одобининг ўглимани» деб жавоб берди. Бу жавобни эшиштаги Маъмуни «Қандай чиройли отанг бор экан», деб унга таҳсин ўқиди.

«Тарбия таъсир қиласиган кишилар уч тоифага бўлиниади», деб ёзади Абул Барокот Қодирий. Биринчиси – ҳашуз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик губори билан булғанмаган. юраги эса ботил ишлар зулмати билан кораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қиласми, бундай болани түғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси – оқ билан қорани ажратадиган бўлиб колган бола. Улардан баъзилари ўз нафсининг ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишнинг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эътироф этади. Бундай одамии тарбиялаш биринчисига нисбатан кийинрок, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбехлар бериб борилса, албатта, яхши йўлга юради.

Учинчиси – ойлада ботил ҳаёт ва фосид фикрлар билан ўсиб улгаётган киши. У умр бўйи ноҳак ишларни ҳак деб

билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қиласа ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия килиш жуда оғир. Унинг тарбиясига киришиш тирноқ билан қудук қазиш ёки ҳали қизиб чўққа айланмаган темирни болталаш билан баробар.

Дополар яхши ёки ёмон хулқли бўлишни оиласа боғлайдигар. Уларнинг айтишларича, бузук хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли хулқ офтобга ўҳшайди. Офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли хулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

— *Фарзандлар камоли – ишдаги унумни, ҳаётдаги сподатини оширади. Ошадаги тарбиявий мухитни яратишда қандай принципга риоя қиласиз?*

— Тартиб-интизомнинг эш зўр мактаби – оила. Оила ҳаётининг бош муддао ва максади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир. Менимча, оиласавий тартибботнинг ташки кўриниши ўзбошимчалик билан иш тутиш ҳам, газаб ҳам, бақириқ-чакириқ ҳам, илтижо ҳам, ялиниб-ёлворишлиар ҳам эмас, балки осойншталик, жиддийлик ва ишбилармонлик билан килинган фармойишдан иборат бўлмоти керак. Бундай фармойиш бериш ҳуқуки оила-альзоларининг ёши улут вакили сифатида айни ота-онага берилганилиги хусусида на ўзингизда ва на болаларингизда ҳеч бир шубҳа қолмаслиги керак. Чунки инсон табиатига болаликда сингдирилган фазилатларгина мустаҳкам ва ишпончли бўлади.

Мен оиласадаги тарбиявий мухитда юкоридаги принципларга амал қиласман. Ҳалқимиз баҳт-саодатини, Ватанимиз келажагини болаларни тўғри тарбиялашга боғлик деб биламан. Рус ёзувчиси Максим Гор'кий таъбири билан айтганда “Боласини суйишини (эркалашни, яхши кўришни) товуқ ҳам билади. Уларни тарбиялаб олмоқ эса қобилият ва кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир”.

Оила – табиатнинг шоҳ асарларидан биридир. Оилавий хаётда рўй бериб турадиган майда-чўйда кемтикларни фақат кучли муҳаббатгина текислаб кетиши мумкин.

Агар кишининг хонадони тотувлик ва ҳаловат билан тўлмаса, баҳтесизлик билан тўлади. Оиласидаги муаммоларга бефарқ бўлган киши – киморда ўз хаётини бой берган по-донга ўхшайди. Ота-она фарзанди учун икки ҳолатда тўлик шароит яратиб бериш керак: ўз кучи билан билим олиш ва мустакил фикрлашида.

– *Ёзувчи сифатида тирихин ўрганасиз, изододларимиз турмушини, уларнинг инсонийигини, гўзат сифатларини қалам измига согласиз. Шу ўринда қаҳрамонлариниз ҳаётидан ибратли лавҳаларни келтириб ўтсангиз...*

– Саксонинчи йиллар эди. Бир дўстимнинг отаси уйга кириб келди. Унинг айтишича, ўғли бир кўзи кўр кизга уйланмокчи экан. «Туппа-тузук, тўрт мучаси соғ қизлартурганда бундай кизнинг нимасига қизиқяпти?» – дея тушуна олмай отанинг жигибийрони чикарди. Отанинг сўзларидан шу маълум бўлдики, ўзи ҳам, хотини ҳам ўғлининг бир кўзи кўр кизга уйланишига карши. Бирок ўғли икки оёгини бир этикка тиқиб олганича, «Ўламан саттор, шундай бошқасига уйланмайман», деб турғанмиш. Ота бечора «чикмаган жондан умид» қалбida ҳеч бўлмаса, дўстининг гапига кирап, деган умидда менинг олдимга келган экан.

– Жўрангни кўндириб бер. Эл олдида юзимни шувут қилмасин – дерди бечора ота мўлтираб.

Унга ўғли, яъни, дўстим билан гаплашиб беришга вавда бердим.

Ўртогимни учратганимда озроккина кайфи ҳам бор экан.

– Оғайни, ўзим ҳам сен билан гаплашмокчи бўлиб юргандим. Келганинг яхши бўлди. деди-да, сўрамасам ҳам нега ўша бир кўзи кўр кизга уйланмоқчи эканининг сабабини айта бошлади. Айтишича, у болалигида шаҳардаги бир қариндошиникига борганида тош отиб ўйнаб туриб, тасоди-фан бир қизчани ногирон килиб кўяди. Кўрканидан буни

хеч кимга билдирмайди. Орадан йиіллар ўтиб буни унуди хам төбөради. Лекин якнида бу киз унинг машинасига ўтиради. Ва ўша ногирон киз эканлигини билгач, унга уйланишга, уннан баҳтиёр килиб, айбини ювишга карор килади. Бор гап шу. Гарчи отасига вайда берған бўлсам-да, унинг бу олижаноб аҳдидан кайтармасликка карор килдим...

У айтиб берған воқеадан анчагача таъсиrlаниб юрдим. Кейин эса шу воқеа асос килиб олингани «Қоракўз» номли хикоя дунёга келди. Кейинчалик чоп этилган хикоялар тўпламимга хам «Қоракўз» деб ном кўйдим.

— *Ноңукрлик ва шукронлик. Шу икки сўз замирида иносон ҳаётининг асл мазмуни, эртаси ва келажаги на-мойи бўлиши мумкини?*

— Дунёда хеч ким ёмон яшашни хоҳламайди. Эътибор килсак, кўплар факт фаровон яшашни ўйларканлару, бу хоҳишининг, яъни яхши яшаш тушунчасининг чегараси йўклиги ҳакида деярли бош котиришимас экан.

Инесон зоти бир нималик бўлса, яна бўлсам деяверар экан. Катта бойдиклар эса катта истакларни келтириб чиқаради.

Аслида эса иймоннинг ярми сабр килиш бўлса, ярми шукр килмоқдир.

— *Сиздаги самимийлик, инсонларга меҳрибонлик шўйгу-лари шуфайли сизни афсонавий Ҳазр бобоги ўхшатаман. Чунки ҳар қандай кишининг руҳини кўтариб, унга қўлин-гиздан келган ёрдамини аямайсиз. Бу фазилат – Ўтиқир Ҳошимов биникларидағи «Мехр улашини» дейилади. Ҳеч жаҳзингиз ҳам чиқадими, фарзандларингизни қаттиқ койиган вақтларигиз бўлганими?*

— Отанинг қаттиқкўллиги ажойиб дори, аччигидан кўра ширини кўп. Мен ҳаётим давомида бир нарсага амин бўлдимки, ота-оналар томонидан барча инжикликларига кулок солиб, эрка-тантик килиб ўстирилган болалар худбин ва иродасиз кишилар бўлиб етишадилар.

Мен фарзандларимга хеч қачон арзимаган айблари учун қаттиқ жазо бермаганиман. Негаки, бу уларниң ишонч ва хурматдан маҳрум бўлиши, демакдир.

Ортиқча қаттиқкүллик ва ҳаддан зиёд шафқатсизлик деган тушунчалар бор. Буларнинг хар иккаласидан ҳам бирдек қочиш лозим. Фарзандингин кобилияти тортмаган томонга мажбурламаслик керак. Бола үзини севган одамни яхши кўради. Уни фақат севиб тарбиялаш мумкин.

Буюк файласуғи Пифагорнинг ушбу сўзларини эсланг: «Қабрингиз устида йиглай олишлари учун фарзандигизнинг кўз ёшини тўқманг».

– Ёшларимизга устюз сифатида ота-онани қадрлани масиласида низмалар деган бўлгардингиз?

– Ота-онани қадрлаш, уларга нисбатан ҳурмат ва муҳаббат – бу мукаддас туйғу, барча яхши фазилатларнинг асоси. Буюк бобомиз Алишер Навоийнинг ушбу мисраларни эсланг:

Боини ғидо қитғиз ато бошига,
Жисмни қиз сайдқа ато қошига.

Ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз, болаларингиз ҳам улгайса сизга шундай муносабатда бўлади. Азалий кўрнамаклик бу ота-онани қадрламаслиkdir.

Ота-ота беҳад бўлади ҳурсанд.
Фарзанди бўлолса муносиб фарзанд.

Ҳакикий фарзанд хар бир соҳада ўз отасининг ҳукмига тобе бўлади.

Китобларда баён килинишича, ота-онанинг фарзандга нисбатан саксонта ҳаки бор. Уларнинг кирктаси тириклик вақтида ва колган кирктаси ўлгандан кейин амалга оширилади.

Тириклик чоғидаги киркта ҳакининг ўнтаси танга, ўнтаси тилга, ўнтаси дилга ва ўнтаси молга тааллуклидири.

Танга тааллукли бўлган ўнта ҳак ота-онага сидкидилдан хизмат килишидир. Бу шундайки, ота-онага ҳамма вакт ҳур-

мат күзи билан қаралади. «қилма», деб буторған ишлари қилинмайды, уларнинг маслаҳати ва розилигисиз ҳеч бир инга қўл урилмайди. Яна улар сен ўтирган жойда ҳозир бўлсалар, сен дархол ўринингдан туриб кутиб оласан. Улар ўтирган бўлишса, сен оёқда тик турасан, улар рухсат қилишгандагина ўтирасан. Улар ўтирадиган ўринга сен ўтирма. Йўлда бирга кетаётгандиа уларнинг олдилариға ўтиб олма. Тупрокли, лойли, сувли ёки умуман хавфли жой келгандагина олдинга ўтиб олишинг мумкин.

Уларнинг олдида очик чехра билан ўтири. Қовогингни солма, хўмрайиб қарама, чақиргандарида эса югуриб бор.

Тилга тааллуқли бўлган ўнтаси шундан иборатки, биринчи – уларга мулойим муюмала қил ва доимо тавозеъда бўл, иккинчиси-уларга баланд овоз билан гапирма, учинчиси – уларга кўп гапирма ва қўпполлик қилма. Тўртинчиси – отларини айтиб чақирма, бешинчиси – гапираётгандарида сўзларини бўлма. Олтинчиси – айтгандарини рад қилма. Еттинчиси – «фалон ишини қил», деб айтсалар сен йўқ деб жавоб қилма. Саккизинчи – улар кичкириб гапирсалар ҳам сен паст овозда гапир, тўққизинчиси – гапларига оҳ-уҳ деб хитоб қилма...

Дилга тааллуқли ўй нараса шундан иборатки, биринчиси – уларга раҳм-шафқат билан қара, иккинчиси – ота-онанига доимо қўлнингдан келганча яхшилик қил. Учинчиси – сенниң шодлигинг уларнинг хурсандчилиги билан бўлсин. Тўртинчиси – улар ғам торсалар сен ҳам кайгур ва уларнинг дардига малҳам бўлиш йўлини қидир. Бешинчиси – улар ортиқча гапирсалар ҳам ўзингга малол олма. Олтинчиси – улар ташиб берсалар, хафа бўлиш ўрнига хурсанд бўл. Еттинчиси – уларга қанча яхшилик кўрсатмагин ва ҳакларини адо қилмагин, диллари заррача озор топишни ўзинг учун ор деб бил. Саккизинчи – қандай ниятлари бўлса ўша ниятларига етишлари учун ҳаракат қил. Тўққизинчи – улар қапчалик узок умр кўрсалар, шунчалик кўнглини олишга урин. Фарзандлар ота-онага итоат этиб

хар бир фурсатни уларнинг ризолигисиз ўтказмасликлари лозимдир. Негаки, ҳадисда айтилишича, отага итоат – Аллоҳга итоат қилишдир.

Хар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қиласи, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшиликнинг дебочаси деб билади.

– *Мазмұнни суҳбатшығыз үчүн раҳмат!*

СПОРТНИНГ ЧИН ФИДОЙИСИ

Спортнинг чин фидойиси, педагогика фанлар номзоди, Узбекистон Давлат экисимоний тарбия институти доценти, оғир атлетика бўйича спорт устаси, ПАУЭР лифтинг бўйича халқаро тоифадаги ҳакам, Осиё паузрлифтинг федерацияси Й-вице президенти Эркин Қодиров билан сұхбат.

Нега спортни севамиз? Нима учун чемпионларни яхши курдиз? Спорт мусобақалари чогида ареналарнинг ишкабозларга тұлиб кетишенинг бөнсі нима? Чунки спорт оркали инсоннинг чексиз имкониятлари юз очади, айна спортда унинг нималарга кодирлиги намоён булади. Спортчи маҳорати, жасорати, ақлу заковати, кучи, эпчиллиги-ю тезкорлиги билан ишкабозларни хайрат күчасига бошлайды.

Кайси спорт турини олмайды, барчасининг үзига хос гүзалиги, таровати борки, бу томошабинга олам-олам завқ беради.

Рост-да, футбол дүнёсида Мессининг фінтларига ёки Криштиано Роналдонинг кучли ва аник зарбаларига ошик булмаган мухлис борми?

Ёхуд 2013 йиляннинг ёзида Испанияда, янайм аникроғи, Барселонада ўтган сув спорти турлари бўйича жаҳон чемпионатини олайлик. Баландликдан сувга сакраш мусобақасида спортчилар шу пайтга қадар амалда синалмаган юксакликни забт этишди. Эркаклар 27, аёллар эса 20 метр баландликдан сувга сакради.

Йигирма етти метр... Бу айтишгагина осон. Сувга бир озгина иотўғри тушган спортчининг ширин жонига жиддий озор этиши аник. Бирок аниклик ва машақкатли машклар туфайли спортчилар озорларга эмас, олқишиларга лойик кўрилди. Уларнинг сакраш вактидаги жасурлиги, бундан ташкири ҳавода бажарган жозибали ракслари барчани койил колдирди. Савол туғилади, ўз ҳаёгини ҳавф остига кўйиб, шундай мураккаб машкни бажаришга уларни нима мажбур этяпти? Жавоби, унда спорт билан шугуллангани учун

ғалабага инилиш хиссеси шаклланган. Ватанини севиш, жамоаси шарафини муносиб ҳимоя килиш унинг ҳаёт мазмунига айланган.

«Спорт – саломатлик гарови», «Соф танда – соглом акъ», «Спорт билан шугулланган кишининг билсаиг унуми бор ишининг» дега маколларни маржондек тузиб айтамизу. ўзимиз ҳам кайсиdir спорт тури билан шугулланамизми? Аслида шугулланишин неча ёндан бошлаган маъқул? Спорту ютуклар сари бошловчи энг түгри, ғалабалардан айро киладиган энг эгри йўл кайси?...

Тажрибали мураббий, педагогика фанлари номзоди, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти доценти Эркин Кодиров билан айнан юкоридаги саволлар атрофида сұхбатлашдик.

Муштарийларга Эркин Кодиров ҳакида батафсилрок маълумот берадиган булсак, у оғир атлетика буйича собик Иттифок спорт устаси. 1983 йилда Ўзбекистон чемпионлигига эришган. Бирок собик Иттифок даврида халқаро мусобақаларга чикиш осон эмасди. «Марказ»даги мураббийлар, асосан, рус, украин ёки белорус миллатли спортчилари ни халқаро майдонга олиб чикишар, ўзбек атлетлариiga ўгай кўз билан қараш, уларни айириш холати кўп учраарди... Аммо бу аламли лаҳзалар ортда колди. Мустакиллик бизга барча мусобақаларга кенг йўл очгани дилларни ғууррга түлдиради.

Бугун Эркин Кодиров турли вазирлик ва идораларда раҳбарлик лавозимларида ишлаб, Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга катта хисса күшган мутахассислардан.

Эркин Кодиров бир неча йил Чирчик Олимпия захиравари коллежи директори лавозимида ишлаб, таълим мусобақасига ёш, ишга чанкок ёшларни жалб қилди. Ўкувмашгулот йигинлари сифати яхшиланди, спортчилар тез-тез мусобақаларда иштирок этиб, ўз имкониятларини синовдан ўтказиб боришиди. Дзюдо, оғир атлетика, байдарка ва каноездан эшкак эшиш, бокс, сиғил атлетика спорт турлари буйича колледж ўкувчилари орасидан кўплаб чемпионлар

тарбияланди. Ваҳоланки, бу пайтгача колледж ўқувчилари кўпгина спорт турлари бўйича республика мусобақаларида ўрта поғоналарда боришар, асосан, 7-8 ўринлардан жой олишарди.

Эркин Қодировдаги ташаббускорлик ташкилотчилик кобилиятига ҳам қойил қолмасдан бўлмайди. У 2004 йилда Ўзбекистон пауэрлифтинг (уч кураш) федерациясини очди. Бу билан жароҳати ёки бошқа сабаблар туфайли оғир атлетикада спортчилик фаолиятини якунлаган атлетларга яна спорт билан шуғулланиш имкони туғилди. Жойларда пауэрлифтинг федерациясининг вилоят бўлимлари иш бошлаб, бу спорт туридан яхши натижаларга эришадиган спортчилар пайдо бўла бошлади. 2004 йил Зарафшонда, 2008 йилда эса Тошкент шаҳрида пауэрлифтинг бўйича Осиё чемпионати ўtkазилиб, китъя полвонлари юртимизда ўз кучларини намойиш этишди.

Дарвоке, эслатиш жоиз. Эркин Қодиров – Осиё пауэрлифтинг федерациясининг биринчи вице-президенти, халқаро тоифадаги ҳакам ҳамдир.

Бундан ташқари у Ўзбекистон бодибилдинг федерациясининг ташкил топишида ҳам жонбозлик кўрсатган спорт фидойиси ҳисобланади.

Эркин аканинг оиласига ҳам ҳавас қилса бўлади. Унинг тўрт нафар фарзанди бўлиб, оиланинг барча аъзолари спортни, китоб ўқишини севишади. Икки қизи олий таълим мусассасасида, бир дилбанди ўрта умумтаълим мактабида аъло баҳоларга ўқимокда. Ўғли Сирожиддин эса дзюдо курашидан республика биринчилиги совриндори, айни пайтда халқаро мусобақаларга ҳозирлик кўраётир.

– Мутахассис сифатида «Бутунги кунда Ўзбекистонда спортга берилаётган эътибор дунёнинг бошқа ҳеч бир мамлакатида йўқ» десам асло янгишмаган бўламан, – эътироф этди Эркин ака сухбатимиз дебочасида. – Юртимизда ҳукумат томонидан спортчиларнинг халқаро майдонларда эришган муваффақияти муносиб рағбатлантирилиб борилади. Сўнгги икки Олимпия ўйинларига цуҳта тайёр-

гарлик кўриш бўйича Президент қарорларининг чиққаничи? Бу тарихда бўлмаган. Фикримизни батафсилроқ ифода этадиган бўлсақ, Лондон – 2012 Олимпиадаси туганин биланок Ўзбекистон терма жамоаларининг 2016 йил Риоде-Жанейрода ўтадиган навбатдаги Олимпия ўйинларига хозирлик кўриши бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди. Ҳар бир спорт турига ҳомийлар бириктирилди. Мураббий ва спортчилар билан шартномалар қилинганди.

Энг асосийси, республикамида жисмоний тарбия ва спортни давлат сиёсати даражасига кўтарилиганини, соглом авлодни тарбиялашга устувор аҳамият берилаётганини туфайли спорт ёшлилар орасида соглом турмуш тарзини шакллантирувчи, уларни жисмондан ва мътнаан баркамол этиб тарбияловчи асосий омилга айланиб бормоқда. Узок ва чекка қишлоқларда барпо этилаётган спорт иншоотлари ва мажмуалари минглаб ёшларимизниң соглом ва кучли бўлиб вояга етишига хизмат қилинти. Мамлакатимизда дунёда тенгги йўқ уч босқичли узлуксиз тизим жорий қилинди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» баҳслари соглом авлод тарбиясининг асосий омилларидан бири бўлиш билан бирга республика ва жаҳон миқёсида юртимиз шаррафини муносиб ҳимоя қиласидиган профессионал спортчиларни вояга етказиша мухим аҳамият касб этмоқда.

Юкорида тилга олинган кўл босқичли оммавий спорт мусобақалариининг мунтазам ўтказилиши жисмоний тарбия ва спортни нафакат ўкувчи-ёшларимиз, балки ҳар хил қатламга мансуб аҳолининг кундалик эҳтиёжи ва турмуш тарзига айланишига сабаб бўляпти. Авлодлар саломатлигига эришилиб, миллат генофонди саклаб қолинмоқда. Бирок тан олиш лозимки, ҳали кўпчилик ёшлар, ҳатто ота-оналар, спортнинг аҳамияти, унинг саломатликни мустаҳкамлаш, соглом турмуш тарзини ташкил қилишда асосий манба эканлигини англасалар-да, ундан мунтазам фойдаланишини одат килишимаган.

— Эркин ака, гоят долзарб мавзуни тилга олдингиз. Мутахиссис сифатида айтинг-чи, спорт билан шугуланишини, уни ҳайт тарзига айлантиришини неча ёндан ва қаерда бойлини керак? Богчадами ёки мактабда?

— Аввало, онладан бошлаш лозим. Ота-она ўзлари намуна бўлиб фарзаидларини согласом турмуш тарзига, спортга етакласин. Айникса, ота-оналар иштирокидаги эрталабки 20-30 дакикалик бадангарбиянинг ўзи ҳам ёш болаларда согласом турмуш тарзини шакллаштиришининг асосий омили хисоблашади. Бу йўлдаги дастлабки кадамдир. Масалан, ота эрта тоғда ўғлиши «Тур ўғлим, югурамиз», деб турғизиши лозим. Албатта, ширин уйкудаги боланинг буига кўникиши осон бўлмайди. Бир ҳафта эринади, ўи кун кийналади, борабора унинг организми ҳам, рухияти ҳам шунга кўникади. Ўзи эрта турадиган, югурадиган бўлади.

Маълумки, жаҳонда наркомания ва наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятчиликнинг тарқалиши умумбашарий муаммога айланиб бормокда. Наркомания ва таксикомания ҳоллари билан курашиш тажрибасининг кўрсатишича, асосий эътиборни ушбу ҳодисалар оқибатларини бартараф этишдан (реабилитация, даволашдан) ҳам кўпроқ, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб килиш лозим. Чунки спорт билан шуғулланган болағалабага интилувчан бўлади, натижасини яхшилаш учун буш вактини машгулотга йўналтиради. Энг асосийси, у ғалаба сари интилиб, калбида ватанипарварлик шаклланади. Бундай бола ёмон фикрлай олмайди, бирорга ёмонлик кила олмайди. Ёмонларга кўшилмаслик, ҳар хил оқимлар таъсирiga тушиб колмасликда ўзини бошкара олади.

Албатта, мактаб, ўрта маҳсус касб-хунар таълим муассасалари, олий ўқув юртларида жисмоний тарбия соатларини кўпайтириш, мактабларда дарслан ташқари вактларда фаолият юритувчи спорт секцияларини кенг тарзда яратилишига имкониятлар яратиш, оммавий спорт тадбирларини мунтазам равишда ўтказиш орқали биз кўзланган максадларга ёришишимиз мумкин.

Афсуски, баъзи таълим муассасаларида спорт анжомлари «келган комиссиянинг кўриши» учун доимий равишда жавонда туради, ўкувчиларга берилмайди. Ёки баъзи жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кўр-кўронга тарзда дарс ўтиши натижасида спорт ўкувчилар саломатлигига фойда эмас, зарар келтирган холатлар хам учрайди. Булар жиддий муаммолар бўлиб, кечиктирмасдан ечимиши топиш зарур.

— *Менинча, ҳозир барчада вакт тигизлиги қузатилиётгандек. У ишни қиласигиз, буни сига улгурмайсиз, буни сига вакт тонсангиз, бошқаси қолиб кетади. Шунинг учун ҳам баъзилар спорт билан шугуулланмайтиши мисаки?*

— Ахир, соғлом бўлишдан хам мухимрок иш, саломатликдан хам ортикрок баҳт борми инсонга?! Сизни бирор қасаллик ёки чарчок безовта килса, кўлингиз ишга борадими? Шунинг учун «Спортга вакт етмаяпти», деган фикр нотүғри. Соғлом турмуш тарзининг ўзи нима эканлигини, ичиш, чекишининг зааралилигини, уларнинг ёмон оқибатларга олиб келишини ёшларнинг калбига сингдириш керак.

Бирор бирорвга вактни белгилаб беролмайди. Ҳар ким ўз вактини белгилайди. Ҳар куни овкатланишга вакт топамизку. Шу тарика спортга хам вакт топса бўлади.

Атрофга назар ташласангиз, кимдир эрга тонгда, кимдир ишдан кейин кечки пайт спорт билан машғуллигини кўрасиз. Инсон узок умр кўришни, соғлом бўлишни истаса, унинг дили уйғок бўлса, ҳар хил баҳоналарга ўрини колмайди.

— *Сизнингча, спортчининг голиб ёки совршдор бўлши формуласи қандай?*

— Ҳар бир спортчи ва мураббийнинг энг олий максади — Олимпия ўйинларида иштирок этиш ва голиб чикишдир.

Устоз ўз мамлакати шаънини химоя киладиган, давлати шаънини дунёга танитадиган спортчиларни тайёрлаши керак. Ундаги минг, юз нафар шогирд орасидан иродали, камтарин, ўз устида мустакил ишлайдиган, ўзини, ўзгаларни хурмат киладиган, энг асосийси, спортчи кун тартибига амал киладиган шогирдгина яхши натижаларга эришади.

Спортчи күн тарғиби эса жуда катъий. У шугуланади, дам олади, бүш вактида китоб ўкйиди...

Менга бу вокеани Олимпиадани бевосита Лондондан күзатган бир мутахассис айтиб берганди. Унинг айтишича, спортчилар Лондонга етиб борганинг биринчи куни спорт чилар шаҳарчасидаги дам олиш хоналари тұла таксимланымаган рди. Мәзбоннар шунда муаммо тезда счилешини, хозирча оғидай хоналарда дам олиб туршини айтиб, узр сұрапади. Ана шунда әркін кураш буйнича терма жамоамиз айзоси Артур Таймазов. «Хижолат бұлманглар, хечкиси йўк. Мен коридорда хам дам олиб кетавераман», дейди наzmиилик билан. Спортчилар шаҳарчасида бұлған бошқа давлат терма жамоа айзолари эса мәзбоннардан «шоке» хона сұраб, норози оханды шовқин күтаришади. Якунда нима бўлди? Камтарлик ва босиклик, таъбир жони бўлса, бағрикенглик киlgан икки карра Олимпиада чемпиони Артур Таймазов Олимпия олтии медаллари сонини уттага етказди, шовқин күтариб, ўзига шохона шароит талаб киlgан хорижлик спортчи эса хеч нарса-га өришолмади. Демак, бизнинг юрт спортчиларининг маънавияти юксек. Мамлакатимизда спортни ривожлаптириш, ватанипарвар, хур фикрли ёшлиар тарбияси йўлидаги ишлар тўғри йўлга кўйилган.

— Республикаиздаги олимпия захиралари колледжлари фаолиятига ҳам қисқача баҳо берсангиз...

— Бугун ҳар бир вилюятда олимпия захиралари колледжи фаолият кўреагмокда. Катта спортга захира спортчилари тайёрлаб берадиган ушбу таълим мұассасаларидан ўқувчилар сони 600 нафарга туширилиб, овқатлар килоказорияси оширилди. Терма жамоаларимизга муносиб ўрини-босарлар етказиб беришда Республика олимпия захиралари колледжи, Чирчик ва Самарқанддаги колледжларнинг натижалари яхши.

Мураббийларимиз селекция ишларини кучайтиришлари, чекка-чекка туманларда бўлиб, иктидорли ёшлиарни излаб топишлари керак.

Юртбошимизнинг «Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам» деган даъватларига муносиб, шу юрт обрў-

суга хисса қўшадиган кучли спортчилар тайёрлашга хар биримиз масъулмиз.

Эркин Қодиров – ҳакикий спорт филойиси. Миллат шаънини улуғлайдиган спорт усталари, терма жамоаларимиз учун муносиб ўринбосарлар етиштиришга ўз хиссасини қўшган ва қўшайтган мутахассислардан.

– Спорт оркали бизни бутун дунё танимокда, бундан ташқари баркамол, соғлом авлодлар шаклланиб, миллат генофонди саклаб колиняпти. Президентимиз илгари сураётган, бугун ва келажакни ўйлаб килишаётган бу ислохотларни барчамиз теран англашимиз ва унга ўз амалий ишимиз билан ёндашмоғимиз лозим. – дейди куюнчак мутахассисе.

МЕХНАТСЕВАР ВА СПОРТСЕВАР ЙЎЛЧИБОЙ АКА

Уота ишончини оқлади. Бугун унинг фарзандлари ҳам отага муносаб бўлишига иштияқти. Иносон учун бундан ортиқ баҳт борми?! Айнан шу эмасми мукаммат баҳт дей излаганингизиз?

Бугунги қаҳрамонимиз Йўлшибой ака Раҳимжонов ота ишончини оқлади, комил фарзандлар тарбиялаётган замондошигаримиздан.

Кандай қилиб яхши иносон бўлиши мумкин? Фарзанд тарбиясида нималарга эътибор берни зарур?

*У билан сұхбат жараёнида юқоридаги саволларга жа-
воб оласиз.*

Маълумот ўринида шуни айтиш мумкинки. Йўлшибой Раҳимжонов қарийб 20 йил Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги «Алгоритм» болалар оромгоҳида раҳбарлик килди. Йўлшибой ака ёшлигида спортинг енгил атлетика ва футбол, эркин кураш волейбол ҳамда баскетбол турлари билан жиддий шуғуллангани, мактаб жамоаси сафида кўплаб мусобакаларда иштирок этгани учун ҳаётини спортсиз тасаввур килолмасди. «Алгоритм» заводида касаба уюшма кўмитаси ранеи бўлиб ишлаганида ҳам, шу номдаги оромгоҳга раҳбарлик қилганда ҳам спорт унинг дикқат эътиборида турди. Иклими хушхаво Чимён тоглари бағрида жойлашган «Алгоритм» оромгоҳини оддий маскандан спорт-согломлаштириш оромгоҳига айлантиришининг сабаби ҳам унинг спортсеварлиги эди.

У оромгоҳда тартиб-интизомни биринчи ўринга кўйиб, буни ходимлар ва дам оловчилар онигига сингдирди. Иш юзасидан неча марта оромгоҳга борган бўлсам, ҳар қадамда рўпарамдан чиқсан ўғил-кизнинг қўли кўксидан берган саломини эшиздим: «Ассалому-алайкум!»

Айниқса, 1992 йилдан то 2009 йилгача болалар оромгоҳида ҳордик чиқарган пойтахтимиздаги 22 ва 23-сонли Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларининг қувончи катта савобдан дарак эмасми?!

Ходимларнинг ўз вазифасини сидқидилдан бажариши натижасида дам олувчининг уйга қайтиш фурсати етганда «Кетмайман, кетгим келмаянти» дега кўзига ёш олганини кўрдим. Сабабки, бу масканда бола ҳакикий меҳрини кўрди. Ота-онасилик меҳрибон одамлар унга қўшилиб раксга тушибди, кўшик куйлади. Кўшик ўргатди, ракс ўргатди. Ўзи корейс бўлса-да, ўзбек раксларини биздан-да ортиқрок севадиган Лариса Ким деган балетмейстр ҳам Йўлчибой аканинг кашфиётларидан сапалади. Бу аёл хориж мамлакатларида ўтган кўплаб санъати фестивалларида ўзбек куйларига ракс тушибди. Зебигардонлари ўзига ярашиб, барчани маҳлиё қилди. Бугун ҳам «Ракс» дастасида юзлаб кизалоқлар (уларнинг аксарияти рус миллатига мансуб) Лариса опадан ўзбек ракс санъати сирларини ўрганишмоқда. Биз юқорида тилган олган Йўлчибой ака «Ракс» дастасининг асосчиси, айтиш жоиз бўлса, ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб турувчи фидойи хомийси ҳамдир.

Йўлчибой аканинг ташаббуси билан «Алгоритм» оромгоҳида сўнгги ўн беş йилда «Пахтакор – 79» хотира турнири ташкил этилди. Дастлаб республикамиз фахрийлар жамоалари катнашган бўлса, тез орада мусобака халкаро турнир мақомини олди. Неча марта гувоҳи бўлган бўлсан. Йўлчибой ака бошчилигидаги ишчи гурухининг ахиллиги ва ижодий изланувчалигиги менинг лол этарди. Ҳар йили мазкур санаға астойдил ҳозирлик кўрилар, мусобаканинг ташкилий жиҳатлари, сценарийси бир-бирига ўхшамасли. Ҳар йили шонли футболчилар хотирасига бағишланниб янги кўшик яратилиларди. Театрлаштирилган томоша намойиш этилиб, кўз ўнгингизда тарих гавдаланади. Ёш авлод вакиллари марҳум футболчиларимиз ҳакида тушунчага эга бўлишади. Уларни танийди. Юртнинг севимли фарзандлари хотирланади...

2011 йилдан бошлаб Йўлчибой Раҳимжонов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Қуёшли» болалар оромгоҳига раҳбарлик киляпти ва шонли жамоамиз «Пахтакор»нинг хотирасига бағишиланган ажойиб турнир энди ушбу дам олиш масканда ташкил этилгани.

... Оромгоҳ ховлисига киришингиз билан тартиб билан экилган, дуркун ривожланаётган кўчатларга кўзингиз тушиди. Турфа гуллар чаман бўлиб очилган. Ҳамма ёқ озода, дам оловчи ўғил-кизлар ҳам турли юмушлар билан банд. Кимдир стол тениси ўйнаётган бўлса, бошкаси волейбол майдончасида. Суҳбатлашиш айвончасида интеллектуал ўйни кизиган...

Йўлчибой ака оромгоҳ ҳодимларига кўрсатмалар бепар, ҳар бир юмушнинг бажарилишини эътибордан четда колдирмасди.

Ха, маблаги йўклиги туфайли фаолияти тўхтаб колган «Қуёшли» оромгоҳи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига олиниб, бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун бу ерда барча-барчаси янгича киёфада.

— Йўлчибой ака билан сұхбатимиз ҳам айнан «Қуёшли» оромгоҳи хусусида бошланди.

— *Йўлчибой ака, сўнгги йилларда «Қуёшли» болалар оромгоҳи раҳбари сифатидаги фаолият юршиянесиз. 2012 ва 2013 йилги ёзги согломлантириши мавсумлари ҳакида мухтасар гапириб берсангиз...*

— Биласиз, оромгоҳимизда республика микёсидаги фан Олимпиадалари ва «Билимлар беллашувлари» танловлари голиблари ҳордик чикаришади. Барча вилоятларимиздан жамланган иктидорли ўғил-кизларга олимлар, турли олий ўкув юртларимизнинг профессор ўқитувчилари семинарлар, машғулотлар ўтиши анъанага айланган. 12 кундан бешта навбатда болаларжонларимиз дам олиш билан бирга турли тарбирларининг бевосита иштирокчиси ва гувохига айланишди. Масалан, Ўзбек футболининг 100 йиллиги ва шоили «Нахтакор-79» хотирасига багишланган футбол турнирлари ҳакикий спорт байрамига айланниб кетди.

2013 йилги футбол турнири 14 ёшгача бўлган ўсмиirlар ҳамда фахрийлар жамоалари ўртасида ўтди.

Шунингдек, икки йилдан бўён спортивизм афсонаси, волейбол бўйича икки карра Олимпиада чемпиони, оромгоҳи-

мизга қаңдрон бўлиб колган хурмагли Вера Дуюнова хоти-расига бағишилаб, волейбол турнирлари ўтказилиятики, бу мусобакалар оркали ёшлар қалбидан спортни, миллатни севиш туйгуларини кучайтириш, спорт юлдузларимиз хотирасини агадийлантириш кўзда тутилган. Колаверса, барча спорт тад-бирлари «Касаба уюшмалари болаларга» акцияси доирасида ташкил этиляпти. Бундан ташкари, «Қўёшли»да Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг катор тадбирлари, ишчи-мехнаткашлар ўргасидаги спорт мусобакаларининг ўтаётгани бизга янада масъулият юклайди.

— Сиз кўн йиллар «Алгоритм» заводида касаба уюшма қўмитаси раиси бўлиб ишлайдингиз. Сизнингча, касабақўм қандай фазилатчарга эга бўлни керак?

— Касаба уюшма қўмитаси раиси доимо «Мен ходимлар учун нима қилдим?» деган савонни ўзига ўзи бериб туриши керак. Касабақўм бўлиб ишлабтаганимда ижтимоий химоя, хукукий масалаларда кўплаб мурожаатлар бўларди. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши юзасидан иш берувчи билан тез-тез музокара олиб борардим ва ҳар бир банднинг бажарилишига эриниардик. Касабақўм халқ, жамоа сайлаган одам. Шунинг учун у раҳбардан чўчимаслиги керак...

— Ота-она ўз фарзандини комил шисон қилиб тарбиялашоқчи бўлса, у энг биринчи навбатда нималарга эътибор қаратнини лозим?

— Отам Зоҳид ака, жуда меҳнатсевар киши бўлган. Онам Рашида она жуда илмли, зукко аёл бўлиб, дунёкараши кенглиги, ўткир зехни сухбатидан билиниб турарди. Отам-она миз бизни китобни, ўкишни севишга ўргатди.

Бўш вактимда китоб мутолаа килардим, спорт билан шугулланардим. Уй-рўзгор юмушларини бажаардим. Отам ҳар бир ишни ўзи бажариб кўрсатгани учун дангасалик килишга ўрин колмасди.

Баъзи ота-оналар фарзандини аяб, уни юмушларга аралаштирумайди. Аммо улар унутмасинки, меҳнат кўрмаган боланинг улгайиб, ота-онасини аяйдиган меҳрибон фар-

занд бўлнишга кафолат йўқ. Мехнат бу нима? Китоб ўқиши хам меҳнат, овқат тайёрланӣ, спорт билан машгул булиш, олий ўқув юртига кириши... буларнинг барчаси меҳнат талаб килади. Меҳнатсиз ютуқ бўлмайди. Отам кирқ йил темирий ўзда, онам эса заводда ишлашган. Ҳам меҳнат килишига, ҳам биз фарзандларини тарбиялаб, ўқитиб, олий маълумот олишимизга замин яратишган.

— Бир сухбанимизда спортга бўлған қизиқшининг тұғайын енгиз атлетика, футбол, волейбол, бискетбол спорт турғары бўйича аввал мактаб, сұнгра институт терми жамоаси сафида мамлакати миқёсидаги мусобақаларда фаол қатнишганингизин айттиб берсандингиз. Ҳозир ҳам «Күёшли» фахрийтар футбол жамоаси сафида Тошкент шаҳар баритчилигидә қатнишасиз. Фарзандларингиз орасиди ҳам спорт соҳасини танлаганнан борми? Қисқача оланың ҳақида ганириб берсангиз...

— Тўрг нафар фарзандим бор. Тұғиғичим Даврон Тошкент Давлат университетининг иктисадиёт факультети магистратура босқичини имтиёзли диплом билан тутатди. Давроннинг устозлари у ёзган рефератини АҚШнинг Майами штатига юборинибди. Қизим Наргиза Узбекистон Миллий университетида иқтисод йўналишида таҳсил олмокда. Кичик ўглим Дониёр боке билан жиддий шуғулланди. Тошкент шаҳар биринчилигидә муваффакиятли иштирок этди. У машгулотлар билан бирга ўқиши ҳам сусайтирмади. Математика фанидан Олимпиадаларда фаол иштирок этди. 2011 йилда Дониёр Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига ўз билими билан кириб, барчамизни хушнуд этди. Ү хозир учичи босқич талабаси.

Кичик қизим Насиба айни пайтда 1-Республика тиббиёт коллежида ўқияпти. Рус тили, инглиз тили, математика фанларини яхши кўради. Тикувчиликка, китоб ўқишига, шеъриятга қизиқади.

Рафиқам Нигора Раҳимжонова муҳандис. Собиқ «Алгоритм» заводида бирга ишлаганимиз. Спорт ҳақидаги саволингизга келсак, оиласизнинг ҳеч бир аъзоси спортга бефарқ эмас...

– *Фарзандларингизга писбатап қаттиққұлмисиз?*

– Умуман, ота қаттиққұл бўлиши лозим. У болаларини ҳеч қачон назоратдан қолдирмаслик керак. Бола – ниҳол. Эътиборсиз қолса, қийшик ўсади. Тўгри ўсган дараҳтга эса ҳамма ҳавас қиласди.

Ҳар қанча ишингиз кўп бўлмасин, болага вақт ажратиш керак. Фарзандларим кимлар билан бирга? Ўртоқлари кимлар? Хабар оламиз. Ёшликтан китоб ўқиган кам бўлмайди. Болаларим бўш вақти бўлса, китоб ўқийди, имтиҳонларга ҳозирлик кўришади.

Ҳозир баъзилар «Мен кўп пул топяпман. Демак, фарзандимни яхши тарбиялаш қийин эмас» деб ўйлади. Рост, давлатингиз кўплиги учун болангизни яхши таъминлай оласиз. Аммо бола пулнинг меҳнатнинг қадрига етмаса, факат соvuришни билса, ундан қандай комил инсонни кута оласиз?

Ишдалигимда болаларим қўпгироқ қилиб ҳол-ахвол сўраб туришади. Бу яхши. Асосийси, тартиб-интизом.

– *Соғлом турмуш тарзи – сизнингча нима?*

– Соғлом турмуш тарзи – бу тозалик дегани. Эрталаб ювиниш, тоза қийиниши, покиза таомларни истеъмол қилиш, уй-жойларингизнинг озодалиги, буларнинг барчаси соғлом турмуш тарзига киради. Баъзиларнинг уйига кириб бўлмайди. Қачон қараманг, ивирсиб ётади. Бундай ҳолатларни ҳазм қила олмайман. Гап бойликда эмас. Асосийси – хонадонимиз тоза ва файзли бўлиши керак.

Иккинчиси – виждошинг тозалиги. Ёшликда ким қандайлигини билмаганимиз. Ҳаёт ўзи белгилаб, кўрсатиб кўяркан. Ёшим элликдан ошиб, энди-энди инсонларнинг фарқига боряпман. Бошингизга ташвиш тушса, кимнинг дўст ёки душман эканини англаб оларкансиз.

Энг ёмон одам – ҳасадгүйдир. У ҳатто ўз ота-онасига ҳам, бошқаларга ҳам дўст бўлолмайди. Фарзандларимга «Ёнингдаги дўстинг, қўшнинг, кариндошинг чии инсонлар бўлсин», дея такрор-такрор уқтираман.

– *Эру хотин ўртасидаги тотувлик кўпроқ нималарга боғлиқ?*

— Оилада қачон жанжал бўлади? Қачонки, рўзгорда стишмовчилик бўлса, фарзандлар тарбиясиз бўлиб, ўзаро тортишса, ота бирининг она бошқасининг ёнини олса ва ҳакозо. Умуман, жанжалсанг уйнинг ўзи йўқ бўлса керак. Масалан, турмуш ўртогим аразлаб, кетиб қолган вактлари хам бўлган. Аммо биринчидан, севги, иккичидан ўзаро ҳурмат туфайли бу каби қийинчиликлар ортда колди. Ҳар бир ота-она фарзанди рўзгорининг тинч бўлишини хоҳлади. Аммо бунинг учун пойдевор мустахкам бўлиши керак. Пойдеворки, онла пойдевори, онгли пойдевор. Мен турмушни армияга, ҳарбий хизматга ўхшатаман. Қийинчилик кўрмаган аксар кочишга харакат килганидек, машаккат чекмаган ёшларнинг турмуши эрта бузилади...

— *Ватан меҳри билан яшамоқ – энг олий баҳт, деган ҳикмат бор. Умуман, фарзандларнинг ватанин парвар бўлишини учун нималарга эътибор зарур?*

— Ватан – бу ота-боболаримиз ётган замин. Ватанин севмоқ – оиласи севмоқ дегани. Оиласи севмоқ – уйни, ота-онани, фарзандларни севмоқдир. Ватанини севмаслик эса бирорининг уйида ижарада тургандек гап. Фарзандимизга шундай тарбиялайликки, у онласини севсин. Онласини яхши кўрса, маҳалласини хам ардоклади. Туғилиб ўсан кишлоғи, яшаётган тумани, вилояти ва республикаси шаънига бефарқ бўлмайди, уларни шарафлайди...

— *Сиздан кўн нарсани ўрганса бўлади. Ўзингиз ҳам кимларга дир ҳавас қилганимисиз?*

— Ота-онамга, уларнинг аҳиллиги, гўзал фазилатларига ҳавасим келарди. Дўстларимдан, яхши инсонлардан, фидойи ишчиларимдан хали ҳам ўрганаман.

— *Ҳаётда қандай орзуларингиз бўлган ва уларнинг қайсиларига эринидингиз?*

— Орзуларим хали ҳам кўп. Тўйлар кишлиш, неваралар кўриш, фарзандлар камолини кўриш... Қизим фарзандли бўлиб, мени бобо бўлиш баҳтига ҳам мусассар этди. Ҳурсандман. Яратганга шукр!

Спортда катта ютукларга эришмоқчи эдим. Ўкиш билан бўлдим. Ота-онам беморланди. Спорт ва ўкишдан бирини танлашга тўғри келди. Мен илм олишни танладим. Аммо спорт севимли машгулотим, хамроҳим бўлиб колди. Турли спартакиадаларда иштирок этаман. «Қуёшли», собик «Алгоритм» фахрийлар футбол жамоасининг кирк нафардан ошик атзоси бор. Жамоамиз – республикадаги энг ёши катта командалардан. Ёши өлликтан ошганлар-ку, кўп. Шунингдек, олтмишдан, етмишдан ошган ўйинчиларимиз ҳам кам эмас. Кишин-ёзин хафтада икки кун тўп тенамиз. Жамоамиз Тошкент шаҳар чемпионатида юкори ўринлар учун курашувчи жамоалар сирасига киради...

– *Барча ўзлаган орзулариниңга эришининг. Мазмунли сұхбатингиң учун раҳмат!*

P.S.: Этироф эташ жисави Иўлчибоди Раҳимжонов ёши авлодни тарбиялаш шишида фидокорлик намуналашении кўрсатиштагани учун «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 1 йил» ва «Ўзбекистон Республикаси мус тақомллигига 20 йил» эсдалик ишонаси билан тақдирланган. Шунингдек, «Болаларни дам олдириши ва согломлаштириши бўйичареспубликамуафиқлантирувчи гурӯҳи» шомонидан бир неча бор «Энг яхши оромгоҳ бошилиги» номинациясида голиб деб топилган.

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ ЙЎЛ

Юргашимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўеагасида» номли асарида шундай ёзган эди: «Мублагасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга бοглик».

Ёки буюк маърифатпарвар Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлок» асарида шундай ёзади: «... Алхосил, тарбия бιгзлар учун ё ҳаёт – ё мамот, ё најот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир». Демак, миллат келажаги, мамлакат равнақи ёшлар камолига, уларга берилаётган таълим-тарбия ишларига бевосита дахлдор.

Шундай экан, табаррук устозлар, уларнинг заҳматли меҳнатлари доимо юксак эътирофларга, ҳурмат, эҳтиром ва эъзозга лойиқ кўрилган.

Биз бугун Косон туманида яшаб, ўзининг фидойилиги, чукур билими билан халқ таълими соҳасига катта ҳисса қўшган Жўракул Шамсиев хақида сўз юритамиз. Юзлаб. минглаб шогирдлари давлатимиз, жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган мураббийнинг ҳаёт йўли жуда бой ва кенг, баён килар бўлсак, китоб билан тенг...

Жўракул Шамсиев 1942 йилининг ёзида Косон тумани марказидаги 1-сонли мактабни айло баҳолар билан тамомлади. Бу пайтда Иккинчи жаҳон уруши давом этар, 16 ёшли қаҳрамонимиз фронтга бориб, ватандошлари катори душманига карни жангта кирмокчи бўлди. Бироқ ўспириининг ёни етмагани учун уни фронтга олишмади. аксинча, уни машаккатли вамиасъулнятликасблардан бири – ўқитувчилликка таклиф килишиди. Шу тарика Жўракул Шамсиев то 1945 йилгача ўзи ўқиган 1-сонли ҳамда Майманоқ қишлоғидаги ўрта мактабда ўғил-қизларга сабоқ бера бошилади. Айнан 1945 йилда Самарқанд давлат университетининг филология факультетига ўқишга кирди. 1950 йилда олий ўқув юртини тамомлаб, то 1955 йилга қадар Косон туманидаги бир неча

мактабларда раҳбарлик лавозимларида ишлади. Бу даврда мактабларни таъмирлаш, ўқитувчилар жамоасини ташаббускорлик руҳида тарбиялаш, ўқувчилар ва ота-оналар билан ишлешни яхши йўлга қўйиш каби муҳим жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

1955 – 1962 йилларда эса туман халқ таълими бўлимни бошкарди. Бошқарув жараёнида билим масканлари бунёд этиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлан, таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришни устувор вазифа деб билди ва бу йўлда самарали меҳнат килди.

У қаерда ишламасин, ўзининг юксак раҳбарлик салоҳияти, ҳодимларга меҳрибонлиги билан жамоанинг ҳурматини қозонарди.

Жўрақул Шамсиев хақида шогирди, узок йиллар туман мактабларида, халқ таълим бўлимида услубчи бўлиб ишлаган, кўп йиллар Косон туман ҳокими ўринbosари, туман хотиниззлар қўмитаси раиси бўлиб фаолият юритган, ҳозирги кунда Қарши давлат университетига қарашли 2-сонли ахборотресурс марказига раҳбарлик қилаётган Роҳила Ҳалимова шундай хотирлайди:

– Ўзим Косонга Тожикистондан келин бўлиб тушганман. Янги жой, янги одамлар... 1974 йилда туман марказидаги 9-ўрта мактабга ишга кирдим. Бу ерда қалби очик, меҳрибон, доимо ҳалоллик ва матрифатпарварлик байробини баланд тутган Жўрақул домла Шамсиев менга оталарча гамхўрлик кўрсатди. Кўп йиллар туман халқ таълими бўлимида, турли мактаблар ва бошка давлат идораларида раҳбарлик лавозимида ишлаган кишининг шунчалик камтарин эканлигидан, одамийлиги осмондек юксаклигидан ҳайратга тушардим. Ҳодимларга бўлган ширин, меҳрга тўла муомаласи туфайли бу инсонга отамга суюнгандек суюнардим. Салобатли, обрўси баланд раҳбар бўлсалар-да, у кишини асло баланд гапирганини, бакир-чакир қилганини кўрмаганман. Эътироф этиш жоизки, бағрикенг, илмпарвар отанинг фарзандлари ҳам билимли, зукко бўлиб ўсишди. Жўрақул до-

мланинг турмуш ўртоги Шозода ая ҳам ниҳоятда камтарин, «коилам, болаларим» дейдиган муштипар аёл эди. Улар тўрт ўғил ва олти қизни тарбиялаб, вояга етказишиди. Бу оиласа яқинлигим, қолаверса, устозимнинг бир неча фарзандини мактабда ўқитганим учун яхши биламан. Болаларининг ҳаммалари ота-она измидан чиқмайдиган аклли фарзандлар бўлиб камолга етди. Ҳурматнинг, тарбиянинг кучлилигидан бу оиласа ота-онанинг сўзи конундек аҳамиятга эга эди. Ўн фарзандининг барчаси падари ва волидаси маъқул топган инсон билан ўз ҳаётларни боглашди, ҳеч бири ота-она раъйнiga карши бормади ва ҳеч иккиланмай айтишим мумкин. ўғил-қизларнинг барчаси ҳаётда ўз баҳтини, саодатини топган, оиласи, фарзандлари билан тотув турмуш кечираётган замондошларимиздир.

Бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Собик шўролар даври. Мен Жўрақул домланинг қизи Гулнораҳонининг синф раҳбариман. Үқувчиларни пахта йигим-теримига ҳашарга олиб бориши тараддуудида эдик. Жўрақул ака мактабда директор, мен оддий ўқитувчиман. Шундай кунларнинг бирида устоз қизи Гулнорага: «Қизим, ойинг бетоб. Сен пахтага бормайсан. Уйга бор», – дебди.

– Йўқ, синф раҳбаримиз рухсат бермайдилар. – дебди Гулнораҳон.

Коридорда келаётсам, устоз рўпарамдан чиқиб колди ва бошларини сарак-сарак қилиб, деди:

– Сизга қойил, Роҳилаҳон. Қизим Гулнорага мендан ҳам кўп ўз таъсирингизни ўтказибсиз.

Устозининг гапидан саросимага тушдим. Рости, чўчиброк сўрадим:

– Нима қилибман, устоз. Гулнора бирор нарса дедими?

– Ойинг касал, пахтага бормай қўя қол, десам, сиздан чўчиб «Йўқ» деди.

– Кечиринг, устоз, менинг бу гапдан хабарим йўқ. Ҳозир Гулнорани топиб, унга жавоб бераман, – дедим хижолат тортиб.

— Роҳилахон, фарзандимнинг сизга ўхшаб маъсулнитни чуқур хис қилганидан жуда хурсандман. Қўяверинг, пахтага бораверсин. Боламга тўғри тарбия берибсиз, — деганди ўшанда устозим мулойимлик билан.

У киши нисбатан қиска умр кўрдилар. 61 ёшида вафот этди. Бу пайтда турмуш ўртоғим Москвада даволанаётганди. Мен ёнида эдим. Устозимнинг ўлими ҳакидаги хабар мени қарахт қилиб қўйди. Анча вақтгача ўзимга келолмадим. Ушбу вокса таъсирида мен учун жонажон бўлиб колган 9-ўрта умумтаълим мактабида ортиқ ишлай олмадим.

Жўракул домла ва Шозода аянинг барча фарзандлари турли олий ўқув юртларида ўқишди. Жумладан, катта кизи Сайёра Шамсиева кўп йиллар рус тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб ишлади, ҳозир нафакада. Замирахон эса кимё-биология фанидан дарс бериб, у ҳам нафакага чиқди. Озодахон Шамсиева эса устозимиз каби ўзбек филологияси бўйича етук мутахассис бўлиб етишиди. Отасидек Самарканд давлат университетига таҳсил олди. Бугунги кунда тумандаги 5-ўрта мактабда директор лавозимида фаолият юритяпти. 1200 нафар ўқувчи ўқийдиган таълим даргохи рус тилига ихтинослашган бўлиб, бу ерда рус тилидан ташкари, инглиз тили, кимё, география, жисмоний тарбия фанлари бўйича ма-лакали ўқитувчилар фаолият юритишмоқда. Ишнинг тўғри йўлга қўйилгани, чет тилларини ўргагишидаги тажрибалар туфайли фарзандини ушбу мактабда ўқишини истайдиган ота-оналар кўпаймоқда. 2013 – 2014 ўқув йили бошида оз эмас, бешта биринчи синф ўз бағрига ўқувчилар кабул килгани ҳам сўзимнинг исботидир.

Усторзинг яна бир қизи Гулноза Карши мухандислик иктиносидиёт институтини тутатди. Гулнора эса хисобчилик касбини танлади. Зумрадхон машакқатли касб – шифокорликни танлаб, жарроҳлик соҳаси илмини пухта ўзлаштириди. Устознинг ўғиллари Ғайратжон, Нурматжон, Шерматжон ва Шухратжон Шамсиев ҳам ота ўғитини юксак кадрлаган. давлат ва жамият равнаки, ҳалқ манфаатлари йўлида физоййлик кўрсатадиган зиёли инсонлар бўлиб етишишиди.

Жүракул домла хакида хар қанча гапирсам ҳам оз. Келинг, азиз устозимга багишлаб ёзган шеъримни сизга ўкиб берай:

Сизда бардош, саховат, чексиз меҳр бор эди,
Хулбинларни күрсәнгиз, дүни сизга тор эди.
Не ишга күл урсаңгиз. Аллох мададкор эди.
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Истардингиз ҳалол яшаб, эркни нафас олишни,
Асло ёқтирилас эдингиз дилга ғашлик солиши,
Ҳеч биримиз истамасдик сиздан айро қолиши,
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Кагта-ю кичикка бирдай, гүё тенгдош эдингиз,
Дүстларға елқадош ҳамда сирдош эдингиз,
Меҳрда мисоли бир күш эдингиз,
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Олдинда режалар хали кўп эди,
Содик шогирдлардан кўнгил тўқ эди,
Ҳассос қалбингизда ғубор йўқ эди.
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Меҳр етакласа мени сиз томон,
Дийдорлашиш учун топардим имкон,
Чексиз меҳрингизни ҳис этиб ҳамон,
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Руҳингиз кўлласин бизларни доим,
Қабрингиз нурларга тўлсин илоҳим.
Жаннатдан жой берсиги сизга Аллоҳим.
Согиниб эслайман, сизни устозлар!

Дарҳакикат, азиз инсонларнинг пок хотираси, улар томонидан килинган эзгу амаллар ҳеч качон унутилмайди. Жўракул Шамсиев хакида Косон туман болалар ва ўсмиirlар

спорт мактаби директори Тұракул Абдулхайров шундай хотирлайды:

— 1974 йилда Үзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини тугагиб, Косон туманиндағи 9-үрта умумтаълим мактабида иш бошладым. Мактаб рахбари Жүракул ака үз меҳнатсеварлиги, касбга садокати билан барчага үринақ зди. У кишига эргашиб, биз ёш үкитувчишар ҳам мактабдан кетгимиз келмай ишлардик. Бунинг натижасыда үкувчиларимиз спортда, илму фанда ютукларга эришишарди. Устоз нафакага чиқиш учун хужжатларини тайёрлади-о, карилик гаштини суринш насиб этмади. 61 ёшида ёруг олам билан видолашди. Бирок устозимиздинг барча гүзал фазилатлари фарзандлари, набиралари камолида күринади, хотирадаси эл-юрт ёдиде, шогирдлари қалбидә мангу яшайды!

— Дадамнингерта тонггача конспект ёзиб чиккан күнлари жуда күп бұлған, — дея эслайди кизи Озода опа Шамсиеva. — Касбини бенихоя севарди. Бизга ҳам «Китобни севинглар, барча нарасаға шу китоб орқали эришасиз». дейишини канды кильмасди. «Камтарин бўлинглар, озига каноат килинглар, ҳалол еб-ичинглар, ҳалқ гами билан яшанглар», дея маслаҳат берарди. Үзи ҳам шунга амал қиласади. Мен ёнида ўтириб, иншоларни текшириш чогида үкиб, ҳамрохлик қиласадим. «Қизим, бунга кара, мана бу иккى иншонинг мазмунин бир хил, үкувчи шеригига кўчиртирган. Эргага бориб, айтаман, бу ҳолатда үкувчи яхши ўзлаштира олмайди», дерди куюниб. Онамиз Шозода ая ҳам турмуш ўртоғини тушунган, фарзандларига ғамхўр киши бўлган. Дадам ишла бўлганида бизни онам назорат қиласади. Шу боис, дадамнинг уйидан кўнгли тўқ бўлиб, педагоглик фаолиятини тўлаконили олиб борган, деб ўйлайман... Кўп китоб үкирдилар. Битта катта романни бир кечада үкиб тугатардилар... Нафакат үзбек, рус адабиётини ҳам севиб мутолаа қиласадилар. Газалларни, мўмтоз мусикани яхши кўради.

Дарс ўтгасида асар қаҳрамонларини шундай тасвиirlаб берардики, үкувчи бу қаҳрамонлар билан таъсиrlаниб, бирга йиглаб, бирга куларди. — ўз хотираларини сўзлаб берар

екан Озода она Жүракүл аканинг күләмалари, конспект ва таҳлил дафтарларини меҳр билан силаб қўйиб, деди: «Булар мен учун азиз ва қадрдан хотиралардир».

... Кўлимда Жўракүл Шамсиевнинг «9-ўрта мактаб ўқитувчилари дарсларини таҳлил килиш дафтари». Дафтарда дарс жараёнларини бевосита кузатган устоз ўз фикрларини ёзган, ўқитувчилар йўл қўйилган камчиликларга тўхталиб, дарснинг ижобий томонларини таъкидлаб ўтган. Ва албатта, ўз тавсия ва кўреатмаларини берган. Масалан, дафтарда 23 декабр 1976 йил санасида X «Б» синиф ўқувчилари учун Тамара Вольф томонидан ўтилган рус тили дарси хақида шундай хуносалар бор:

«...Синифда 33 нафар ўқувчи диктант ёзди. Текширишида «5» баҳо олғанлар йўқ. «4» баҳо – 7 ўқувчи, «3» баҳо – 19 ўқувчи, «2» баҳо – 7 ўқувчи.

Ўзлаштириши 77 фоизни ташкил этди. Ўқитувчи диктантини қоидага мувофиқ ўтиказди. Диктант текстини аввало ифодали ўқиб эшиштириди, қийин сўзларни ёзиб кўрсатди. Кейин диктант текстини «диктоворка» қилди.

Мислаҳатлар: 1. Ўқувчиларинг рус тили фанидан билимлари дастур ташабига жавоб бермайди. Синифдаги 33 нафар ўқувчидан 7 нафари «2» баҳога диктант ёзгани буниге исботиодир.

2. Узурумайтидан қолоқ ўқувчилар билан дарсдан кейин ёзмадан консультация ўтиказиб турини керак.

3. Ўқувчиларнинг ёзма нутқ малакаларини ошириши учун тизимили ши олиб бориш лозим...»

Албатта, ўз бой тажрибасидан келиб чиқкан холда, Жўракүл Шамсиев кўплаб ёш педагогларга устозлик килди. Уларнинг ўз устида ўқиб-изланиши, шогирдлари билан қўшимча ишлашига эришди, қаерда ишламасин, ўша ерда соглом мухит яратса олди.

Бугун анъана давом этяпти. Ота ишини фарзандлар, неваралар давом эттироқда. Эътиборли томони, «Болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи гуруҳи» томонидан 2013 йил ёзги мав-

сумида болаларни дам олдириш ва согломлаштиришга қўшган хиссаси ва фаол иштироки учун «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси бошлиги Шермат Шамсиевнинг «Энг масъулиятли ташкилотчи» номинацияси бўйича Диплом билан такдирлангани ҳам сўзимиз исботи...

Хулоса ўрнида, миллат дарди, унинг ташвишлари билан яшаган Жўракул домла Шамсиевнинг куюнчаклиги бошка ўқитувчиларимизда ҳам бўлишини ихтиёр этдик ва у кишининг куйидаги сўзларини яна бир бор келтиришни лозим топдик: «*Мен нимагаки эриниган бўчсан, китоб орқани эришидим. Сиз ҳам китобни севинг. У сизни нурли манзилар сари этмайдо.*»

ЖОБИР ПОЛВОН ХИКМАТЛАРИ

Қашқадарё... Бўлиниб-бўлиниб, ўртасидаги қурукликлар кашкаси мисол кўриниб, тошдан-тошга урилиб, бурилиб ва сурилиб, кирғокларни ўнириб, оқ булутдай кўпириб, чўллар томон ошикиб, сокин, аммо шошикиб, ҳаёт берар ерларга, қувонч берар элларга...

Воҳалинг ҳар бир тумани, наинки тумани, балки кишлоги ўзининг такрорланмас томонлари, урф-одатларига эга. Ҳар бир шаҳар ва кишлокнинг ўз қаҳрамонлари, машхур инсонлари борки, улар билан юраклар фахрга, ифтихорга тўлади.

Қашқадарёнинг иссиқ чўлларида улкан меҳнат чўккиларини забт этаётган матонатли нефт ва газчилар, осмонўпар пахта хирмонлари кўтараётган уста дехконлар, мазали гўшт ва сут маҳсулотлари етишириб бераётган чорвадору чўпонлар, тогларда минг хил гиёҳ ила сирли сухбатлар куриб, тошлар устида охудек юриб, зилол чаҳмалардан тўйғунича ичиб, шарқирок сойлардан кўркмасдан кечиб, бир чиройига ўи чирой кўшилган, таърифига достонлар ўқилган бетимсол гўзаллар, елкаси ер кўрмаган Алпомишкелбат наҳлавонлар, Ватан орини елкасига олган мард ўғлонлар, саҳоватли ва танти инсонлар – буларнинг бари чексиз ва бепоён Қашқадарёнинг оддийгина чизгиси, юрт олдидаги кўзгуси, сифати-ю сийрати, Аллоҳ бергани белгиси...

Бу воҳада шундай инсонлар, пок хонадонлар, соҳиби иймонлар борки, уларни тараинум килгинг, намуна билгинг, бошқаларга-да етказгинг келаверади.

Ана шундай замондошларимиздан бири Жобир полвон Яздонов, 2012 йилнинг кеч кузагида, саналарининг энг сарасида. яъники, безагида, куттуғ Ийди Курбон байрами кезларида Жобир хожи бўлди. Исломнинг фарзларидан, карзларидан бирин бажариб келди.

Зиёратин Аллоҳ ўзи кабул килсин, нурли кунлар барчамизга насиб бўлсин.

Тўккиз авлод шажараси полвон унинг, шу бойсадан, ғурури тог, осмон унинг.

Отасини Яздон алп дер, бобоси Мухсин баҳодир, кураш тушган, улок чонған, абжир бўлишган беназир.

«Жобир» сўзи маъносига қўра жабр кўрсатувчи, аммо бизнинг Жобир полвон элга меҳр кўрсатувчи.

Болаликдан, мактабдаёқ кучли, тезкор, эпчил бўлди. бир неча спорт туридан маҳоратли ўсмири бўлди.

Хушбичим, кўркам йигитга ҳаваси келар ҳамманинг, ютуклари манзур бўлиб, ишончи ортар омманинг...

Дарҳақиқат, Жобир полвон ёшлик йиллариданоқ спортинг бир неча турларига кизикди. Футбол, волейбол, енгил атлетиканинг ядро иргитиши, баландликка сакраш турлари бўйича мактаб терма жамоаси сафида турли мусобақаларда иштирок этди. Иктидори туфайли Карши тумани терма жамоаси сафига кабул килиниб, мактаб ўкувчилари спартакиадаларида зафар кучди.

– 1949 йилнинг Наврӯз кечасида Сурхондарёнинг Шўрчи туманида туғилган бўлсан-да. 1956 йилда оиласиз Нишон туманига кўчиб келишди. – лея хикоя килади Жобир полвон. – Биз беш ака-ука бир-бирамиз билан курашиб катта бўлганимиз. Бир йилда 30-40 талаб тўйкураш бўлар. Улар биз учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаб берарди. Отамиз Яздон полвон саводхон киши бўлгани учун курашда ҳалоллик, поклик, илоҳият борлигини кўп тушунитиарди. Кураш бизда яшаб турган давлатимизга, заминимизга, муборак Ислом динига ҳурмат туйгуларини шакллантирди.

Авлодимиздан Кудрат полвон. Ҳаким полвон. Бўри полвон. ҳамкишлокларим Маҳмадиёр. Маҳмараим полвон. Нишон жамоа хўжалигидан Амир полвон, Араб полвон сингари кураш усталари билан белбоғлош бўлганимай...

– Полвон бува, сиз ҳақинингизда гап кетганда, рақибдини тез фурсатда ўрганадиган ва унга қарши усул қўллаб, галибани ўз томонига оғдириб кетадиган моҳир кураичи бўлгин, дейшишади. Қашқадирёлик кўп кураичилар сизни ўзига устоз, деб бизшишади...

– Қарши педагогика институтини (хозирги Карши Давлат университети) тутатиб, шу ерда, Жисмоний мадани-

ят факультетида ишида қолдим. Бу масканда ўн йилга яқин фурсат мураббийлик қилиб, жуда күйлаб полвонларга дарс, машғулот ўтганимай. Собик Иттифоқ спорт устаси Қорёғди полвон Тұхтаев, Бахтиёр Муродов, Қашқадарёнинг донгдор полвонлари Холиёр Қодиров, Рўзиқул Маҳмудов, Эшим Тошниёзов, укаларим Маҳмуд Язданов, Ҳасан Мухсинов... бу шогирдларим билан фахрланамай. Биз жуда күп давраларда ёнма-ён, елқадаң бўлганмиз.

Албатта, ҳар бир курашчанинг ўзига хос усууллари бўлади. Мен рақиби кузатиб ёки унга қарши майдонга чикиб, унинг имкониятларини тезда таҳлил килар ва ўрганар эдим. Шогирдларим ҳам менинг кўрсатмаларим асосида ҳаракат килишарди.

Туркманистандаги бир кураш ҳеч ёдимдан чикмайди. Қашқадарёдан катта жамоа бўлиб борганимиз. Миришкорлик Ёмғир полвон, косонлик Абдураҳмон, Сайфулла полвон. Чирокчидан Тилюв полвон, Абдураҳмон полвон. Сайднабихон Жалолов Туркманистаннинг Сардоба деган кишлогида тўйладик. Марказий Осиёning барча республикаларидаи полвонлар йигилган. Кураш ҳам шунга яраша бўларди. Полвонларнинг шиддатидан гўё замин титрарди. Ҳалқ гўзал олишлар кўрди. Йикитганилар шаънига мўл-кўл олишлар бўлди.

Мезбонлардан Ражабкули полвон олди бош товоқни. Отаси туркман, онаси рус бўлган, юз килодан анча оғир тош босадиган давангирга тенг келадиган ракиб топилмаётганди. Унинг довругини, курашиш усуулларини шогирдим Сулаймон полвон айтиб берганди. уни осонликча йикитиб бўлмасди. Бу полвонга қарши ўзимни ҳам рухан, ҳам жисмонан тайёрладим. Усуулларига карши усуулларни машқ қилдим. Чунки, Ражабкулининг бош товоқни олиши ҳеч кимни ажаблантирмай кўйганди.

Хуллас, кўнгиротларнинг «тўккиз» товоғи эълон қилинди, ҳўқиз, қўчкор, серка, бўхча, хуллас, тўккиз хил солим кўйилди. Зотман, дегани уюлди. Мени кўйилган зотлар кизиктирмас, елкаси ер кўрмайтган Ражабкулинин йикитиш, орнатимизни мудофаа килиш ўй-хаёлимни банд этганди.

Шу бойс, бош товок учун даврага чиқканимда билакларим, оёқларим янада қувватлангандек, рухим бўлакча ишончга тўлгандек бўлди. Шу интиёқ танамга арслондек куч берди. Ва биринчи кўлдаёқ тезлигим эвазига уни ҳалол йикитдим. Ўзбекистондан борган мухлисларнинг олкишини эшигтганимдагина вазиятни англадим. Мен Сардобада Ватаним шаънини муносиб ҳимоя қила олганимни, туркман аллини мухлислари кўз ўнгидга ерга босганимни идрок этдим. Полвон учун бундан ортикроқ баҳт бўйласа керак.

– *Сиз самбо кураши бўйича ҳам кўплаб мусобақаларда қатнашидингиз...*

– Самбонинг ватани Россия бўлгани учун сабик Иттифок чемпионати гўё жаҳон чемпионатига менгзаларади. Россия, Белорус, Украина, Козогистон, Грузия, Молдавия полвонлари билан гиламга чиқканимизда, баҳслар жуда муроносасиз ўтарди. Ёдимда, Ўзбекистон терма жамоаси сафида Молдовада ўтган мамлакат биринчилигига иштирок этгандим. Тираспол шаҳрида кечган баҳсларда Жаббор Маҳмарасулов (Эрали полвоннинг отаси, «Жаббор ҳайвон» лақаби билан танилган машхур курашчимиз) олтин, Чори Бобониёзов, Маҳмараим Эшмуродов ва мен бронза медалига эришгандик ҳамда терма жамоамиз Россия ва мезбонлардан кейин фахрли учинчи ўринни қўлга киритганди.

– *Давраларда баковуллик қылганингизда жарапнгдор овозингиз, сермазмун нутқингиз билан бутун даврани сеҳрлаб қўясиз. Баковулликнинг сири нишада?*

– Энг аввало, ҳалоллик. Фирдавсийнинг «Шоҳномаси»да индалло деган сўз ишлатилади. «Индалло» – тарозининг икки палласини тенг тутиш демакдир. Яъни, баковул ўз полвонига ён босмаслиги, кучсиз курашчига кучли полвонни рўбарў этмаслиги, даврадаги тинчликни баркарор ушлаши ва яхши ният билан йиллар давомида йигинган тўй сохибининг кураши мусобақасини ёдда коларли килиб ўтказиб бериши лозим. Бу айтишгагина осон. Аслида, баковуллик учун ҳам Худо берган иктидор зарур...

– *Фарзандларнинг ва набирадларнинг ҳам курашига меҳр қўйиниди. Бу сизнинг таъсирингизми?*

– Саволинигизга жавоб беришдан олдин курашнинг фалсафаси, унинг нималиги ҳакида ўз тасаввурларимни баён этмоқчи эдим. Кураш – ўзбек халкининг неча-неча асрлардан бўён ҳайтиниг ажralмас бўлагига айланиб қолган кадриятдир. Курашида илохият бор, унда ўзбекнинг ори, ғурури бор.

Эътибор килсангиз, хар йили Англияда, Францияда кураш бўйича Ислом Каримов халкаро турнирлари ўз голибларини аниклади. Нега Ислом Каримов турнири? Чунки курашнинг жаҳонга ёйилишида Президентимизнинг жуда катта ва бекиёс хиссаси бор.

Юргишизимизнинг бир гапи бор. «Спорт – фарзандларимизнинг характеристики тоблайди, қалбидаги юрти билан билан фаҳрланиш туйғуларини шакллантиради». Курашнинг бутун дунёга чикиши, спорт билан шуғулланётган ёшлиаримизнинг мамлакат довругини етти икlimга таратётгани ёки мусобакалар чогида инглиз, француз ёхуд испан ҳакамиининг «чала», «ёнбош», «ҳалол» деб соғ ўзбек тилида бахсларни бошкариши – бу кайси милятдошимизнинг юрагини тўлкилантирмайди!?

«Чала», «Ёнбош» сўзи бутун заминда,
Янграмокда, қалбда кувончдан титраш!
Шодланай, «Ҳалол» деб йикитганингда,
Чунки кураш – ўзбек, ўзбек – бу – Кураш!

Нега юргимизда спортни ривожлантиришга кенг эътибор берилаётгани сабаби аслида ҳам шу эмасми?! Чунки спорт фарзандларимизни тўғри йўлга бошлайди, уларнинг қалбидаги меҳр, муҳаббатни шакллантиради. Зоро, Юргишизимиз айтганидек, «Ватанга бўлган меҳру муҳаббат хар кандай муаммони ечишга, хар кандай ёвуз кучни ингишга кодир!»

Энди саволингизга келсам, полвоцлик ушинг конида бўлмаса, хар қандай қурашсевар ҳам полвон бўлиб кета олмайди. Спортиниг машаккаглари олдида ожизлик қилади. Үғилларим Бобир. Ҳабиб. Собир барчаси қурашга меҳр кўйишди. Болаликдан тўйкурашларда ор талашди. Ҳудога шукр. споргга ошино бўлиб, элда кам бўлишмади. Ҳалол луқма уларни тўғри йўлга бошлади.

Яратганга минг шукрлар бўлсинки, набираларим Яздан. Алижон ва Ризобек ота-бобоси анъанасини давом эттириб, бўш вактини спорт залларида ўтказмоқда.

Ёдимда, болалигимизда отамиз хар куни эрга тоигда бизга новвот чой ичиради. Бу билан кун бўйи ўзимизни тетик хис килардик. Гўё отамизниг меҳри кун бўйи куч бериб турарди.

Шу ўринда яна бир ҳаётий хулосанинг айтиб ўтмокчиман. Ота-оналаримиз «Яхши одаминиг боласи яхши бўлади», деган тасаввурда болаларини назоратсанг колдирмасин. Хар кадамда боласини шима иш билан машгуллигини, ушинг ўқишилари-ю кизикишларини текшириб турмаган ота-она каттиқ адашади. Чунки тарбия жуда-жуда нозик масала.

Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сиши ўқир эканман, ундаги биргина сўз, яъни, «Индалло» сўзи бутун ҳаётимни ўз измига солди. Бутун ҳаётим «иморати» шу сўз асосида курилди. Тарози палласини тенг тутиб, иш кўришни ўргандим.

— Сизнингча, ота-она қандай фўлиши зарур?

— Фарзандларимнинг онаси Муборак хожи она Ҳусаинова билан уч ўғил, уч кизни вояга етказдик. Болаларимизниг ҳаммасини меҳнатсеварликка, ҳалол еб-ичишига ўргатдик. Ҳозир Бобир Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанинварвар» ташкилотининг Қашқадарё вилоят кенгashiда, Собир эса Нишон туман кенгashiда ишламоқда. Ҳабиб ҳам техник ва амалий спорт турлари бўйича мураббий. Болаларим ишдан бўш вактларида чорва билан шуғулланади.

Чунки ота-боболаримиз чорванинг ортидан рўзгор тебратишган.

Фарзандлар тарбиясида, айинка, кизларни катта ҳәётга тайёрлашда онанинг ўрни катта.

Шонра – Аидижон автомобил мактабида ўқитувчи бўлиб ишласа, Нилюфар акушер-гинеколог. Нодира кизимиз эса Нишон туманидаги академик лицейда кимё-биология фани муаллимаси.

Худога шукр, кизларимнинг учаласи ҳам қуёвларим билан тутув турмуши кечирмокда.

Ога-она фарзандларини уйлантиргач ёки турмушга бергач, ўз вазифасини бажарган хисобланмайди. Улар то фарзандлари оёқка туриб, рўзгорларини йўлга кўйиб олгунича болаларига кўлдан келганича ёрдам бериб, ҳаётий маслаҳатлари билан кўмаклашиб туришлари зарур.

Жобир полвон билан сухбатимиз кизигаидан кизиди. Бугунга тарих уланди, юз йиллик ганилар эсланди...

– Бобомизни Мулла Мухсии, дейишарди, – хотирлади Жобир ҳожи. – У киши кўн илмли киши бўлган эканлар. Шу боисдан, ўғли Яздонин, яъни, отамии саводли килиш учун Бухордан одам чакириб, уйда мактаб ташкил килибди. «Ариза ёки хат ёзишига тўғри келса, болам кийналиб юрмасин», дега шундай килибди у. Оиласи билан кўчиб келган домля кўни-кўшишларининг фарзандларига ҳам сабок берган экан. Яхшигина саводли бўлган домланинг аёли эса кишлоғимиздаги кизларни хат-саводини чиқарибди...

Жобир ҳожи кайси шаҳарга сабҳатга борса, у ердан тижорат максалида нарса олиб кайтмайди. Имкои тоиса, ахли донишлар китобини кидиради. «Олган китобларимдан кўп нарсаларни ўрганаман, фарзандларим ўқиб, нимадир олишини истайман», дейди у.

Дарҳакикат, Жобир ҳожининг ҳаёти хикматларга тўла.

Масалан, Кўкдалада, фахрий полвон Холиёр Қодировнинг тўйкурашида мезбонлар курашни бошлашдан олдин Жобир полвонининг елкасига тўп ёнди ва унга даврани бошқаришни таклиф эттишиди. Бу ҳам юксак кадр. Ҳалоллик баҳоси, курашимиз устунларида бўлган полвонга бўлган зътибор.

...Жобир полвон Чирокчида ўтган йирик мусобакада. Жўра хожи Тўйичиев хотира турнирида дзюдо бўйича Олимпия ўйинлари совриндори Ришод Собировнинг елкасига тўн ёпди. Бунда хам хикмат кўп. Чунки стадионни тўлдириб турган минглаб ёшлар калбида ушбу хаяжонли наҳзаларда Ришодга иисбатан хавас, спортга бўлган кизиқинш туйғулари ортганлиги аниқ. Бу хам спортнинг, курашнинг тарбиявий аҳамияти, унинг накадар буюк куч эканига ишора...

Зеро, Жобир полвоннинг айтгани, курашни севган кишидан ёмон одам чикмайди, у орнятли бўлади. Ватан учун оқ ниятли бўлади...

Энг катта бойлик

Жобир полвоннинг ўғли Бобир Яздонов шундай хикоя килади:

– Гуллаб-яшнаётган давлатимизга кўз тегмасин. Президентимиз жаҳон майдонида тараққиёт сари дадил одимлаётган озод ва обод диёрнинг доно Йулбошчиси, тинч ва осойиншта ҳаётимиз асосчисидир. Мамлакатдаги тинчлик энг катта бойлигимиздир.

Тинчлик борки, орзу бор, тинчлик борки, эртанги кунга ишонч бор, умид бор.

Нотинчлик бор жойда орзу ва умидлар ўрнини хавотир эгаллайди. Она хавотирда, отанинг тинчи йўқ, фарзандлар ташвиш ва хадикда бўлади. Оддийгина ховлимизни олайлик. Атрофини мустаҳкам этмасак, бу ховлига мол-ҳол хам кираверади, ёмон хам кадам кўяди. Ёмон-гап-сўзлар хам кириб келади. Демак, юрт тинчлигининг асло баҳоси йўқ. Шунинг учун бу тинчликнинг кадрига етмоғимиз керак.

Бир куни эрта тоңгда чегара кўшинларида хизмат қилаётган ўзғлим Яздонбек кўнгирок килиб колди ва онасини сўради.

Гўшакни онасига берсам, ўғлим онажонини таваллуд куни билан кутлади:

- Онажоң туғилган күннінгиз билан табриклайман. Бахтимизга доимо сог бўлинг, узок умр кўринг.
 - Раҳмат, болажоним! Эсингдан чиқармаганингни қара-я. Қандайсан, яхши дам олдингми, болам!
 - Раҳмат, онажоң! Бугун постда эдим, дуоларингиз билан, навбатчилик яхши ўтди.
 - Менинг тинч ва осойиншта ухлашим учун тунлари ухламасдан Ватан сарҳадларини қўриқлаётган мард ўғлимдан айланай. Жонинг сог бўлсеп, болам.
- Ўғлимнинг онасининг кўзларидан дув-ду в ёш тўкиларди...

САОДАТЛИ САНЬАТ САЙЁРАЛАРИ

Яккабог туманидан етишиб чикқап Исоқовлар сулоласини кўпчилик билади. Санъаткорлар сулоласи. Албатта, бу гунги кун тингловчилари ойнаи жаҳон оркали қўшиқлари тез-тез янграб турган хушовоз хонандалар Алижон Исоқов, Воҳиджон Исоқов, шунингдек, Максудбек Жабборовни яхии билинади.

Хўш, Исоқовлар сулоласи ҳакида яна нималарни биласиз?

Ҳаваскор санъаткор ва профессионал ижрочи ўртасидаги тафовутни қандай йўкотиш мумкин? Бир вақтлар катор кўриктаниловларда муваффақиятли иштирок этган Исоқовлар оилаий дастаси ҳозир ҳам фаолият юритяптими?

Шу каби саволлар атрофида ширали овоз соҳиби, айни вақтда Яккабог туманинадаги «Нихол» болалар оромгохига раҳбарлик қилаётган Абдураззок Исоқов билан сухбатлашдик.

— Бобомиз Исоқхон бува эшонлардан бўлиб, эски ўзбек алифбосида савод чикарган, — деди сухбатдошимиз юзидан фахр уфуриб. — У киши Навоий, Фузулий, Ахмад Яссавий, Махтумкули асарларини шундай кироат билан, таъсирчан ўқирканки, эшиттанилар овозига сеҳрланиб, йиглаб ўтиришаркан. Отам Жаббор аканинг ҳам яхшигина овозди бор бўлса-да, ўзи математик бўлган. Онамиз раҳматли Муаззам момо ҳам қачон қараманг, қўшикларни хиргойи қилиб юрарди. Амакиларим Тўйчи ва Акмал Исоқов эса куй басталаб, қўшиқ яратадиган чин санъатсеварлар бўлган.

Амаким Тўйчи aka қамишдан пай ясаб, «Чўли ироқ»ни чалганда сомеълар қўзгалмай тинглашаркан. У киши яна тасвирий санъатга ҳам кизикар, чизган суратлари ҳакикий рассомникидан кам бўлмасди. Оддий қишлоқ боласи бўлгани учун амаким санъат олийгоҳида ўқий олмади. Институтуга борганида ҳам «Сиз санъат соҳасида ҳеч қарда ўқимаган экансиз» деб ортга кайтаришган. Акмал амаким эса ҳарбий хизмат пайтида олимизга яхши таниш «Муҳаммад гармон» билан ҳарбий дастада бирга фаолият

юритган экан. Абдулла Орипов шеъри билан айтиладиган «Сен баҳорни соғинмадингми?» ашуласининг мусиқасини айнан Ақмал акам ёзганини ва қўшикнинг биринчи ижро-чиси бўлганини кўпчилик билмаса керак.

— Ахир бу қўшиқ баҳор мадҳиясига айланаб кетгани-ку. Унинг яратилини тарихи, умуман оиласвий дастанинг ташкил топшини ҳақида банафсилроқ сўзлаб берсангиз, — қизиқиб сўрайман Абдураззоз акадан.

— Хўп, хаммасини бир бошдан гапириб бераман. Собик Иттифок пайтида ишчи-мехнаткашларнинг «Ирригатор» маданият саройида мусика раҳбари, сўнг бадний раҳбар, ундан кейин бошлиқ бўлиб ишладим. 1987 йилда Наманганд вилоятида оиласвий ансамбллар ўргасида кўрик-танлов ўтиб, унда бизнинг «Қалдирғоч» ансамблимиз ғолиб бўлди. Шундан кейин биз ҳар хил меҳнат жамоалари, оромгоҳларда дам олаётган ўғил-қизлар, ҳуллас, турли ташкилотлар учун концерт дастуримизни намойиш эта бошладик. Айнан 1987 йилда бизнинг онламиз ҳақида «Саодатли санъат сайёralари» фильм-концерти суратга олинди. Ушанда укам Алижон 14-15 ёшли ўспириш эди.

1998 йилда «Оила Йили» муносабати билан оиласвий дасталарнинг навбатдаги ташлови ўтадиган бўлди. Кўрик 14-15 март кунларига белгиланган бўлиб, катнашчиларнинг Наврӯз тантаналарида ҳам иштирок этиши белгиланган эди. Биз «Сен баҳорни соғинмадингми?» қўшиғини тайёрлаб боргандик. Бошловчи эълон килди: «Сен баҳорни соғинмадингми?» қўшиғи. Абдулла Орипов шеъри, Ақмал Исоков мусиқаси, ижро этади Абдураззоз Исоков... Мен яккахон бўлиб куйладим. укаларим кўшилиб туришди. Кўшикни куйлаб бўлгач, тадбир ташкилотчиларидан бири олдимга келиб, «Нега бирорининг қўшиғини куйлайсиз? Ахир бу қўшикни Икромжон Буронов яратган-ку». леб колди. Биз эса ашулани илк ижро-чиси амакимиз Ақмал Исоков бўлганини айтдик.

— Сизларни эртага Ўзбекистон бастакорлар уюшмасинда кутаман. Вазиятни ўша ерда ойдинлаштирамиз? — леди

халиги мусикашунос. Эртасига бастакорлар уюшмасига бордик. Бизни карши олган мусикашунос республика радиосынга кўнгирок килиб, танишидан «Сен баҳорни соғинмадингми?» кўшигининг муаллифлари хақида сўради ва «Абдулла Орипов шеъри, халқ куйи», деган жавобни олди. Ниманидир ишботламокчи бўлган мусикашунос бизни Икромжон Буронов билан юзлаштириб, ижро этган кўшигининг тарихи хақида гапириб беришини сўради. «Бу кўшикни менга қашқадарёлик Акмалjon деган киши совға килганди», деди Икром ака бунга жавобан. Шу тарика биз 25 йил деганда акам яратган кўшикини қайтаришга, уни куйлашга муваффак бўлдик...

Аслида Акмал акам кўйгли бўш инсон бўлиб, ёзib, тайёрлаб кўйган кўпгина кўшикларини бировларга бериб юборгани шундан.

Кайси бир йили Наврӯз байрами учун атайин хозирлаган кўшигимизни дастурнинг ёрдамчи режиссёри қашқадарёлик бошка бир хонандага бериб юборибди. Хонанда эса уни куйлаб чиқди. «Нега бизнинг кўшигимизни куйладингиз?», десак, у ҳам ўлганнинг устига тенгсан килиб, «Қўшикни менга Китоб туманида яшовчи бир гитарачи дўстим совға килганди», деди ёлғондан тап тортмай. Шу тарика яна бир ноҳакликка дуч келдик.

Ҳа, сув ҳеч качон бир хил оқмас экан. Инсон йўлида учраган тўсиқларни енгиш учун сабрли, иродали бўлиши зарур бўларкан.

Оилавий дастамизга тўхталсам, Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳомийлигига ташкил этилган «Нихол» ансамблида асосан Исоковлар ижод килишмокда. Заводда бўладиган маданий тадбирлар, завод тасарруфидаги «Нихол» болалар оромгоҳи тадбирлари бизнинг дастамизиз ўтмайди...

— *Абдураззок ака, сизнинг Низомий номидаги педагогика олий ўқув юртшини тутгатганингиз ҳамда шаълим муассасаларнида ёшлирга сабоқ берганингиз ҳақида яхши*

биганиз. Устоз сиғатида санъат ўзлани ташлаган ёшлиларга қандай маслаҳамлар берган бўлардингиз?

— Укаларимга доим айтаман, «Санъатнинг ионини ейиш кийин, ҳалк орасида юрасиз, камтар бўлинг. Бирорга вавъда бердингизми, унинг устидан чиқинг». Эл санъаткорнинг хислатлари яхши бўлса, уни қўкларга кўтаради, агар акси бўлса, бундан баттари бўлмайди. Баъзи санъаткорлар бирорвиинг яхши кунига хизматга бориш учун ваъда бериб, ундан-да, яхшироқ таклиф чиқиб қолса, биринчи таклифни бекор қилишгача боринади. Нафс йўлидаги бу ҳаракат яхши эмас. Шунингдек, ҳаваскор ижроидан профессионал қўшикчилик сарн йўл ҳам ғоят сермашакқат. Бугунги тезкор замонда ўз устида ишламаган санъаткор эътибордан четда қолиб кетаверади. Ахир айтишади-ку «Бешикдан қабрғача илм изла» деб...

— «Ўтмишсиз келажак бўлмайди», дейишади. Исоқхон бобонинг ўғижлари эл олкишини олганди, невараю чевараларининг орзулари қандай?

— Жаббор бувадан биз тўққиз ака-ука туғилдик. Шундан акам Абдурашид ва укам Алижон Тошкент Давлат маданият институтини (хозирги Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти) тугатди. Колган укаларимнинг ҳам яхши овози бўлса-да, оиласвий шароит туфайли шу соҳада таҳсил олиш насиб этмади.

Кувончли томони, Абдурашид акамнинг ўғли Воҳиджон Исоков бир катор янги қўшиклар яратиб, элимиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қиляпти. Тўйчи акамнинг фарзанди Элбекжон ҳам яхши санъаткор. Ўглим Максудбек зса Ўзбекистон давлат консерваториясининг «Миллий чолғучилик» йўналишида танбур сози сабокларини тутгатди. Ёшларга ёқадиган қўшиклар тайёрлаш устида ишламоқда. Ниёсиддиним — спорт йўлидан кетди, футбол тўгарагига қатнайди. Умид қиласман, ёшлар тинимсиз ўз устида ишлаб, оталари армонини рӯбга чиқарса...

Абдураззок ака ҳали ҳам бир даврани гулнатадиган хонанда. У бошчилик килаётган «Нихол» дастаси

ёқильтік-энергетика соғасыда ёки касаба уюшма ташкилітінің
лари бирлашмаси томонидан ўтказиладиган қатор күріктінловларда фаол иштироки, таъбир жоиз бўлса, ғалабалари билан тилига тушган. Ансамбл аъзоси Аслиддин Исоков ҳам
куй-кўшиқлари билан меҳнаткашларниңг мөхрига сазовор.

Ана, Абдураззок Исоков жонажон Ватанини тараниум
этайтири:

*Истиқъол қуёшдай нур сочар қулиб,
Хур ўзбек диёри шодликка тұлыб.
Барқамол авлодлар бүгүн жүр бұлыб.
Дерлар: «Ватанини севмоқ иймөндандур!»,
Дерлар: «Ватанини севмоқ иймөндандур!».*

Биз яхши фазилатлари билан нафакат Яккабог туманининг Соҳибқирои жамоа хўжалигида, балки туманда, вилоятда, таъбир жоиз бўлса, республикада эл назарига тушаётган Исоковлар сулоласига ижодий зафарлар тилаймиз...

УСТОЗ

Карши шаҳрида кексалик гаштини сурәтган Абдуазим хожи Акрамов умрини ёшларга таълим-тарбия бернишга қаратган ва шунинг ортида хурмат-эътибор топған замондошлиаримиздан. У кишининг хаёт йўлларига разм солар экансиз, бу инсоннинг ўз манфаатини эмас, доимо зл-юрт, инсонлар корига ярашни ўйлаб умр кечираётганига амни бўласиз.

Маълумот ўринида шуни келтиришимиз лозимки, Абдуазим ака 1940 йилда Бухорода туғилгаи. 1939 йилда отаси Бокижон ака ҳарбий хизматга кетган булиб, у ўз мактубларида фарзаанди ўғил туғилса, унга Мэлс деб исм кўйинши тайинлаганди. Шундай ҳам бўлди.

Бокижон акадан 1942 – 43 йилларгача хат келиб турди. Шундан кейин хат ҳам, ҳабар ҳам така-так тұхтади.

Якинлари Мэленинг онасига «Бўлди, эринг келмади. Балки ҳалок бўлгандир. Ёлгиз кийналиб кетдинг. Түрмушга чик», дейинша-да, Фазилат опа сабр килди. Нихоят. 1945 йилнинг декабрида Бокижон ака уйга кайтди. Оила яна тўқис бўлди... 1946 йилда бу жонадонда кизча дунёга келиб, шодлик устига шодлик бўлди. Бирок Бокижон аканинг урушда ортирган жароҳатлари унга узок яшаш имконини бермади. Бир йил ўтар-ўтмас уруш фахрийси оламдан кўз юмди...

Түрмуш такозоси билан Акрамовлар оиласи Ғузорга кўчиб келди.

Мэленинг тиришкоклиги, ҳар бир ишни сидкидилдан баҗариши уни бошқалардан ажрагиб турарди. У юкори синфларда ўқиб юрган кезларида Ғузор туманининг «Галлачи» газетасида жамоатчи мухбир сифатида фаолият юрита бошлади. У муаммоларни дадил кўтариб чикишдан чўчимасди. Масалан, чорвачилик фермасидан лавҳа тайёрлар экан, ферма мудиридан «Нега бузокларнингиз бунчалик озгин?», дей сўрайди.

«Биз бузокларга ем бермаймиз. Чунки улар сут бермайди», дей жавоб қайтарди мудир.

«Бугун сут бермагани билан улар эртанги бўлажак сигирлар-ку. Бу эътиборсизлигининг билан кандай килиб чорва

сифатини яхшилайсиз?». – Мэлс Акрамовининг «Бузокиар сут бермасмиш» сарлавхали мақоласида юкоридаги каби мантикий таңкидга йўғрилган фикрлар ўрин олганди...

У ўрта мактабни тугатгач, Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетига ҳужжат топшириди. Афсуски, бу пайтда университетга кириш учун хар бир вилоятга саноклигина ўрин ажратилар, абитуриент канча иктидорли бўлмасин, ҳудудлардан белгиланган миқдордан ошикча талаба кабул килинмасди. Шу тариқа Мэлс ортга кайтди. Бухорода босмахонада ишлади. Кейинги йил яна журналистикага топширмокчи бўлди-ю, фикридан кайтди. «Яна киролмасам нима бўлади. Йўқ, бошка касбни ташлайман. Отам каби математик бўламан», дега ҳал килувчи карорга келди.

Шу тариқа Мэлс педагогика соҳасига кадам кўйди. 1964 йилда Бухоро Давлат университетининг «Физика-математика» факультетини «Математика ва мухандислик графикаси» ихтисослиги бўйича тугатди.

Сўнгра университет мутасаддиларининг карори билан Карши шахрига ишга юборилди. Қашқадарё Мэлсга бегона эмас эди. Сал аввал аммаси Нарзихон Акрамова хам бир гурӯҳ бухоролик ёшлиар катори Қашқа воҳасига ишга юборилган ҳамда ўз салоҳияти туфайли бу ерда ўз ўринини топганди. Дастреб Ғузор туманида, сўнгра вилоят миқёсида раҳбарлик лавозимларда ишлаб келарди.

Мэлс Акрамов ўткир зеҳни ёшлиардан бўлгани учун педагогик иши жараённида хам соҳа билимларини, мухандислик графикасини ўрганишдан тўхтамади. Устозлари Шмидт Муродов, Элчибай Файзибоев, Ҳайбат Хайруллаев (раҳматли)дан намуна олди, уларнинг сабогини ўз ишида кўллади. Оз эмас, салкам эллик йил давомида ёшлиарга устозлик киляди, Карши мухандислик иктисолиёт институтининг ташкил топиши ва фаолият юритишида кўп катори муносаб улуш қўшиди.

1981 йилда техника фанлари номзоди даражасини олди.

муҳадислик графикаси кафедраси доценти бўлди. 1996 йилда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ректорати карори билан унга «ҚМИИда хизмат кўрсатган доцент» унвони берилди.

2000 йилда кўп йиллик самарали ва ҳалол меҳнати, ўз хизмат вазифасига бўлган садоқати учун Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Фахрий ёрлиги билан тақдирланди. Бундан ташкири, Шмидт Муродов муаллифлигига олий техника ўқув юртлари муҳандис-гидротехник ихтисосликлари учун ёзилган ўқув-қўлланимада Мэлс Акрамовнинг алоҳида ўрни бор. Кейинчалик Акрамовнинг ўзи ҳам катор ўқув-қўлланмаларни илму толиб ихтиёрига ҳавола қилди. Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси ҳакида 30 дан ортиқ илмий маколалари чоп этилди, услубий қўлланмаларидан талабалар амалиёт машгулотларида фойдаланиб келишмоқда. Шунингдек, устознинг фанга кўшиган ҳиссаси унинг шогирдлари камолида яққол кўринади. Давлат ва жамият ишларida фаол, ёшлилар тарбиясида фидойи шогирдлари Ўрол Ҳайтов, Бахтиёр Фаттаев, Рустам Норчаев, Рустам Хўжақулов, Холиқул Эшқобилов, Собир Ҳайдаров, Улугбек Курбонов, Баҳром ва Ботир Дўстқобилов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мэлс Акрамов ҳакида унинг шогирди, Олий мажлис Конуничилик палатаси депутати Ўрол Ҳайтов шундай деди:

– Биз институтни битириб, Тошкент ирригация ва кишлек хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти Қарши филиалининг Умумтехника фанлари кафедрасида иш бошлаган пайтимизда Мэлс Бокижонович мазкур кафедрада ишларди. Кейинчалик билдикки, устоз шу пайтгача ўқув-маслаҳат пунктини бошқарган, унинг ўрнида ташкил этилган филиалда директор ўринбосари бўлиб ҳам фаолият юритган экан.

У пайтларда ёш эдик Ҳали инсонни инсондан фарқлашни ҳам билмасдик. Мэлс Акрамов эса бу пайтда ҳаётнинг анча-мунча текис-нотекис йўлларидан юриб қўйган, ҳалк

тили билдиң айтганды, оқ-қорани ажратадиган иисен зди. Наздимда, у киши ниҳоятда оғир-босик, гапларни дастлаб тарозида ўлчаб, кейин гапирадигандек түуларды менга.

Чизма геометрия ва мұхандислик графикасы фанидан етакчи ўқитувчи сиғатида Мэлс ака атрофига біз ёшларнинг бошини қовуштириб, ўқитиш методикасини таком-миллаштириш, моддий-техник таъминотини яхшилаш чораларини күрар. ўкув хоналарини жиһозлаш мақсадида ўқитишининг тааллуклы техник воситаларини топиб келарди. У кишининг назаридан энг майда элементар нарасалар хам четда колмасди....

Алал-оқибат ташкил этилған махсус ўкув хоналари на-муна сиғатида күрсатгулик даражага етарди.

Албатта, ўша турғунлик даврининг 80-йилларыда ниҳоятда илдиз отған маҳаллійчилик, тапиш-билишчилик, кариндош-уруғчилик каби салбий иллатлар бизнинг муасасамизга хам соя ташлаб турады. Устоз асли бухоролик, мен камашилик. Бошқалар хам ҳар жойдан. Лекин у киши хеч бир кишини бегона қылмас ёки ўзини узокроқ тутмасди. Аксинча, яқын оларди. У кишининг бир оғиз маслахати хаётимдаги туб ўзғаришга сабаб бўлғаи, деб ҳисоблайман. Баъзи бир сабабларга биноан ишдан кетмоқчи бўлдим. Еш эмасмизми, тез хулоса чиқариб, бир оғиз асабийлашган ҳолда ишдан бўшамоқчи бўлиб юргандим. Устоз кўриб қолиб, «Бу ёкка келинг-чи, шошияманг, асабларни жилювланш керак. Нима гап ўзи? Вазиятни эшлитиб, кузатиб юрибман. Ҳаммасини биламан. Сиз бемалол ишлайверинг. Қўллаб-қувватлаймиз, аспирантурада ўқишингиз керак», – деб қолди ва мени шаштимдан кайтарди. Яна ишлаб кетдик.

Кунлардан бир куни устозим «Москвага мақсадли аспирантурага ўрин келибди, бормайсизми?», деб сўраб қолди ва жавобимни билгандек қўшимча қилди: «Сиз бу гапни айтиб юрманг, ҳамманинг билишига хожат йўқ». Хуллас, устозининг саъй-ҳаракатлари билди йўлланмани қўлга киритиб, аспирантурага ўқишига кетдим. Ҳа, хенинг хаёт йўлим шу нуктада теран йўналишга эга бўлган зди.

Мен нима учун Мэлс Бокижоновични «Устоз» дейман? Оддий кишлоқдан чиққан, қўллаб-қувватловчи ҳеч кими йўқ оддий бир ёш йигитга йўл-йўриқ кўрсатиш, албатта багрикенгликининг ифодаси бўлса керак. Устоз деган эътирофга лойик инсон шундай бўлса керак. Устозимнинг мен каби миннатдор, қалбига қарздорлик хисси тинчлик бермайдиган шогирдлари жуда-жуда кўп...

Мэлс Акрамов нафақага ёшига етгач, институтдан кетишга карор қилди. Қарши мухандислик иқтисодиёт институти мутасаддилари «Ишлайверинг, куч-гайратингиз бор. Карап, канча фахрий ўқитувчилар ишлашялти-ку», дейишиша-да, упамади. Ёшларга йўл бўшатишни ихтиёр этди.

2005 йилда дили шукрон ва иймонга тўла Мэлс ака ҳаж зиёраги учун ҳужжатларини ҳозирланаш чогида исмими «Абдуазим» деб ўзгартиришни Аллоҳ дилимга солди ва мен шундай килдим, – дейди ҳожи бобо вазиятга изоҳ бераркан.

Айтганча, қаҳрамонимиз институтда ишлаган пайтида бўш хоналарни ижарага олиб, «Ёшлар клуби» ташкил этиб, у ерда ёшларнинг спорт билан шуғулланишига шароит яратганди. Мамлакатимизда тадбиркорликка кеңг йўл очилганидан руҳланган устоз оила аъзолари билан маслаҳатлашиб. Қарши шаҳрида меҳмонхона қуришга жазм килди. Шу тариқа вилоят марказида мухташам «Афсона» меҳмонхонаси қад кўтарди.

Уч қаватли, 40 ўринли бу меҳмонхонадаги шароитлар ҳавас килгулик.

Ҳаёти давомида дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлган Абдуазим ҳожи ҳар бир давлатнинг диккатга сазовор жиҳатларига алоҳида эътибор қаратгани боис, «Афсона»даги шароитлар ҳеч бир хориж меҳмонхонасини кидан кам эмас.

Меҳмонхонанинг ертўла кисмида ажойиб спорт машғулотлари зали ҳам ташкил этилганки, унда меҳмонлар ҳар

хил бадантарбия машқларини бажариб, рухий ва жиесомий тикланиш имконига эга бўлиши мадди. Бундан ташқари, турли спорт анжомлари билан жиҳозларган спорт залида хар куни аниқ режим асосинда Қарши шахрининг турли маҳаллаларида келган ёшлиар уз саломатликларини мустахкамлайдилар.

Ҳожининг фарзандлари ҳам ота ўгитига амал қилиб, кам бўлиши мадди. Үгиллари Шуҳрат, Акмал тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатяпти. Қизлари Шаҳло ва Барно ҳам олий матбуомотли. Яна бир дилбанди Райно эса ширинликлар ва пишириклар инишириш сирларини пухта эгаллаб, айни пайтда харидоргир ва мазали «Афсона тортлари»ни эл дастурхонига тортиқ этяпти.

— Фарзандингизни меҳнатга ўргатинг, — дейди Абдуазим ҳожи. — Тарбиянинг энг самарали усули меҳнат. «Болам иш кильмаса ҳам бўлади. Иш уни эзib кўяди», деган иотуғри фикрга борманг. Уни болалигидан ёни ва кучига караб, хар хил юмушларга ўргатиб боринг. Худога шукр, болаларни бир неча ҳунарлардан хабардор бўлиб ўеди. Үгилларимда олий ўкув юртида ўқиган соҳасини яхши эгаллашдан ташқари яратувчанилик, бунёдкорликка мойилликни кўраман. Қизларимдининг эса опаси каби зардўзлик, канита тикиш, назандалик ишларида моҳирлиги мени қувонтиради...

Абдуазим ҳожи хақда яна кўп гапириш мумкин. У киши «Ҳар бир иш ўз вақтида бўлгани яхши» деган ақидага амал килади. Бошқаларга ҳам шуни маслаҳат беради. Сухбат давомида отахондан «Йигитлар неча ёнда уйланниши ва қизлар қачон турмушга чиққани мақсадга мувофиқ?» дея сўраганимизда ҳожи бобо шундай жавоб қайтарди:

— Ўғлингиз балогат ёшига, камолотга етдими, касб-хунар эгалладими, уйлантиринг. Баъзи ота-оналар боласини уйлантиргач, алоҳида уй-жой қилиб, янги оиласи кўчириб чиқаришади. Аслида эса ёш келин-куёвни биринки йил ўз олдида олиб, уларга рўзгор тутишни, бола бокишини ўргатиш, невараларига бобо-буви бўлиб меҳр бериш мақсадга мувофиқдир. Қизингизни эса ўз вақтида уза-

тинг. Баызан «Қизим олий ўқув юрттани тугатиши зарур ёки хали бир-иккى йил ишласин». десе уларниң баҳтини бөгләб күймаиг. Масалан, кизлар тиббиёт олийгохидә ўкишса, камыда олтىн-етти йил таҳсия олиши зарур бўлади. Буни эътиборга олиш керак.

Биржияним тиббиёт институтига ўкишга кирганди. Отапасиң келган совчиларга «Ҳали узатиш нияти йўклигини, кизи ўкишни тугатиши лозимлигини» айтишди. Күёв томон эса, «Қизингизнинг ўкишидан ташвиш тортманг, биз ўзимиз ўқитиб оламиз», деб тўйга розилик олишди ва шундай килишди ҳам. Ҳозир жияним ўкишни ҳам тугатди, ширигина оиласи ҳам бор.

– Банкдан кредит олиб, тадбиркорликни бошламокчи бўлган ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардигиз? – сўрайман отахондан.

– Бўлажак тадбиркор режалаштирган ишини оила аъзолари билан чукур маслаҳатлашган ҳолда бошлаши зарур. Унда яна банк кредитидан ташкари йигилган сармоянинг ҳам бўлиши максадга мувофик. Чунки факат кредитнинг ўзи билан ишини тўлақонли бошлаб ололмаслиги мумкин...

Устоз доимий равишида изланишдан тўхтамайди. Ибратли ва ҳикматли гаплари билан бошқаларни ҳам нурли хаёт сари бошлайди. Абдуазим ҳожининг «Битиклар» дафтаридан парчалар келтиришни лозим топдик.

ТҮДАЧОРБОГДАГИ КУРАШ

Гурунг яхши... Диілбар гурунглар яхши. Бежнэга давраннинг тўрида ўтирмас баҳши.

Баҳши, у яхшиликдан, эзгуликдан сўзлайди. Мардликини, ориятни бор бўлсин, деб бўзлайди. Баҳшиларни эшитсанг, калбинг тоза бўлади, яхши полвон тилида зўр овоза бўлади...

Галдир-гулдуру гурунгдан чарчогинг тўклилади, ахборотлар алмашиб, тафаккуринг тўлади.

Айникса, тўртта ўзбек йигилса мавзу кураш, гурунг бўлар тоинг кадар, эсга келмайди тарқаш. Мозийдан сўз очилар, ўтганилар ҳам ёдланар, суйлаганилар савобда, тинглаганилар шодланар...

Каранг, кизиди гурунг. Ўрол бобо суйлайди, курашдан суйлаб туриб, келажакни ўйлади.

«Полвонларни эшигиги, набиралар рух олсин, миясидан бекорчи ўй-хаёллар йўқолсин. Ор нима, гуурур нима, билиб ўссин фарзандлар, ор бўлмаса элининг ориши қандай саклар?!»

Хаёлида шу ўйлар, бобо хикоя суйлар. Набиралар тинглайди, тўлиб-тошгандир уйлар...

Чирокчининг Кўкдала элида бир авлод бор, «Қодир полвон авлоди» – полвоилари кўп бисёр.

Қодир полвон, зўр полвон, бўлған машхур рикобчи. Бухоро амирининг полвони ва ишончи.

Туркману афгон элда довруги кетган унинг, бутун Тури заминни таърифи тутган унинг.

Шу полвоннинг неварасини Холиёр полвон дейдилар, у ҳам бобоси каби ғолиб бўлди кўп йиллар.

Айникса, ёддан чикмас, Дехконободдаги тўй, сурхонлик Зиёд алпни, таппа босганди,вой-бўй.

– Айтиб беринг, бобожон, ўшанда нима бўлди? – Набиралар кизикиб, бобосига тикилди.

Буваси гап бошлиди оғзига носни ташлаб, худди кино кўргандай, ияқ, соқолин каашлаб:

– Унда сизлар дунёда бор эдинг ё йўқ эдинг, саксоничи йилларда Холиёр полвон зур эди.

Узун келбат, кенг елка, бизлаклари гурзицек, сёклари филинидек, кўзи шернинг кўзицек.

Тинча-тикка чикар эди, пишикарди ушлашса, ракиб чалар, у чап бериб, усул кўлларди «кўшиша».

Ракиби ерга қулар, Холиёр тушар устидан, эҳтиёт бўймагани кеткизарди эсидан.

Бува носин туфлаб, чойдан ҳўплади. Пешонасин қашлаб, фикрин тўплади...

— Ўшандада Дехконободдинг савдо бўлими бошлиги катта тўй бергаиди. Тўйлар кўпайиб, олишлар ҳам қайнаган найти. Бир кунда ўнтагача, балки, ундан ҳам кўп тўйкураш бўлар. Қашқадарёнинг барча туманларидан. Сурхону Бухородан курашчилар келарди. Тўйларнинг кўплигидан баъзи курашлар кундузи, баъзигари кечқурун бўлар, томоша то тонгача давом этарди.

Дехконобод — чекка ҳудуд, кўпdir тошлири тоги, курашсевар қишлоғи бор. Тўдачорбог қишлоғи... Кенг майдонга жой килинган, чирокларлар ёқилган, кундузидай бўлмаса-да, атроф атча ёришган. Сурхон эли бу туманга чегарадошdir ҳаргиз. Алиномишдай появонлари кўп бу элининг билсангиз. Ўша куни сурхонликлар бахти қулди. очилди. Қашқадарё появонларини йикитиб, хурсанд бўлди. Боз устига учта «товок» сурхонликлар кўлида. Ракиб ким, деб голибона боқар Қашқа злига. Бундай ҳолат кимга ёкар, айтинг, кимга ёкарди? Сурхондарё йигитлари бургут мисол боқарди.

Шу паллада келиб қолди Холиёр повлон даврага, баковул-чи, хабар топиб, борди ушинг олдига.

— Ҳой, Холиёр появон, яхшимисиз, зўрмисиз, Сурхондарё появонлари бугун берди додимиз. Учовида учта товок, ракибини кутмокда. Учинчи товоқка чикинг, ор экан ёмон нарса. Даврада ҳам туролмайман, алам килар жудаям. Йикиласангиз, йиқиларсиз, чикинг нима бўлсаем.

Холиёр появоннинг юзига кон югурди. Юраги тез-тез ура бошлиди. Баковулнинг чўкиброк, чўчиброк гапираётганидан оғриди. Кони кўпирди.

— Полвон бува, олишсам, биринчи товоқни олганы билан олишнамаи. Ҳозир таҳорат килиб келай.

Холиёр полвоннинг шу одатига қойил колиш керак. Ҳеч қачон даврага таҳоратсиз чиқмайди.

Кучи билагига сигмай ётганидан бирордан қўрқин, чўчиш унга бегона...

— Ҳой, халойик, кулок солинглар! Даврада биринчи товоқ полвонлари олишяпти. Биринчи товоқни олган сурхондарёлик Зиёдулла полвонга үзимизнинг Чироқчи элидан, кўқдалалик Қодир полвоннинг невараси Холиёр пахлавон талабгор бўлиб чиқди. Буларнинг зоти бир ҳўқиз, юз сўм пул ва битта магнитофон...

Хуллас. Зиёдулла полвон 25 метрлардан ўйнаб-ўйнаб келди, кун омадли бўлганига қувиаб-қувиаб келди. Келди-ю шахт ушлаб, усул қилмоқчи бўлди. Холиёр полвон маҳкам турди. Зиёдни ортга сурди.

Зиёд полвон кўлинин бўшата туриб, «Полвон маҳкам турдингиз», дегандек караш килди. Яна нимадир деди, буни Яратган билди.

Иккинчи кўлда у яна узокдан югуриб келиб, Холиёрни қалмоқчи бўлди. Холиёр полвон эса чап оёгини орқага тортиб, оний лаҳзада ўнг оёги билан Зиёдни чалиб юборди. Зиёд полвон ҳавога муаллак кўтарилиб, бош ва оёги бир текис бўлиб, узунасига йикилди.

Тўдачорбокка йигилган халойик кийқириб юборди: — Ҳалол! Ҳалол!

Ҳалкин тўхтатиб бўладими?! Ҳалк тўлкинлар, ҳалк денгиздир, ҳалк кучдир. Одамлар гўзал лавҳадан маст эдилар. Холиёр полвон чиройли усули билан қашқадарёликларнинг орини олиб берганди. Томошабинлар югуриб келиб, галиб пахлавонни, таъбир жоиз бўлса, эл ҳалоскорини олкишлай кетишиди. Уни кўтариб олиб, кимдир кўзидан, кимдир юзидан, кимдир сочидан, яна бири бошидан ўпа кетишиди. Белбогини ҳам ечиб олдилар, яктагини ҳам ечиб олдилар. «Ўғлим сендей полвон бўлсин», деб кўзларига суртиб олдилар.

Ҳамма хурсанд, ҳамма шод, орли эл дил хушларди. Бу ёкда наъра тортиб, Зиёд ерии муштларди. Усти-боши оннок чанг, алам зохир юзида. Деди: «Дўхтир, курашамиз, кел хозирининг ўзида. Битта янги мотоцикл кўяр экан зотига!», таалаб солди кайтабошдаи келиб голиб кошига.

Холиёр полвон катъий туриб, полвон кўлини кисди. Пешонасидан ўпид, уни багрига босди.

– Зиёдулла жони, мен зот учун, маблағ учун ушлашмайман. Эргатга кел, зот кўймасин, майли олишай сен билан! Мен бир кунда бир полвон билан икки-уч марта даврага чикмайман!

– Холиёр полвон шундай деди-ю. Зиёдни бағрига торти. Ор ёмон-да, йикилган-чун, Зиёдининг хўрлиги ортди.

Икки кўзидан маржондек сизиб чиккан ённингга белангани юзида ирмокча, из колдириб, пастга юмалади. Шу-шу Зиёдулла полвон кайтиб Қашқадарёга келмади. Бонка курашга хам чикмади...

Голиб Холиёр полвон эгнинг костюмини илаётганида яна халқ кўзголди. Барча обекка калкиб, кичкириб, кийкириб юборди. Чунки, тўй эгалари унга аталган катта наявосни майдонга етаклаб чикишганди...

Орадан бир неча ой ўтиб, Зиёд полвоннинг тогаси Холиёр полвон Чирокчига келди. У жиянини йикитган полвонни кўришин ва унга ўз баҳосини беришин ният килганди. Сурхондарёлик Холиёр полвон адаши, яъни, чирокчилик Холиёр Қодиров билан учрашганда эса жиянини йикитган баходир хакикатдан хам девкомат эканига икрор бўлди. «Ўзи палагида бор экан-да», деб тан берди, карор берди.

Холиёр полвон узок йиллар элини айлади хурсанда, хар бир ўзбек орзулади ушингдек полвон фарзанд. У хозир хам Чирокчининг курашига масъулдир, давраларда баковуллик иши халқка маъкулдир.

Эй набирам, ният килдим, сен хам ундеқ полвон бўл, леч бўлмаса фидойи бўя, элга манзур иносон бўл!

Ушбу жойда бирозгина ҳикоямни тўхтатай, яхшилардан ўрпак олинг, сўзим муҳтасар этай...

*Урол бообо Абдиев шилидан ўғли
Акназ АБДИЕВ ёзиб олди.*

КҮИГИЛ КУЙЧИСИ

Хар бир инсон санъат асаридир. Шунинг учун бирорга тўлаконли таъриф бериш мушкул иш. Чирокчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлаганини Холиёр полвон Кодиров хакида кўнчилик каттиккўз, кескир, соясидан от хам хуркалигани баджахл инсон бўлса керак, деб ўйлади. Ахир, йигирма йилдан буён катта бир жамоанинг кенг кўламдаги ишини юритиши, бошкарни осон эмаслиги барчага аён.

Шахсан менда хам Холиёр полвонга иисбатан «қаҳри каттик, ходимларига ўта талабчан раҳбар» деган тушунча бўлган. Аммо макола тайёрлаш асносида дўхтир хакида кўплаб кишилардан маълумотлар йигдим, полвонининг сұхбатида бўлдим ва амин бўлдимки. Холиёр полвон Кодиров бутунлай бошка одал экан.

— Холиёр Кодировнинг ишини фидойилик билан бажариши биз ходимларни хам доимо қасбимизга чукур ҳурмат билан ёндашишга ундейди. — деда фикр юритади Чирокчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиқ муовини Абдумажид Ҳасапов. — Собик Иттифок даврида тиббиётимиз ахволи мактагулик эмасди. Республикаимиз мустакилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби соглигини саклаш соҳасида хам катор ислоҳотлар амалга оширилди. Мухтарам Юртбошимиз томонидан тиббиётни ислоҳ килишини янада чукурлаштириш ва ривожлантириш тўғрисида Фармон ва Карорлар чикарилди. Уларнишг ижро этилиши натижасида кишлекларда замонавий кишлек врачлик пунктлари курилди ва аҳолинга самарали тиббий хизмат кўрсатиш йўлга кўйилди. Холиёр Кодиров туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги сифатида юкоридаги ислоҳотларни амалга татбик этишда алоҳида жонбозлик кўреатмокда. Эътибор берсангиз, 2012 йилда туман тиббиёт бирлашмасида катор курилиш ва таъмиrlаш ишлари бошланди. Давлатимиз мустакиллигининг 21 йиалиги арафасидан герапияининг баринчи ва иккинчи бўлимлари хамда тугрук комплекси реконструкия китиниб, фойдаланинг тонширилган бўлса

(240 ўринли мажмуа). 2013 йилда шошилинч тез тиббий ёрдам, жаррохлик ва бошқа бир неча бўлимларни ўзида мужассам этган янги корпус қуриб битказилди. Чирокчи туманидаги бу ижобий ўзгаришлар Холиёр Қодировнинг фидойилиги, шу туман аҳолиси соглиги учун чин юракдан қайгураётгани намунасиидер.

Холиёр акани якиндан билган киши сифатида яна шуни кўшимча қилишим мумкинки, у киши опасини, рафиқасини, қайнонасини, опа-сингиллару кизларини азизу мукаррам билиб, жамики аёл зотига чукур хурмат билан қарайди. Аёлларнинг чегара билмас меҳри, фарзанд тарбиясидаги роли ҳакида дилбар шеърлар, ҳикматларга қоришик мақолалар битади. У дилдан сухбатланиб ўтирганимизда бир гапни жуда кўп такрорлайди: “Оилада муҳитни аёл яратади”.

Холиёр aka ҳар тонгни 90 ёшли онасига салом бериш, упинг табаррук дуосини олиш билан қаршилайди. 2012 йилда Кўйсипой момо ҳожи ая бўлди.

«Онажоним – менинг борлигим, ҳаётимдир», – дейди полвон бизга доимо. – Доимо меҳрибон волидамдан куч олиб яшайман, дея қуйидаги ашъорини фахр билан ўқиб беради:

*Уйимда қўргоним, суюнгич тозигим.
Этга она бўлган менинг онамсиз.
Дилбандларим юрган беминшат бодигим.
Менга дунё берган буюк онамсиз.*

*Эрталаб дуонгиз олиб кетаман,
Танам енгиз бўлар, шинимда унум.
Бир дунё чарчогим тарқатди бирдан,
Келиб ёнигизга чўкканда ўзим.*

– Катта бир туманинг кўп сонли аҳолисига самарали тиббий хизмат кўрсатиш осон эмас, – деди тумандаги 1-сонли шифохона бош ҳакими Нодир Эшмаматов. – Фахрий.

донгдор полвон, тажрибали шифокор шунчамухим ишларидан ортиб, сўнгги икки йилда ёш авлодга маънавий озуқа уланимок мақсадида тарбиявий аҳамиятга молик – «Руҳимга куч бер, Ватан» деб номланган ажойиб тўпламни ҳамда тумандада яшаб, бугун орамизда бўлмаган тиббиёт даргалари, уларнинг ҳёти, соглиқни сақлаш тизимиға кўшиган ҳиссалари, нок хотирасанни ўзида мужассам этгани – «Шам сўнади, аммо сиз эмас» номли китобларини босмадан чиқарди.

Яхни биламан, Ҳолиёр ака ҳафта давомида икки-уч марта вилоят марказига бориб келади, қолаверса, ҳалқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши депутати сифатида ҳам мажлис ва учрашувлари кўп. Яна катта бир жамоатнинг кеңг камровли ишлари... Шундай тигиз вақтининг ҳар бир сониясини кадрлаб, ижод килишіга, гўзал шеърлар битишга улгураётган устозимиздан кўп нарсани ўрганишиниз лозим...

– Кодиров кайси даврада бўлмасин, доимо ўзининг ташаббускорлиги, кайвонилиги, филойилиги билан ажralиб туради. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин, – деди туман «Нуроний» жамгармаси раиси Жўра ака Маманов.

– Масалан, 2012 йилнинг 3 февраль санасида Тошкент шахридаги «Шодиёна» тантаналар уйида пойтахтда таҳсил олаётган чироқчилик талабаларнинг Чироқчи туман ҳокимлиги ҳамда фаоллари билан учрашуви тапкил этилди. Бир пиёла чой устида ўтган дилбар сухбатларининг ёшлар қалбидан бир умрга ўчмаслиги аник. Шу куни ёшларимизнинг камолотидан қалбимиз қувончга тўлди. Тантаналар уйини тўлдириб турган тумандошларимизни кутладик, уларга ўз дил сўзларимизни билдиридик. Тадбир давомида сўзга чиққан Чироқчи туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи, Ҳалқ депутатлари вилоят кенгапни депутати Ҳолиёр Кодиров ёшлиқ баҳорининг гўзал дамларини, талабаликнинг олтин даврини азим кентда, Марказий Осиёнинг гавҳари ҳисоблашмиш – шаҳри Тошкентда ўтказаётган йигит-кизларни дийдор кечаси билан кутлаб, шундай деди:

– Азиз талаба ёшлар. Чироқчилик укаларим, фарзандларим. Сизларни жамуликам, ҳамжиҳатликда кўриб турга-

шымдан жуда хурсандман. Сизнинг трансизда бўлажак шифокорлар, ҳалқ таълими ҳодимлари, иқтисодчи ва бошқа шарафли касб эгалари кўн. Юргбошимиз бежизга сизга катта ишонч билдирамаяти. Сиз мустакиллик туфайли яратиган шароитлардан окилона фойдаланишининг шарт ва Она Ватанга, серкүёш Кашикадарё вилоятига ҳамда тугилиб-ўсган замни – Чирокчи элига хизмат этишинигиз даркор бўлади.

Ушбу очик мулокот тадбиридан кўзланган асосий мақсад – сиз азиз фарзандларимиз билан юзма-юз бўлиши, ўкишинингиздан, ахволингиздан хабардор бўлиш эди. Даврани тўлдириб турган нақирон йигитлару дилбаржон кизларни кўриб, қалбим ифтихорга, қувончга тўлди. Янада яширок ўкинг, чирокчилик элдошларингизнинг сиздан умиди катта. Сизнинг туманнинг ижтимоий-иктисодий ривожига хиссангиз салмокли бўлишига ишонамиз...

Холиёр полвон шу куни ёшлиарга ўзининг оталарча маслаҳатларини берди, хикматли хаётий хикоялари билан даврани файзиёб килди, Ватан ҳакидаги, она заминига муҳаббат тўғрисидаги шеърларини ўкиб, нақирон авлод қалбидаги фахр-ифтихор янада туйғуларини юксалтириди:

Ўзбекистон сарҳадлари кене,
Дунё айвонида очилган гулдир.
Бу узуг юрт жиннатларга тено,
Жиннатларга ёнтувчин йўлдир.

Она юртим, менинг бенигум,
Азла айтиш, катта қизгатим.
Қаср уйим, тизга ёшигум,
Бахт эмасми шунда юрганим.

Сиз-у бизнинг йўлнимиз ёргу,
Бундай йўллар кўншиг армони.
Сиз-у бизнинг юртимиз улуг,
Йул кўрсатар доно сарбони.

*Аҳил бўлиб, меҳрли бўлсақ.
Мустаҳкам бўлганидир оила шунда.
Юртбошим ёнда жашероқ турсақ,
Гуллаб-жинайверар Ватаним кунда!*

— Холиёр Қодировнинг «Рухимга қуч бер. Ватан» деб номланган китобини ўкиб туриб, ундаги самимийликдан, одоб-ахлок ҳакидаги дилбар хикоялардан жуда хурсанд бўлдим. — деди вилоят онкология диспансери директор ўринбосари Яхшимурод ака Абдуллаев. — Унда кең Кўқдаланинг кўклами, жонажон Ватанимиз ҳакидаги гўзал битик ва шеърлардан ҳар бир ўкувчи бой маънавий озука олиши аник. Куйндаги тўртликка бир эътибор беринг-га:

*Оламда тенгсизим, жашнани маконим,
Йигирмада жаҳон ичра достоним,
Кучогингда қанча эл-элат бўлса,
Барчасига ота Ўзбекистоним!*

Холиёр полвон бирор муболага ишлатганми? Асло йўқ. Қодировнинг Чирокчида яшаб, аҳоли саломатлигига бемисел хисса кўшган шифокорлар хотирасига бағишлиб ёзган «Шам сўнади, аммо сиз эмас» деб номланган иккичи китobi ҳам жуда катта савобли иш бўлган, деб хисоблайман. Айнан шу китоб оркали биз курдошимиз Фармон ака Лулиевнинг вафот этгани ҳакида билдик ва унинг уйига фотиха ўкиш учун борганимизда янгамиз таъсирланиб қўйидагиларни гапириб берди:

— Холиёр ака 9 май – Хотира ва кадрлаш куни арафасида ушбу китобни босмадан чиқариб, туман марказидаги «Сарбон» тантаналар уйида хотира тадбири уюштириб берди. Тадбирда вилоят соглиқини саклаш бошкармаси мутасаддилари, китобдан ўрин олган шифокорларнинг оила аъзолари ҳамда туман тиббиёти фахрийлари иштирок



Ўзбекистон ва Осиё оғир атлетика федерацияси вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов ҳамда оғир атлетика федерацияси президенти Томоли Аян.
«Орзулардан куч олган инсон»



Ўзбек ўғлони Азамат Шарипов оғир атлетика бўйича Осиё кубоги шоҳсупасида.
«Орзулардан куч олган инсон»



Ҳар йили Паркентда белбоғли кураш бўйича йирик
хотира турнири ўтади.
«Яхшилар, юртнинг ўз полвони бўлсин»



Ўзбек гандболи юлдузи Улуғбек Икромов
рақиблари қуршовида.
«Ўзбек гандболи юлдузи»



Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев.
«Садоқат»



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Мурод
Дусумбетов шогирдлари билан.
«Кураш китобининг зарварақлари»



Меҳнатсевар ва спортсевар Йўлчибой ака Раҳимжонов
набираси Самир билан.



Спорт фидойиси
Эркин Қодиров.
«Спортнинг чин фидойиси»



Г.В. Плеханов номидаги Россия
Иқтисодиёт университетининг
Тошкент шаҳридаги
филиали ректори Қаландар
Абдураҳмонов.



Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Баҳодир
Тожисев ва дзюдо юлдузи Ришод Собиров
«Юрагимдасан, Ватан»



Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши
депутати, ёзувчи Жумақул Қурбонов.
«Дунё ҳақиқатлари»



Эл оқсоқоли бўлган Сирожхон Раҳматов.
«Кайвонисини унутмаган эл»



Умрини халқ таълими ривожига бағишилаган жонкуяр
устоз Жўрақул Шамсиев.
«Нурли манзиллар сари йўл»



Тажрибали журналист
Маъмура Мадраҳимова.
«Дарвозабоннинг онаси»




«Sanam» МЧЖ раҳбари,
«Меҳнат шуҳрати» ордени
соҳибаси
Мавлуда Йўлдошева.



Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба
уюшмаси Яккабоғ тумани кенгаши раиси
Алишер Хонназаров.
«Масъуллик»



Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
Холиёр Қодиров яхшигина шоир ҳамдир.
«Кўнгил куйчиси»



Ҳамюртимиз Қодирбек Холиёров ҳалқаро санъат
фестивалида 2-ўринни эгаллади.
«Ўзбек ўғлони Италияда»



Илму фан fidайиси,
ибратли оила бошлиги
Жўра Бердиев
«Ибратли оиласага ташриф»



Фахрий устоз
Абдуазим ҳожи Акромов.
«Устоз»



Фахрий муаллим Сайфулла Аҳмедов пойтахтда.
«Маърифат fidaiylari»



Фахрий полвон Жобир ҳожи Яздонов рафиқаси
Муборак ҳожи ая билан.
«Жобир полвон ҳикматлари»



Дилшодбек ва Диёрбек Каримов.
«Ўзбекнинг бахти»



Элпарвар инсон Жовли бобо Қораев.
«Одамнинг бўриси»



Алижон ота Тўхтаев ва рафиқаси Ҳабиба ая.
«Алижон ота»



Аҳил ака-укалар.
(Юқорида чапдан: Абдусаттор Абдиев, Рўзимурод Арзиев,
Үрол Абдиев. Пастки қатор чапдан:
Суюн Арзиев, Тўрамурод Арзиев)



Буважоним, моможоним, акажоним ва
аммажонимдан эсталик сурат.



Овсинларнинг опа-сингилдай бўлгани яхши.



Оиласвий сурат. Азизларим.



Кўкламдан хотира.



Азиз аммажоним Ойсифат Арзиева қизи Мухлиса
ва келини Дилбархон билан.



Устозларим Эркин Эсиргадиев ва Шерали Ҳабиуллаев
билин.



Эътибор ижодкорга илҳом беради.



Оила – мұқаддас даргоҳ.



Тифли бобо ва Зумрад момо қызлари ҳамда набиралари
билин «Ойдин истак»

этишди. Бир пиёла чой устида ўтган учрашувда хар биримизга «Шам сўнади, аммо сиз эмас» китобидан хадя этдилар, ўтганлар хакида хотиралар тияга олинди. Шу кунги ҳаяжоннимизни хануз ёдимдан чиқара олмайман...

Янгам тўғри айтади. Холиёр Қодиров ўзининг меҳрибонлиги ва ажойиб ташкилотчилигини яна бир бор иамоёни этганди. Дарҳакикат, у кишининг уммондек кенг қалбини, амалга оширган ва ошираётган ишларини бир ёки икки оғиз сўз билан ифодалаб бўлмайди.

– Қодировни Карши шахрида ишлаган давларидан яхши биламан, – деди Карши Давлат университети доценти Жўра Бердиев. – Ҳар доим ўз устида ишлайдиган, ўз қасбини эъзозлаган, беморлар билан жуда яхши муомала киладиган шифокор сифатида нафакат вилоятимизда, балки республикада яхши танилган. Одамохунлиги, меҳрибонлиги билан кўпларнинг дилидан жой олган Холиёр акапининг оиласига ҳам барча ҳавас килади. Фарзандлари ҳам отаси каби билимли. Турли давлат ишларида меҳнат килишмоқда.

– Холиёр Қодиров – элдошларига оқибатли. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. – деди «Насаф» футбол клуби ҳужумчиси Кенжак Тўраев. – 2011 йилда «Насаф» ОФК кубогини кўлга киритганда, муваффакият билан кутлаш учун уйимизга келиб, менга «Кенжак Турсаевга» деган шеърини совға килганди. Бу шеър барчамизни тўлқинлантирди ва уни энг азиз совға сифатида ардоклаб, саклаб кўйибман...

– Холиёр полвоннинг оиласини яхши биламан. Чунки бобоси Қодир полвон менинг тогам бўлган, – деди Мехнатобод фермерлар уюшмаси Қаҳрамон қишлоғида яшовчи Нормурод бобо Шаванов. – Ота-онаси – Ҳолмуҳаммад бува ва Кўйсиной момо саккиз фарзандини тарбиялаб вояга етказган. Онаси ўша даврнинг захматкаш аёллари сингари далада ўрок ўриб, бошок терган. Бирок хўжалик ишлари канчалик кўп ва оғир бўлмасин, болаларнинг тарбияси билан янгам шугулланарди. Чунки тогам Ҳолмуҳаммад полвон қишин-

ёшин колхоз даласидан келмас. ёзда галла ўрса, кузда шудтор килиб, киша арик ва зовурларни тозаларди. Янгам ҳам далада ўрок ўриб, машок терса-да, иши жуда кўп бўлса-да, вакт ажратиб, болаларини хар куни ҳеч эринмасдан чўмилтирас, озода кийимларни кийинтириб, кўғирчокдай килиб кўярди.

Ота-она ўртасидаги меҳр, уларнинг фарзандларига ғамхўрлиги, меҳнатсеварлиги, бола учун жонини-да фидо килгудек мухаббати уларнинг ўғил-қизларининг ҳам ўзаро меҳрибон, кишлокча айтганда, «бир бовур», яклил бўлишини таъминлаган, деб ўйлайман.

Бугунги доруломон куцлар осонликча зохир бўлиб колгани йўқ. Эслайман, тогам раҳматли шундай дерди: «Бизнинг ҳовлидан ҳам ҳеч бўлмаса бирорта мотоцикл тариллаб туармикан? Машинани-ку ололмаслигим аник».

Шундай оғир шароитга қарамай улар фарзандларини ўқитиши. Тўнгич фарзанд Аброй (раҳматли). Муроддин ва Холиёр дўхтири ва кенжা Мухаммад – барчаси турли олий ўкув юртларида таҳсил олди. Меҳрибон янгам хўжалик ва рўзгор ишларидан ортиб, хар бир боласи учун камидан элликтадан гилам тўкиб, сотиб, уларни ўқитишида тоғамга якиндан кўмак берган. Оиласидаги мухит, ота-онадаги фидойилик болаларни ҳам меҳнатни севишга ўргатди.

Гоҳида «Аёлнинг жони киркта» деган ганини эшитиб қоламиз. Аслида ҳам, шундай. Яхши, мўмин фарзандлар камоли ҳам уларга боғлиқ. Ватанига, эл-халкига, оиласига хизмат киладиган, мард, оккўнгил, содик фарзандларни ҳам айнан оналар тарбиялайди.

– Холиёр акани ходимпарвар раҳбар, фидойи қалб эгаси бўлган устоз сифатида яхши биламан. Якнида унинг маслаҳати ва кўмаги билан пойтахтда малака ошириб келдим, – зеди туман тиббиёт бирлашмаси шошиянич тез тиббий ёрдам бўлими бошлиги Шоназар Рўзиқулов. – Тиббиётдаги янгиликлардан боҳабар бўлдик, жарроҳлик соҳасидаги катор амалиётларни ўрганиб кайтдинг Устознинг

яна бир фазилати шуки, у инсонларнинг кўпглини ўқий олади. Дардингизни эшишиб, уни енгиллатишга харакат килади. Яхшиликдан, халқимизниң гўзалурф-одатларидаи завқ олади. Яқинда Холиёр ака билан у кишининг биринчи муалими Абдумуҳаммад домлая Боболиевнинг хонадонига бордик. У ерда домланинг турмуш ўртоги Илаш момонинг 70 йиллик юбилейи ҳамда невараларининг суннат тўйи бўлаётган экан. Сухандон Холиёр акага сўз берганида, Қодиров биринчи устозини фахр билан тилга олди, бошлангич синфдаги хотираларини, ўша бегубор дамларни тўлиб-тошиб гапириб берди. Илаш момонинг елкасига сарпо ташлаб, унга атаб шеърлар ўқиди. Устози оиласига эзалик учун ўзининг «Рухимга куч бер, Ватан» ҳамда қизи Мадинахонининг «Гўзал орзулар мұқаддимаси» деган шеърий тўпламларини совга қилди. Ўз навбатида Илаш момо ҳам полвонининг елкасига тўн ёпди...

Юқоридаги манзаралар ҳам Холиёр аканинг ниҳоятда самимий, элига, устозларига содик, уларга нисбатан оқибатли эканини кўрсатади.

Холиёр Қодиров ўзига талабчан. Қачон қараманг, янги-япги китобларни излаб топади. Донолар ҳётидан ўқиб, ўрганади. Шунингдек, ходимларидан ҳам ишига садоқатли ва адолатли бўлишни сўрайди. У киши хар биримизни ўзи ишилаб чиқкан «Тиббиёт ходимлари учун 12 та олтин қоид»га амал қилишга чакиради. Қуйида ушбу олтин қоидаларни келтириб ўтсам:

1. Сизни баҳолайдиган, сизга обрў келтирадиган биргина инсон бор, бу – бемор!
2. Ишингизга садоқатли ва адолатли бўлинг!
3. Беморларни очик чехра билан, жилмайиб кутиб олинг, хушмуомала бўлинг!
4. Бўлимдаги ютуқларни ходимларингизга айтиб, таҳлил килиб, нишонлаб боринг!
5. Муаммоларни бўлим ходимлари билан мухокама килинг ва ечимиини топинг!

6. Ҳар бир ходимингизни қилаётган ишининг қадрига етинг ва рағбатлантириб боринг!

7. Ҳар бир ходимнинг дардига қулоқ тутинг!

8. Бўлимингиздаги ишлатилаётган нарсаларни (тиббий асбоб-анжомларни, фойдаланилаётгани иморатнинг ҳар бир хонасини) доимо назорат остида сакланг!

9. Оқим билан бирга сузинг!

10. Жамоага суюнчик бўлинг, ёлгон гапирманг, алдаманг, қўпол сўз ишлатманг, чиройли кийишинг, бирга ишлайдиган ходимларингизни, ойлангизни, қариндошуругларингизнинг ҳурматини жойига қўйинг, қадрига стинг!

11. Ҳар куни эринмасдан ўз устингизда ишлаб, билимингизни ошириб боринг, бугунги ишни эртага қўйманг!

12. Зеро, ақлли киши учун ҳар куни яиги ҳаёт бошланади!

– Дарҳақиқат, шифокор ҳалк дарди билан яшайдиган инсон. Шу боисданми, Ҳолиёр Қодиров ҳар биримиздан хушмуомала бўлишни сўрайди, – дея сұхбатга қўшилди туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплекси «чақалоклар бўлими» бошлиги Феруза Аликулова. – У киши бизга нафакат меҳрибон раҳбар, балки зиммасига топширилган ҳар бир вазифани охирига етказиб бажарадиган жонкуяр инсон намунаси ҳамдир. Қишлоқ хўжалиги тадбирлари дейсизми, пахта йигим-терими ҳашари бўладими, барча соҳани яхши билади ва ишни тўғри йўлга қўя олади. Қисқача айтганда, мукаммал инсон ким дейишганида, мен Ҳолиёр aka каби фидойиларни мисол килиб келтирган бўлардим.

– Ҳолиёржон тез-тез биз кексаларни уйига чорлаб, маънавий-маърифий сұхбатларимиздан баҳраманд бўлишни яхши кўради, – деди Шўрбозор қишлоғида яшовчи отахон Қувон хожи Маматов. – Унинг яна бир фазилати – кайвонилигидир. У ҳар йили Кўқдала хўжалигидаги қишлоқларда ўтадиган Наврўз сайлларига бош бўлади. Ҳар бирига ўзи баковуллик килади. Йил давомида турли ютукларга эришган кўқдлалик ёшларни рағбатлантиради.

Полвоннинг ўзбек спортига кўшаётган хиссаси ҳам бекиёс. 2012 йил август ойида Чирокчи туманида белбогли кураш бўйича Ўзбекистон кубоги баҳслари юкори савияда ташкил этилди. Республиканинг турли вилоятларидан келган 200 нафардан зиёд полвон иштирок этган мусобака Қашқадарё вилоятида нафакат миллий кураш балки, белбогли кураш бўйича ҳам моҳир спортчилар стишиб чикиши йўлидаги муҳим қадамлардан бўлди.

Яиаям эътиборли томони, мусобака чоғида Ўзбекистон белбогли кураш федерацияси президенти Равшан Дастиров Холиёр полвон Кодировга спорт тури ривожига кўшаётган хиссаси учун федерациянинг олтии медалини топшириб, ўзининг самимий ташаккурини изхор этди.

– 30 йилдан бўён тиббиёт соҳасида ишлайман. – дейди туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ комплекси терапевти Мукаррам оға Ҳамроева. – Холиёр ака эса қарийб йигирма йилки, туман тиббиётини самарали бошқариб келяпти. Рости, у кишига хавасимиз келади. Фарзаидларим у каби мард. танти, билимли бўлишини орзу қиласан. Турмуш ўртоги Бодомгул янгани ҳам яхши биламан. Жуда оқила, хушфеъл аёл. Худойим иккаласини бир-бири учун яратгандек...

Кодиров ҳар бир ходимга эътибор қаратади. Ҳозиргача Холиёр аканинг бирорни порози килганини кўрганим йўқ.

Ҳеч қачон «бош шифокорман» деб ўзини баланд тутмайди. Ходимларни тиинглаб, улардан ўз маслаҳатини аямайди. Биздан ҳам ўз тажрибамизни янги ишга келган ёшлиар билан ўртоклашишини сўрайди. Шифоҳонада «Устозшогирд» айъаналари давом этишини назорат килади...

– Дұхтирнинг хайрли ишлари кўп, – деди Қахрамон кишилогида яшовчи тиббиёт ходими Мустафо Эргашев. – У кишининг «Шам сўнади, аммо сиз эмас» деган китобида меҳрибон акажоним, ҳаётдан бенакт кўз юмган Жовли Тайпатовнинг хотираси ҳам тилга олинади. Бу китобнинг чикиши кўп мархум шифокорлар оиласи катори бизнинг онламиз аҳлини ҳам жуда хурсанд қилди, ўтгаиларнинг рухини шод этди.

— Холиёржон билан пойтахтда бир вактда таҳсил олғанмиз.— деди Қашқадарё вилоят ОИ ГСга қарши кураш маркази директор мувинини Хўжамурод Баҳринов. — Болалигимиз, ёшлигимиз бирга ўтган. Талабалик йилларида Холиёржонни кураш машгулотига борнишга ундардим. «Юр. төр. Бу кийин машқлар ортда колади. Биз кучли спортчи бўлишимиз керак». дердим. Алал-оқибат, интилишлари, устозлар қўрасатмасини сидкидилдан бажариши туфайли у машҳур полвон бўлди. мен эса барибир ундин бўлојмадим.

Холиёржон төр чертиб, кўшик қўйлашини ҳам маромига етказади. Талабалик йилларимизда «Шифокор» дастасини тузиб, турли тадбирларга файз киритганди.

— Холиёр полвон нафакат тажрибали шифокор, балки, латиф шеърлар битувчи шоир ҳамдир. — дейди ҳассос шоира Ҳосият Бобомуродова. — Айникса, у кишининг якин дўстларига бағишлаб ёзган мувашшахлари бир олам.

Ҳар сатри дурдона янглиг мувашшахларни ўқиганда ўкувчи Холиёр аканинг маҳоратига койил колади.

Дўхтирининг рафиқаси Бодомгул она ҳамда кенжা ўғли Ҳондамирга бағишлаб ёзган мувашшахларини ўқиб кўринг-а. бунга ўзингиз ҳам амин бўласиз.

БОДОМГУЛИМ

*Баҳорим, сенсиз менга ҳаёт иўқ,
Оҳимни тинглагувчи бирон-бир зот иўқ,
Дод дейман ёлғончи дунё дастидан,
Ошиқман. Ширинсан, мендек Фарҳод иўқ.
Моҳимсан, азизам, дунёда борим.
Гулимсан, тенғги иўқ ташҳо чиройим.
Умрилни баҳш этдим сенинг йўнинега,
Лабу лаъл, дур тишили кўкдаги ойим.
Итоатли жоним, азиз сирдошим.
Менинг ҳурилиқо, эй ёстиқдошим.*

ХОНДАМИР

Хондамиржон, насиб бұлса, сенда бүгелай байролым,
Оқибатты фарзанә бұлған, мениң сұяңған тогым.
Нажоттимсан, майдорымсан, ўзшің қарыған чогым.
Дароларимни аршисанғар, қалбда қолмаган дөгим.
Айланапті, ойланаптінам, мениң мендер бұлғасым.
Меҳрли бұл, ҳотамликда кам қылмасын Аллохым.
Имконимсан, юрагымсан, мениң күзи-қароғым.
Рахнама бұл, халқымизга, мениң шириң тойчоғым!

Мен хам дүхтирининг мардлігі, саноқсиз сифатларини
үшібу камтарона шеъримда мужассам қилишга ҳаракат
килдім:

Бирор нул, бирор дүст, ёр талашади.
Холиер полвон номус ва ор талашади.
Томона килгали кучини күкда.
Егіб ёмғир билан кор талашади.

Күпкарида доим улоқ сизники,
Суви тоза, ширип булоқ сизники,
Бодом гулидаги юрак сизники,
Құлида куйлай деб тор талашади.

Қанча полвон күкрап кериб келади.
Бүйдорлар бүйингиз күриб келади.
Номдорлар йүлини буриб келади.
Етмок учун қанча нор талашади.

Бизда қизғонамиз ёмон күзлардан.
Аллохым асерасын гийбат сұзлардан.
Дүч келинг ҳамиша очық іозларга.
Яхшиларни бул дүнен тор талашади.

– 2012 йилда Чирокчи тумани марказидаги “Сарбон” тантаналар уйида Холиёр ака Қодировнинг ташаббуси билан «Шам сўнади, аммо сиз эмас» деган тадбир уюштирилди.

– дейди хушовоз хонанда Сарваржон Абдуллаев. – Унда туман тиббиётига ҳисса кўшган ва бугун орамизда бўлмаган қирқдан ошик шифокорнинг оила аъзолари ҳамда тиббиётимиз фахрийлари иштирок этишди. Дўхтирнинг «Шам сўнади, аммо сиз эмас» аталмиши китобида отам Раҳматулла Абдуллаев ҳақидаги ҳикоя ҳам ўрин олган бўлиб, тадбирда сўзга чиққанлар отамнинг меҳнатларини ҳам эътироф этишди, эсга олдилар. Қаттиқ ҳаяжонландим, шундай жонкуяр инсоннинг фарзанди эканимдан чексиз фахрландим. Бундай ажойиб китобни нашр этгани ва хайрли тадбирни ташкил этгани учун Холиёр акага ўз миннатдорчилигимни билдириб қоламан...

– Холиёрjon ўзига хос инсон. Туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси раиси сифатида у киши билан ходимларга янада қулай иш шароитларини яратиш, уларнинг ҳукуқ ва манифатларини ҳимоя килишида ҳаммаслакмиз, – дейди касабакўм Ғулом Жўраев. – У ҳакида узок гапириш мумкин. Келинг, сизга «ХОЛИЁРГА» деб ёзилган мувашшаҳимни ўқиб берай:

*Хол эруми ёрга ул, токи охир кунгача,
Оразин қилгай томошо, эртадин то тунгача.
Лол бўлиб ҳуснига ул, маст бўлди гул обидан,
Ишқ аро ҳеч кўрмадим, андек гадо ҳозиргача.
Ёр учун шеърлар ёзиб, бир қисмини қилди китоб.
Рост, ана сиз ҳам ўқинг, то тонгдан оқшомгача.
«Гавҳарим» деб туну кун ёрига қилгай хитоб.
Алласам, тил тортмайин, бергит азоб маҳшаргача!*

Хуллас, Холиёр полвон Қодиров ҳақида ким билан сухбатлашмай, унинг янгидан-янги кирралари кашф этилаверарди: маҳоратли, ходимпарвар, раҳбар, жонкуяр ши-

фокор, шоир, гүзәл мувашшахлар битувчи ошик, вафоли дүст-әр, әлпарвар депутат, кобил фарзанд, намунали ота...

Унинг «Тұксон армоп» деб аталған шеърида урушынг (Иккінші жағон уруши) захматларга тұла қунларини бошидан кечирған, әрқакларниң барчаси фронитта кетгани учун кирк қунлик қақалоги билан колхоз даласида ўрок тортган муштипар она образи күз олдымизда намоён бұлади:

Тонг азовда дуо қилиб, сизге үмр тилайман,
Дуоларим даңдан сұрағ, бир-бираға үзайман.
Чарчаң шидан үйға борсам, өздітігизда тиз چүкиб.
Құлдаршығыз юзға суріб, секіт-аста сизайман.

Тұксон ёңді қарчогиңиз дардым бұлыб бормоқда.
Сизге қандай сұяның бұлай, сұяничесім, онажсон?
Тұксон ёшда тұқсан армоп юрасынгиз әзмоқда,
Армопиңиз менға армоп, қатодай етайд, онажсон?

Отам дардым жедан чиқмас, ёншігизда шүк дүгүн.
Капта акам кетди биздан, юракда капта түгүн.
Хотам акам кетген әди «Онажсон», демай бир күн.
Шунинг үзи сизға армоп, бизға армоп, онажсон!

Елғыз ақа уруш кетіб, жаңаған қайтыб келмаган.
Үндән ёштор үгіл қолди, әрқалашын билмаган.
Жигаршы кута-кута, күзда ёши қолмаган.
Жигар дөғи күчши армоп, чидағ үрген онажсон!

Кута-кута молом кетди чиң дүнега от сөзіб.
Орқасыға қарай-қарай, кетди штиқ, дод сөзіб.
Фарзанд дөғи әзган әкап, моломни ҳам онажсон.
Сизға сабр берсін, дейман, мұштипарим онажсон,

... Елқасида ёши қақалюқ, құлда үроқ, даңада.
Дам олмасдан үроқ үриб, жазырама паллада.

*Чақалоқ-чи, ётиб ухтар, ғарамли бир сояда,
Ватанни боласидат устун құйғат онажон!*

*Уруш шылдар, сарсон шылдар, санағи ҳар бир үйни,
Үнүнді әл хурсандыкни, базму жасашыдни, түйни,
Фақат тингелар Левитонни, үнүтиб құшиқ-кушы.
Армоналари тинчлик бұлғат, мұштапарым, онажон!*

Сүнгги сүз ўрнида барчапи ўзининг гүзәл мувашшаһлари
бидан хушиуд этувчи Холиёр полвон Қодировга мен ҳам
ўзимнинг камтарона мувашшаһимни армугон этдім:

Худонинг назари түшган нақлавон,
Орияты осмон, фидойи инсон,
Латиф шеърлар битар, мазмунни жахон.
Ижодкор шоирдир Холиёр полвон!
Ёру дүстларига химмати баланд,
Рухияти олар Ватандан мадад,
Пиру устозлари ҳам ундан хурсанд,
Окибати чиндир Холиёр полвон!
Лол бўлдим хикматли гапларин тинглаб,
Вактни таксимлаши яна бир мактаб,
Ороми бўлмайди беморни ўйлаб,
Намунали дўхтир Холиёр полвон!

Қалбида касбига садоқат улкан,
Олтин коидаларни тиб учун тузган,
Дастур қилиб уни, ишиң юргизган,
Ибратли раҳбардир Холиёр полвон!
Рухимга куч бер, деб битади достон,
Онадек эъзозлар Ватанни ҳар он.
Волидаси ҳожи ая, пок иймон,
Оёғи остида жаният бегумон!
«Муқаммал инсонсиз» – дил берар унвон,
Ахир канча эзгу фазилат сизда,
Раббим кўркам келбат бергандир: полвон,
Демак, бўрттириш йўқ таърифимизда!

ЎЗБЕК ЎГЛОНИ ИТАЛИЯДА

Юртимизнинг бугунги кун ёшлирида ўз иқтидор ва салоҳиятини нафакат республикамизда, балки хориж мамлакатларида ҳам намоён этиш имконияти бор.

Тошкент шаҳри Олмазор туманида яшовчи ўн ёшли Қодирбек Ҳолиёров Италияниң Сан-Ремо шаҳрида ўтказилган санъат фестивалида қатнашиб келди. Ўткир зеҳни, билими ҳамда санъатга бўлған кизиқиши туфайли тенгдошлиаридан ажralиб турадиган Қодирбек билан сафар таассуротлари ҳакида муҳтасар суҳбатлашдик.

– Қодирбек, дастлаб фестивал ҳақида гапириб берсангиз...

– Сан-Ремо шаҳри гарчи унча катта бўлмаса-да, ҳар хил кино ва санъат танловлари ўтадиган мафтункор ва ўзига хос шаҳарча экан. Турли давлатларниң миллий санъатини кўрикдан ўтказадиган анъанавий болалар санъат фестивалида дунёнинг 23 та мамлакатидан жамоалар иштирок этишди. Бизниң жамоа миллий ракс дастури билан қатнашиб, якунда Туркия жамоасидан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

– *Италия таассуротларинингиз?..*

– Италия жуда мафтункор ва тарихий мамлакат экан. Менда кўхна ва озода Рим, маҳобатли «Колизей» мажмуаси, барча инсонлар ўз орзуларини айтадиган «Орзулар кўли» катта таассурот колдирди. «Орзулар кўли»га мустақил Ватанимизнинг янада юксалишини, оила аъзоларим соғсаломат бўлишини тилак билдиридим.

Рим бўйлаб килган саёҳатимиздаги яна бир дикқатта сазовор жой – бу Ватикан давлати бўлди. Маҳаллий кишиларнинг айтишича, Ватикан Римнинг гарбий қисмидаги Монте-Ватикан тепалигида жойлашган шаҳар-давлат экан. Бу давлатга киргунимизча кичиккита паспорт беришди. Ватикан – католик черковининг маркази экан. Қароргоҳнинг кариб ҳамма томони тош девор билан ўралиган. Бу ерда сайёҳларнинг кўплигидан огоҳ бўлмасангиз, шерикларингизни йўқотиб кўйишингиз ҳеч гап эмас экан...

Ешгина юртдошимизнинг дадил фикрлаши ҳавасимизни йўғотди.

Олмазор туманидаги «Сехриё» макеус мактабида таҳсил оладиган Қодирбекнинг баҳолари аъло. Математика, ўқини, она-тили, рус тили, инглиз тили фаниларига кизиқади. Санъат тӯгарагидан ташкари. «ушу» спорт тури билан ҳам шуғулланади. Дадаси Мухторжон ҳукуқшуное бўлса, онаси Сожидахон Тошкент Давлат Техника университетида инглиз тили фани ўқитувчиси.

– Ўзингиз Ўзбекистонга келганда, ўз уйига қадам қўйганда ўзини қандай тұмуди? – деди сўрайман Сожидахондан.

– У Италияда бор-йүги бир хафта бўлган бўлса-да, гўёки жуда кўп вактга кетгандек туюлибди. Келибок, укаси Шахриёрға «Халиям ўсмабсан-ку?!» – деди болаларча хайрат билан. Ўглимнинг жамоаси энг кичик ёшли ижрочилардан тузилган бўлса-да, фахрли ўринини олганидан бошимиз кўкка етди. Бизга шундай ажойиб шароитларни яратиб берган Юртбошимизга, ўглимга сабок бераётган устозлари Ирина Сидорова, Аниса Садикова, Елена Яковецга оиласиз номидан миннатдорчилик билдираман.

– Келажакда ким бўлмоқчисиз? – сўрайман Қодирбекдан.

– Санъат ва спортдан ташкари дарсларни тайёрлаш, китоб ўқиши ҳам севимли машғулотим. Аъло баҳоларга ўқиб, халкаро фан Олимпиадаларида иштирок этиш, ғолиб бўлиш орзум бор. Келажакда шифокор бўлмоқчиман.

Қодирбекнинг бобоси Холиёр Қодиров ҳакида, унинг Чирокчи туманида олиб бораётган ишлари, юртпарварлиги хусусида олдинги мақолаларимизда тўхталиб ўтгандик. Ажабмас, Қодирбек ҳам бобоси сингари илму фан, санъат, ижод ва спорт соҳаларида изланиб, юрт корига ярайдиган яхши бир инсон бўлиб етишса...

ОТАНГИЗГА БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!

Чирокчи тумани Чиял хўжалигида Чувуллоқ деган қишилoқ бор. Одамлари уста дечкон, тадбиркор ё чорвадор. Эртаю кеч меҳнат қилиб, баҳтии излашар, бесамар ўтмас хеч куни, довон кўзлашар.

Бирлашганда, ҳавас қилдим, бир мушт булади, йигитлари элим дебон кўп иш қилади...

Куйида бир мисол айтай, ўзим кўрганим, ҳалқ денгиздир, ҳалқ тўлкиндири, амин бўлганим...

Чувуллоқни қоқ иккига бўлиб, оқиб ўтар Қумдарё тўлиб.

Лйни қиши ва баҳор ойлари, ёмғир-қорнинг келар сойлари.

Мактабларга камаяр қатнов, дарё кечган бўлади тумов.

Тўй килинса, бўлса таъзия, кийин эди ёшу қарига... Ўтар кунлар, ўтади ой, йил, Қумдарёга чора излар эл...

Қанийди, бир кўприк бўлсайди... Ушбу ният бу йил ушалди...

– Обод турмуш йилида юкоридаги муаммо ўз ечимини топди, – деди «Чувуллоқ» маҳалла фуқаролар йигини роиси Ниёзмурод Умбаров. – Қишлоғимизнинг 1976 йилда туғилган йигитлари ташаббус билан чиқиб, Қумдарёга кўприк курмоқчи бўлишди. Узаро маслаҳатлашиб, азаматлар маблагларини ўртага ташлади ва ишни бошлаб юборишли. Ёшларнинг шиҷоатини кўрган эл хам қараб турмади. Ҳар ким имконига қараб, химмат қилди. Қарабсизки, уч ой ичига Қумдарё узра мустаҳкам кўприк кад кўтарди.

Прораб Норқувват Қурбонов, иш юритувчи Рустам Тўрақулов хамда эл юкини елкасига олган саховатпеша 50 нафар йигит, жумладан, Алишер Абдураҳмонов, Алишер Тўрақулов, Зокир Жовлиев, Шерали Рўзиев, Алимардон Худойқулов, Шодиёр Хуррамов, Салим Элиев, Сайфулла Раҳматов, Отабек Ботиров. Ҳолик Жуманов ва бошқалар Обод турмуш йилида қишилoқ ахолиси учун ажойиб тухфа ҳозирлашди.

Қишлоғимиз жуда катта. Чиял худудини олиб қарасак. Октўнли қишлоғидан кейин иккинчи ўринда туради. 7543 нафар ахоли яшайди.

Янаям қувончлиси, жорий йилда 1976 йилда тугилған ёшларнинг гайратидан рухланған қишлоқ аҳли Қумдарё дарёси устидан иккинчи кўприкни ҳам куриб битказишиди. Раҳмиддин Норкулов, Берди Бўриев, Хуреандмурод Бўриев каби қишлоқ фаоллари ташаббуси эл-улус томонидан кувватланиб. 100-мактаб яқинидан узунлиги 80 метр бўлган автомобил ва йўловчиларга мўлжалланған кўприк ташланди. Ўқувчиларнинг узоғи янада якин бўлди.

Биз Ниёзмурод ака билан қишлоқни айландик. Қишлоқ одамларидағи бирдамлик, бир-бирига бўлған меҳроқибатнинг кучлилиги қиши эътиборини тортарди.

Йўл-йўлакай кўплаб қишилар билан сұхбатлашдим, уларнинг самимий гап-сўзларини тингладим.

— Ниёзмуроджоннинг маҳалла фукаролар йигинига раис бўлганига бир йил бўлди, — леди 75 ёшли отахон Ҳолбой бобо Абдураҳмонов. — Раиснинг қадами қуттуғ келди. Ҷунки шу қисқа вақт ичидаги қишлоғимизда кўнгина хайрли ишлар қилингани эътиборли. Кўприклар курилди, йўллар созланди. Алоҳида таъкидлашим лозимки, бу эзгу ишларда Ниёзмурод Умбаров бевосита бош-қош бўлди. Айни пайтда раисимиз ўз хисобидан маҳалла идораси қурдирияпти. Қишлоғимизнинг қишлоқ врачлик пункти анча эскириб, аянчли ҳолга келиб қолганди. «Чувуллоқ»нинг 1975 йилда туғилган ёшлари ташаббус билан чиқиб, қишлоқ врачлик пункти куришни бошлаб юборишиди.

Сизга яна бир гапни айтай. Якинда қишлоғимиздаги 100-ўрта умумтаълим мактабига Ҳалқ таълими вазирлиги, Қашқадарё вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ва Чирокчи туман ҳалқ таълими муассасалари фаoliyatini ташкил этиш ва методик таъминлаш бўлими мутасаддилари келишганди. Мехмонлару ердаги ободонлаштириш ишлари, таълим-тарбия жараёнига юқори баҳо беришиди. Мавлуда Бекназарова раҳбарлик қилаётган 100-мактабда инглиз тилини ўқитиш бўйича яхши анъаналар шакллангани боис, ушбу таълим муассасаси намунали таянч мактаб деб белгиланди. Бу ҳам дилимизни фахр-иiftixorgat тўлдиради...

Ушбу кишлоқдан чикар әкапман, озод ва обод Ватани-мизда маҳалланинг ўрни кун сайин ошиб бораётганига яна бир бор амин бўлдим.

Чувуллоқда эл фаровон, ёшлари ҳам шиддатли. Эл дуосин олайин, деб қалби некбин ияятли. Кўринг, хавас килинг, андоза олинг. Қайси киши элни ўйлар, бўлар савоб, хурматли...

ИБРАТЛИ ОИЛАГА ТАШРИФ

Юртимиэда ибратли, намунали оиласлар күп. Ахиллик ва окиллик, билим ва илм, толе ва омад, фарзандларга тұғри тарбият уларға мансуб. Бундай мустахкам құргонни тузмок осонмас. Аллоҳ ёрлакаганға этади насиб.

Шу болис айтилади: махаллада, кенг жамоатчилик орасында хурмат ва обруға зәға оиласлар жамиятимиз, давлатимиз бойлиги. Құркі ва ҳусен, таянчи ва сұяңчи. Яхшисін күрсатған күзгуси, тилаклар тиллоси, өзгуси...

Карши шаҳри Заҳокиморон маҳалласыда яшовчи Жұра ака Бердиев хонадони ҳакида ҳам илик фикрларни айтиш мүмкін. Чунки оила бошлиғи Жұра Бердиев устоз. Шундай устоззеки, устозлари дуосини, оқ фотихасини олиб, кам бұлмаган сохиби өзөз.

Юрап мураббийлар йүлидан, тутар шогирдлари құлидан, меҳрибон у, удир талабчан, ҳаёт мағзи таълим. илму фан...

Жұра Бердиев Карши давлат университети «Зоология» кафедрасы мудири. Айни кезде докторлық диссертациясінін химоя килиш тараддууда. 60 дан ортжы илмій-оммабоп маколалари чоп этилған. Үйга яқин илмій-услубий құлланмалар муаллифи. Сохасидан келиб чикиб, монография ва дарсلىклар чоп эттиришни ният килған.

Рафикаси Робия Норбұтаева 2010 йылда Президентимиз Фармонига күра, «Ўзбекистонда хизмат күрсатған халк таълими ходими» унвонини олған захматкаш ўқитувчилардан. Карши транспорт касб-хунар колледжининг ўқитувчиси.

Катта қызы Гулмирахон Карши давлат университетининг психология факультетини мұваффакиятли тамомлаб. Каշқадарё вилоят мудофаа бўлимига карашли мактабгача таълим муассасасыда тарбиячи бўлиб ишлайди. Оиласи, икки нафар фарзанди бор. Унинг турмуш ўртоғи Элбек Йўлдошев эса савдо ходими. Республикаизда тадбиркорларга яратиласетган имкониятларни терен англаган ва бундан фойдаланаётган ишибилармен кишилардан.

Жўра акапининг катта ўғли Ақбаржон кураш бўйича қатор мусобакаларда совринли ўринларни қўлга киритган. Ёшлиарга ўзбек кураши сирларини ўргатиш билан бирга транспорт коллежида жисмоний тарбия ўқитувчиси. Кичик ўғли Актамжон футболни танлаган, дарвозабон. Қаршининг «Насаф», «Насаф-2», Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоалари дарвозасини қўриклиаган. Айни пайтда Фузорининг «Шўртан» клуби таркибида.

Футбол мактаб-интернатлари жамоалари ўртасида Узбекистон чемпиони бўлган Актамжон Қарши давлат университетининг талабаси ҳам хисобланади.

Онладаги тўртинчи фарзанд Гўзала эса Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олмоқда.

Хуллас, бу оила аъзоларида бўн вақт, бекор қолиш тушун-часи йўқ. Ҳар бир дакика хисобли, эрга тонгдан тунгача барча ниманидир ўрганиш, ниманидир ўргатиш ҳаракатида. Савол тугилади. Жўра аками маинақкатли устозлик касбинин танлашга нима мажбур қилди? Ога сифатида фарзандларининг хаёт тарзига таъсир кўрсалдими?

Куйидаги сұхбатдан шу ва шу каби саволларга жавоб топасиз.

— Қамаши тумани Ногаҳон қишиюгидаги туғилганман, — дея ҳикоясини бошлиди Жўра ака. — 1964-1974 йилларда ўрта мактабда таҳсил олдим. Синф раҳбаримиз Дўстқобил Оқназаров, биология фани ўқитувчиси Эшмамат Жабборов, мактаб майдонини ташта кириндиси тўшаб, кураш бўйича шуғуллантирган Қобил ака Умаров каби устозлардан чин дилдан миннатдорман. Улар туфайли яхши ўқидим, спорт мусобакаларида голиб чиқдим. Ишонсангиз, яхши кураш тушар эдим. футбол жамоамиз тумандаги мактаблар орасида етакчи эди. Аммо у пайтлар спортга ҳозиргидек эътибор берилмаслиги туфайли спортчи бўлолмаганиман.

Кимё ва биология фанлари ўқитувчиси Эшмамат Жабборовнинг дарс ўтиш маҳорати менинг шу фанларга мухаббатимни оширди, дилимга биолог бўлиш орзусини солди.

Бу орзу юрагимда уммондек тошиб ётган бошка истак-лардан устун келди. Йўкса, журналистика соҳасига қизикишим кучли эди. Ўқувчилик давримда Қамаши туманинг туман газетаси, вилоятнинг «Қашқадарё ҳақиқати» газеталарида, Республика миқёсидаги ёшлар нашрида (хозирги «Тонг юлдузи») бир нечта мақолаларим чиқканди.

Спорт соҳасини танлаганимда ҳам лаёкатим йўқ эмас эди. Аммо мен ҳужжатларимни Самарканд Давлат университетининг биология факультетига топширдим. Ўкини тутатгач, Қарши Давлат университетида иш бошладим. Шу билан бирга соҳани янада мукаммалроқ эгаллаш учун Ўзбекистон Фанлар Академияси ўсимликларни химоя қилиш илмий текшириш институтида аспирантурада таҳсил олдим.

Илмий раҳбарим – Ўзбекистонда таникли олимлардан бири, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Шомил Ходжаев раҳбарлигига «Қашқадарё вилояти мисолида олма меваҳўри ва мина ҳосил килувчи куяларга қарши курашни такомиллаштириш» мавзусида номзодлик диссертациясини химоя килдим...

– *Муносиб умр йўлдони таплаш ҳам муҳим масала. Татьбир жониз бўлса, инсон умрининг мазмунини белгилайдиган ҳаёт-мамот масаласи. Робия янгамиз билан қандай танишгансиз? Ёки болаликдан танишмисизлар?* – сўрайман Жура акадан.

Университетни тугатиб келиб, ишга кирмокчи бўлиб юрган кезларим эди. Қамашига, тогамникига бордим. Шунда янгам «Уйланмадингизми?» деб сўраб қолди. Мен «Яхши киз учрамаётганини» айтдим. Бу пайтда тогамникида бир гурӯҳ кизлар гилам тўкиётганди. Янгам Робияхонни мактаб, келинликка тавсия килди. Бу пайтда Робия педагогика билим юртини тамомлаб, ўқитувчилик фаолиятини зиди бошлаган экан. У ишлайдиган мактабга бориб, ҳамкасларидан қиз ҳақида суриштирдим. Улар «ёши бўлса-да, яхши муаллима, ўқувчиларга ҳам меҳрибои» деган жавобни беришди. Биз Робияхон билан учрашиб турдик.

Менга жуда ёккани унинг тўғрисўзлиги, чеварлиги ва камтарлиги бўлди. Турмушимиз давомида Робияхон Қарши Давлат университетининг «Қасбий таълим» факультетини муваффакиятли тамомлади.

У пафакат ўкувчиларга, балки оиласда хам меҳрибон. Сизга бир воқеани айтиб берай. Бир неча йил олдин Робияхон ишлайдиган коллежга Қамашидаги меҳрибонлик уйидан бир рус кизи ўқишга келади. Транспорт коллежи ёткxонасида асосан ўгил болалар яшашарди. Ана шунда янгангиз Марияни уйга олиб келди. У бизнида фарзандларимиз катори яшай бошлади. Робияхон Мариянинг коллежини тутатиб, турмушга чикиб кетгунича меҳрибонлик киляди...

— *Фарзандларни қасбга йўналтириши бу ота-онанинг вазифасими ёки болга соҳани ўзи ташланни керакми?*

— Бола туғилганидан унга хар томонлама меҳр бериш лозим. Богча давридан бошлаб, боланинг кайси соҳага кизикиши бор. нималарга кўпроқ эътиборли, буни аниклаб олиш керак.

Катта ўғлим Акбаржонни спортга йўналтирган ўзим. У болалигида гепатит билан оғриди. Даволатгач, жисмоний тарафдан баркамолликка эришиши учун спортга кизиктирдим. Самарканнадаги Олимпия захиралари коллежи кураш бўлимига олиб бордим. Бошида кийналди, шекилли, хар нарсани баҳона килиб, уйга тез-тез келадиган бўлди. Дам-бадам олдига бориб, унга далда бердим. Спортиниг таъсирида соглигини тўла тиклади. Ҳар хил турнирларда катнашиб, ҳагто Самарканнадаги мусобакада Ўзбекистон чемпиони хам бўлди. Ҳозир спорт хаёти мазмунига айланган.

Акрамжон ўғлим — мустакиллик билан тенгдош. Биласиз, Истиклонинг илк йилларидан мамлакатимизда футболни ривожлантириш тўғрисида муҳим карорлар чиқарилди. Миллионлар ўйини оммавий тарзда тараккий эта борди. Акрамжонни Қаршида «Насаф»нинг, Тошкентда «Пахтакор»нинг ўйинларига олиб борардим, машхур чарм

тўп усталиари хакида ҳикоялар сўзлаб берардим. Шу тариқа ўглимда футболга кизикиш ўйғонди. Уни Қаршидаги футбол мактаб интернатига ўкишга қўйдик. Албатта, бошида Актамга осон бўлгани йўк. Аммо онаси иккимиз Ўзбекистонда футболнинг келажаги порлоклигини унга тушунтира олдик. Шундан бўён ўглим футболнинг сеҳрли оламига ошуфта, ошик. Кишин-ёзин тўп билан бирга.

Кизларим хакида ганирсам. Гулмирахон болалигида онасининг харакатларига тақлид киларди. Овкат килаётгаида ёрдам берарди, ион ёномокчи бўлса, ҳамир корарди. Карабезизки, онаси каби педагоглик соҳасини танлади...

— Янги рўзгорларда ҳар хил қийинчиликлар юзага келиши шабаний. Уларни ортда қолдиршида эр хотинине вазифалари қандай?

— Биринчидан, эр катъиятли, турмуш ўрготининг феълатворига тушунадиган бўлиши зарур. Баъзида рафиқаси тушкунликка тушиб турганда далда берниши, кези келганда макташи, энг асосийси, турмуш ўрготи билан ҳаминафас, ҳамфир бўлиши лозим. Иккисининг фикри бир жойдан чикса, озми, кўпми, қийинчиликлар билишимайди. Шунингдек, ойла бюджети хисоб-китоби ҳам биргаликда олиб борилса, машаккатлар тезда чекинади.

Аёл киши билиб-бilmай хато қилиш мумкин. Уни қўнглинига олиб юрманг. Аксинча, унинг ёмон томонларига инсбатан яхши фазилатларини устун кўйсангиз, унча-мунича гаплар билишмайди кетади.

— Рашк масаласига қандай қарайсиз?

— Рашк ҳар кандай инсонда бўлади. Лекин ўзаро ишонч бўлса, рашкка ўрин колмайди. Биз бир-биримизга ишонганимиз учун рашк хеч кандай муаммо келтириб чикармаган.

— Ҳар иккингиз дарслардан чарчаб келганингизда бақир-чақир бўлган наимлар ҳам юзага келганими?

— Албатта, баъзида ишдан чарчаб келганингизда озгина гап ҳам оргикчалик килиши, асабийлашиш ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бундай ҳолатла эр ёки хотин китоб олиб,

мұттолла қилишини маслағат берган бўлардим. Китоб ўқиб турганимда турмуш ўртогим чой дамлайди, овқат сузиб келади. Карабсизки, вазият изига тушиб кетади...

– «*Киз бола тарбиясига она масъул, ўғил бола тарбиясига эса ота*. Шу фикрга қандай қарайсиз?

– Қизларим билан ака-сингилдай, ўғилларим билан ака-уқадек сұхбатланаман. Ўғилми, қызми, уларнинг тарбиясига ота-она бирдек масъул. Қизингизнинг дугонаси ким, яхши, соглом оиласанми? Ўглингиз қандай оиласа бориб келяпти, кун бўйи нима иш билан машғул бўляпти? Ота-она буни билиши зарур. Ахир, бекорга айтишмайди-ку: «Сен дўстингнинг кимлигини айтсанг, мен сенинг кимлигингни айтаман!»

Болангизнинг озгина яхши томонлари бўлса, уни мақтаб кўйинг. Одамийлиги ошади.

Фарзандларда ўсмирилик даври бор. Бу пайтда бола бир оз ўйинқароқроқ бўлади. Баъзи нарсаларга тақлид қилади. Шу даврда ота-опанинг йўналиш беришига кўп нарса боғлик.

Балогат даври эса ўсмириликдан ҳам бошқача. Бунда ота-она хушёрроқ бўлиши зарур. Фарзандларига ҳаётй воқеалардан ҳикоя қилиши, таникли, ўз ўрнини топган инсонларнинг турмуш тарзидан сўзлаб бериши керак. Балогат даврида тўғри йўлни танлаган фарзанд катта ҳаётда ўз ўрнини топади.

Худога шукр, ўғилларимни спортга йўналтирганимиз учун улар балогат ёшига етган бўлишса-да, тамаки маҳсулотлари чекмайди, спиртли ичимликлардан йирок юринади.

– *Келин танланаш ҳам долзарб мавзу...*

– Катта ўғлим Акбаржонни уйлантирганимиз. Келинимиз Гулшаной обрўли, меҳнатсевар оиласан. Унинг оиласи ҳақида етарли маълумотга эга бўлгач, ўглимизга айтдик. Унга маъкул бўлди. Ҳозир икки нафар фарзанди бор.

Умуман, келин, куёв – фарзандларимиз ортидан фарзанд. Эр ва хотин бир-бирининг камчилигидан кўра, яхши томонларини кўпроқ кўра билиши керак. Ана шунда ҳаёт

тотув, турмуш тотли бўлади. Ахир, камчиликсиз одамнинг ўзи йўк...

— Устоз мураббийлардан сиз. Университетнинг «Зоология» кафедраси мудири сифатида талабалар, сўнгра, ёш ўқитувчилар, уларнинг салоҳияти ҳақида нима дейсиз?

— Бугунги кун ёшлари ўзларига яратилаётган имкониятлардан имкон кадар кўпроқ фойдаланишлари лозим. Мана, Президентимиз инглиз тилини бошланғич синфлардан бошлиб ўқитиш ҳақида Фармон чиқарди. Чекка-чекка қишлоқлардаги мактаблар таъмирдан чиқариляпти, янгилари қурилмоқда. Таълим муассасаларимиз компьютерлашиб, дарслар янгина услубларда ўтилмоқда. Бу ўзгаришлар тез орада ўз самарасини беради.

Тажрибали устозлар ёш мутахассисларга ҳар тарафлама эътиборли бўлиши лозим. Унинг юриш-туриши, катта-кичикка муносабати, ҳатто, оиласидаги жараёнларни билиши зарар қилмайди. Устозлар ёшларга нисбатан қаттиқкўл бўлиши зарур. Ўқитувчи ўқитаётган ҳар қандай фанни мукаммал ўрганиши шарт. Фанини ўзлаштирмасдан, мукаммал ўрганмасдан дарсга кириб бўлмайди. Ўтилаётган дарсни илми толибга етказиб беролсангиз, у сизни хурмат қиласди. сизга ишонади. Устоз-шогирд ўртасидаги ишонч кўпригида гап кўп. Мехрини козонсангиз, талаба отонасига айтолмаган гапларини сизга айтади...

ЎЗБЕК ГАНДБОЛИ ЙОЛДУЗИ

Гандбол спорт тури томошабоплиги, шиддати ва тезкор голлари билан ишишибозларга хуш ёқади. Юртимизда ҳам ушбу спорт турига бўлган кизиқиши ёмон эмас. 1997 йилда гандбол бўйича Шонслом Павлов мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоаси Германияда ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этиб, бу заминда истеъододли спортчилар кўплигини кўз-кўз килганди. Шундан кейин гандболчи кизларимизни ўз жамоаларида кўришни истаган хориж жамоалари кўпайди. Спортчиларимиз Россия, Козогистон ва бошка давлатлар жамоалари сафида ўйнаб, уларнинг муваффакиятига муносиб хисса кўшиб келишмоқда. Қувончлиси, сўнгги йилларда эркаклар терма жамоамизнинг ҳам ҳалқаро майдонлардаги фаоллиги ошиди.

2011 йилнинг июн ойида «СамДАҚИ» клуби асосида тузиленган терма жамоамиз Осиё чемпионлар лигасида муносиб иштирок этди. Жамоа етакчиси Улугбек Икромов 80 дан ортиқ тўп киритиб, мусобақанинг энг яхши ўйинчиси ва тўпурари бўлди. Шунингдек, Ҳиндистонда ёшлар ўртасида (21 ёшгача) ўтган Осиё чемпионатида Адҳам Бўтабоев ҳамда Улугбек Икромов мураббийлигидаги жамоамиз 24 та жамоа орасида фахрли учинчи ўринни згаллади. Демак, бугунги сўзимиз – Ўзбекистон терма жамоасининг майдондаги йўлбошчиси, сардори, ўйновчи мураббийи Улугбек Икромов ҳакида.

Унинг ўйинини кўрганлар худди футбол майдонидаги Марадонанинг харакатларини злашади. Чунки Улугбек ҳам бутун бир жамоани алдаб ўтиб, томошабинларга завкшавк улашади. Асосийси, жамоаси ғалабаси учун кетма-кет тўплар киритади. Маълумот учун айтадиган бўлсак. 2012 йилда 30 ёшни каршилаган Улугбек ҳозиргача «СамДАҚИ» жамоаси сафида бир неча бор мамлакат чемпиони бўлди. 2010-2011, 2011-2012 йилги мавсумларда Козогистонининг «Казхром» жамоаси сафида Козогистон чемпионлигига ҳам эришди.

Шуни кўшимча қилиш ўринлики, У.Икромов мамлакат ва халкаро миқёсида ҳакамлик ҳам килади. 2011 йилнинг октябрь ойидан унинг зиммасига Ўзбекистон миллий терма жамоа бош мураббийлиги ҳам ишониб тоширилди. Хўш, иктидорли ўйинчи, халкаро тоифадаги ҳакам, ёш мураббийнинг ишлари қандай кетяшти? Якинда у билан сұхбатлашдик.

— *Улугбек, сизга мамлакат терма жамоасини ишониб тоширишганда ҳаяжонланмадингизми?*

— Дарҳакиат, бош жамоани бошқаришнинг масъулияти юкори. Октябрь ойида Сеул шахрида ўтгани «Лондон – 2012» саралаш мусобакасида иштирок этдик. Ноябрда Арманистоннинг Ереван шахрида мамлакат бош вазири соврини учун ўтган турнирда Россия, Грузия, Эрон, Ирек, Украина, Арманистон ва юртимиз гандболчилари ғолиблик учун баҳс олиб борди. Якунда жамоамиз Россия ва мезбонлардан кейин фахрли учинчи ўриндан жой эгаллади.

2012 йилнинг январь ойида Саудия Арабистоннинг Жидда шахрида жаҳон чемпионатига чикиш учун саралаш баҳслари ўтди ва унда асосан 1989-1990 йилларда туғилган ёшлардан иборат жамоамиз иштирок этди.

2012 йилдаги энг катта воқеликлардан бири Самарканда шахрида ўсмирлар ва кизлар ўртасида ўтган «Трофи кубоги» халкаро мусобакасидир. Унда Марказий Осиё давлатлари жамоалари иштирок этиб, ўсмирларимиз бош мукофот соҳиби бўлишди. Вакилларимиз финалда Қозогистонни 24:23 хисобида мағлуб этди. Ваҳоланки, қозоклардан гурухда ҳам 36:31 кўринишида устун келгандик.

Холоса килганда, сўнгги йилларда турли ёшдаги терма жамоаларимиз кўплаб халкаро мусобакаларда иштирок этмоқда ва биз миллий терма жамоани ҳам асосан иктидорли ёшлардан шакллантиришни максад қилганимиз.

— *Сиз хизқаро ўйинларда ҳакимлик ҳам қилинисиз. Устозларингиз...*

— Отам, айни пайтда Ўзбекистон гандбол федерацияси бош котиби бўлиб ишлайдиган Исмоил ака Матхоликов

менинг спортдаги асосий устозим эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим. У кишидан кўп нарсани ўргандим ва ўрганмоқдаман. Юртимизда Одил Абдалимов, Жасур Акромов сингари Халкаро майдонларда ҳакамлик килянган малакали мутахассислар бор.

Кўплаб халкаро мусобакаларда ҳакамлик килдим. 2012 йил Самарқандда «Трофи кубоги» учун ўтган баҳсларда реферилик ишим учун Халкаро гандбол федерацияси ҳакамлар кўмитаси раиси Штефан Жук миннатдорчилик билдириди. «Ўзбекистонда ўтган турнирда, терма жамоангиз катнашган баҳсларни холис бошкардингиз. Бунинг учун сизга раҳмат», деди жаноб Жук.

Ниятим, ҳакамлик соҳасида ҳам тинимсиз изланиб, Равшан Эрматовдек юртимиз обрўсига обрў қўшишдир.

— *Онлангиз ҳақида ҳам муҳлисар шўхтасингиз...*

— Отам Исмоил Матхоликов — Ўзбекистон гандбол федерацияси бош котиби сифатида мамлакатда ушбу спорт турини ривожлантиришга хисса кўшиб келаяпти. Миллый федерациянинг халкаро федерациялар билан ҳам алокалари яхшиламиб бораётгани кувонарди.

Икки пафар синглим бор. Диlldора гандбол бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси сафида 2007 йилда ўтган «Универсиада» баҳсларида ғолибликка эришган. Саида — инглиз, корейс тилларини яхши билади. Ўзбекистон гандбол федерациясида таржимон. Рафикам Индира Икромова Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти туғатиб, айни пайтда «Ёшлик» спорт жамиятида мураббий бўлиб ишламоқда. Қизимиз Шахина 4 ёшда.

— *Тилагарнингиз...*

— Максадим — ўзбек гандболини юксак чўққиларга кўтаришда, спортчи, мураббий ва ҳакам сифатида бор кучгайратимни ишга солиш.

Юрт шаънини байроқ килган барча спортчиларга омад ёр бўлсин. Бутун ўзбек халқига соғлик, тинчлик тилайман. Тилагим, спорт билан шугулланинг, муҳлислик килинг ва у сизга кувончлар келтирисин!

Улугбек Икромов мураббийлигидаги ёшлар терма жамо-
амиз 2013 йил 1 – 15 изоңь кунлари Италияning Интерамо
шахрида утган ҳалкаро турнирда 29 давлатнинг юздан
ошик жамоалари ўртасида ғолиб бўлиб, бош мукофот билан
қайтгани яна бир ёқимли хушхабардир.

КАЙВОНИСИН УНУТМАГАЙ ЭЛ

Үтган асрнинг етмишинчи йилларида Қарши чўлини ўзлаштириш мақсадида кўплаб инсонлар кўхса Насаф томон кўчиб кела бошладилар.

Қарши тумани собиқ «Аврора» кўргони, ҳозирги Наврӯз маҳалласи ҳам ана шундай янги кўчиб келган ишчиларга маскан бўлди.

Бу ерда ўнлаб миллат вакиллари истиқомат қиласарди. Ўзбек, рус, татар, уйгур, озарбайжон, арман, немис, курд ... турфа одамлар, ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Инсонлар бошини қовуштириш, юзага келган муаммоларни баҳамжиҳат ҳал этиш учун элга кайвони керак эди...

Бу хакда шу маҳаллада яшовчи Эргаш бобо Расулов шундай ҳикоя қиласади:

— 1977 йилнинг ноябрь ойида «Аврора» қўргонига кўчиб келдим. Янги участкамда тадбир килишга тўғри келди. Қозон-ўчоқ борми, идиш товоқ борми. ҳаммасини илгарин яшаган жойим — Қарши шаҳридан олиб келишга мажбур бўлдик. Чунки бу ерда маҳалла ҳали ташкил топмаган эди. Бирок шу қишлоқ бригадири Сирожхон Раҳматов менинг тадбир ўтказишда қийналганини кўриб, эртасига ёқ олдида барча масъулнятни ўзига олди. Бош-қош бўлиб, одамларни бирдамликка чакирди. Маҳалла таникил этди. Қозон-ўчоқ, идиш-товоқ, стол-стул сотиб олинди. Ҳудудда ташландик жой бор эди. Шу ерни тозалатиб, маҳалла гузарни курдирди. Атрофини бофу роғ қилди. Элчилик, тўй бор, таъзия бор. Кўпмиллатли аҳоли бир-бирини танийдиган, ҳурмат қиласидиган, яхши, ёмон кунида елкадош бўладиган бўлди. Ҳалқ Сирожхон аканинг одамийлигини жуда ҳурмат қиласарди. Бирор киши у киши бормасдан туриб, тўйини ҳам бошламасди, қозондаги ошини ҳам буздирмасди.

Биласиз, шўролар даврида Йилбошини, яъни Наврӯз байрамини нишонлашни тақиқлаб кўйишганди. Бирок Сирожхон ака ҳар йили қадимий байрамимизни эл учун

ташкил килиб берарди. «Табиатнинг уйғониш онлари, тун ва куннинг тенглашиш байрами албатта нишонланиши керак», дерди у киши. Катта қозон остириб, ўз хисобидан сумалак, ҳалим, гўжа пиширтиради ва элга таркатарди. Санъаткорлар қўшик куйлаб, ҳалқ хурсандчилик қиласарди. Турли мусобакалар ўтарди.

У кишининг қули очиклигига яна бир мисол. Далага яқин бўлгани учун уйнга бориб, тушлик килиб келарди. Ҳар куни тушликдан қайтар маҳали битта ионни белбогига туғиб келар ва унга боғдаги мева-чевалардан қўшиб, маҳалламиздаги боқувчинини йўқотган оила болаларига берарди...

Абдусалом Ўроқов, Карши Давлат университети профессори:

— Сирожхон Раҳматов билан Қарши туманидаги ҳозирги Сахтапиёз қишлоғида бирга ўстсанмиз. Мендан бир-икки ёш катта бўлса-да, биз дўст здик. У хақиқий меҳнатсевар, одамоҳун, дўстларининг қадрига етадиган, самимий инсон эди. 13-15 ёшлиаримизда колхоз даласида от билан бугдой янчганмиз. Ахир у пайтлар комбайн бўлмаган-да. Арта ва бугдой ўриб олинган далаларда бошюк терардик. Бир воқеани жуда кўп эслайман.

Биз бир гурух болалар кўшни Каҳлак қишлоғидан қайтаётгандик. Уша пайтларда совхоз раҳбари Расул Рўзиев бир-икки фаоллари ҳамроҳлигига чикиб қолди. Биз йикканларимизни топшириб, эшакнииг эгари устига озгина бошокни қолдиргандик. Ахир, очарчилик йиллари эди-да. Раис барча галлаларимизни олиб кўйди ва болаларни хивич билан савалай кетди. Шунда Сирожхон:

— Ҳой раис бува, нега урасиз? Ҳали кўрасиз, мен ҳам раис бўлсам, сиздек жохил бўлмайман. Аксинча, одамларга ёрдам бераман, — деганди.

Ўзи айтганидек, кейинчалик табелчи ва бригадир бўлиб ишлади ва инсонларга жуда кўп ёрдам кўрсатди. У кишининг энг яхши хислатларидан бири инсонпарвар

эди. Бригадир ва махалла оқсоқоли булған вактида махалла аҳлиниң түй ва маъракаларини ўзи бош бўлиб ўтказиб берган. Бирор уйда кимдир оламдан ўтса, у киши биринчилардан бўлиб бориб, мархумининг яқинларидан хол-аҳвол сўрар, ўша хонадонининг кам-кўстини хал килиб, жаноза ва маъракаларининг ўз вактида ўтишига кўмак берарди. Бошига мусибат тушган хонадон ахлига чин маъниода ҳамдард бўларди.

Узок вакт махалла ранси бўлиб ишлади. Йўқ жойдан махалла гузари ташкил этиб, миллий кадриятимиз бўлмиш Наврӯз – Йилбоши сайилларини бир неча бор ўтказиб берди. Ёшлиар ўртасида кураш беллашувлари ташкил этиб, каттакагта зотлар кўярди. Йилбошининг мазмун-моҳиятини ёшлиар онгига етказиш учун турли олим ва профессорларни тадбирга таклиф этарди. Умуман олганда, Сирожхоннинг олижаноблиги, хуш феъли ва ташкилотчилиги кишлок ахолисининг ҳеч качон ёдидани чиқмайди.

Даврон бобо Тангривердиев, 73 ёнида:

– Айни пайтда Юртбошимиз бежизга ўзини ўзи бошкариш органи бўлмиш махаллаларга кагта эътибор қаратмаяпти. Чунки, махалла – тарбия ўчоги, меҳр-окибат бешниги. Сирожхон Раҳматов тўйлардан ирофгарчиликкайўл кўймасди. Ҳар биримизнинг тўйимизни типч, осойишта, файзли килиб ўтказиб берарди. Халқ урф-одатларини, кадриятларимизни эъзозларди. Наврӯз сайилларини айтмайсизми? Вакти чегараланганд бўлса-да, шунча ишга қандай улгуради, халигача шу хислатига койил қоламан. Қолаверса, у киши бенихоя сажий эдилар. Кам таъминланган, кўп болали онзаларга полиз ва дехкончилик ҳамда боғдорчилик махсулотларини тарқатарди. Пул берсак, олмасди... Сирожхоннинг салй-харакати билан кип-кизил чўл гўзал бўстоғга айланди. Рафиқаси Анора ая билан ўн нафар фарзандни тарбиялаб вояга етканди. Болаларининг ҳаммасини меҳнатсевар, ҳунарли килиб ўстирди.

– 1978 йилда шу махаллага кўчиб келганман, – дей сұхбатга қўшилди 80 ёнизи отаҳон Йўлдош Эшнұлатов.

— Маҳалладошларим орасида ёшим қағтарок бўлгани учун Сирожхон мени маъракаларнинг бошида туришта жалб этди. Унинг ажойиб хислати шу эдикни, кимга қандай муоммалада бўлишини биларди. Масалан, менинг асабим бир оз чаток. Шунинг учун бирор нарсанни мулойимлик ва ётиги билан тушунирарди. Афесус, эрга, 53 ёшида оламдан ўтди. Мехрини, илик гап-сўзларини ҳали-ҳашуз кўмсайман. Фарзандларимнинг тўйларини ўзи бош-кош бўлиб ўтказиб берган. Соғинганимда видеокассетани кўриб, таскин топаман.

Болалигим уруш йилларига тўғри келиб, мактаб кўрмадим. Аммо ҳунарим оркасидан оила бокдим. Сирожхон ҳам ҳар бир фарзандини қасбга, ҳунарга ўргатди. Ўсли Шарофхон — «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасида қасаба кўмитаси раиси, минглаб ҳодимларнинг дарди билан яшайди. Зиёвуддин деганининг боғбонлиқдан хабари бор, айни пайтда «Зиёвуддин Раҳматов» фермер хўжалигини бошқаряпти. Ҳабибулла — ҳайдовчи. Баходир ўқитувчи бўлса. Баҳтиёр ва Ривожхон дурадгор... Ҳали бирордан Сирожхоннинг фарзандлари ҳақида ёмон таъриф ўшишмаганиман.

— Кимдир бемор бўлиб, ёки бошқа бирор азадорлиги боис, тўйларга келолмаса эшон бобо уларнинг ҳолидан хабар олишини эсдан чиқармасди, — дей хотирглайди Тўракул бобо Ҳолиқов. — Ким қандай ёрдам сўраса, ўйк демасди. У кишининг оламдан ўтиши маҳалла ахли учун катта йўқотиш бўлди. Ахир ол кайвониси эди-да. Бирок эл учун қилинган меҳнатлар беиз кетмади. Ахоли талаби ва илтимоси ҳамда Қарши туман ҳокимлигининг карори билан маҳалла гузаридаги кўчаларга Сирожхон Раҳматов юми берилди.

— Дадам қатниққўл эди, — дей сүхбатга қўшилди она-хонининг фермер ўғли Зиёвуддин. — Ҳар бир нарсага меҳнат оркали эришиш мумкинлигини тез-тез такрорларди. Ҳозир 21 гектар ерда фермер хўжалиги ташкил этганимиз. Боғ юмушлари, оралиқ экин сифатида пахта етиштириш ва кумуш тола учун пилла бокиш ишларининг барчасини оиласий тарзда ўзимиз бажарамиз.

Ҳабибулла Раҳматов, ўғли, ҳайдоғчи:

— Дадам оламдаш ўтган бўлса-да, у кишининг руҳи бизни доим кўллаб-қувватлаб туради. Бир куни «водовоз» машинасида Сирдарёга бораётгандик. Ёнимдаги шеригим рус йигити булиб, соат тоңгги тўртлар бўлгани учун ухлаб борарди. Чарчашиб аломатими ё сахар уйкуси элитдими, менинг ҳам кўзим илинибди. Бир пайт дадам «Тур, ўглим, ухлама, тур» дея уйғотди. Кўзимни очсан, машинамиз Қўнғиртоққа қараб бурилиб кетаяпти. Ёнимда рус йигити эмас, дадам ўгирибди. Анича жойгача дадам менга ҳамроҳлик килди. Кейин билсан, дадамнинг руҳи бизни фалокатдан қутқарган экан...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, фаровон ҳаётни кўриб, эл кайвониси Сирожхон Раҳматовининг руҳлари шод бўлаётган бўлса, не ажаб. Чунки у бутул умрини халқка баҳшида этди, юрт равнақи, инсонлар баҳти учун қайғурди. Кайвони отахоннинг эзгу амаллари бугун фарзандлари, невара-ю чевараларига мерос колди.

ҮЙЛАНДИГАН УКАЛАРИМГА МАСЛАХАТЛАР

Машхур файласуф Сукротнинг бир гани бор: «Хотининг яхши бўлса хўп-хўп, ёмон бўлса бўласан файласуф»

Худога минг катла шукрлар бўлсинки, рафиқам ёмон бека эмас. Йилдан йилга бир-бири мизнинг феъл-авторимизга тушуниб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга харакат қилиб келмоқдамиз.

Баъзида уйланмаган укаларим «Ака, қандай кизга уйланниши маслаҳат берасиз. Қизларнинг қайси тарафлариға зътиборли бўлиш талаб этилади?», дея сўраб қолишади.

Келинг, шу саволларга биргаликда жавоб топишга характер қиласиз. Хўш. Қандай келин танлаш лозим?

Энг аввало, қизнинг насаби билан кизикинг. Палаги тозами, отаси, онаси кўнгли очик, фарзандларига меҳрибон инсонларми? Бунга, албатта, зътибор беринг. Меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат-эҳтиром, тотувлик бўлмаган оиласдан келин ташламаганингиз маъқул. Бундай келинчак кўпроқ оилас, бољаларим, дея қайгурмайди. Ҳаётга енгил қарайди, ота-онангизга, сизга нисбатан меҳрли, жони ачийдиган бўлмайди.

Хуснли, жамоат ишларида фаол кизга уйланмокчи бўлсангиз, рашикингиз учичалик кучли бўлмаслиги ёки ўзингиз ҳам ўта бағрикенг бўлишингиз зарур. Акс ҳолда кунда-кунора ҳар хил майда-чуйда гиринг-ширинглар учраб туради.

Азиз укам! Солиҳа хотин ташламоқчи бўлсанг, бўлажак рафиқанг биласан учрашув чоғи уни қўйидали саводлар билан имтиҳон қилиб кўр:

1. Ота-онамиз бизнинг энг катта бойлигимиз. Уларни яхши кўришимиз, авайлаб-асрашимиз шарт. Бир-бири мизнинг ота-онамизни ўз падаримиздай, волидамиздай кабул кила оламизми? Шунга розимисан?

2. Сен менга хотин бўлсанг, ота-онамнинг сўзларини икки қилмаслигинг керак. Масалан, бирор ерга бормоқчи бўлсанг, улар хоҳламаса ёки мен кўймасам, жанжал кўтаришинг ёхуд қовоқ-тумшук килишинг бефойда. Ўзингни шунга руҳан тайёрлай оласанми?

3. Уйимизга келдиган мемонлар борасыда бағрикенглиқ кила оласанми? Янын, менинг уругларим, дүстүр оғайниларим келганды очик чехра билан дастанхон тузаб, уйда бор неъматларни кизгоимай, албатта, мен хохлаган тарзда, маслаҳатларимга кулок осиб, пишириб, бера оласанми?

4. Ҳаётла хар хил кунлар бұлади. Тұқин-соңиңлик билан бирға бир неча күн оддий мастава ичадиган дамлар ҳам учрайди. Шундай «факирлик» кунларига чидаш бера оласанми?

5. Эй, дінбар киз! Биласан, менинг опа-сингилларим, укаларим бор. Йилда бир-икки марта уларнинг ёки жиянларимнинг туғилған кунларига боришни ихтиёр киламан. Ана шундай паллаларда «Бормасанғыз ҳам бұлади» деган гапни тилингга ҳам олмаслигинг ёки мени йұлдан кайтаринин хәэлингге ҳам көлтирмаслигинг лозим. Аксинча, тадбирға бирға борсанғ, нур үстига ақло нур бұлади. Тұнғилласанғ, албатта, үзинге жабр килған бұласан!

6. Худо хохласа, фарзанд күрсек, улар тарбиясыда менинг йүриғим бүйіча ишлашынг зарур бұлади. Болаларни менга карши ёки менинг онлавий сиёсатимга тұгры келмайдиган рухда тарбияласанғ, қаттық газабимни күзгаган бұласан. Шу нарсаларни ёднінгда тута оласанми?

7. Укаларим ёки сингилларим, ота-онам ёхуд бошқалар билан маблаг борасыда «олди-берди» кілмокчи бўлсан, ўртага тушиб, каршилик килмаслигинг керак. Буни «Эримнинг карори» деб босиклик билан кабул кила оласанми?

8. Уйдаги гап күчага чикмаслиги ва күчадаги бекерак маълумотлар пок хонадонимизга кириб келмаслиги зарур. Оғзи маҳкаммлик кила оласанми?

9. Хотин зыммасидаги уй-рұзгор юмушлари уннинг киз пайтига караганда үн чандон күпроқ бұлади. Юмшоккина бармокларинг каваради, оппок юзларинг меҳнатнинг зуридан кораяди. Пардоз-андозга-да, улгурмай коласан. Ана шундай паллаларда чии дил ва тилинг билан Яратған шаънига берастған неъматлари ва захматлари учун шукронда айта оласанми?

10. Бемор бўлганимда суюнчик бўла оласаними?

Укажоним! Киз билан учрашувга чикканингда факат унинг оху кўзларига маҳлис бўлиб, тикилмасдан, у билан келажак ҳакида, юкоридаги хаётий саволлар асосида жиддий сухбат қуриб ол.

Ва ўзингни ҳам куйидагиларга тайёрла:

1. Уйланганингдан сўнг, сен оила бошлиги хисобланасан.

Шундай экан, энг биринчи навбатда иктиносидингни яхшилашга, оиласвий бюджетни шакллантиришга ҳаракат кил.

2. Фарзандларинг сенинг уруғинингга тортадими ёки онасининг опа-укаларига ўхшайдими, барчасини бир кўзда кўр ва сев. Чунки улар сенинг зурриёдинг. Гарчи характеристи турлича бўлса-да, бирини иккинчисидан ортикрок яхши кўришингни сездирма. Йўкса, болангнинг кўнгли ўксайди.

3. Хотинингнинг якинлари, дугоналари меҳмонга келди, дейлик. Буни очиқлик ва самимият билан қабул кил. Дилингда губор ва оғир олиш, малол келгандек хис-туйгуларга ўрин колдирма.

4. Биласан, аёллар биз эркакларга ўхшаб, икки-учта куйлак ва шим билан бутун бир йилини ўтказа олмайди. Улар ҳар бир фаслга мослаб, уй ва кўча-кўйга киядиган лиbosларни тайёрлашади. Мабодо, ҳар икки-уч ойда хотининг яиги либос учун пул сўраса, буни табиий деб қабул кил ва шуни олиб бериш имконини топ.

5. Хотинингнинг опа-сингиллари оркасидан божаларинг ҳам энди сенга бегона эмас. Божалар билан ҳам самимийрок бўл. Ютукларидан қувон. Оиласвий мустаҳкамликни бузишда кўролмаслик ҳам катта рол ўйнайди.

Инсон икки ҳолатда ўзгариши мумкин. Биринчи, пули кўпайса, иккинчisi хотинининг таъсиринга тушиб қолса.

Бир оиласи биламан. Эри ҳам, хотини ҳам обрўли кишилар. Якинда уларнинг ажрашаётганини эштиб колдим. Ҳайратим ошгандан ошди. Ахир, улар зиёли одамлар-ку, нега бундай бўляпти?

— Э, укам, сиз акангизни билмайсиз, у киши «Кўча хандон, уй зиндан», — дея саволимга жавоб бераркан хотини.

— хўжайним кўчада бошка одам, уйда бутунлай тескариси.

Турмуш курганимизга йигирма йилдан ошгаң булса, бошида мени бошига күтәрарди. Секин-секин ишлари яхшилашиб, пули күпая боргандан кейин аканғиз үзгара бошлади. Менинг ҳам яхшигина иним бор. Инилаб, маош олганим учун рұзгорниң бозор-ұчарини менинг зыммамта юклаб қўйди. Бир нима десам, «Мен билан ишиңг бўлмасин, маопим кўп эмас. Үзимнинг юриш-туришимдан ортмаяпти», дега уришиб берарди. Болаларимиз бор. Шуларниң баҳти учун чидаб юргандим. Аммо аканғизнинг мендан яшириб, яна бошка бирорвга уйланиб олганини билиб, барчасига қўл силтадим. Яширишча иккита ҳам уй олиб қўйган экан. Қизимизнинг ўкишига контракт пулинин тўлашга келганда «Мен уни 18 ёшга киргунча боқдим ва ўз Конституцион бурчимни бајардим. Контракт пулинин қандай тўласа тўлайверсин», деб жазаваси тутди. Ёқа ушлаб колдим. Ахир, ота ҳам шундай дейдими? Шартнома тўловларини қийналсан-да, амаллаб тўладим. Энди билсан, у киши бундай ишларни қилиб юрган экан. – дега аёл йиглаб колди.

Хуллас, азиз укам, ҳаётда кишининг ичидағисини билib бўлмайди. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон, аввалио, инсонлигини унутмаслиги зарур. Бойлик кўзини кўр қилиб, оиласига хиёнат қилиш ҳам оила аталмиш муқаддас кўргонниң мустаҳкамлигига катта дарз етказади.

Мамлакатимиз мустаҳкамликка эришгандан бўён ҳар бир йил Юртбошимиз ташабbusи билан алоҳида номланиб, шу ўйналишда катта ишлар амалга оширилмоқда.

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили», 2013 йилнинг эса «Обод турмуш йили» деб номланиши ортида мантиқий боғлиқлик бор. Оилалар фаровонлиги, мустаҳкамлиги жамиятнинг, мамлакатнинг қудратига қудрат кўшади, миллатни улуғлайди. «Мустаҳкам оила», «Файзли хонадон», «Ибратли рўзгор тутуми» тушунчалари ота-боболаримиздан мерос қадрият хисобланиб, ҳар бири уммон қадар кенг таърифу тавсифга, мазмун-моҳиятга, сиру синоатга эга мавзулардир.

Бир куни ишдан қайтаётганимда танишум учраб колди. Озрок кайфи ҳам бор экан. Йулида ким учраса, уларда ёмон

таасурот қолдирувчи харакатлар қылар, барчанинг таъбии хира этарди. Баногоҳ менга ҳам ёнишиб олди.

«Ака, бизникига борамиз, меҳмоним бўлинг», дея ҳоли жонимга кўймади. Уйга шошпётгашимни айтсан ҳам судрагудек булиб, менга осилиб олди.

«Ҳеч бўлмаса уйига ташлаб келарман, кўчада бундай ҳолда юрмасин», деган хаёлда у билан таксига ўтиредим. Ушинг ичкиликка муккасидан кеттанини ёшитардиму, аммо бундай афтода ҳолда кўрмагандим.

Уйига бордик. Келинга танишимни топшириб, ортга қайтмоқчи әдим, у упамади. «Уйимга киринг, кетиб қолсангиз хафа бўламан», дея қўярда-кўймай мени уйига бошлиди. Кирдик.

Афусеки, танишимнинг уйига кирган кишида шулдай таасурот туғиларди: «Хонадони файзсиз экан». Ҷарҳакиқат, уйи ивирсиб ётар, ҳатто кечки ётадиган ўринлар ҳам йиғилмаганди. Кўрпачаларининг кирлигидан кишининг ўтиргиси келмасди.

– Хотин, бу киши билан мусобакада, шогирдларимни республика биринчилигига олиб борганимда танишгандим. Газетада ишлайди. Қўярда-кўймай уйига олиб келдим. Олиб кел топған-тутганингни, – буюрди танишим турмуш ўртогига.

Аммо менинг томогимдан ҳеч нарса ўтмади. Бунга спорт мураббийининг арокка рўжу кўйгани сабаб бўлдими ёки унинг файзсиз хонадони, билмадим.

Қарс икки қўлдан чиқади.

Албатта, бу ерда эрнинг ичкиликка ружу кўйгани аёл кишини рўзгор учун беҳафсала қилиб кўйган бўлиши мумкин. Ёки хотиннинг ноораста, ноозода рўзгор тутиши эрнинг иродасини заинфлаштиридими кан? Ҳар не бўлганда ҳам бундай хонадонларга ҳавасимиз келмайди.

Бу эру хотин ва икки боласини яхши кийинтириб, суратга туширсангиз ва расмни йирик афишада (паннода) шаҳар марказига осиб кўйсангиз. кўрган кишининг «Қандай баҳтили оила экан!» дея ҳаваси келади. Аммо асли ҳаётда бунинг тескариси эканлиги ачинарли...

Азиз укам! Турмушда яхши рафиқа танлашыда сенга омад тилайман! Балки, мен тузиб чиқкан саволларга бўлажак ке-лин жавоб бернишин истамас ёки берган коникарли жавобла-рига турмуш давомида амал қилмас. Бундай ҳолларда яхши хулқинг ва сабр-канаотинг билан уни ўз йўриғингга со-лишга ҳаракат қил. Тинч-тотув турмушинг учун ҳаммадан ҳам кўра ўзинг кўпроқ жавобгарсан! Сенинг ҳаётингни ўзингдан бирор яхшилаб беролмайди. Буни унутма!

Яна шуни унутмаки, хотининг ширин таом пишириши мумкин, кийимингни ювийб, яхши рўзгор тутишин мумкин. Яратганинг инояти билан келажагингни белгилайдиган фарзандлар тутиб бериши мумкин. Ҳаммаси рисоладаги-дек бўлса-ю, у сени эр ўринида кўрмаса, атрофингда пойи-патақ бўлмаса, кўнглида нописандлик, ўзини сендан ба-ланд тутиши ҳоллари учраса, сенинг бу ҳаётингга ҳавасим келмайди. Чунки бундай кезларда кунларингнинг дардли ва армонли кечишини тасаввур қилиш қийин эмас. Яна ана шундай жуфтдан ҳам Худонинг ўзи асрасин!

Азиз укам! Мавзудан чекиниб, сенга яна бир акалик маслаҳатимни берай. Ҳаётда иложи бўлса, спиртли ичим-ликлар билан ошино тутинма. Атрофингда бу зормандани ичаётгандар кўпчиликни ташкил қиласа-ю, сени ҳам дав-рага жалб этсалар, огох бўл. Шишадаги шайтон ичининг-га кирса, ихтиёр ўзингдан кетишини, воқеалар ривожи кўнгилдагидай бўлмаслигини эсдан чикарма! Баъзан иш-дан ҷарчаб юрганингда ичгинг келиши мумкин ва сенга узатилган май кўзингта тиллодай кўринади. Аммо зинҳор-базинҳор бўш кетма. Ундан кўра дастурхондаги ширин-ша-кар мевалардан истеъмол қил. танангни тотли неъматлар билан қувватлантири. Унутма, спиртли ичимлик соғлигингга жиддий зарар етказиш билан бирга аклингни ҳам ўтмаслаштиради. Ичгинг келиб, ироданг бўшашаётганини сезсанг, сени багрикенг отанг ва меҳрибон, муштипар онанг кузатиб тургандек тасаввур қил. Қаерда бўлсанг ҳам уларни ёнингда деб бил. Ана шунда шайтоннинг ма-крига тушмайсан ва бу ҳам сенинг баҳтингга, ойлангнинг мустахкамлигига катта ҳисса қўшади!

МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ

Инсонлар яшайди, умридир китоб,
Ҳаёти сермазмун, қилгани савоб.
Жумбокқа, саволга унададир жавоб.
Муаллимдир ул зот, кил уни тавоғ.

Шогирдга фарзанддек берар меҳрини, тушунтирас кенг оламнинг мири-сирини. Тушунмасак, қайта бошдақ бошилар барини, миннат қилмас у меҳнатин, азобларини. Офтоб мисол зиё сочиб, урфон таратар. Билмаганимиз ўргатиб, имкон яратар.

Дарҳақикат, ўқитувчилик қасби гоятда масъулиятили, ниҳоятда машакқатли, кўплар ҳавас қилган, орзу қилган, илму фанни ҳаётига мазмун билган, етишгунча заҳмат чекишган, таълим бериб, раҳмат эшитган, таърифлассанг дафтарлар етмас, ҳар канча улуғла, ҳеч ҳаққинг кетмас, фидойи инсонлар, серташвиш жонлар – биз тилга олган ўқитувчилар, чин меҳрибонлар бўлишади.

Улардир ота мисоли бағрикенг, онадек барчага тенг. Акадек дилдош, гамхўр, опадек сирдош, ҳамфикр.

Кувончлиси, ҳар йили минг-минглаб ўғил-қизлар бу муборак қасбни эгаллаш илинжида турли олий ўкув юртларига хужжат топширади. Талабалик бахти насиб этгани шодумон, этмаганинг кўкайи тўла армон...

Аммо ўқитувчи бўлиш учун факат яхши ўқиш ва ўқитишининг ўзи етарли эмас. Ўқитувчининг қалби ўзгача бўлади, у элнинг кўзида, сўзида, ўзида юради. Ундан нафакат ўқиш ва ёзишини, балки, муомала маданиятини, юриш-туришини, хуллас, жуда кўп нарсаларини ўрганамиз.

Чироқчи тумани Карим Содиков фермерлар уюшмаси худудидаги Галлачи кишлогида кексалик гаштини сураётгани Сайфулла домла Аҳмедов ўқитувчилик қасби оркасидан эл орасида ҳурмат эътибор қозонгтан меҳри дарё. бағри дунё устозлардан. Гарчи нафакада бўлса-да, доимо шогирдлари ардоғида.

Келинг, ҳаммасини бошидан бошлаймиз.

Сайфулла Ахмедов кишлоғидаги саккиз йиллик таълим (хозир 9 йиллик бўлган) даврини тутатгач, Чирокчи тумани Пахтакор жамоа хўжалигидаги 6-сонли ўрта мактабда таҳсилни давом эттириди.

Айнан шу таълим даргоҳида немис тилидан дарс берадиган Али Шагасев Сайфулланинг калбида ўқитувчиликка ҳавас уйғотди.

Устозининг фанинг үзига хос тарзда ўтиши ўқувчиларнинг ўзлаштиришига ижобий таъсир кўрсатди ва таълим даври яқунида кўпгина ёшлар немис тили мутахассиси бўлниш иштиёқида имтиҳонларга астойдил ҳозирлик кўра бошлиди.

Интилишлар бесамар кетмай, қаҳрамонимиз Самарқанд Давлат университетининг чет тиллар факультетига ўкишга қабул килинди.

Дарсларнинг рустилида ўтилиши туфайли Ахмедов бира тўла иккита хорижий тилини пухта ўзлаштириди. Қишлоқда мутахассис ётишмагани боис, олий ўкув юртини тутатиб, рус ва немис тилларидан дарс бергани ҳам шундан. Ҳатто кўшни кишлоқ мактабларида ишлади.

Узок йиллик машаққатли меҳнати зое кетмади. Бугунги кунда Саъдулла Садинов, Шавкат Махматкулов, Иброҳим Пирматов каби кўшлаб шогирдлари немис тилидан дарс бераби, устоз анъанасини давом эттиришмоқда.

— Ўқитувчи – етакчи дегани, – дейди Сайфулла ака. – У болани стаклаб, йўлга солади. Жажжи ўғил-кизнинг бошини силаб, улардан жамият меъморлари, кискаси, комил инсон яратади.

Кўча-кўйда шогирдларим «Яхшимисиз, домла?» деб хол-аҳвол сўраб колишади. Баъзиларини танийман, йиллар таъсири-да, гоҳо танимай ҳам коламан. Улар «Эслайсизми, домла, бизни ўқитгандишгиз. Мен фалончи ўқувчинигиз бўлмани», дея үзини танитишади. Орадан ўттиз-кирк йил ўтсада, меҳнатимизни унудишмабдими, бундан ортиқ баҳт йўқ.

Баъзида «Ўқитиши кийин иш эмас. Тўрт-беш нафар болани мен ҳам 40 дакика алдаб тура оламан», дейдиган,

ўқитувчилик касбига енгил карайдиган кишиларни учратиб коламиз. Бу потүгри. Бу келажакка эътиборсизлик. Ўқитувчи педагогикани, психологияни чукур билмаса, боланинг ички дунёсини, карашларини, рухиятни ўйий олмаса, у билимни ўқувчига етказиб бера олмайди.

Бола ниҳол каби бўлади. Тўғри парвариш қиласангиз, равон ўсиб, бирор корингизга ярайди. Акса бўлса, кийшик ўсган эгри ёғочнинг ўтишликдан бошқа нарсаага ярамаслиги аник.

— *Фарзанд тарбияси ҳақида сўз очдингиз. Ошада болаларнинг юриш-туриши, дарслари, қисқача айтганда, тарбиясига ким кўпроқ маъбуз: отами ёки она?*

— Ўзимдан киёс киладиган бўлсан, кун бўйи мактабда бўлардим. Таътил пайтида хам кўшимча иш килардим. Яъни бир ой комбайн ҳайдаб, хўжаликнинг ғалласини ўрадим. Ҳатто 1981 йилда ўрим-йигимда ишгорлик кўреатиб, туманда пешқадам бўлдим ва бунинг учун мукофотига машина беришганди...

Хуллас, хаётда меҳнат килган киши кам бўлмаслигига амин бўлдим. Бола-чака кўп. Маош уларни бокишга камлик килади. Нимадир килмаса рўзгор юрмайди. Шунинг учун уста Абдумўмин бувадан тои ёпиш сирларини ўргандим. Ёз ойларида ўрим-йигим тугагач, устачилик қилиб, одамларнинг уйинни ёпардим. Болаларим ўрганган бўлса мендан меҳнатни ўргангандир-да. Аммо уларнинг юриш-туриши, одоб-ахлоқи, ўкишларини назорат килиш ишлари кўпроқ онасининг зиммасида бўларди.

Худога шукр, фарзандларим кўнглимдагидай чиқди. Тўнгичим Алишержон Наманган саноат технология институтида таҳсил олди. Айни пайтида Чирокчи хизмат кўрсатиш касб-хунар колледжида директор.

Ғайрат Муборак тумани молия бўлимида ишлайти. Йулчи ўғлим – дурадгор. Яхшигина уста. Каҳрамон – Тошкент солик академиясини тутатди. Айни пайтида Чирокчи туман солик инспекцияси ходими. Лазиз – Самарканд Олимпия захиралари колледжини битирди.

Бобур – ўғлимининг ҳам ўқишига кизиқиши юкори. Қизларимдан Гулишан уй бекаси. Гулрухсора бошланғич синф ўқитувчиси. Бибинисо ва Ойгул касб-хунар колледжида атло баҳоларга ўқишиди. Кўз тегмасин, оиласиз катта бўлгани билан фарзандиарим ўзаро аҳил. Бирори бир ишни бошласа, колгани караб турмайди.

– *Оиласининг инчлиги, мустаҳкамлиги қўниша нимага боғлиқ?* – сўрайман устоздан.

– Ота ва онанинг аҳиллиги, бир-бирига бўлган хурмати болаларга, келин ва набираларга алоҳида ўрнак бўладиган жиҳатлардир. Тасаввур қилинг, қайнона келинига иш буюрди. Шу пайт қайнотаси «Келин, қайнонанг айтаверади. Бу ишни бажарма менинг юмушларимни қил», деб келишининг шаштини қайтарса, бора-бора бу келинчак қайнонасиининг буоргандарини бажармайдиган, унинг гапини писанд қилмайдиган, менсимайдиган бекага айланиб қолади. Агар қайнона буорган ишни қайнота ҳам қўллаб-қувватлаб, ҳатто бажарилишини назорат қилиб борса-чи? Бу ҳолатда келинчак барча юмушларни бекамут кўст бажаришга мажбур бўлади. Шундай қилмаса, ҳам қайнонасидан, ҳам қайнотасидан, ҳаттоқи эридан ҳам дакки эшлиши мукаррар....

Дарҳакиқат, Аҳмедовлар оиласи аҳил. Чироқчида уларга ҳавас билан карашади.

...Сайфулла домла нафақага чиқса ҳам уйда ўтиrolмади. Кўп йиллар элнииг оксоколлигини қилди. Тую таъзиянинг бошида турди, жаңжал чиккан хонадонга бориб, яхши гапириди, уришганни ярашитирди. Эрта тонгдан кечгача одамлар орасида бўлиб, уларнинг дарди билан яшади. Ҳозир ҳам шундай. Гарчи оксоколликни топширган бўлса-да, тиним йўқ. Бирор «Янги уй бошилаётувдим, шунинг қозигини кокиб беринг» деб айтиб кетса, бошқаси қизига тўй келганини, тўйнинг бошида туришини илтимос қилади.

Мухтасар қилганда, устознинг кўргани меҳнат, топгани хурмат бўлди.

Келинг, энди кичик Ахмедовнинг Чироқчи хизмат кўрсатиш қасб-хунар коллежи директори Алишер аканинг бу борадаги фикрлари билан қизиқамиз.

– *Алишер ака, 2008 йилдан бўён коллежга раҳбарлик қилинсиз. Янги таълим маскани ва ундаги ижоннинг тарҳа ҳақида сўзлаб берсангиз...*

– Коллежимизда компьютер ва компьютер жиҳозларига хизмат кўрсатиш, тикувчилик, ишлаб чиқариш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, транспортларда ташинни ташкил этиш, бухгалтерия хисоби ва аудит каби йўналишларда таълим берилмоқда. 2012 йилда муассасамизга янги замонавий технологиялар олиб келинди. Ўқув лаборатория, компьютер хоналари жиҳозланди. Энди ўқувчиларимизга кўйилган талаб, колледждаги ҳар бир жиҳозни кўз корачигидай авайлаб, устозлардан қасб-хунар билим ва кўнгилмаларини чуқур ўзлаштиришdir.

– *Касбингиз манаққатли. Сиз педагогда қандай фазилатлар бўлиши лозим деб ҳисоблайсиз?*

– Педагог, аввало, фидойи бўлиши керак. У ўқитган юзта ўқувчининг ҳаммаси олим ёки олий маълумотни мутахассис бўлиб етишмаслиги мумкин. Бирок улар кенг дунёкарашли, ўзининг мустақил фикрига эга инсон бўлиб етишиши шарт. Боланинг маънавияти юксак бўлиши унга берилаётган тарбияга, билимга боғлик.

Коллеж – катта даргоҳ. Бизнинг таълим масканимиз Мехнатобод фермерлар уюшмаси худудида жойлашган. Педагогик жамоамиз аҳил. Бир ёқадан бош чиқариб, ёшларни тўғри йўлга бошласак, уларга тўғри таълим берсак, албатта, кўзланган максадга эришилади...

Биз Алишер Аҳмедов билан устозлик касби манаққатлари ҳақида узоқ гаплашибик. У ота ўғинлари, мустақил Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиши туйгуси ҳар шида қўшиқанот бўлаётганини таъкидлаб, шундай деди:

– Ўқитувчининг фарзанди эканлигимдан фаҳрланаман. Отам педагоглик касбини жуда қадрлайди. Муаллим барчага намуна қилиб кўрсатишга лойик инсон бўлиши керак.

деб хисоблайди ва бунга амал қиласи. Отамнинг муюмала маданияти, ўзинни тутиши, барча-барчасида мукаммаллик чизгиларини кўраман. Биздан хам хушфөйлиликни сўрайди.

Уч нафар кизим бор. Мўътабар Чирокчи кишлоқ хўжалик коллежида, Мунира ва Умида 77-урта умумтаълим мактабида аъло баҳоларга ўкишяпти. Бобосининг илм маизили, зиёкорлик йўлини ташлагани набираларининг максад ва интилишларига хам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатаётганидан мамиун бўламан.

ДАРВОЗАБОННИНГ ОНАСИ

Боролмадим яна кишлоққа,
Оғсімга болланғандай тош.
Менинг қайпок соғипчларимши.
Кишлоғимга етказгин, күеш.

Чанғ күчалар күзимдаң үтар.
Чорлайверар ўша мажнунтол.
Уни күргим келаётганин,
Кишлоғимга етказгин, шамол.

Унда менинг дилим тушунар.
Хар гиёху ҳар битта оғоч.
Менинг учун боласи бўлиб,
Кишлоғимни қучгин, калдирғоч.

Талпинаман, күзим йўл караб.
Сарғаяди кўзимда илинж.
Оғам қабрин қучоклаб йиглар.
Юрагимдан ситилган соғинч.

Юкоридаги мисралар муаллифи, тажрибали журналист, «Полвонжон» болалар журнали масъул котиби Маъмура Мадрахимова чинданам кишлоқдан азим Тошкентта келиб, шу ерда «Она Ватанимга хизматим сийгсин». дея ижод киляётган замондошларимиздан.

Маъмура опа республика «Спорт» газетасида ишлаган даврида «Остона» сахифасинита шкилэтиб, мамлакатимизнинг машхур спортчилари, уларнинг болалиги, биринчи марта кўлига қалам тутказган ўқитувчиси, илк спорт сабокларини берган мураббийи хакила кизикарли маколаларни муштариylар ҳукмига ҳавола этди.

Албатта, спортчиларининг беғубор болалигига мурожаат килиш ва бўлажак чемпионнинг жажжи юрагидаги покиза орзуларини көз узра маржондек териш – спорт журналистикасида «теша тегмаган мавзу» эди.

Айнан «Остона» саҳифасидаги гўзал мақолалари сабаб «Тонг юлдузи» газетасининг ўша вактдаги бош муҳаррири Умида Абдуазимова Маъмура оғани болалар газетасига ишга таклиф килди...

Келинг, қолганини қўйидаги сұхбат билан танишиб, ўзингиз билиб олинг.

— *Маъмура она, юрнишигининг машҳур спортчилари ва уларнинг болалиги ҳақидаги мақолаларингиж мухлису мутахассислар томонидан жуда итиқ қарши олшиади. Келинг, сұхбатимини ўзингиzinинг болалик йилларингиж, қишлоғингиз, ота-онанғиз ҳақида бошласак...*

— Фаргона вилояти Учкўприк тумани Гул қивилогида туғилғанман. Отам Йигитали Мадраҳимов Гул маҳалла фуқаролар йигини раиси эдилар. Падаримиз раҳматли жуда содда, камтар ва оддий ишон эди. Эсимда, маҳалламиизда масжид қуришімоқчи бўлишиди. Иш яхши бошланди-ю, қурилиш материаллари етмай, чала қолганди. Ўшанда отам қурилиш уйдаги материалларини бериб, қурилишини якунига етказганди.

Оилада беш ўғил, уч киз вояга етдик. Бувим Мунисаой (онам демокчи) хам ўта қўли очиқ аёл бўлган.

Мактабда ўқиган кезларим кутубхонадан жуда кўп китоб олардим. Кутубхона мудираси «Яна келдингми?», деб турарди. Шеър ва достонларни ёд олиш жону дилим эди.

Мактабни битириб, Қўқон педагогика институтининг «Ўзбек филологияси» факультетига ўқишига кирганим сабаби хам адабиётга кизиқишимидан эди...

— *Журналист бир мақолани ташёрлати учун катта маҳнат қиласди. Аввало, таҳририят билан келингиган ҳолда газетага чиқшига муносиб қаҳрамонни излайди, у ҳақида маълумотлар йигади, саволларини тузиб, ундан кейин сұхбатдошини қидиради. Мақола қаҳрамони ё мусобақага кетган ёки қайсиadir спорт мајисиусида ўқув-машгулот йигинида қатнашаётган бўлади.*

Хуллас, мухбириз излаган одамини топиш учун анча тер тўкиди. Сизнинг зиннангизда мақола ёзишдан ташқарин

**фарзандлар тарбияси, уй-рўзгор юмушилари ҳам бор.
Кандай улгурасиз?**

– «Мусоғир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан», дейиниади. 1996 йилда Тошкентта кўчиб келдик. Турмуш ўрготим Саминжон Боймирзаев Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетини тұтатди ва шу факультетда ишла колди. 1987 йилда Ҳуршида қизимиз. 1990 йилда Мохира. 1998 йилда эса ўғлимиз Сардоржон тугилган, зиммамда, асосан, болалар тарбияси турарди. Саминжон ака илмий иш билан банд, аммо маоши камроқ эди. Рўзгор тебратишга зўрга етарди. Ҳатто пулимиз қолмаганидан ишга пиёда боришга ҳам тўғри келган. Вазиятдан чикиш учун болаларни боғчага бериб, манти килиб сотдим. патир ёниб бозорга олиб чидим.

Пойтахтда яаш кийинчиликлари туфайли турмуш ўртоғим илмий ишини охирига етказа олмади. Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилгани боис, тадбиркорликни танлади. Дастрас Кўкондан пайшоқ олиб келиб, пойтахтда сота бошладик. Дастроҳларни бутлаб олганимиздан кейин ўзимиз ишлаб чиқаришни йўлга кўйдик. Эриминг ҳалоллиги, тўғрисўзлиги, меҳнатсеварлиги туфайли мижозларимиз сони ортиб борди, кичик корхонамизда ишлаб чиқарилган эркаклар пайпоги сифатига кўра ҳеч қайси сара маҳсулотдан қолишмайдиган бўлди. Тадбиркорнинг конун химоясида эканлиги ишнимизни олдинга юргизди, кийинчиликлар ортда колди.

Албатта, спорт журналисти бўлиш осон эмаслигини таъкидлаган ҳолда бу йўлда менга устозлик килган элимизга яхши таниш Ҳайдар Акбаров, Шерали Ҳабибуллаев, Тўлкин Рўзиев каби журналистларнинг маслаҳатлари, ёрдами катта бўлганини таъкидлашни истардим.

– *«Тонг ўлдузи» газетасининг спорт ва ҳарбий ватанпарварлик бўлими мухаррири сифатида бир неча бор оригинал саҳифалар шайерладингиз. Меҳнатларингиз самараси ўлароқ, 2012 йилда Ўзбекистон журналистлари изходий ююмасининг «Атиргуз» мукофоти сизга топширилди. Сизнингчча, журналист қандай бўлиши керак?*

— «Тонг юлдузи»да ишлаган пайтларим таҳририятни бошқарған Умид аса Абдуазимова. Түлкін Ҳайит каби етуқ журналистлар күллаб-кувватлашды. Газета сахиफаларыда спортта, хусусан болалар спортига көнг үрин ажратылған құшсахиfalар тайёрланды. Устоз журналистлар бизнинг эркин ижод килишимизга имкон берішди. Энди саволимизга келсак журналистнинг сўзи киличдек ўтқир бўлиши лозим.

«Гуруч курмаксиз бўлмайди» дейишганидек, айримлар ўз мағфаати йўлида ноҳақликларга йўл кўйишади. Биз ҳакикатни очик-ойдин ёзиб, ўша ноҳақликларга бархам беримиз шарт. Масалан, жисмоний тарбия дарсларини хўжакўрсинга ўтаётган ўқитувчилар ҳакида танқидий лавҳалар тайёрладим. Ёки спорт машғулотларида шуғулланувчининг пулига караб муносабатда бўладиган мураббийлар ҳакида «Айб ошдами. мошда?» сарлавҳали мақолам чиқди.

Ўғлим Сардоржон олти ёшидан футбол машғулотларига боради. Дастреб ТТЗдаги фуббол тўгарагига олиб борганимизда мураббий ундаги интилишини пайкаб, шогирдлари сафига кўшди. Устози ўғлимни «қушча» деб чакиради. Кейин Пойтахтимиздаги «Умид». «Динамо» спорт мажмуаларида ва «Пахтакор» футбол мактабида таҳсил олди. Ҳозир эса «Бунёдкор» футбол мактаби дарвозабонларидан бири. Ишонасизми, ўғлимни машқларга олиб бориб, унинг ўйинларини кузатиб, спортта янада каттикрок боғланиб колдим. Яъни, ўғлимнинг спорт йўлини танлаши менинг спорт журналисти бўлиб шаклланишимга жуда катта турткি бўлди.

— *«Полвонжон» журнали энди тешножа бўлаётган папирлардан. Энг асосниси, спортига ихтиисосланган биринчи болалар журнали, десак муболага бўлмайди.*

«Полвонжон» ва унинг олдига қўйган максадлари ҳакида гапириб берсангиз...

— Юртимизда болалар спортига берилаётган эътибор бошқа ҳеч бир мамлакатда йўқ. Шуни инобатга олиб,

«Полвонжон» рангли журналини чиқариш оркали болалар ва ўсмиirlар ўртасида спортни янада ривожлантиришига ўз хиссамизни қўшмоқчимиз. Сахифаларимиздан спорт турлари, уларнинг тарихи, споргчиларининг овкатланиш режими, чемпионлик машаккатлари, мураббийлар хакида кизиқарли мақолалар ўрин олган.

...Маъмура опа ижодни севади. Энг асосийси унинг машаккатларидан чўчимайди. Йўқса, пайпокчилик цехи, уй-рўзгор ташвишларидан ортиб, макола қаҳрамонларини изламасди. 2009 йилда оппоқ қалби каби дилбар шеърларидан ташкил топган «Болалик излари» китоби босмадан чиқди.

Унда шундай сатрлар бор:

...Кўксингиздан гул хиди келар,
Боқсан, сиздан дил хиди келар.
Этагингиз кўзимга суртсан,
Ўтган гамли йўл хиди келар.

Содда онам, камтарин онам,
Хушбўй онам, настарин онам...

Ижодкорнинг «Сени яхши кўраман, хаёт» деб номланган навбатдаги китоби хам тез орада муштариylар қўлига стиб боради.

У баҳтли она. Чунки унинг ўғли Сардор Содиков дарвозада туриб, бутун бошли жамоа, керак бўлса, Ватан шарафини химоя этишини дилига туккан. Яъни, опамиз Ватанимизнинг бўлажак ишончли посбонининг онаси десак асло адашмаймиз.

Тезкор харакатлари ва меҳнатсеварлиги боис, Игнатий Нестеровга ўхшаб кетадиган ёш дарвозабонининг келажаги эса олдинда.

Маъмура опа самимий ва содда. «Қўлимдан келганича одамларга яхшилик килсан» дейди. Ўзбекистонда спортга берилаётган эътибордан суюнади, ноҳакликларни кўрса,

калби оғринади, қуёнади. У ҳакда таникли тележурналист Нозима Воҳидова муаллифлигига тайёрланган «Аёл бахти» кўрсатувининг ойнаи жаҳон орқали қайта-қайта намойиш этилгани ҳам шундан...

— *Боласи спортчи инанинг қўнгли хотиржам бўлади,*
— *дейди Маъмура Мадраҳимова. Чунки фарзанди доим галибликка интилади, бўни вақти бўлмайди.*

Баркамол авлод тарбиясида спортнинг ўрни катта. Каранг, биргина пойтахтимизни олсак, сўнгги йилларла маҳаллаларда канча сунъий қопламали майдонлар курилди. Уларда шугулланаётган болалар ва катталарни кўрганда қўнглим тог кадар үсади. Ўша болакайлар бизнинг эртанги ўлдузларимиздир.

Спортчидан ёмон одам чикмаслигини хис қилган она сифатида айни пайтда беш ёшли неварам Жаҳонгирмирзони ҳам футбол машғулотларига олиб бориб келяпман...

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Маъмура Мадраҳимова жуда серкирра ижод килмоқда. Доимо ӯзига хослик, бегуборлик сезилади ёзганларидан. Масалан, Самарканддаги 21-урта мактаб ҳакида «Юртбошимиз ӯқиган мактаб» маколосини тайёрлаб, ўкувчиларга хавола килди. Мустакиллик иншоотлари, кўплар узогини якин килаётган «Афросиёб» поезди, хорижлик сайёхлар билан интервыолар... Опадан бундан кейин ҳам самарали ижод намуналарини кутиб қоламиз. Зоро, интилиш, изланиш ҳар бир ижодкорни мудом уйғоқликка чорлаб туради-да...

КУРАШ КИТОБИННИГ ЗАРВАРАҚЛАРИ

Барчамизга яхши маълумки, ҳалкимизга насиб этган бебаҳо ҳуррият, мукаллас Истиклол туфайли ўзбек кураши ўзининг шонли ўтмишини тиклади. Миллый спорт туримиз жуда кўп мамлакатларда ўрганилаяни, кураш бўйича бир катор нуфузли ҳалкаро мусобакалар ташкил этиляпти. Кувончилиси, курашнинг парвози ҳавас килгулик. У қиска вакт ичиде ёпик иншоотларда ўтадиган Осиё ўйинлари дастурига кирди.

Юртимиз полвонлари ҳалкаро майдонларда тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан ёзишга арзигулик ютукларга эришмокда...

Ҳаётини курашга багишлаб, бунинг ортидан эл олкишини олаётган замондошимиз, кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Мурод Дусумбетовнинг ҳам бу ютукларда ўз улуши бор. Бугун унинг меҳнат фаолиятига назар ташлаймиз, дилдан сұхбат курамиз, кўпчиликни кизиктирган саволларга жавоб оламиз.

Таъкидлаш жоизки, Мурод Дусумбетов бир неча жаҳон ва Осиё чемпионати ғолиб ҳамда совриндорларининг устози. Шогирдлари орасида кўплаб Ўзбекистон чемпионлари, ўндан зиёд ҳалкаро тоифадаги спорт устаси, 40 дан ошик спорт усталари бор.

Мухлисларга яхши таниш Олим Равшанов, Зулхижжа Худоёрова, Юлдуз Шодибекова, Зафар Фармонов, Рустам Элов, Баходир Ганиев, Зафар Йўлдошев, Отабек Максудов, Билол Аҳмедов, Бурҳон Нуркобилов, Шуҳрат Дилюв, Шеркул Нурбеков, Яхё Имомов ва бошкалар шулар жумласидандир.

Бу полвонларнинг ўзи бир олам. Улар кўлга киритган муваффакиятлар ҳакида узок гапириш мумкин. Масалан, биргина Яхё Имомовни олайлик. У дзюдо кураши бўйича 2012 йиљнинг февральйида Чехиянинг Прага шаҳрида ўтган жаҳон кубогида 81 кг вазн тоифасида биринчи, Тошкент шахри мезбонлик килган Осиё чемпионатида З-ўринни эгаллаб, Лондон Олимпиадаси йўлланмасини кўлга киритди

ва Буюк Британия пойтахтидаги Олимпия ўйинларида иштирок этди. Олимпиада Яхё учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтагани 2013 йилги мусобақаларда яққол шамоён бўляпти. Масалан, у 2013 йилнинг март ойида Париж шаҳрида ўтган «Катта дубулға» туркумига кирувчи халқаро турнирда бош мукофотга эришди ва 2016 йил Бразилия давлатида ўтадиган навбатдаги Олимпиадага чиқини учун очко жамгаришини бошлиди...

Яна Мурод Дусумбетовга қайтамиз.

У 1969 йилнинг 2 май санасида Самарқанд вилояти Гайарик туманининг Эшим оқсок қишлоғида туғилди. Бирок Муроднинг болалик, ёшликтиннинг Қорақалпогистон республикаси Амударё туманида ўтган.

Акаси Бахтиёрнинг эркин кураш устаси эканлиги, колаверса, кунда-кунира бўладиган тўйкурашлар ёшгина Мурод хаётининг спорт билан узвий боғланишига туртки бўлди.

— Туркманистоннинг Тошховуз вилоятидан Турсун полvon, унинг ўғли Баҳодир, Хоразмдан Одил, Рифкат. Даирон полvonларга ҳавас килардим, — дейди сухбатдошимиз. — Мураббийлар Чоринзиб Тожимуродов, Яраш Казаков, Бозорбой Нуржонов сабоклари спортга бўлган мұхаббатимни оширди.

Амударё тумани Ал-Хоразмий номидаги ўрта мактаб спорт залида шугулланганмиз. Ростиши айтиш керак, бир вактнинг ўзида битта залда кураш, эркин кураш, самбо, дзюдо турлари буйича машгулот ўтилар, спортчилар кўп бўлиб, ҳамма аралашиб кетарди.

Айтганча, муборак Мустақиллик шарофати билан бу муаммолар барҳам топган. Масалан, бугунги кунда Амударё туманида болалар спорт мажмуалари курилиб, бешта кураш зали фаолият кўрсатаётганлиги сўзимга исбот бўла олади.

...Ўша пайтда кураш бўлимида 27 нафар болашуғулланган бўлсақ, шундан мен, ўртоқларим Маҳмуджон Ражабов, Рустам Йўлдошев учаламиз спортда қолдик.

Махмуджон ва Рустам снгил вазнда гиламга чиқишиар, галабаларга эришиб, кураш ва самбо бўйича спорт устаси талабини бажаришганди. «Наҳотки, мен буни уддалай олмайман», деган ҳавас билан машкларга зўр бердим. Кураш бўйича 1985 йилда аввал Амударё тумани, сўнгра Қорақалпогистон республикаси чемпиони бўлиш насиб этди. 1986 йилнинг 3-7 юль кунлари Шаҳрисабзининг Мироқи қўргонида ўтган мамлакат чемпионатида 68 кг вазн тоифасида муваффакият қозониб, спорт устаси бўлдим. Бу галаба менга институтга имтиёзли кириши имконини берганди. 1987-1989 йилларда ҳарбий хизматда бўлдим...

Уч ўртоқ бирга Узбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугатдик.

Дзюдо курашидан 1989 йил 71 кг вазн тоифасида ёшлиар ўртасида, 1991 йилда эса катталар орасида Узбекистон чемпиони бўлиш насиб этди. 1991 йилнинг 25-28 мартада самбо кураши бўйича ҳам республика чемпиони бўлиб, ҳар учала кураш туридан спорт устаси талабларини бажардим.

Бу мусобақаларда кўлга киритилган медаль ва дипломлар мен учун жуда азиз ва кадрли.

1992 йилда Узбекистон Давлат Жисмоний тарбия институтини тамомлаб, Амударё туманидаги “Дўстлик” спорт клубида мураббийлик фаолиятимни бошладим. 1997–1998 йилларда шу тумандаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида йўрикчи. 1998–2000 йиллар оралиғига Нукус шаҳридаги БЎСМ мураббийи бўлиб ишладим.

2001 йилда Тошкентга, Республика Олимпия захиралари коллежига услабчи вазифасига ишга келдим. 2004 йилдан бошлаб шу коллежда миллий кураш бўлими катта мураббийи сифатида фаолияти юритяпман...

– Мурод ака. Узбекистон кураш федерацияси мутасаддилари 2012 йил якунларини сарҳисоб килиб, сизни «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб топди. Бунга етарлича асос бор. Жумладан, 2012 йилнинг октябрь ойида Буюк Британияда ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтган кураш бўйича жаҳон

чемпионатида шогирдларингиз Даврон Махмашаев (90 кг). Шерзод Бобомуродов (71 кг) олтин, Рўзимурод Мукимов (71 кг), Жасур Курбонов (65 кг), Азим Убайдуллаев (73 кг) кумуш, Сирожиддин Эрматов (50 кг) ҳамда Улуғбек Эрмаматов (65 кг) бронза медали сохиби бўлишганди.

8-12 декабрь кунлари эса Ҳиндистонда ўтган катталар ўргасидаги Осиё чемпионатида шогирдларингиз Аброр Жабборов 60 кг вазн тоифасида олтиң, Азамат Бойқулов эса 90 кг курашчилар орасида кумуш медали эгаси бўлиб, юрт байробини баланд кўтарди. Узок Сурхондарё вилояти Шеробод тумани Тамбур кишлоғида туғилган Аброр Жабборовнинг Осиё чемпионати, ҳалкаро тоифадаги спорт устаси бўлганида ҳам катта меҳнатларингиз ётибди.

Шогирдлари юкори натижаларга эришаётган мураббийнинг иш услуби барчани қизиктиради...

— Бир китобда ўқигандим, «Имонли, диёнатли, бир сўзли, меҳр-мурувватли устоз топсанг. энг яхши шогирд ҳисобланасан», дейилганди унда. Бундай устозларнинг ўғитларига амал қилган шогирд катта ютукларга эришади, обрў-эътибор топади. Шундай устозларимдан бири, жуда тажрибали мутахассис, мохир педагог, мураббий, ҳакам Холмуродали Мубораковдир. У 2000–2004 йилларда кураш бўйича терма жамоани бошқарган. Ҳалкаро кураш Ассоциацияси, Кураш академиясида фаолият юритган. Бу инсондан кўп нарсани ўрганганиман. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар – Ашарбек Абдусатторов, ва Омон ака Тоймуродов ҳам менинг азиз устозларим.

Ҳаётда «Нима эксанг, шуни ўрасан», «Қайтар дунё» деган хикматларга амал қиласман. Шогирдларим бор экан, мен борман. Албатта, 40-50 нафар бола орасида ҳар хил феълатворлиси бўлади. Улар орасида иктидорлилари ҳам кўп, бирок машғулотга помига келиб-кетадиганлари ҳам йўқ эмас. Менинг принципим – биринчи навбатда шогирдларимда уйига, оиласига, ота-она, ака-укаларига нисбатан меҳр-муҳаббатни шакллантириш. Тажрибаларимдан ҳам маълум-

ки, ўз ота-онасига, оиласига меҳрибон курашчилар спортда юксак натижаларга эришади. Мисол тариқасида Яхс Имомовни айтишим мумкин. У жуда окибатли, яқинларига меҳрибон йигит.

Бундай фазилатлари бўлмаган ёшларда шу хислатларни шакллантиришга эътибор каратамиз.

Ахир, Ватанини севмасдан туриб, унинг шарафини муносиб химоя килиб бўлмайди-ку.

Бир шогирдимнинг отаси айтади: «Ўглим менга нисбатан сиздан кўпроқ чўчиди. Уйга келса, таътили тугамасада, коллежга боришим керак», деяверади. Дарҳакикат, бизнинг таълим муассасамизга энг шўх, тўполончи болалар келишгани боис, тартиб-интизомга алоҳида эътибор берилади. Бу ердаги тартибга чидамаган боланинг ўкишидан хеч қандай фойда йўк.

— Спортчининг манмалиги ва камтарлиги... Бу сифатлар унинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатадими?

— Манман киши инсонлик киёфасини йўқотади. Спортдан кетгандан кейин ҳам унинг бу хислати йўколмайди. Шогирдларимга «самимилик ва камтарлик либосини ечма» дей ўгит бераман. Баъзи юлдузлик касалига чалинган спортчилар борки, улар хатто ўз устозининг ёқасидан олиб, туртқилашгача боради. Ҳудога шукрки, менинг ўкувчиларим орасида ундайлари йўқ ва ишонаманки, бўлмайди ҳам.

— *Шогирдлар орасида ёлғон ганирадигани, айниқса, манқлар қийинчилликларига чидолмаган пайтлари «ёл юғонни сув қилиб ичадиганлар» учрайди, деб эшитамиз. Ундайлар билан қандай шилайсиз?*

— Ёлғончиларга умуман чидолмайман. Бундай шогирдларга нисбатан жазо кўллайман.

Полвон зоти ориятли, олижаноб, ракибига хурмат билан карайдиган бўлиши керак. Гарчи, шогирдим бўлмасада, камтарлиги, босиклиги билан бухоролик Жаҳонгир Усмонов, Ўзбекистон чемпиони, халқаро мусобақалар голиби Арслонбек Маҳмудов (Махтумкули Маҳмудовнинг укаси).

66 кг вазн тоифасидаги эшкүчли дзюдочиларимиздан Зохид Фармонов интизомлилиги, бошқаларга ўхшамаслиги, камтарлиги билан ҳавасимни келтиради. Улар гўзал инсоний фазилатлари туфайли спортда ҳам яхши натижаларга эришяпти, деб ўйлайман.

— Сиз «Б» категорияли халқаро тоифадаги ҳакамсиз. Кўнгина мусобақаларда, Жумлади, каттатар ўртасидаги мамлакат чемпионати, 2013 йилда Бухорода ўтган «Универсиада» баҳсларида бош ҳакамлик қилгансиз. Кураши жуда ривожланган, рақобат ҳам ўтия кескин бўладиган бизнинг мамлакатида бош ҳакамга осон бўлмаслиги аниқ. Шубоис, баъзи ҳакамлар «эксанжсалнинг уясидা» қолиб кетишади...

— Авваламбор, ҳар бир ҳакам баҳсларни адолатли бошқаришга қасамёд қилади. Шу қасамёдни ёддан чиқарганлар баҳс давомида тез-тез хатога йўл кўя бошлишади. Билиб туриб, баҳсларнинг бузилишига сабабчи бўладиган бундай мутахассисларни курашдан четлатиш даркор.

Баъзиди икки биринчи рақамли курашчи гиламга чиқса, бу беллашувни бошқаришга чўчийдиган ҳакамлар ҳам бор. Бироқ мен Кураш халқаро Ассоциацияси қоидаларига асосан адолатли бошқариш тарафдориман. Ҳатто ўз шогирдим гиламга чиққанда ҳам унинг галабасини истаб, нотўғри карор чиқаришга ҳаққим йўқ.

— «Унид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақаларининг ёши истеъдодларни қашиф этишида ўрни қандай бўлянти?

— Бу мусобақаларининг ёшлар ҳаётида ижобий, тарбиявий аҳамияти катта. Яъни, мазкур йирик спорт анжумани қалбларда ватанпарварлик тўйгусини кучайтиради, навқирон авлод юрагида фахр-ифтихор ҳисларини тарбиялайди. Мазкур спорт байрамларида иштирок этиш умидида минглаб йигит-кизлар саралаш баҳсларида қатнашади, ойлаб тайёргарлик кўради. Сир эмас, рақобат бор жойда ўсиш бўлади.

Ёшлар орасидан истеъдодлари сараланиб, терма жамо-аларимиз сафига киради.

Масалан, шоғирдим Олим Равшанов, 2001 йил Фарғонада ўтган «Умид ниҳоллари», 2003 йил Жizzах шахри мезбоnlик қиласан «Баркамол авлод» ҳамда 2007 йил пойтахтда ташкил этилган «Универсиада» спорт мусобақаларида иштирок этиб, иккита олтин ва битта кумуш медалига сазовор бўлган. У шундан кейин икки марта жаҳон чемпиони бўлди. 2009 йил Таиланд ёпик иншоотларида ўтган Осиё ўйинларида 66 кг вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Олим ҳозир Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи.

— *Шоғирдларингизни кўплаб халқаро мусобақаларга бошлаб боргансиз. Яна қайси терма жамоа аъзоларида биздагиdek кучли орият қузатиласи?*

— Албатта, ўзбек полвонларида орият, ғуур туйғулари бошқа миллат вакилларига нисбатан анча юкори. Шунингдек, эронликлар, мӯғулларда ҳам қисман ор талашиш, жамоадоши учун курашиш манзаралари учрайди.

— *Инсон мукаммалликка шитилиб яшайди. Бироқ вақтни тўғри сарфламай түриб, бунга эринимоқ мушкул. Сиз коллежда кураш бўлими бош мураббийисиз, қолаверса, катталар терма жамоасига ҳам устозисиз. Вақт масаласига қандай қарайсиз?*

— Жуда эрга тураман. Кечки пайт ишларни камчалик амалга оширганимни сарҳисоб қиласман. Чала колган ишларни албатта, охирига стказаман.

2012 йилда қилган хизматларингиз муносиб баҳоланди. Сизга Президентимиз фармонига кура, «Ўзбекистонда хизмат курсатган спорт устози» унвони берилди. Бу ҳам сизга қўшимча куч багишланни табиши...

— Мухтарам Президентимизнинг камтарона мөхнатларимни юксак баҳолагани зиммамга катта масъулият юклайди. Истеъдодларни тарбиялаб, уларни халқаро майдонларда юртимиз мадхиясини баралла янгратадиган ғалабалар сари етаклашда бор куч ва билимимни ишга соламан. Энг олий мақсадим – яқин йилларда ўзбек курашини Олимпия, Осиё

ўйинлари сафида кўриш. Курашимиз жозибаси билан бу чўккини албаттга, забт этади...

Мурод Дусумбетов кураш фидойиси. Мураббийлар аттестациядан ўтказилганда, уларнинг-да, ўз устида ишлашларини кўздан кечирди. Халкаро майдонда ракобат ошиб бораётгани учун янада кўпроқ ишлашимиз лозимлигини уктирди. Ўзи хам шунга бел боғлаган. Демак, янги-ча шаклланаётган миллий терма жамоамиздан олдиндаги халкаро мусобакаларда жаҳонни янада лол этадиган муваффакиятлар, ўзбек ишикбозларини хушнуд этадиган гўзал томошалар кутишга ҳақлимиз.

АЛИЖОН ОТА

Алижон ота Тўхтаев Қарши шахрида яшаб, маҳалласи, элу ҳалки учун кўпгина эзгу ишларни килган, оз эмас, кўп эмас, накд саккиз фарзандни тўгри тарбиялаб, ўқитиб, кайвони даражасига етган пиру комил инсонлардан.

У кишининг йўларини осмондек кенг йўл...

Алижон Тўхтаев киши ҳакида фарзандлари шундай хотирлашади: Дилбар Тўхтаева, Согликни саклаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Кашикадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси:

— Дадам раҳматлининг қайси фазилатларидан бошласам экан. Умрида бирорни гийбат қилмаган, таниган, танимаган киши борки, уларга яхшилик улашган киши эди. Дадам дарахтга, бокка меҳр кўйиб яшади. Катта ҳовлимиз дарахтларга тұла. Анжир, шафтоли, ширин-шакар олмаларни еб ўсганмиз. Дадам етиштирган узумлар орасида хушбўй исли узум бўлардики, халигача шундайини излайман, аммо тополмайман.

Давраларда ҳам барчани ҳовлисига дарахт экишга ундарди. «Бизнинг ҳовлида сув йўқ», дегувчиларга «Сенга дарё шарт эмас. Эрталаб юзингни ювишга бир офтоба сув топиладими? Топилса, юзингни дарахт остига юв. Нихолга шу сувнинг ўзи етади», деб жавоб берарди.

Янги ҳовлига кўчганларга «Ҳовлига ўрнашиб, тутиб кетайлик, деган яхши ниятда тут экинглар», дерди. — «Мевасини болаларинг ейди. Уйингга кетган одам соясига машинасини қўяди, отини боғлайди. Қолаверса, тут экилган ҳовлининг ери чўкмайди», кўшнимча қиласди у.

Доим «Иш куролинг соз бўлса, машақкатинг оз бўлур», деган гапга амал қиласди. «Отамдан колган», дея кетмон ёки белкуракни ишлатиб бўлгач, меҳр билан тозалаб, ёғлаб кўярди. Саёҳатларга чиққанида ҳам яхши кетмон ёки бошқа иш куроллари сотиб олиб келарди.

Ҳовлида чорва моллари бокардик. Шундай тартиб, шароитни яратиб қўйганидан ҳеч биримиз молларга караш

ёки оғилни тозалашдан безор бўлмасдик, аксинча, югуриб-югуриб, талашиб-талашиб юмушларни қилардик.

Қишин-ёзиг уйимизда сут-қатик, мева-чева аримаганиндан барчамиз соглом ўсдик. Ўзимдан гапирсам, болаларим-нинг барчаси ёшига етар-стмасдан юриб кетишарди.

Қаерга борса, «Донолар ўгитлари», «Яхши фазилат – инсонга зийнат», «Дастурхон тузаш одоби», «Чой дамлаш сирлари» каби инсон ҳаёти давомида аскотадиган китоблардан олиб келарди ва «Қизим Дилбархонга» деган чиройли имзоларини кўйиб совфа киларди.

Тошкент педиатрия институтига имтиҳон топширас эканман. дадам «Аълого топширсанг, қувонма, бошқаларнинг кўнгли ўксиди, мабодо киролмасанг ҳам хафа бўлма» дея маслаҳат бергани ёдимда. Омадим чопиб, институтта кирганимда дадам «Қизим, энди яхши ўки. Олти йиллик талабалик даврингда факат ўзингга ишон. Олти йилда уч йигит икки йиллик ҳарбий хизматни бажариб қайтади. Жуда катта вакт. Мен сендан беш юз километр узоклиқдаман. Ҳар қандай ҳолатда сенга ёрдам беролмайман. Яна шуни билки, сенга тилла сирга олиб берганим йўқ. Лекин менинг сўзларимни кулогингга тилла сиргадек тақиб ол», дея ўгит бергандилар.

Уйда ўтмас ичиш ёки қайчи ёхуд бошқа нарсани кўрса, уларни дарров чархлатиб келарди. «Доим ўткир инсон бўлинглар» дейишидан чарчамасди. Шу боисдан, бир укамнинг исмини ҳам ўткир кўйган.

«Бирор жойга бормокчи бўлсанг, мўлжалингдагидан каммида икки соат олдин йўлта чиқ. Чунки бу йўл. Ҳар нарсани ҳисобга олинглар» дерди. «Сафарга чиқаётганингда ҳужжатларингни ёдингдан чиқарма. Нон ва сув, ортиқча пул олишни унутма», қўшимча киларди дадам раҳматли.

Дадам ички ишлар соҳасида ишлагани учун уйда кам бўларди. Онам Ҳабиба аянни «Маликайи Турондот» деб чакирип, жуда ҳурмат киларди. Онам 53 ёшида оламдан ўтди ва Косон тумани Каманди қишлоғидаги «Исохон-Мусохон» кабристонига қўйилди. Дадам ҳафтадэ икки марта бориб,

онамнинг қабрини зиёрат қилиб келарди. Қабристонга дарахт эктириди, қуриб кетди, панжара билан ўратди, панжараларни ўғирлаб кетишиди...

Умрининг сўнгги йилларида дадамнинг оёги оғриб қолди. Шунда «Дада, сизга вакт ажрата олмаяпман. Ишимни йигиштириб, сизга қарамоқчиман», деганимда, кўнмади.

«Сен шифокорсан. Кизим, факат менга эмас, элингга, юрtingга хизмат қилишинг керак. Шундай ишлаки, қаерда бўлма сени bemорлар излаб борсин. Қолаверса, Қашқадарё вилоятида ўз обрўсига, ўрнига эга Эсон Ражабовдай инсоннинг кўл остида, инсонлар, ходимлар манфаатларини, ҳуқукларини химоя қилувчи қасаба уюшмалари соҳасига ишга ўтганингдан жуда хурсандман. Эсон Ражабовдан кўп нарсани ўрганишинг мумкин», дея маслҳат берганди...

Дадам оз-мос русча аралаштириб гапирав, бақувват, соғлом киши эди. Сўзлари мантиқли бўлганидан бутун даврани ортидан эргаштира оларди.

Ғолиб Тўхтаев, ўғли:

– Уйимиз чорраҳада жойлашгани учун сув сўраган, жой сўраган йўловчи кўп бўларди. Дадам раҳматли «Чорраҳада ҳар ким ҳам яшай олмайди, ким кандай ёрдам сўраса беринглар». дерди. Йўлда қолган қанча-канча йўловчи уйимизда тұна-маган, дейсиз. Паҳтадан қайтгунча ярим йўлда қолган қизларни таксига ўтқиздириб, йўлкирасини тўлаб, ҳайдовчига манзилга эсон-омон етказиши каттиқ тайнинлаётган отамнинг сиймоси кўз олдимда. Бизга ҳам «Яхшилик қил сувга от» деб тарбия берганлар. «Яхшилик қилиб, яхшилик кутманглар» дерди. Қишлоққа ичимлик суви, электр энергияси келишида жонбозлик кўрсатган. Уйимизда кўмирхона бўлиб, кўмир сўраган қўшнини қуруқ қайтармасди...

Бизга ҳар хил ривоятларни айтиб бериб, инсоний фазилатлар ҳакида тўлакошли тушунчалар уйготарди...

Бахтиёр Тўхтаев, ўғли:

– Дадам Тошкент Давлат иқтисодиёт институти (хозир университет)ни тугатиб, аввал молия, кейин ички ишлар

соҳасида ишлади. Каёби тақозосига кўра, баъзи бир савдо ходимларини ноконуний ишлари учун қамашига ҳам мажбур бўлган. Ўзи қамаб туриб, маҳкумларга ҳар хил егулик олиб борган. Ҳатто ўша савдо ходимларининг «Мени тарбияладингиз деб дадамдан миннатдор бўлганини эшигганимиз.

Вилоят бўйича дадамнинг шогирдлари кўп. Қамашида Эргаш Санаев, Деконободда Мамараим Тўлашев, Қаршида Галина Минакова ва бошкалар...

Даврада ўтирганимда «Кимларданисиз?» деб сўраб қолишиади. «Алижон ота Тўхтаевнинг ўғли бўламан», десам. «Ие. Али буванинг ўғлимисиз?» деб. ўринларидан туриб, бошқатдан ҳол-ахвол сўраб қолишади.

Сизга бир воқеани айтай. Укам Баҳром ҳарбий хизматни Россиянинг Чита шаҳрида ўтади. Ўна ерда маҳаллий ахолидан бирор укамдан «Қаерланисиз?», деб сўрабди.

– Узбекистондан. Қашқадарё вилоятидан, дебди укам.

– Қашқадарёнинг каерида! Мен у ерда бўлганман.

– Қарши шаҳри яқинидаги Сарой қишлоғидан.

– Қаршидан бўлсангиз. Али Тўхтаев, деган одамни танийсизми?

– Ҳа, мен у кишининг ўғли бўламан.

– Үнда зўр-ку. Мен унинг уйида меҳмон бўлганман. Энди сиз ҳам меҳмоним бўлинг. – дея читалик киши укамни меҳмон килган экан.

Отам оламдан ўтганда бир неча кун давомида маъракага келган одамларнинг кети узилмади. Бу ҳурмат ҳам бизни бирдамликка, шу ота-онага мос бўлишга ундейди.

Шаҳзода Тўхтаева, қизи:

– Онамга бўлган садоқатини сўз билан таърифлаб бўлмайди. Онам оламдан ўтгач, онамнинг туғилган кунида у кишининг қозонида овқат остириб, ширин хотираларни ёлга олардик.

Фарзандлари учун жонини ҳам аямасди. Ёдимда, укам Баҳром каттиқ бетоб бўлиб қолиб, бир ойлар тўшакка михланиб ётди. Олиб бормаган дўхтиrimiz ҳам, табиб

ҳам қолмади. Ҳеч фойдаси бўлмасди. Шаҳрисабзга олиб бордик. Оқдарёning бўйига етганмизда дадам машинадан тушиб. дарёning ўртасига кириб. Яратганга нола қилди: «Эй, Яратган Эгам, боламга ўзинг шифо бер! Олсанг, мана менинг жонини ол!

Эй, сув. сен канча-канча жойлардан оқиб келяпсан. Сен Худони кўргансан. Охимни Худога етказ, боламга ўзи шифо берсин!» Кўзларидан маржон-маржон тер оқди. Дадамнинг тўлғониб, йиглаб килтан нолаларини зішитдими. Парвардигор укамга шифо берди. Шу укам кўп йиллар ички ишлар соҳасида ишлаб, якинда нафақага чиқди. Мен бу воқеани ота меҳрининг кучига якқол мисол деб биламан.

27 йил Қарши шаҳридаги автовокзалда муҳандис бўлиб ишладим. Ҳар доим отамининг ўгитлари, қўрсатмалари қулогим остида жаранглаб туради. Улардан энг оддийини айтай. «Ёнингиздаги пулни учга бўлиб олиб юринг» дердилар. «Озрогини сумкада, яна бир қисмини китоб орасида ва қолганини яна бошқа жойда сақланг. Бири йўқолса, бошқаси аскотади». Биз пул сўрасак, «Жойини биласизлар, ўзларинг олаверинглар», дерди. Ҳеч қачон санаб бермаганлар. Бизга ишонардилар, биз ҳам керагидан ортиқча пул олмасдик...

— *Отам раҳматлиси саккиз фарзандининг ҳаммасини ўқитди, — дея сұхбатга қўшилди тўнгич фарзанд Гулнора она.* — Мен ва Үткир укам Қарши педагогика институтид (ҳозир Қарши Давлат университети)да таҳсил олдик.

Барчамизнинг бола-чакамиз бор. Бахтиёр укамнинг ўғли Баҳодирнинг хонадонида кичкина Алибек, Галибжоннинг оиласида кичик Ҳабибаҳон вояга етмоқда. Бобо-бувилиари каби элпарвар, оилапарвар инсонлар бўлсин, дея уларга ота-онамизнинг исмини бердик.

Уларнинг умри, ўгитлари бизга мактаб, айтаверсак, тугамас китоб. Ҳар он, ҳар сония бизга аскотар, тунлари машъала, кундузи офтоб мисоли...

МАСЬУЛЛИК

*Масъуллият түйгүсіда ған күн. Керак бұлса, инсон умри-
га зияннат берадиган түйгу ҳам үша.*

*Бугунғи сұзимиз яккабөглиқ фидойи ўқитувчи, айни па-
йтда татылым, фан ва маданият ходимлари касаба уюш-
масы Яккабөг тұман кенгашини бошқараётган Алишер
Хонназаров ҳақида.*

У ўқитувчи оиласида түгилди. Отаси Махмуд ака күп
йиллар ўқитувчilik килган, ёшларга зиё улашиб, әлнинг
хурматини қозонған. Ҳозир нафакада.

Овчиликка иштиёки баланд бұлған Махмуд домла бир күн
ни Тошқұрғон төгларida кийик овламоқчи бўлади. Биттасини
мўлжалга олса-да, кейинги тўрттасига ўки тегмайди. Бундан
ҳайрон бўлган мерган устози эшон бобонинг хузурига бориб,
сўрайди:

— Эшон бобо, ҳеч мўлжалдан адашмасдим. Бирок бугун
факат битта кийик овладим, холос. Нега бундай бўлди?

— Аллохнинг буюргани бўлади. Бугун сизга шу битта
кийикни отиш аъмолингизга ёзилган. Бундан ортигини
кутиш ноўрин, — деда жавоб кайтарибди устози... Махмуд
домла шунчалик кўп каклик овлардики, рўзгоридан
орттириб, қўши-кўшниларга ҳам улашиб чикарди.

Алишернинг бобоси Хонназар бобо эса уста сартарош
бўлиб, ҳалқ хизматида бўлган. У пайтлар майший хизмат
уйлари бўлмагани учун уста уйма-уй, кишлоқма-кишлок
юриб, одамларнинг соч-соқолини оларди.

Хонназар бобо эл болаларини суннат ҳам киларди,
багрикенглиги учун хизмат ҳакига талашиб ўтирмасди. Бир
гал Чирокчи туманидаги лўилилар маҳалласида 15 та болани
суннат килиб, ҳакига ҳеч нарса олмасдан кетган ҳам үша
уста бўлади.

Унинг кичик ўғли Олим ака ҳам ўқитувчи бўлди. Кўп
мактабларда раҳбарлик килди. Бирок унга устачилик
отасидан ўтганди. Шу боис, уйига келган мижознинг соч-
соқолини олишдан ҳеч ор килмасди Олим муаллим.

Айни пайтда Хонназар бобонинг набираси Йулчибой Арслонов бобосининг «қўлини олган». Устачилик килади.

Падарниң тўғри тарбияси фарзандлар келажагини белгилади. Махмуд домланинг ўғиллари ўқитувчилик касбини танлашди. Каҳрамонимиз Алишердан ташкари Бахридин ва Сирожиддин ҳам муаллим бўлишди. Ўртанча ўғил Шуҳрат эса ички ишлар соҳасини танлади.

Небахтни, Алишер Хонназаровининг фарзандлари ҳам машикатли бўлган педагоглик йўлида заҳмат чекишияпти. Қизлари Феруза, Муборак ва Нигора ўрта мактабда ишлашса, ўғли Соҳибжон тумандаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида кураш мураббийи.

Кичик кизи Луиза Қарши давлат университетида, Аброрбек эса 88-урта умумтаълим мактабида ўқийди.

Алишер ака фарзандларига шундай ўғит беради:

– Ўқитувчи ўқувчи хузурига борар экан, ўтилаётган дарсга уйда пухта тайёргарлик кўриб бориши лозим. Ҳатто 20-30 йиллик ўқитувчи бўлса ҳам, унинг эртага дарси борми, албаттa, уйда хозирлик кўриши шарт.

У ўқувчини алдадими, шубҳасиз, обрўсини йўқотади.

Ўз меҳнат фаолиятини 1985 йил Яккабоғ туманидаги 49-урта мактабда бошлаган Алишер жисмоний тарбия фанидан сабок бера бошлади. У кимларнингдир назарида иккинчи даражали фан деб караладиган жисмоний тарбия дарсини назария ва амалиёт уйғунилигида олиб бориб, тезда ўқувчиларнинг меҳрига сазовор бўлди. Фанга нисбатан карашлари ўзгарган ўғил-қизлар жисмоний тарбия дарсига спорт формасида хозир бўладиган бўлишди. Ўқувчилар хар хил спорт тадбирларида катнашадиган, улардан ғолиб ёки совриндор сифатида кайтадиган бўлди. Мураббийдаги тартиб-интизом ва қасбга бўлган меҳрли ёндашувни пайкараган раҳбар кадрлар Алишер Хонназаровни мактабга ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлигига тайинлашди. Отаси кўп йиллар мактаб директори бўлиб ишлаган эмасми. Алишерда ҳам етакчилик, раҳбарлик қобилияти бор эди.

1997 йилда унга Яккабог тумани халқ таълими муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт ишларини юритиш вазифаси ишониб топширилди. Яъни, Хонназаров туман халқ таълими бўлимидаги жисмоний тарбия услубчиси лавозимида фаолиятини давом эттирадиган бўлди.

Салкам ўн беш йил мазкур вазифада ишлаган қаҳрамонимиз Яккабог тумани болалар спортига сезиларли улуш кўшди. Унинг «Ўзбек миллий ўйинларини дарс жараённада кўллаш» мавзусида ишлаб чиқсан тавсиялари, «Ўзбек курашини ривожлантириш тўғрисидаги тажрибалари жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан кизгин кўллабкуватланди.

Иш бошига жонкуяр мутахассиснинг келиши натижасида Яккабог тумани мактабларида жисмоний тарбия дарсларини ўтиш сифати яхшиланди. Бир неча жисмоний тарбия фани ўқитувчилари «Йил ўқитувчи» кўрик-танловларида муваффакиятли қатнашди. Жумладан, 2002 йилда тумандаги 2-иҳтинослаштирилган мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчи Норбобо Назаров «Ўқитувчи – 2002» кўрик-танловининг вилоят босқичида голиб чиқди. Орадан бир йил ўтиб, Зоҳид Очилов вилоят миқёсида иккинчи, 2004 йилда 77-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчи Нурбек Мирзаев ҳамда 2006 йилда 2-Иҳтинослаштирилган мактаб мураббийи Махматқобил Қурбонов танловда фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

Эътиборлиси, 2008 йилда Хонназаровнинг ўзи ҳам «Йил ўқитувчи» танловида иштирок этиб, республика миқёсида 2-погонани банд этди. Алишер дарсларни ўзига хос тарзда ўтиш билан бирга ўқувчилар онгига мустақиллик гояларини сингдириш, ватанпарварлик рухида тарбиялаш йўлида машҳур спортчи ва мураббийлар билан учрашувлар ташкил этарди.

2012 йил Алишер Хонназаровнинг хаётида янгича саҳифалар очди. Унинг ташкилотчилиги, камтар ва меҳнатсеварлигини яхши билган педагоглар таълим, фан ва маданият ходимлари

касаба уюшмаси Яккабог туман кенгаши раислигига сайлашди. Бу дегани 143 та бошлиғич ташкилот ҳамда 9172 нафар аъзонинг ташвиш ва муаммоларини елкага олиш дегани эди. Ўзи ўқитувчи бўлгани, қолаверса, устозлар оиласида камолга етгани учун педагогларнинг машаккатли меҳнатини теран хис киларди. Касаба уюшмаларининг кенг қамровли ишларини бехато олиб бориша тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси (хозир Марказий кенгашнинг масъул ташкилотчиси) Шодмон Кубаев. Чирокчи туман кенгаши раиси Абдураим Ҳайдаволов ва бошқа устозлардан билмаганларини сўрашдан ор килмади. Қарабисизки, ортда қолган бир йил мобайнида у ходимпарвар етакчига айланди.

Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, уларга моддий ёрдам бериш, бошлиғич ташкилотлар етакчиларини рағбатлантириб бориш, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, ҳалқ таълими ходимлари ўртасида турли спорт мусобакалари ўтказишида тармоқ касаба уюшмаси туман кенгаши ўзининг яхши анъаналарига эга бўлиб бормокда.

Муаммонинг очими

Мен Узбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг тажрибали мутахассисларидан бири Эркин Кодиров билаш сухбатлашганимда у мактабларда ўтилаётган дарсларга шундай муносабат билдирган эди:

«Ағесуки, бъязи таълим мұяссасаларида спорт анжомлари «келган комиссиянинг кўриши» учун доимий равиша жавонда туради, ўқувчиларга берилмайди. Ёки бъязи жисмоний тарбия ўқитувчиларининг кўркўронга тарзда дарс ўтиши натижасида спорт ўқувчилар саломатлигига фойда эмас, зарар келтирган ҳолатлар ҳам учрайди. Булар жиддий муаммолар бўлиб, кечиктиримасдан очимини топини зарур».

Алишер Хонназаров бу муаммога қўйидагича изоҳ берди:

— Албатта, синфдаги 25 нафар бола бир машкни 25 хил бажаради. Уларнинг ҳар бирига алоҳида-алоҳида кўрсатиш ҳам ўқитувчининг вазифаси. Боланинг ёшига мос келадиган машкларни бажартирангиз, у тўғри ривожланади, акси бўлса, ўқувчи майиб булиб колиши ҳам мумкин.

Баъзи ўқитувчилар дарс вактини тўғри тақсимлашга эътибор беришмайди. Масалан, 5-10 дакика жисмоний тайёргарлик (бадаитарбия) вакти, 20-25 дакика асосий кисм, яна 10 дакика якуний кисм. Ўша якуний кисмда ўқувчининг ҳолати, юрак уриши, қонайланишни надарсангиҳолатгакайтишикерак. Фараз килинг, бугунги дарсда 60 метрга югуриш белгиланган. Ҳар бир ўқувчига ўртача бир дақикадан вакт кетса, 30 ўқувчига 30 дакика сарфланади. Аммо бир юурган ўқувчи колган 29 дақикада факат томошибин ҳолатида булади. Яъни, бўш қолади. Жисмоний тарбия ўқитувчиларимиз ўқувчининг бўш колишига йўл кўймаслиги керак. Бунинг учун ўқувчиларни гурух-гурухга бўлиб, ҳар бир гурухга алоҳида -алоҳида топширик берилади. Ва гурухлар навбати билан бу машкларни бажаришади. Масалан, тўрт ўқувчи ўмбалок ошса, тўрт нафари тўнни ҳалқага ташлайди, яна тўрттаси волейбол тўпи устида машқ бажаради. Қарабсизки, хеч ким бўш қолмайди.

Хозир тармок касаба уюшмасида ишлайтган бўлсам-да, туман ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими жисмоний тарбия услугчиси Элдор Авлаевга ўз маслаҳатларимни бериб тураман...

АРМОН

(Мехрибон моможоним, онамдек азиз ва мўътибар
Мукаррам ая Арзинева хотирасига)

Баҳорнинг кўклами гўзал, байрамлари кўп. Согинамиз уни энтикиб. Кувонамиз чечак гулласа, чучмомалар терамиз роса. Саккизинчи март деб терамиз, келиб онамизга берамиз. Муштипарлар бизнинг боримиз, азизимиз, ғууроримиз.

Мен момонинг кўлида ўсганман. Бир ёш катта опам ва бир ярим ёш кичик синглим ҳамда мени бокиш онамга оғирлик килиб қолгани учун момом (отамнинг онаси) уйига олиб келган. Бу пайтда иккига ҳам тўлмаган гўдак эдим. Мехрибон моможоним мени оркасига кўтариб, ҳовли супурди. Сут гўдакни, нимжон гўдакни боласидай парвариш килди. Невараси бўлсан-да, гарчи, мени гўё фарзанд деб билди. Опичлади елкасида у, чайнаб берди ёнгок ва майиз. Ердамас, тиззада ўтиридим, бобожоним ҳам меҳри чексиз.

Ундим, ўсдим, мактабга бордим, бобом, момом менга гиргиттон. Аммаларим опадай азиз, амакилар акадай калкон.

Тўқиз ёшимда бобом оламдан кўз юмди. Гарчи унча каримаган бўлса-да, яъни эндиғина етмишга кирган бўлса-да, соч-соколи кордек оппок, калби пок, меҳри кайнок бобожонимдан ажраганимда мурғаккина юрагим илк бор айрилик азобини тортди. Мен момом билан қолдим. Абдусаттор акам хизмат такозосига кўра, оиласи билан Талимаржонга кўчиб кетган. Тўрамурод ва Суюнбой акаларим хали уйланмаган. Рузгордаги жамики ишларни меҳрибон моможоним киларди. Момом ёпган ионлар, пиширган юпка-ю қатламалар таъмини хозиргача на онам, на рафикам ва на бошқа бир аёлнинг неъматларида кўрмадим. Абдусаттор акамнинг курсдош ўргоклари келганида, «Момо, сизнинг юпкангизни ейиш учун атайин Самаркандан келдик», дея юпка килиб беришни сўрашарди.

Момомни күпчилик «богча момо» дейишарди. Чунки собык шүролар даврида дала шинийпопида ўшлаб аёлларнинг ўғил-қизларини олиб қолиб, эрта тонгдан кош корайгунча уларни овқатлантирган. ҳатто баъзи йиглокирок чақалоқларни ўз болалари қаторида эмизган ҳам момом. Момомни эмган болакайлар улгайиб, йигит бўлганида уни «Эна» деб ардоқлаганим, чақиргани шундан.

Айникеа, момомнинг дуолари бир жаҳон эди. Ҳар куни жойнамоз устида ёки дастурхон бошида давлатимизга равнак ва тинчлик, мусофиричиликда юрганларга омонлик, йўлда, техникадагилар учун сафарлари бехатар бўлишини Яратгандан сўради. Ҳар гаҳ Тошкентта кетар чогимда меҳрли ва сеҳрли, мени бало-казолардан сакловчи дуоларини олиб кетардим.

То уйлангунимча момомникида яшадим. Отамиз ўз уйнга келип тушириш билан бир кунда ўглини ҳам тушириб кетди. Акаларим момом килгап ҳар хил сарполарни, гиламу кўрпачаларни машинага ортиб, менни да миндириб, отамининг уйига олиб боришиди. Бир ярим яшар гўдак 23 ёшли күёвга айланшиб, момомнинг уйини тарқ этдим. Ҳатто уйланган куним ҳам «Никоҳ базми» тутагач, келинни гўшангага кўйиб, ўзим момомникига келиб ётганимни зеласам, униб-үсган уйини тарқ этиш уйимизга тушаётган келинчакка эмас. менга огирирок бўлганмикан, дея ўйлайман ...

«Бекор ўтиргунчабекор ишла» деган мақолнингамалдаги намунасини момомда кўрдим. Ёши саксондан ошса-да, қўлидан игна тушмади. Невараларининг бирор кийими йиртилганини кўрса, дарров ечтириб, тикиб берарди. Ноң ёпадиган рапида, деразалар учун ташки пардалар, ҳар хил газламалар кийкимидан тикилган «қуроқи» дастурхонлар, ҳар хил нимчалар тикишда момомнинг олдига тушадигани йўқ эди, десам янгилишмайман. Мехрибоним бу нарсаларни ҳар бир фарзанди ёки набираси рўзгори учун хеч оғринмасдан тайёрлаб берарди.

Ёши 85 та етса ҳам келинларимга, ўгилларимга сяётган ионим малол келмасин, дея бир дақиқа бўлса-да, тинч ўти-

ролмасди. Гох сиғир-бузоқларга ўт юлса, гох уларнинг остини супуришга тушиб кетарди. Ақаларим, янгаларим хар қанча қаршилик қилмасин, «Қилманг, шу ишни, биз бормиз-ку, невараларингиз бор-ку» дейиншсаям, гапга унамасди. Эрта тоңгда туриб, ҳассасига суюнганча, ишга уннаб кетарди. Иссик сандалда (танчада) ўтирганда ҳам ё жун йингирар ёки пахта чигитларди. (Пахтани чигитидан ажратарди.)

Момомдир, дунёда энг буюк,
Мехрибон, меҳнаткаш, энг суюк.
Кўпга она бўлган дуогўй,
Кўнглида заррача кири йўқ.

Ният қилиб, пенсия нафақасидан жамғариб, хар бир набирасининг тўйларига тўн совға этарди. Беш-үн йил олдин ўзи қавиган бўлса, кўзи бироз хирадашгач, пул бериб, қишлоқ аёлларига қавитадиган бўлди. Бу тўнларни кийган тўйболалаларнинг қувонганини кўриш – жудаям хаяжонли, тотли лаҳзалар... Ҳозир менинг уч ўғлим моможони тикиб берган тўнларни ҳеч кандай бошқа либосга алмаштиришни исташмайди. Гўёки момом меҳрининг иссяк тафти чопонларга сингиб кетгандек, эгнилардан ечгиси келмайди.

...Баҳор фаслини орзикib кутдим. Ўладим, «Бозордан ул-бул харид қилиб, аввал момомни, сўнгра туккан онамни ва кейин қайнонамни қутлагани бораман. Рафикам билан бориб, хар бирини 8 март билан табриклаб чиқаман».

Шундай қилиб, эр-хотин байрамдан бир кун олдин бозорладик.

8 марта кунитурмуш ўртоғим «Сизборибнимакиласиз? Ӯзи бугун байрам баҳона уйда бўлиб турибсиз. Болаларингизни йиғиб, мол-ҳолга, уй-ховлига караб ўтириб туринг. Ӯзим сизнинг номингиздан ҳам табриклаб келаман», деб қолди. Момомлар қўшни қишлоқда яшашарди. Кўнгли бўшроқ одам эмасманми, қолаверса, хотин-қизларнинг байрами эканини

илюбатга олиб, хотинимнинг таклифига кўндим. Ўзимни ўзим овутдим: «Момомни Наврўз байрамида кутлагани бораман!» Кун ўтиб, яна ишга шўнгиб кетдим. Ҳаш-паш дегунча баҳорнинг навбатдаги гўзал айёми Наврўз ҳам етиб келди. Айнан 21 март куни бизнинг қишлоқда ҳам отам, момом яшайдиган қишлоқда ҳам Йилбоши ўтиши белгиланди. Эрта тоңгда туриб, тушгача, бир-иккита байрам тадбирларида лавҳа тайёрладим-да, тушда ўз қишлоғимдаги Наврўз сайлида катнашдим. Тушдан кеъин отамларнинг қишлоғига бордим. Бу ерда айни кураш кизиётган пайти экан, полвошларнинг маҳоратидан бахраманд бўлдим. «Олиш» тугагач, синфдош ўртоклар билан бир жамоа бўлиб, Наврўз мусобакасида коптот тепдик. Хуллас, кош корайди. Чарчаб, уйга кайтдим. Шу тарика меҳрибон, дуогўй моможонимни бу баҳор байрами куни ҳам табриклай олмадим. Орқайнлик килдим.

Орадан бир-икки кун ўтиб, момонникига бордим.

– Яхшимисан, болам. – Момом одатдагидек, пешонамдан ўпиб, кўришди. – Ишларицг яхими? Ўтган байрамларинг кутлуғ бўлсин! Яхши байрам килдиларингми? Келиним, чевараларим ҳам яхими? Байрам куни келмадинг, сумалак, ош олиб кўйгандим. Аканглар шўрва осувди. Сен шўрвани яхши кўришингни билиб улушингни олиб кўйгандим. Кечгача кутдим, келмадинг...

Моможоним хол-аҳвол сўрарди-ю, мен хижолатдан бирор сўз деёлмасдим. Ўтган байрамлар билан табриклишга оғиз жуфтлардим-у, тилим калимага келмасди...

Ахир айтишади-ку: «Ҳайит ўтгандан кейин...»

10 апрель Абди бобом дунёдан ўтган кун. Шу муносабат билан ҳаммамиз момонникида йигилдик. Шу куни меҳрибон моможонимнинг сўнгги бор меҳрли гапларини ёшигаётганимни билмасдим.

– Суюнбой, (акам) жувозингда Акмалжоннинг кунжутини «хайдаб» кўйдингми? Ҳайдаган бўлсанг, мойини идишга солиб бер. Балки уйида мойи оз колгандир. Кунжарзини ҳам копга солиб бер. Молига беради...

Қаранг момомининг мушфиклигини, эътиборини, ғамхўрлигини...

Орадаи кунлар ўтиб, тўсатдан момоминг кон босими кескин кўтарилиб кетди ва волидамдек азиз моможонимдан айрилиб колдим...

Мана, яна баҳор байрамлари эшик кокиб турибди. Аммо энди ҳар қанча истамай, моможонимни азиз айёмлар билан табриклишниңг иложи йўқ. Бу азиз лаҳзалар энди мен учун армонга айланди.

Ҳар биримиз оналаримизни ҳар дам қадрлайлик, эъзозлайлик. Зеро, кеч бўлмасин, дил армонга тўлмасин.

...Бир куни Қашқадарё вилоят соглиқни сақлаш бошкармаси бошлиқ муовини Шербой Шеровининг ижод дафтари билан таниша туриб, она ҳакида ёзилган қуидаги шеър эътиборимни тортди. Уни сизга ҳам илиндим:

Ҳамиша ёнингда бўлар парвона,
Болам-болам, дея ёнади Она.
Айт, шундай меҳрибон қайда бор, яна
Ҳар сўзи дуодир Онаизорнинг
Ҳеч армони борми онаси борнинг?!

Ишдан келмай қолсанг, ухламай кутар,
Ҳамма ташвишларни жимгина ютар.
Энг сўнгги луқмасин ҳам сенга тутар.
Шунчалар бағри кенг Онаизорнинг.
Ҳеч армони борми онаси борнинг?!

Келинин кизим, деб бағрига олган,
Набираси учун кечади жондан.
Ҳаммадан кеч ётиб, тураг азоидан,
Жойлари Каъбадур Онаизорнинг.
Ҳеч армони борми онаси борнинг?!

Кизидан кам кўрмас, иолам дейди у.
Фарзандларни бахтин олам дейди у.
Юзидан нур ёғар Онаизорнинг,
Ҳеч армони борми онаси борнинг?

Сўраб турар кўшниларнинг ҳолини,
Осон килар доим мушкуллар ахволини.
Тўғри келса, тергаб турар чолини,
Ҳар сўзлари дуру зар Онаизорнинг,
Ҳеч армопи борми онаси борнинг?!

Пояндоз бўлингиз, ўпинг кўлини,
Гулларга тўлдиринг юрган йўлини.
Ҳеч курса, гап билан олинг кўнглини,
Сўнг колиб кетмасин дилда ғуборлар.
Эй, азиз муҳтарам онаси борлар!

ЎЗБЕКНИНГ БАХТИ

Чирокчидаги катта тўйкурашда кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Шерали Жўраев ва мохир дзюдо-чи полвон Марс Маҳмудовнинг бош товоқ учун баҳс олиб борганини эшиитдингизми? Эшиитмаган бўлсангиз, тингланг, мен айлай баён, лавҳани кўз олдингизда этай намоён...

Аслида, тўйкураш – бу оммавийлик. Каттаю кичик полвонни имтихондан ўтказадиган давра, мардлар майдони. Бугун жаҳонни лол қилаётган Абдулла Тангриев, Ришод Собировлар хам тўйкурашда тобланган. Ота-боболаримизнинг «Тўйларга етказсин!» деб ният қилиши ҳам шундан...

Кариялар дуо килар: Элимда бой кўпайсин, мамлакатлар обод бўлсин, Хотами Той кўпайсин. Кўпкарили тўйлар берсин, чавандозлар от чопсин. кураш берсин дангиллатиб, чин полвон кадр тоғсин.

Ҳам жисмонан, ҳамки маънан соглом бўлсин авлодлар. юрга қалкон, дардга дармон, комрон ўссин авлодлар.

Сир эмас, фарзанд – ўзбекнинг баҳти, тожиу тахти. Ҳаёт мазмунни, чарогон куни. Ўзбек ўғил кўрса унинг тўйини орзу киласи, чумолидай йикқанини тарқатишни баҳт деб билади.

Қозон-қозон ош дамлайди, тўйдиради элинин, момолари чопон кавир, гилам тўкир келини.

Боболари новвос бокар, оғилини тўлдириб, кўчкорларни семиртирасар арпа, беда едириб...

Шундай хавасманд тўйлардан бири Чирокчидан бўлди. мен ҳам баҳтиёр гувоҳман, суйлайнин, мавриди келди.

Фарҳод Жуманов – Чирокчи туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабида директор вазифасида ишлайди. Изланувчан, харакатчан раҳбар. Сўнгги йилларда туманда болалар спортини ривожлантиришга, ёш истеъоддларни кашф этишга ўз ҳиссасини кўшиб келмокда.

«Фарҳод Жуманов ўғлининг суннат тўйида катта кураш берар экан», деган хабар республиканинг барча вилоятларига яшин янглиғ таркалди. Айниқса, хозирги тарақкиёт асрида, замонавий алоқа тизимлари ривожланган даврда бунга ажабланмаса ҳам бўлади.

Чирокчилик Фарҳод Жуман, спорт мактаби раҳбари, катта кураш берар экан, тарқалди тўйининг хабари.

Паҳлавоилар машғулотга яна қаттиқрек киришили, усулларни қайта-қайта амалда қўллаб кўришиди.

Нихоят, тўй куни келди, орзикиб кутилган кун, Диёргенинг суннат тўйи, мучал тўй Дилшод учун.

Карнай-сурнай садосига дўмбиralар бўлди жўр, «Қашқадарёга борамиз, кураи бўляптийкан, юр».

Меҳмон келди, полвон келди, тўйга узоқ-яқиндан, Самарқанду Бухородан, Сурхон, Жizzах, Тошкентдан...

Полвонларга караганда қувонади кўзимиз, бари кўркам, бари ўқтам, Ватан, кудратинг чексиз...

Алплар тўйининг зигир ёғли паловидан едилар, тани яйраб, кучи қайнаб, кураш томон елдилар.

Фахрийларнинг елкасига сарпо-суруп ташланди, оксоқоллар оқ фотиҳа берди, кураш бошланди.

Болажонлар, ёш полвонлар бошлаб берди даврани, отиб урди, чалиб урди, хурсанд килди ҳаммани. Сўнгра ўсмир курашчилар синаб кўрдилар кучин, тўйбошилар зот тарқатди голиб полвонлар учун.

Бора-бора полвонларнинг вазни ҳам ошиб борди. муҳлисларга худо берди, завки ҳам ошиб борди.

Рўзиқул полвон – Чироқчининг мард фарзанди, баковул, тўйкурашни бошқаришида тажрибали ва одил. Уша куни гулдуради, қайнаб тошди гайрати, яхши томошани ёклаб, ошиб борди рагбати.

– Курашинглар, зотлар бисёр, йиқитинглар, олинглар, солимингни кўтараман, диккат, кулоқ солинглар. Сусткашликка йўл қўйманглар, пасаяди зотларнинг, эди юз минг, бу жуфтликнинг зоти энди эллик минг.

«Тарзан» полвон, дадиллашинг, халк зерикиб колмасин, «Ҳалол» дея олқишлиасин. Парвардигор қўлласин!

Кураш товоги билан қизиқ. Саховатли ҳомийлар каттакатта зот қўйишга наебатда туришарди. Баковул Рўзиқул полвон уларни галма-галдан эълон кила бошлади.

— Эй, ҳалойик. Фарҳод Жумановнинг тогаси Нуралишинг номидан учинчи товок қўйилди, уч юз минг сўм, битта гилам..

Диккат қилинг, ҳалойик, томоша қайнамоқда. Даврада учинчи товок полвони айланмоқда.

Товоқни республика чемпиони Шуҳрат Арслонов олди, унга Ҳолбек пахлавон талабгор, талаб солди. Ҳар иккиси эл орини елкалаган азамат, бири биридан чандасту, жасур, қўрқмас ҳамда мард.

Майли, улар маҳоратин кўз-кўз килиб турсинлар, бу томонда иккинчи товоқни эшитинглар. Олти юз минг, бир гилам, олди Илхом Жўраев, самарқандлик Элибой полвон унгадир ракиб.

Абдурашид полвон бобо ушбу курашга ҳакам, етмиш ёшли фахрий устоз намуна бу ишда ҳам.

«Ётган ҳолатда курашманг», дея танбех айлайди, «кураш» дейди, «тўхта» дейди, гирромни жазолайди.

Полвон бобо давом этсин, ҳалоллик унга байроқ, бу томонда Рўзиқул алп қўлида янги товоқ.

— Эй ҳалойик, кулок туting, менга беринг эътибор, олти юз минг, битта гилам ҳамда бокилган қўчкор. Бон товоқни эълон килдим, тўйкурашнинг гултожи, талабгорлар бўлса олсин, бўлсин давранинг шоҳи.

Товоқни Марс полвон олди, Кўқдаланинг фарзанди. Чироқчининг фахри бўлган Рўзиқул алп дилбанди.

Шерали Жўраев — икки карра жаҳонда бўлган тенгсиз, Марс полвонга ракиб бўлди, машхур курашчи юлдуз.

Маза, маза, муҳлисларга маза бўлади бу пайт, учта жойда учта товоқ, олти алп ҳам девклебат. Ушлашади, чил қоқади, мудофаа ҳам жойида, пишкиради, тер қуилар изгирин киш ойида.

Бош товоқка Баҳром Аваз ҳакамликка қўйилди, давра кўрган кайвони, деб, у муносиб қўрилди...

Шерали ҳам бўш келмади, Марс ҳам ундан қайтмади. Ҳазрат Али майдонида уларни эл мактади.

Бу спортдир, кимдир маглуб, ким эса бўлар голиб.
Шерали али ёнбош ташлаб, бўлди совринга сохиб.

Аслида бу паҳлавонлар хар бири бир Алномиш, бир гал улга, бир гал бунга насиба голиб бўлиш.

Ўзбекистон кубогида, дзюододан Марс ютганди, бугун эса Шералига толе насиб этганди...

«Директорлар товогига директорлар курашсин!» Рўзи-кул алп ўз иомидан солим кўйди, оғарин!

«Спорт мактаб» раҳбарлари орасида полвон кўп, мубораклик Фарҳод полвон бўлди товокка мансуб.

Хуллас, ҳеч ким зериқмади, поёнлади кураш ҳам, буни оддий кураш деманг, унда кадр мужассам.

Кураш сабаб яктак кийиб жаҳон бизни кутлайди, озод юртнинг тўйларига ҳеч бир нарса етмайди.

Элимизда хар кун бўлсин байрам, томоша, тўйлар, баҳши ўлан айтиб туриб, ушбулар ҳакда ўйлар...

САНАМЛАР САРВАРИ

Аёл кишида хикмат кўп. Аёл бир ишни бошласа, уни албатта, маромига етказиб бажаради, аёл истаса, миллатни улуғлайдиган фарзандлар тарбиялайди. у астойдил киришса, ўзи ҳам миллат равнакига сезиларли хисса қўша олади.

Қашқадарё вилояти. Қарши шаҳридаги «Санам» маъсъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси, Президентимиз Фармонига кўра, 2012 йилда «Мехнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган Мавлуда Юлдошева ана шундай таърифларнинг бир қанчасини ўзида мужассам этган замондошлиармиздан.

Яккабоғ туманининг олис кишлокларидан бирида ўсиб-улғайган Мавлуданинг меҳри болалигидан тикувчиликка тушди. Чунки онаси Ойрўзи она яхшигина чевар бўлиб, кишлок хотин-кизларининг куйлак ва ҳалатларини тикиб берарди.

Бу оиласда тўрг ўғил, тўрг киз вояга етди. Албатта, улар орасида Мавлудада тикиш-бичишига меҳр бўлакча бўлди. Шунинг учун 1986 йилда ўрта мактабни тутатгач. Қарши шаҳридаги хозирги «Санам» тикувчилик фабрикасига ишга келди. Дарвоке, акасининг хотини, яъни янгаси ҳам шу ерда ишларди.

Ишфаолиятини бичувчи-тикувчи лавозимидан бошлаган Мавлудаҳон 1987 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтига ўкишга кирди. Амалий билимларини назарий сабоклар билан мустаҳкамлади. Ўкишдан кейин яна Қаршига ишга қайтди. Корхона раҳбарлари бу сафар унга «сифат назоратчиси» вазифасини ишониб топширишди.

Ишчилардан билмаганинг сўраб, мунтазам равишда ўз билимларини мустаҳкамлаб борган Юлдошева севимли касбини кийин паллаларда ҳам ташлаб кетмади. Ҳатто корхона «банкрот» дебэтлон қилиниб, тугатилиш даражасига етганда ҳам кам сонли ишчилар қаторида ишига содик колди.

2009 йилнинг охири ва 2010 йилнинг бошида бир гурӯҳ тадбиркорлар корхонанинг акцияларини сотиб олиб, уни

яна кайтадан оёкка туриши йўлида ўз сармояларини тикишди. Ва шу тарниқа «Санам» маътулияти чекланган жамиятига асос солинди.

2010 йилнинг ўзинда ишчилар сони 100 нафарга етди. 2011 йилда 150 нафар, 2012 йилга келиб эса 600 нафарга яқин ходимга иш берган корхонада маҳсулот сифатига алоҳида зътибор кучайтирилди.

– Илгари «Санам»да 3000 нафардан ошик киши меҳнат килган. Ниятишим – ишчилар сонини яна шунчага етказиш, – деди МЧЖ бошқаруви раиси Мавлуда Юлдошева. – Айни пайтда буюртма асосида эркаклар кўйлаклари, ишчиҳизматчилар учун маҳсус кийимлар, ҳарбийлар учун либослар, чойшаб, парда ва бошқа бир қанча турдаги маҳсулотларни тайёрлаянимиз.

Мустақиллик шарофати билан ҳар соҳада ривожланиш, тараққиёт кўзга ташланади. Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади, – деди қаҳрамонимиз кўзлари ёниб. – Чунки улар ўзларининг кенг дунёкараси, хорижий тилларни, компьютер техникасини яхши билиши ва бошқа жиҳатлари билан бизнинг ёшлигимиздаги авлоддан анча фарқ килади. Бундай зукко ёшлар бизнинг корхонада ҳам кўп. Уларга “Касбингизни севсангиз, унга меҳрингизни берсангиз, асло кам бўлмайсиз. Чунки бу юртнинг Президенти ўз ёшларига ишонади, уларнинг билим олиши, ишлаши учун барча зарур шароитларни яратяпти, дея кўп бор такрорлайман.

– *Оиласигизда ҳам тиқувчиликка қизиқини катта экан...*

– Турмуш ўртогим Толибжон Ёдгоров билан институтда танишганимиз. 2006 йилда «Лола жаҳон маликаси» хусусий корхонасини очдик. 50 киши ишлайдиган корхонада маҳсус иш кийимлари, кўрина-ёстик жилдлари, чойшаблар тикиляпти. Корхона ишларини турмуш ўртогим юргизади.

Ўглим Жаҳонгирининг ҳам тикиш-бичишдан хабари бор. У ҳозир Тошкент молия институтида таҳсил оляпти. Қизим Лола Тошкентдаги тўқимачилик ва енгил саноат институтида ўкияпти. Кичик қизим Малика З-синфни тугатди. Катта бўлса,

журналист бўлмоқчи. Лекин хозирданок чеварликка лаёкати борлиги сезилади. Кўғирчоқларига кўйлакчалар тикиб беришини кўрсангиз, ўзингиз ҳам шундай хуносага келасиз.

Фикримча, ўғилми, қизми, у қайси қасбни танламасин, ота-онаси килган хунарни ўрганиб кўймоги лозим. Бевосита тикиш-бичинига тўхталсак, ҳар бир хонадон бекаси чеварликдан боҳабар бўлиши зарур. У олимами, ўқитувчими ё бошқа қасб эгаси, бичиш-тикишини билса, бу унга жуда кўп аскотади.

— *Мавлуда опа, сиз раҳбар сифатида йирик бир корхонанинг танишилари билан бандисиз. Колаверса, опла бекаси сифатида уй-рўзгор юмуниларини бажаринингиз, меҳрибон она бўлиб, фарзандларингизга тарбия беринингиз зарур. Қандай улгурасиз?*

— Аёл киши тонгда эртароқ уйкудан туриб, кечкурун кечрок ётса, ҳамма ишининг улласидан чикади. Худога шукр, хозир фарзандларим ёнимдан кириб, кўлимдан ишни олиб қолишиди. Барча ишларимдан ортиб, қизимга пазандалик сирларини ҳам ўргатялман.

— *Баъзи ошагарда қайнона-келин ўртасига совуклик тушганини кўриб, эншишиб қоламиз. Сизнингча, топувлик нинг қалини нимада?*

— Корхонамизда, асосан, аёллар, қизлар ишлашгани учун уларни тушунишга ҳаракат киласман. Уйда қандайдир муаммога дуч келган бўлса, уни ечишга, холатини тушунишга эътибор каратамиз.

Ҳаётдаги шиорим: «Мехнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик». Одамларга ишонч билан яшайман. Саволингизга келсак, келин бўлганимга йигирма йилдан ошган бўлса, қайнонам Турдихол опа билан бирор марта айтишмаганман. Келинларга маслаҳатим, қайнонангизнинг айтганини чин кўнгилдан бажаринг. Ахир айтишади-ку, «Ўзинг яхши, олам яхши» деб...

«Мехнат инсонни улуғлади», дегани рост. Мавлуда опа оддий чеварлик қасби оркасидан «Мехнат шухрати» орденини олди. У бугун юзлаб ёшларга устоз. Демак, эртага меҳнати

ортидан бахтга эришган ёшларимиз сони ҳам юзлаб, минглаб нафарга ошади. Факат, бунинг учун опа айтганидек, касбга садоқат ва меҳнатсеварлик талаб этилади.

Шу ўринда академик, Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ректори Қаландархон Абдурахмоновнинг «Илмга ошуфта дил» китобида аёлга берилган таърифлар ёдимизга тушди:

Аёлнинг табассумида қўёшнинг жамоли бор.

Аёл назокати гулдан нафис.

Аёл ҳусни қалбида, шижоати билагида.

Аёл турмуш меъмори, оила чароғбони.

Уйнинг файзи аёл билан.

Сепли аёлдан эпли аёл яхши.

Келган меҳмон аёл билан азиз.

Хотин бўлса билармон, оила ҳам фаровон.

Қизи бор ҳовли остонасидан билинади.

Аёлнинг матонати метин, малоҳати – ипак.

Аёл рўзгорнинг ҳам бошлиги, ҳам хизматкори.

Яхши хотин – бўронларда бошпана.

Ҳаётни тартибга солувчи – аёл.

Аёл – инсониятнинг онаси.

Дарҳаққиат, ҳар бир таъриф олам-олам маънога эга, исбот талаб қилмас ҳақиқатлар бўлиб, уларнинг аксарияти Мавлуда опада ҳам мужассам.

ЮРТНИНГ ЎЗ ПОЛВОНИ БЎЛСИН

Ҳар йили 9 май санасида Тошкент вилояти Паркент тумани марказида жойлашган «Кўшчинор» кураш аренасида белбогли кураш бўйича анъанавий турнир бўлиб ўтади.

Мусобаканинг ўзига хос томонларида бири шуки, ҳар йили кирк нафарга якин Паркентда яшаб, бугун орамизда бўлмаган полвонлар ёдланади, уларнинг оила аъзоларига пул мукофотларитопширилади. Бундан ташқари, фахрийлар сафига кўшилган паркентлик полвонлар кадрланиб, уларга ҳам ҳомийлар томонидан эъзоз кўрсатилади.

Бу эзгу амал бошқа худудларда ҳам тарғиб этилса, полвонларимиз янада кадрланса, ўйлаймизки, бу факат миллий спорт турларимиз ривожига хисса бўлиб кўшилади. Давлатимиз мустакилликка эришгач, турнирга бўлган қизикиш жуда ортди. Манаман деган Марказий Осиёнинг энг кучли белбогли кураш усталари Кўшчинорга келиб, спорт ишқибозлари олдида мухим имтиҳондан ўтишади. Ҳомийлар, туман ҳокимлиги эътибори туфайли мусобаканинг савияси ҳам йилдан-йилга ошиб борялти.

Кураш фидойиси раҳматли Жасур Эргашхўжаев ташкилий ишларга бош-кош бўлар эди. Қаранг ўтган полвонларни хотирлаш, саломатлигини йўқотган курашчилар ҳолидан хабар олиш, фахрийларни кадрлаш тадбири бошланди. Сухандон бирин кетин оламдан кўз юмган паркентлик полвонлар номини ўкий бошлади.

Акбар полвон, Дўсмат полвон, Абдухалил полвон, Хўжаяхмад Норматов, Умарали Курбоналиев, Гултўра, Зайнини, Саша лакабли Рискибой полвон, одамлар орасида Дўнди полвон дея танилган Тусинмурод, Ҳамлет полвон Йулдошев, Қўчкор полвон Исоков, Сайли, Мавжи, Улфат, Арслон полвон каби кирк нафарга якин оламдан ўтган паркентлик баҳодирлар эсга олинди.

Мирдавлат Примов, Қайнар полвон, Ҳолдор полвон, Аскар Ёкубхонов, Махам полвон каби бир неча бемор курашчилар, шунингдек, Бозорбой Умархўжаев. Мирмаҳмуд

Мирабдуллаев, Султон Бурхонов. Тоживой Махаматов сингари фахрийларга эҳтиром кўрсатилди.

Икрор бўлайлик, юртимизнинг ҳеч бир ерида белбоғли курашни паркентликларчалик севишмаса керак. Чунки «Спортнинг кураш тури – паркентликлар ғурури» деб бежизга айтишмайди-да.

Мусобақани бир нечайилдан бўёнбевосита Қўшчинордан кузатаман.

2011 йилги таассуротларим ва ҳар йилгидан-да жўш-кни ҳади.

Очилиш маросимида Паркент тумани ҳокими Акбарали Сулаймонов иштирокчиларни қутлар экан, жумладан, шундай деганди:

– Бугунги кунда авлод-аждодларимиз анъаналарини давом эттириб, юртимиз байрогини юкорига кўтариб келаётган Искандар, Нуриддин Махаматов, Хурсанали Умаров, Улубек Умаров, Шоҳнур Шомаликов, Аҳмад Нурматов каби чемпионларимиз билан фаҳранамиз. Яқинда мана шу кураш аренасида 1999-2000 йилда туғилган ўғил ва қиз болалар ўртасида ўтган Республика биринчилигига туманимиз ёш полвонларидан 16 нафари биринчи, 10 нафари иккинчи, 21 нафари эса учинчи ўринни эгаллади. Кўриниб турибдики, курашимиз келажаги ишончли кўлларда...

Хотира турнирининг натижаларига тўхталсак, 50 кг вазн тоифасида финалға Ҳамлет полвон Йўлдошевнинг икки набираси – Илгор Ҳамлетов ва Салим Шавкатов йўл олишиди. Баҳсада Салим Илғорга ён босди.

55 кг вазнда эса паркентлик Қўчкор полвоннинг набираси Санжар Қўчқоров тумандоши Шерали Алихўжаевни мағлуб этди.

Юкорида тилга олинган аждодлар анъанасини изчил давом эттириш айнан шу эмасми?

60 кг да мезбонларнинг яна бир вакили Суннатулла Козоқбоев Камол Турсуновдан устунлик қилди.

73 кг Тошкент шаҳри полвони Иқбол Исаев пойтахт вилояти жамоаси аъзоси Улугбек Умаровга ютказа туриб, сўнгги сонияларда ракибини ҳалол отиб урди.

81 кило вазнлилар финали мусобаканинг ҳақиқий безаги бўлди. Белбоғли кураш бўйича уч карра жаҳон чемпиони, наманганлик Рустам Умаров паркентлик Осиё чемпиони, ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги олтин медали соҳиби, катталар ўртасида кумуш медалга эришган Искандар Маҳаматовга рўбарў келди. Кучлилар беллашувида Искандар ракибини ҳалол ташлади.

Элидан дуо олиб гиламга чиқмокда алп,
Рақибин отиб урди, тўлқинланди минглаб қалб.
Полвоним, баракалла, доимо шундай йикит,
Сени эл, элингни-чи, дунё турсин олқишилаб...

90 кг вазн тоифаси финалида Паркентнинг яна бир фахри – мусобақанинг ўтган йилги мутлақ ғолиби Нуриддин Маҳаматов вилоятнинг яна бир донгдор полвони Элдор Муродалиевни мағлуб этди.

100 кг лилар баҳсида Паркентнинг Ҳисорак киплогидан Хурсанд полвон Рўзисев барча беллашувларни соғ ғалаба билан якунлаётган ёш курашчи Шоҳруҳ Қўчкоровга дарс бермокчи бўлди. Бироқ буни удалай олмади. Чунки ўша кунги мусобақа Шоҳруҳга аталганди.

100 кг ва ундан ортиқ вазнлилар орасида фаргоналик Дадажон Эргашев Тошкент вилояти вакили Аваз Турсуновдан устун келди.

Мутлақ ғолиблик учун 81, 90, 100 ва 100 дан ортиқ вазн тоифаларида бош совринга эришган курашчилар гиламга чиқди. Ярим финалда Искандар Маҳаматов Дадажон Тоғаевни, Шоҳруҳ Қўчкоров Нуриддин Маҳаматовнинг курагини ерга теккизди.

Демак, финал. «Қўшчинор»га игна ташласаңгиз, ерга тушибмайди. Бу гал тажриба ўз сўзини айтди. Искандар Маҳаматов Шоҳруҳ Қўчкоровни йикитиб, бош соврин – уч миллион сўм мукофотни қўлга киритди.

Таъкидлаш жоизки, мусобақа давомида тенг балл тўплаган курашчилар «ҳалқа» усулида ғолибни аниқлашди. Ав-

валдан мавжуд бўлиб, 2010 йилда қайта тикланган бу усул дунё сари бўйлаётган белбоғли курашимизнинг навбатдаги ютуги деб эътироф қилинмоқда.

2012 йилги «Хотира ва қадрлари куни» байрамида ўзмас спорт турниринг янга бир ажойиб мусобакаси тарих зарварақларидан жой олди.

Унда республиканинг барча вилоятларидан йигилган мөхир спортчилар гиламга чиккан бўлса, Венгрия, Туркменистан, Тожикистон, Иероил давлатларидан келган фахрий меҳмонлар уларнинг санъат асарига тенглаштираса бўладиган гўзал усулларидан баҳраманд бўлишди. Ҳа, рақибининг белидан маҳкам ушлаб, уни ердан кўтариб урадиган Алномишиносол баҳодир йигитлар тортимиизда кўп.

Ва ҳеч бир муболагасиз айтиш мумкинки, уларнинг ҳар бири Паркентдаги курашда ўз омадини синаб кўриш ва унда муваффақият козонинни орзу қиласди. Шу боисдан, ҳам ҳар сафар «Қўшчиюр» аренаси белбоғли кураш ишқибозларини ўз багрига сидира олмайди.

– Ҳар йили Паркентга келаман, – деди Фаргона вилоятилик мураббий Аҳмаджон Тўракулов. – Ушбу халкаро хотира турниридан бир йилга татигулик таассурот оламан. Шу куни мусобака ташкилотчилари Паркентда яшаб, шу элнинг шаънини ҳимоя килган фахрий полвонларга эҳтиром кўрсатади, оламдан ўтган курашчиларнинг оила аъзолари ҳам эътибордан четда колмайди.

Қаранг, мусобаканинг гўзаллигини. Бир кинорежиссер яхши ~~бир~~ фильм олишучунойлаб, йиллабтертўқади. Бугунги завқ-шавқни эса ўнта кино кўриб ҳам ололмасам керак. Чунки рақибини озот кўтариб йиқитаётган баҳодирнинг маҳоратини кузатишдан ортиқроқ завқ-шавқ борми кишига?

Паркентликлар курашни жон қадар севишади. Шу боисдан ҳам бу ердан белбоғли кураш бўйича кўплаб чемпионлар чиккан. Бугун республикамиизда Имом Маҳаматов, Акмал Ҳусниддинов, Акмал Азимов, Усмон Маҳаматов, Суниат Козоқбоев, Холдор Дадаматов сингари мураббийларни ва

уларнинг шоғирдларини билмайдиган спорт муҳлиси бўлмаса керак.

— Паркентдаги турнир 1985 йилдан буён ўтказиб келинмоқда, — дейди биз билан сұхбатда мусобақани ўтказиш ташкилий қўмитаси раис ўринбосари, Ўзбекистон белолиши кураши федерацияси вице-президенти Арслон Тожибоев. — Ўзим кўп йиллар шу туманда белбогли кураш бўйича мураббийлик килдим. Давлатимиз мустақилликка эришгач, белбогли курашга ҳам зътибор кучайди ва республикамизнинг барча вилоятларидан моҳир курашчилар камолга етмоқда. Хусусан, ушбу турнир орқали белбогли кураш спорт турига кизиқиши янада оширишини, терма жамоаларга етакчи спортчиларни саралаб олишни бош максад килганмиз.

Шунингдек, турнир арафасида тўрт кун давомида Халқаро белбогли кураш федерацияси ҳакамлар қўмитаси Раиси Петер Бен Розан бошчилигида халқаро ҳакамлар семинари ҳам ўтди.

Семинар якунида бир гурух мутахассисларимизга маҳсус сертификатлар топширилди.

Баҳсларни кузата туриб, Петер Бен Розан спортчиларимиз ва ишқибозлар ҳақида жуда илик фикрларни билдириди. «Қўшчинор»даги манзарадан ҳайратда эканини яшириб ўтиrmади.

Мусобака чогида Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоир ҳам ўз дил сўзларини изхор этиб, ҳаяжонларини шеърий мисралари или баён этди:

Боғбони бор элнинг юрти боғ бўлгай,
Полвони бор элнинг кўкси тоф бўлгай.
Ҳар йигит белида бир белбоғ бўлгай,
Яхшилар, юртнинг ўз полвони бўлсин!

Омин денг, йигитни Аллоҳ қўлласин,
Белбоги белида гулдек гулласин.

Боши эгилмасин миллат боласин.
Яхшилар, юртнинг ўз полвони бўлсин!

2013 йилнинг 9-май санаси. Бу галги мусобакага бўлган кизикиш олдингиларидан ошса ошдики, асло камаймади. Буни хамюртимиз, (хозир Украинада яшайди) юонон-рум кураши бўйича «Олимпия ўйинлари – 1972» чемпиони Рустам Казаковнинг фикрларидан ҳам англаса бўлади:

– Мен Узбекистонда ўсдим, шу ерда таҳсил олдим, спорт сирларини ўрганиб, Олимпиада чемпиони бўлдим. Бугунги мусобакани ҳам каттиқ хаяжон билан кузатяпман. Аввало, бундай спорт байрамини ташкил этишгани учун Паркент туман ҳокимлиги ва ҳомийларга ўз миннатдорчилигимни билдиримокчиман. Спортчилар чиройли ва тезкор усувлар кўллаб, томошибинларнинг олкишига сазовор бўлишяпти. Юксак ғалабаларга эришишда жуда кўп меҳнат килиш, бунга каттиқ интилиш зарур. Ёшларга Олимпиада чемпионлиги, жаҳон чемпионати ғолиби бўлишдек юкори марраларни тилайман.

Мусобакада дастлаб 45, 50, 55, 60, 66, 73, 81, 90, 100 ва юз килограмдан юкори вазни полвонлар гиламга чикиб, вазнлар аро кучлиларни саралашди.

Ҳусан Зоиров (45 кг), Шерзод Азимов (50 кг), Санжар Кўчқоров (55 кг), Суннат Қозоқбоев (60 кг), Элбек Сотволдиеv (66 кг), Баҳром Рихсибоев (73 кг), Зайлобиддин Ортиков (81 кг), Искандар Маҳаматов (90 кг), Нуриддин Маҳаматов (100 кг), Фолиб Аҳмедов (100 кг дан ортик) хотира турнирининг навбатдаги ғолибларига айланиши.

Шундан сўнг 81, 90, 100 ва 100 кг дан ортик вазн тоифаси чемпионлари мутлак ғолибликучун гиламга чишиди ва якунда Паркентнинг ғуурига айланган Маҳаматовлар финалда рўпара келишди. Бирок ҳакамлар ҳайъати бир сулоланинг ҳар иккала вакилини толиб деб зълон килишгани яна бир муҳим воқеалиkdir. Зоро, бизнинг юртда ўзаро хурмат, меҳр-окибат туйғулари ҳар кандай совриндан кимматрок туради.

– Ўзбекистонда белбоғли кураш спорт туриниң ривожлантириш, унинг оммавийлигини оширишда бу қаби турнирларнинг роли катта, – деди биз билан сұхбатда Ўзбекистон белбоғли кураш федерациясын президенти Равшан Дастиров. – Жорий йилдан бошлаб яхши аңызанан бошладик. Яны, белбоғли кураш бүйіча үтадыған мусобакаларга жағоң спортида үз үрнің аға бўлган машҳур спортчиларни таклиф этмоқдамиз. Паркентдаги турнирга келган Олимпиада чемпиони Рустам Казаков мамлакатимиздаги ўзгаришлардан қалби ифтихорга тұлғанини тақидалади. «Темурийлар тарихи» музейи, «Олимпия шоң-шұхрати музейі», «Бунёдкор» стадионини то-моша килар экан, ҳайратта тушганини яширмади.

Бу мусобака курашчиларимиз учун Қозон шахрида үтадыған Бутунжашоң 28-универсиада баҳсларига тайёргарлик вазифасини ҳам үтайди. Кискача айтганда, белбоғли кураш ўзининг асрий аңызаналарига эга. Турнирнинг ахамияти бу қадриятларни нафакат саклаб қолиш, балқи уларни ривожлантиришда бекиёсdir.

Дархакикат, мусобака давомида баковулнинг «Бу Паркентча кураш, полвон үз ракибининг оғеини ердан күтариб урмаса, йикитгани бескор!» деган ҳайкиригини құп бора әшитдик. Шунинг учун, полвонлар ҳам бор маҳоратини намойиш этишди...

Хулоса ўрнида, Паркент туман хокимлиги ва шу тұманда фаолият юритаётгаш бир гурұх мураббийлар ва тадбиркорларнинг миллий спорт туримиз ривожига күшәётгап хиссесини бошқаларга ҳам намуна бўлишига тилак билдирамиз...

ОЙСИФАТ

(Мехрибон аммажоним Ойсифат Арзиеева хотирасига)

I

Унинг неми гўзал – Ойсифат эди, унинг хусни гўзал, ой сифат эди. Йўқ. йўқ. ойдан гўзал, кун сифат эди. малакка ўхшарди, гул сифат эди.

Сочлари коп-кора, юзлари опшоқ, нур балқиб турарди юзидан шундок.

Унинг одоби-чи, ундағи одоб, ҳуснига ўн хусн қўшар. моҳитоб.

Кўп йигитлар унга ошик эдилар, бекарорлар ўндан ошик эдилар...

Дугоналар зидан ҳавас қиласарди, баъзиларин қалбин ҳасад тиласарди.

Кунлар ўтар эди шундай бир зайл, ошиқлар орзуси уммондек мўл-кўл.

Аммо юргурганмас, буюрганники. Ошиқлар армонда колдилар буткул.

Ойсифатхон тўлини ойдек тўлаверсин, бу ён унинг тақдири ҳал бўлаверсин...

II

Ойсифатнинг амакиси Қора бобо ўз акаси Абди бобонинг олдига келди. Акасига ҳурмат билан саломдан сўнг деди:

– Ака, бир сўз айтай, оғир олмангиз, қизингизни келин киляй розибўлсангиз. Ўглим Эшпўлатжон ҳарбий хизматдан, келди йигит бўлган абжир. навқирон. Биламан, совчилар босган уйингиз, бегона қилманг-да, рози бўлингиз...

Ака укасига «йўқ» деёлмади, ошик йигитларга ҳеч йўл колмади.

Эшпўлатжон бўлди Ойнинг эгаси, Ойсифатхон унинг уйин бекаси...

Яратганинг марҳамати-ла, бир йил ўтиб янгради алла.
Санжаржон деб исм қўйдилар. шукронага лиммо-лим диллар.
Кейин Аскар, туғилди Сардор, Мухлисахон, кенжатой Аҳ-
рор. Ойсифатхон – энди у она, беш болага бўлар парвона...

III

Дарҳакиқат, ўзбек аёлларининг болажонлигига қойил
колиш керак. Болага тўғри тарбия бериш, ҳар бирин бир
кўзда кўриш, элсевар, ҳалол ўстириш – оналарга энг олий
истак, ҳаётига мазмун шу, бешак.

Кетма-кет туғилган ўғиллар, бола-да, кўчадан келмайди,
юмушнинг бари онага, ота «рўзгор», дея ишлайди.

Ойсифатхон хамир қорар, ачиғунча, молга қарап. Сигир
согар, қўйни боқар, хуллас, тинмас онаизор.

Уй супурар, овқат килар, ҳовлиси мудом озода, кир
ювади, яна чевар, бека тикувга ҳам уста...

Санжари қўшни билан уришиб келди бир куни, бола-да.
юлишибди, қонабди юзи-ю бурни. Бошқа аёл бўлса бориб,
юмма талаш қилас эди, қўшни билан уришарди, аламини
олар эди.

Ойсифат бека эса жеркиб берди боласини, «Уришмайин
ўйнанглар», деб босди жанжал уясини...

IV

Йиллар ўтди, йигитлар ҳам ёвқур, азamat бўлдилар.
элнинг ҳавасин келтириб, жасур ҳамда мард бўлдилар.

Келин келди аввал Санжар, сўнгра уста Аскарига,
уйландилар Дилбар ҳамда Махфузадеган парига.

Ойсифатхон она эди, қайноналик насиб этди, юз меҳри
минг меҳр бўлиб, парвоналик насиб этди. У келинларга
гиргиттон, «сиз»лаш тушмайди тилидан, ёмонини кўрмас
кўзи, айланади ўнг-сўлидан.

Неварабалар сўраб ҳар тонг пок дуолар килас эди.
«фарзандларим бахтин бер» деб Яратгандан тилар эди.

Хажга кетар мўминларга бу тилакни айтар эди, ҳожилар хам Макка бориб, айтиб-айтиб, кайтар эди. Охлар етди Яратганга, бека бувига айланди, Эшишулатжон бобо бўлди, юрак кувончга тўлганди. Диличура-ю Умрзокжон ва Исломжон – неваралар, камолини берсин Худо, дилдан пок ниyat таралар...

V

Ойсифатнинг яна бир сифати – унинг хушфеъллиги, хуш тиллиги, хуш кўнгиллиги эди. У Чирокчи тумани “Қаҳрамон” кишлоғидаги жамики ёши улувларга сингил, ёши кичикларга опа эди. Кимнинг ютуғини кўрса, кувонарди, ташвишига ҳамдард бўларди. Шунинг учун ҳам ҳамма уни севарди. «Сұхбатида бўлсан, дардим енгиллашса» дей интиқ бўларди.

«Яхши гап – жон озиги» дегани шумикан ё?

Ойсифат бека – Ойсифат момога айланган бўлса-да, унинг ойдек чиройи асло тарқ этмаган эди. Хуш кўнгил аёлни барча фариштага ўхшатишарди. Айниқса, якинларининг тўй ва байрамларида кувончга шерик бўлиб, даврада оқ-кушдек гўзал раксга тушганда гўё давралар нурга тўлар, нурафшон-у чароғон бўларди. Кўрган кўзлар севинчдан порларди. Йўкса, сўнгги йилларда Ойсифатнинг оёғи оғриб турар, юрганда дам олиб-дам олиб юради. Якинларининг тўйида эса оғрикларни унутиб, шундай раксга тушардики, гўё Ўзбекистон халқ артисти Малика Аҳмедовани кўргандек бўларди киши...

У кайвони эди, тўйларининг бошида туриб, хеч кимни сарпо-сурупсиз колдирмасди. Мехр-окибати сарҳад ёки чегара билмасди...

Мен унинг жияни эканлигимдан фахрланаман. Ҳар сафар Тошкентга кетар чоғимда ўғилларидан ё қаймоқ, ё сариёғ бериб, «Тогангга етказинглар, болалари билан баҳам кўрсин», дей меҳрини илинарди.

VI

Унинг яна бир сифати – хаёт синовларига саботли эди. Ёмон кўргуликдан ҳам яхшилик изловчи сабр-каноатли эди.

Дарду ғам кўрганда ичига ютаверди, кўзёшлари дарё бўлса-да, артиб-артиб кетаверди. 2011 йилда меҳрибон онаси Мукаррам момодан, 2012 йилда эса азиз оғажони – Абдусаттор акадан айрилганда Ойсифат момонинг охидан тоғлар йиглади.

Гулдек, ойдек чехрасини алам, дарёдек кенг юрагини тоғлардек залворли чидам қаритди, гарчи кулиб юрса-да, диллардан қувончларни аритди...

Шуларнинг таъсирими ёки Яратганинг ҳукми шундай булдими, Ойсифат момо рўза учун сахарликни еб, тонгда бомдод намозин ўкиб, неварасин эркалай туриб, кулиб туриб, шодумон бўлиб, ёруғ дунё билан видолашди.

Шундай бўлди Рамазон Ҳайитга бир кун колганда. Ёмон бўлди, юраклар тўлди армonga.

Фотихали қизин тўйин кўрмади, Сардору Ахроржон зорзор йиглади. Эшитганлар бўлдилар караҳт, ташлаб кетган эди Ойсифат...

Ха, эллик ёшида элни йиғлатди, кўкда ою, юлдуз, кунни йиғлатди.

Яхисини ерга кўйиб, кайтиб келди эл. «Жуда яхши инсон эди», – айтиб келди эл.

Охирати обод бўлсин беканинг, пок рухлари ҳам шод бўлсин беканинг.

Бандамиз-да, кўнгаймиз, тақдирдагин кўргаймиз. Ширин тилли, уммои дилли, азиз она, гул қайнона, содик рафика, кўли гул бека, меҳрли момо, дардларга даво... Хуллас, сифатлари туганмас мъяво – Ойсифатдек ой бекалар кўп бўлишин Яратгандан сўргаймиз...

АМИРҚУЛ БОБО

Шундай инсонлар бўладики, улар килган, қилмаган ишларини ҳар жойда гапириб, ўзини жамият учун, эл-юрт учун кўп иш қилаётгандек кўрсатишни хуш кўришади. Аслида бундай одамлар ҳар нарсадан ўз маифаати йўлида фойдаланишни олий мақсад қиласдилар...

Бир одами биламаи. Давраларда қайси бир амалдор ҳакида гап кетса, удархол сўзни ўзига олиб, «Ҳа, уми, менинг жияним бўлади», «Фалон раисми, менинг шогирдим», «Бу мансабдаги аёл хотинимнинг дугонаси», «Мазкур ташкилот раҳбари хотинимнинг амакисининг қишлоқдоши», дея ҳар бир амалдорни ўзига якин олади.

Албатта, ҳар биримиз Одам Ато ва Момо Ҳавводан тарқа-гаимиз. Барчамизнинг илдизимиз қаердадир туташган, бир-биримизга бегона эмасмиз. Аммо ҳар икки гапнинг бирида ўзини казо-казолар билан қариндошлигини пеш қиласвериш яхшими?

Ўша мен таниган одамнинг чўнтағидан турли ташкилотларга тегишли бўлган, ҳакконийлиги шубҳали бўлган ҳужжатларни чикариб, ишини битиришга уриниш хислати ҳам йўқ эмас. Унинг сўzlари ёлгонлиги ҳамсуҳбатига ҳам билиниб турар, ҳафсаласини пир қиласди.

Зеро, отам Ўрол бобо Абдиев ёзганидек,

Билгин, ёлгончининг иши юрмайди,
Дўсти юз ўгирап, эл-юрт суймайди.
Отам айтар эди: «Ёлғон гапирган
Нонга ёлчимайди, корни тўймайди».

Рост экан, ганидан кўнгил тўлмайди,
Улар шайтон бўлар, жиним суймайди.
Айтган қайси гапи ростдир, ким билсин,
Лек қисмати: бири икки бўлмайди.

Аслида юртпарвар инсон қандай бўлади?

Шу ўринда. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 1941 – 1945 йилларда фашистларга қарши ва 1945 – 1947 йилларда Совет-Япония урушида катта жасорат кўрсатгани учун йигирмадан ортиқ орден ҳамда медаллар билан тақдирлашган капитан Амирқул Омоновни ҳакиқий Ватан ўғлонларига мисол килиб кўрсатиш мумкин.

1919 йил 9 май санасида Қашқадарё вилояти Яккабог тумани Тўқбой кишлогида оддий дехқон оиласида дунега келгап қаҳрамонимиз олти ойлигида ота-онадан ажралиб. сағир колди.

Ўрта мактабда етти йил таҳсил олди. Эътибор килинг, етти йил. Кейинроқ буни яна ёдга оламиз.

1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилди. Украинанинг Харьков, Львов шаҳарларидағи ҳарбий билим юртида таҳсил олиш билан бирга йигитлик бурчини ҳам ўттай бошлади.

1941 йилнинг 22 июнь санаси саҳар чоги кутимагандага немислар собик Иттифоқ замини узра ҳужумга ўтишди. Еру кўкни ларзага солиб портлаган бомбалар минглаб-миллийонлаб инсонлар ёстигини куритди.

Душман ёпирилиб келарди. Шундай оловли кунларда Амирқул Омонов ўкиётган зобитлар тайёрлаш билим юрти талабалари – ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган навқирон йигитлар ҳам кон кечиб, фронтга кирди.

Амирқул ота Киев остонасида каттиқ яраланди. Ҳушидан кетди. Кўзини очса, «политёрка» автомашинада кетишияпти. Ҳамма ёғи қон. Боши зиркираб оғрирди. Йўлда душман ярадорлар оргилган уловни ҳам ўкка тутди. Баллони ёрилган машинада ит азобда Нижний Новгород шаҳрига етиб олдилар. Шифокорларнинг айтишича, бошига «осколка» тегиб, контузияга учраганди. Ярадорлар Уралск шаҳрига, госпиталга жўнатилди.

Амирқул бобо госпиталда даволаниб чиққач Смоленск шаҳрини. Россиянинг бир қанча шаҳар ва кишлокларини озод қилишда қатнашди. 42-гвардия таркибида, разведкачи бўлган Омонов урушнинг энг оловли нуктасида, рус ва немис артиллерияси ўртасида, ўқлар ёмгири остида хизмат

килди. У взвод командири эди. Зийрак ва мард Амиркул бир қашча немис зобитларини асир олди. Днепр ва Оршо дарёларини кечиб ўтиб, Чехословакиянинг (хозирги Чехия) пойтахти Прага шаҳрини озод килишда матонат кўрсатди.

1945 йилнинг 2 май санасида Берлинда ғалаба байробги кадалди. Аммо немисларнинг бир кисми Карпат тогига чекинишга улгурганди.

Айнан Амиркул Омонов хизмат қиласиган 42-гвардиячи танк кўшини томонидан 9 май куни немислар батамом тормор килинди. Жасорат юксак мукофотлар билан тақдирланди.

Берлинга ғалаба байробгини кадаган Омонов собик совет Иттифоки ва Япония чегарасида бўлган тўқнашувларда ҳам иштирок этди. Бу ерда ҳам чегарачиларга рота командири бўлиб, масъулиятли вазифани елкасига олди.

Каҳрамонимиз иродали ва иштидувчали инсон эди. У урушдан кейин Камаши тумани машина-трактор паркида директор бўлиб иш бошлади. Олий партия мактабида таҳсил олиб, вилоят ижроқўмида ташкилий бўлим мудири сифатида ҳам фаолият юритди. Шундан сўнг то умрининг охиригача Чиррокчи тумани марказидаги ўрга умумтаълим мактабларида ёшларга таълим-тарбия берди.

Болалигига бор-йўғи етти йил таҳсил олган, бундан ортиғига имкони ва шароити бўлмаган Амиркул Омонов ҳайёт мактабида ўқиди.

Давлат ва жамоат ишларида бой тажрибаси ва етакчилик кобилияти билан барчага ўришак бўлди. Уч ўғил ва икки кизни ўзидек солих ва меҳнатсевар килиб вояга етказди. Фарзандларидан Берди Омонов пахта заводи ишчиси, Ботир Омонов тадбиркор, курувчи, Ахрори эса темирйўлчи сифатида жамоа орасида ўз ўрнинг эга бўлди.

Собик Иттифок даврида Иккинчи жаҳон урушида эршилган ғалаба муносабати билан Амиркул бобони тез-тез Москвага тақлиф этишарди. Фронтдош дўстлар уруш бўлган шаҳарларни зиёрат килишар, ёшларга тинчликнинг нақадар бебаҳо пеъмат эканинини хикоя килиб беришарди.

Мамлакатимиз мустакилликка эришгач, Ўртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларни эъзозлаш ҳамда қадрлаш юксак даражага кўтарилиди. 9 май санаси – Хотира ва қадрлаш куни, деб эълон килинди...

Амиркул бобо ҳам касрга бормасин, урушнинг конли ва аччик хотираларидан сўзлаб берар. йишиларни Ватанини севишга, тинчликнинг, обод кунларнинг қадрига стишга чақиришдан чарчамасди.

Амиркул Омонов 2005 йилда фашизм устидан козонилган галабанинг 60 йиллиги арафасида, 2 май санасида хаётдан кўз юмди.

Эътибор килсангиз, қаҳрамонимиз ҳаётида эл-юрт учун яшаш чизгилари яққол намоён бўлади. Ҳар ишида абадиятга дахлдорлик кўринади. Зоро, юртнинг Амиркул бободек чин ўғлонлари ҳеч качон ўлмайдилар.

ОДАМНИНГ БҮРИСИ

Академик, Г.В.Плеханов номидаги Россия Иккисодиёт университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ректори Қаландархон Абдураҳмонов мард инсонларни бўрига киёслаб, шундай деганди: «Бўри ҳеч қачон ҳеч кимга буйсунмайди. Ёки цирқла бўрининг ўйин кўрсатганини кўрганмисиз? Гарчи шер хайвонлар шохи бўлса-да, пиликдек гўшт учун ҳар хил мақомга йўргалайди.

Бўри жуда зийрак жонивор. Унга заҳар берсангиз емайли, кўлга ўргатсангиз ҳам ўрганмайди. Ҳаётда бўридек мард бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди».

Дарҳақиқат, бўридай инсонлар қапчалик кўп бўлса, ҳаёти-миздаги майда икир-чикирлар, гийбату, фиску фасодлар камайган, кишилар бир-бирининг ютуғидан кувониб, дарду ала-мидан изгироб чеккан бўлишарди.

Қашқадарёнинг чап соҳилидаги сўлим Қаҳрамон кишилогида яшаган Жовли бобо Қораев ҳам 57 йиллик киска умри давомида одамларниң бўриси бўлди.

Кўйида у ҳакицаги хотираларни ўқисангиз, нега уни бўрига киёслаганимий я амин бўласиз.

– Жовли ака киска ва мазмунли умри давомида эл учун жуда кўп хайрли ишлар килди. У улдабурон инсон эди. – дея хотирлайди отам Ўрол бобо Абдиев. – 1972 йил Каршида педагогика билим юртини имтиёзли диплом билан тутатиб, бир оз муддат мактабда бошланғич синф ўкувчиларига дарс берди. Ҳарбий хизмат вакти бўлгач, Германиянинг Дрезден шаҳрида йигитлик бурчини аъло даражада ўтаб, хизматдан кейин «катта лейтенант» унвонини олишга мушарраф бўлди.

Хизматдан кейин яна мактабга ишга, ёшларга билим беришга, уларни она Ватангга муҳаббат руҳида тарбиялашга киришиб кетди. Бир неча йил давомида ўзининг талабчанлиги, улдубуронлиги, ҳар хил тадбирларда ташкилотчилиги ҳамда кайвонилиги билан мактаб ва эл-юрт орасида хурмат козонди. Бир неча йил мактабда «военруқ» (Чакириккача ёшларни тайёрлаш раҳбари) бўлиб ишлади ва

ёшларин Армия сафига тайёрлашда жонбозлик кўрсатди. Бу ишда унга ўзининг ажойиб спортчилиги, армия сафида ўрганинглари кўл келди.

Мактабга келадиган, кишида лой, ёзда чанг конладиган йўлга хашар йўли билан тош тўктириди. Таълим масканига хар хил спорт ва хўжалик жихозларининг олиб келинишида жонбозлик кўрсатди.

Жовли ака давр тақозосига кўра, умрининг сўнгги 15 йилини Чирокчи туман электр тармоклари корхонасида турли вазифаларда фаолият кўрсатди.

Идорада уни «иккинчи раис бобо» дейишарди. Чунки у хар кандай ечилмаган муаммони осонлик билан ҳал килар. ишхонада ва ҳамкаслари орасида катта обрўга эга эди. Бир неча ёшларга устозлик килиб, уларнинг ишга жойлашиб, турли касб эгалари бўлиб фаолият кўрсатишида ёрдам килди.

У кишининг ўз баҳт формуласи бор эди: Ундан «Энг баҳтли инсон ким?», деб сўраганимизда, шундай жавоб берганди:

– Биринчидан, соғлом киши. Иккинчидан – оқила умр йўлдоши бор киши. Учинчидан, ишга кетишида «Яхши бориб келинг, дада» деб кузатиб кўювчи ва ишдан келганида югуриб карши оладиган фарзандлари бор киши.

Тўргинчидан, ёмон кунингда ҳамдард бўладиган, муваффақиятларидан қувонадиган дўстлари бор киши. Бешинчидан, Қўлидан келганча элу-юртга ёрдами тегиб, элда ўз ўрнини топган кишиларини энг баҳтли инсонлар, деб хисоблайман.

Ха, юкорида санаб ўтилган фазилатларнинг ҳаммаси унда мужассам эди. Оқила турмуш ўртоғи, уч нафар ўғли ва кизи бор баҳтиёр оила бошлиги эди. Турли вазифаларда ишлайдиган, кадр-кимматини ҳар нарсадан устун кўядиган кадрдан дўстлари кўп эди. Мехмондўст, сахий, дастурхони очик, битта нон топса, дўстлар билан баҳам кўрадиган инсон эди.

«Битмайдиган иш йўқ, факат раҳбарларга тўғри ёндошиб, тўғри тушунтирилса, олам гулистон», дер эди раҳматли. Кутимаган автоҳалокат ажойиб инсон, Жовли ака Қораевни бевақт орамиздан олиб кетди. Унинг хали орзулари кўп эди. Қишлоғин газлаштириш, оралиқ йўлларни асфалтлаштириш режалари амалга ошимай қолди. Ана шу ва шу каби муаммолар элга армон бўлиб қолди.

«От ўринин той босар» деганилариdek, фарзандлари ҳам қобил бўлиб ўсимди. Кичик ўғли Алишержон отаси ишлаган электр тармоқлари корхонасида падари бузруквори ишини давом эттирмокда. Охиратигиз обод, руҳингиз шод бўлсин, Жовли ака!

Жовли Қораев ҳақида қизи Барнохоннинг ҳикоясидан:

– Отам ҳақида ўйласам, қалбим фахр-ифтихорга, шу билан бирга юрагимнинг туб-тубига ботиб кетган армонларга тўлади. Шундай инсоннинг фарзанди эканимдан ғуур ҳам тўлдиради кўксимни.

Бу дунёда оталар, оналар кўп. Лекин менинг отам оталарнинг энг аълоси, акаларнинг энг меҳрибони, ога-иниларига оғайниларнинг энг яхшиси, дегим келади. Отамнинг босиб ўтган йўлларини, килган, қила олмаган ишларининг ўндан бирини, балки ундан-да озини биларман. Аммо отам ҳақида одамлардан эшитганларим кўп.

1996 йилда қишлоғимизда оғир кун бўлди. Ёшгина одам катта ток кучланиши остида аламдан ўтди. Олти нафар ўғил-қиз отасиз қолди. Болаларнинг тўнғичи ҳам балоғат ёшига етмаган эди. Қийин аҳволда қолган оиласга отам ёрдамга ошикди. Қанча овора-сарсонгарчиликлардан сўнг фарзандларининг ҳаммасига 18 ёшга тўлгунича нафака тўланадиган бўлди.

Буни халқилишучун отам раҳматли вилоят марказигабир неча бор бориб келди. ҳайрятки, ҳаракатлари зое кетмади... Балки бу ишлар кимлар учун оддий ва осон туюлар, бирок бизнинг қишлоқ шароитида шу оддий ишни ҳам бажара олмайдиганлар ёки бажаришни истамайдиганлар жуда кўп.

Шаҳло янганинг ҳикояси ҳам ҳеч ёдимдан чиқмайди.

“Кагта қизим жуда оғир бетоб бўлиб қолди. Олиб бормаган жойимиз ҳам, чўитакда пулимиз ҳам қолмади. Шунда узок бир кишлокда яхши табиб борлигини эшитдик. Кўнглимида илинж, умид уйғонди. Отангизга илтимос қилиб, шу табибга олиб боришини сўрадик. У киши машинасида бизни қайта-қайта табибнига олиб бориши натижасида қизимиз шифо тонди. Аста-секин ўнгланди. Охирги кунги муолажадан қайтар эканмиз, турмуш ўртогум Жовли акадан «Сизга қанча хизмат ҳақи берайлик», дея сўради.

Шунда отангиз, «Менга мана шу қизинг улгайиб, унга тўй келганида, тўйида сарпо берасан. Ҳудо хоҳласа», дея жилмайиб, берган пулимизни олмади.

Мен отангиздан жуда миннатдорман. «Насиб бўлса, тўйда сарпонинг зўрини кийдираман», деб ният қилиб юрардим. Афсус, шундай яхши одам қизимизнинг тўйигача етиб келолмади», – кўзлари ёшланди Шаҳло янганинг.

Отам йигирма беш йил машина ҳайдади. Йўлида ким учраса, ҳожатини чикарди. Лекин кира қилиб, пул олмади. Эрталаб ишга жўнаши олдидан одамлар автобус кутгандай уйимиз олдига тўпланиб олишарди. Туман марказида ишлайдиган ҳамкишлокларим отамнинг уловига мингашиб кетишарди. Биз эса машинамизга ачиниб. «Ота, одамларни ёмон ўргатгансиз. Сизга нима зарил. Оёғининг лойи билан ҳаммаси кириб олишади. Ҳозиргина машинани ювган бўлсак», дея эътиroz билдиrsак, отам раҳматли, «Эй, болам, машина бир темир бўлса, одам ғанимат. Одамларга хизмат килмаса бу темирнинг менга нима кераги бор», дерди.

Ҳакикатан ҳам, отам жуда тўғри гапирган экан. Отам олтин одам эди. Машинаси қолди, аммо отам ғанимат экан, кетди.

Кетгунича жуда шошиб яшади. Ором нима, чарчоқ нима билмади.

Ҳар куни «бугун нима килишга улгурдим, нималарни килолмадим», деганча сархисоб киларди. Ҳеч кимнинг тў-

йини, яхши кунларини, таъзия ва тадбирларини унутмас, доимо бош-кош булиб турарди.

Эсимни танибманки, бирор марта ҳам туғилган кунимда отамишинг табрикламаганини эслолмайман. Дугоналарим эса бунга хайратланишарди. «Барно, сенинг отангнинг эсидан чикмаганига койилмиз. Бизнинг отамиз эса ҳатто кайси куни таваллуд топганимизни билмайди ҳам», дерди дугоналаримнинг ҳам ҳаваси, ҳам ҳасади келиб.

Отам кичкина бола билан ҳам фикрлашарди. Яъни, ўзининг гайтганини килдирадиган кишилар хилидан эмасди.

Отамиз ҳакида билганилар «Жовли Корасев душманининг олдига борса, дўст булиб кайтади» дегувчи эди. Чунки падарим ҳатто душманига ҳам дўстона муносабатда бўларди. «Нега ундай киласиз?» десак. «Сув берганга сут бер кизим», дерди босиқлик билан.

Умбар тогам Афғонистонда хизмат килган булиб, у ердан оғир яраланиб кайтди. Шифокорлар тогамизни Москвада жарроҳлик амалиётидан ўтказиш лозимлигини айтишди. Ана шунда отам ҳамроҳлик килганди. Москвага кетар чогида бир жомадон лимон олиб, отам раҳматли шундай деганди: «Бу бизнинг Россиядаги ётиб-туринимиз, еб-ичишимизга етади. Шу ёкка олиб бориб, сотаман». Ҳа, ана шундай тадбиркор, самимий инсон эдилар меҳрибон отам...

Рафиқаси Анбар момонинг ҳикоясидан:

— У киши уйда кам бўларди. Сизга дам олиш куни йўқми? — десам, кулиб кўярдилар. Болаларимиз Барно, Зокир, Зебо, Зоҳид, Алишер, Сабоҳат, барчаси шахматни яхши ўйнарди. Улар Абдукамол Эргашев мураббийлигида вилоят чемпионатида кўп бор совринли ўринларни эгаллашди. Отаси каерда мусобака бўлса, болаларининг катнашишига шароит яратиб берарди.

Бугун Барно кизимнинг ўғиллари Сарвар, Жавоҳир ва Жаҳонгир шахмат бўйича Қашқадарё вилоятида кўзга кўришиб колишид. 2012 йилда болалар спортини ривожлантириш жамгармаси вилоят бўлими ўтказган мусобакада наварам Баҳромов Жаҳонгир биринчи, Сарвар ва Жавоҳир

эса иккинчи ўринин эгаллади. Шу күнларни бобоси кўргандарми? Терисига сигмай қувониб кетарди.

“Кўнгли очиқнинг йўли очик” дейиншганидек, кайси ишга кўл урмасин, ўнгидан келарди. Кўнглида кири йўқ, бир ишни амалга оширишда чўчимайдиган, таваккалчи эди. Ўта соғлом эди. Агар автоҳалокат бўлмаганида бобоигиз юзга киради...

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Ҳар иисонда бор ҳикмат

Қашқадарё вилоятида яшаса-да, ҳали бирор марта Қашқадарёни кўрмаган ёки унинг сувларида чўмилмаган воҳадошларим кўп.

Лекин ушбу дарё айнан бизнинг Қаҳрамон қишлоғимиз худудидан оқиб ўтгани учун маҳаллий аҳоли бу дарёning ҳамма сир-синоатларини билишади, чўмилишади, кирғокларида мол-кўй боқишади.

Қишлоғимизнинг кок ўртасида бир булок қайнаб чиқадики, бутун қишлоқ ахолиси унинг сувидан баҳраманд. Деярли ҳар бир ховлида ер қаъридан сув тортиб чиқарилса да, бу сув булокнидек тотли эмас. Шунинг учун аҳоли булодан сувни ташиб ичади...

Эшитишимизча, шўролар даврида ҳеч қандай электр токисиз ўзи қайнаб чиқадиган булогимиз сувини кўрган рус миллатига мансуб кишилар «У вода!», дея хайратини яшира олишмаган экан. Шу боис, қишлоғимизнинг эски номини «Увада» ҳам дейишишади. Қишида иссиқ, ёзда муздек бўладиган булок сувини турли жойлардан келиб олиб кетадиганлар кўп. Кун давомида ҳатто қўшни туманлардан. Яккабоғ, Шахрисабз ва Китоб музофотларидан ҳам айнан сувга келган инсонларни кўп учратасиз.

Дарвоҷе, шахмат бўйича бир неча бор Ўзбекистон чемпиони бўлган Сарвиноз Эргашева ҳам шу қишлоқдан.

Хуллас, мен туғилиб ўсан Қаҳрамон қишлоғида бошқаларга ибрат қилиб кўрсатса бўладиган инсонлар кам эмас. Куйида улардан баъзиларига кисқача тўхталиб ўтамиз.

Оққан дарё оқаверади

Уста Марка бобо Янгибоев фидойи инсонлардан бири. Яратувчан табиатли бўлгани. уста-дурадгорлиги сабаб баҳтни меҳнатда деб билади.

Уста бобо узок йиллар қишлоқ болаларини «хатна» қилиди, устачилик қилиб, уй ёпди. Сартарошлиқ касби туфайли қишиларни озодаликка бошлади.

Асаларичилик хўжалиги ташкил этиб, «Асалчи бобо» номиниголди. Ҳозир ҳам ёши саксонга борган бўлса-да, буванинг тиниб ўтирганини кўрмайсиз. Дехкончилик илмини чуқур билгани учун у кишини қишда иссиқхонадан, бошқа фаслларда даласидан топасиз.

– Ҳалиям Худойим кечқурунни чиқарган экан. Ноилож тунда дам оламан. Онам раҳматли юз ёшга яқинлашиб, оламдан ўтган бўлса-да, умрининг сўнгги дамларига қадар бекор ўтирганини кўрмадим. Ҳеч бўлмаса, бирор нарсани тикиб ўтиради муштипарим. Кексайса-да, кўзи равшан эди онамнинг. Тиниб-тинчимаслиги учун ҳам онам узок умр кўрди, – дея ҳикоя қиласидан уста бобо.

Шу ота тарбиясини олган фарзандлар ҳам ризкини меҳнат орқали топмоқда. Ўғиллари Саъдулла, Ғайбулла, Дилмурод, Чори, Файзулла. Дўстмурод, Дилшод, кизлари Дилоромхон ва Лолахон – барчасининг қўли гул. Ҳунармандлик, эплилиқ уларни ҳар қандай қийин шароитдан осон олиб чиқади.

Набиралар ҳам оиласи анъянага содик. Инок-иттифоклиги бир давлат бўлса, ҳалол-покиза ризқи яна бир давлатдир.

Мунаввар диллар

Бутун эл Бойбўта бобо Мухаммадисвни моҳир сувчи, пахта етиштиришнинг пири, деб эслайди.

Бу хокисор инсон собик шўролар даврида динимизга бўлган тазиикларга қарамай, беш вақт намозни ва рўзани канда қилмади.

Фарзандлари ҳам иймон-эътиқодли, ҳақикаттўй, яхшиларга қайишадиган, ёмонлардан йирок юрадиган инсонлар бўлиб вояга етди. Үнгбой, Боймурод, Ҳусан Мухаммадисев, уч ўғил, ҳар бири турли касбу корни қилишса-да, одамийлиги, оқибатлиги бир бўлди.

Одамийлик, оқибатлиликнинг нақадар кенг маънода ке-
лишини изоҳлашнинг хожати йўқ. Беморлар холидан хабар
олиш, кўшиносининг, ҳамкишлогининг яхши-ёмои кунида
слекадош бўлиш, фарзандларига тўғри тарбия бериб, уларни
элга кўшиш...

Хусусан, Үнгбойяка Сарварва Мустафоисемли ўғилларини
пойтахтда ўқитиб, жамиятимизга нафи тегадиган инсонлар
килиб тарбиялади. Боймурод ака эса рафикаси Мухаббат
опа билан ҳовлисида эккан дехкончилик маҳсулотларини
бозорга чиқариб сотиб, сарпо-суруп тайёрлади. Ҳалол
мехнат билан бир йилда тўрт нафар кизини турмушга
берди. Бу ҳазилакам гап эмас...

Небахтки, истиқлол йилларида Бойбўта бобонинг янабир
армони ушалди. Ўзи ҳаж амалларини бажара олмаган бўлса-
да, 2010 йилда кубви, катта кизи Хурсанд опанинг турмуш
ўртоғи мулла Абдураҳмон Кодиров ҳаж зиёратини адо этиб,
хожи бўлди. Шунингдек, иквараси Сарвар Мухаммадиев
Ўзбекистон мусулмонлар идораси вакили сифатида 2011.
2012 йилларда муборак ҳаж сафарига боришга муваффак
бўлди. 27 ёшли Сарварбек Саудия Арабистонида Ислом
фарзларини адо этиб, Сарварҳожи бўлди...

Бойбўта бобонинг кенжада ўғли Хусан ака ҳакида эса кўп
гапириш мумкин. У ҳакда кишлок шифокори Мустафо
Эргашев шундай хикоя килади:

– Қасбим такозосига кўра, кўплаб bemorlarning уйига
бораман, уларни муолажа киламан. Хусусан, кекса онасига
муолажа килиш учун Хусан аканикига ҳам ора-сира бориб
турманан. Менга маълум бўлгани шуки, умрининг сўнгги
йилларида Бойбўта бобонинг кўзи ожизланиб колганди.
Хусан ака отасига қараиш билан бирга ҳар куни ўзиникига
кўшиб, отаси учун ҳам беш вақт намоз ўқиркан. Буни менга
муолажа чоғида онаси Мусаллам момо айтиб берганди...

Хаёт имтиҳони

Жонтемир ака ва Очил опаларнинг хонадонида павбатдаги киз фарзанд дунёга келди. Матлуба, Феруза, Дилафрӯз, кейингисининг исемини павбатдаги фарзанд ўғил бўлиши учун ният килиб, ўғилой кўйиншиди. Орадан икки йил ўтиб, опанинг яна «бошикоронги» бўлди. У пайтлар хозиргидек ултра товуш текширувларидан ўтиш қаёқда, дейсиз. То туғрукхонага бориб, кўзи ёригуича боласининг ўғил ёхуд киз бўлишини билмай, интишиб кутишарди. Нихоят, янги фарзанд дунёга келди. Дояга умид кўзи билан боккан она кўрка-писа сўради:

– Ўғилми, кизми, опажон?

– Кизалок, ширингина, мунчоқдеккина киз кўрдингиз, айланай. – доя оғзидан боли томиб янги меҳмонни таърифларди, кош-кўзлари коп-кора, сочи ҳам...

Бирок унинг бу гаплари Очил опанинг кулогига кирмасди...

Эру хотин не-не умидлар билан янги меҳмон кутишар, аммо уларнинг барчаси киз туғиларди. Шундай килиб, уларнинг кизлари саккизтага етди.

– Хафа бўлма, кизим, кизини бергаш ўғилни ҳам беради, – далда берди кизига Мусаллам момо.

– Барчаси Худонинг иши. Яратгашнинг иродасига карши фикрларга борма. Тангрининг ўзи меҳрибон. Ўзи бандаларини пок орзу-ҳавасларига етказади, -кизини койигандек бўлиб, унинг кўнглини кўтарди отаси, чин иймонли Бойбўта бобо.

Турмуш ўртоги Жонтемир ака эса бирор марта ҳам хотинининг ўғил туғмаётганини юзига солмас, аксинча бир-биридан ширин кизларини эркалашдан чарчамасди...

Инсон умидлари билан тирик. Очил опа павбатдаги фарзандига ҳомиладор бўлганида, «Бу аёлга нима зарил экан бунча ўзини кийнаб, барибир ўғил туғмайди-ку», деган фикрларни ҳам оркаваротдан эшилди.

Ой-куни яқинлашган сайин дили ҳаяжонга тўларди. Нихоят, кутилган кун келди. Кўзи ёриди. Худонинг кудрати-

ши қарангки. Яратган Эгам унга бу сафар ўғил фарзанд ато этганди. яна бир эмас, иккита. Уларнинг исмини асрий қадриятларимизга биноан Ҳасан-Ҳусан деб қўйишди.

Кўз тегмасин, эгизаклар киши ҳавасини келтирадиган йигитлар бўлиб вояга етишмоқда.

...Нурулла бобо ва Ҳосият момо ҳам Чирокчи туманинг зинг намунали оила бошликларидан. Худо бу жуфтликка ҳам бир-биридан оқила, бир-биридан гўзал саккиз нафар қизни фарзанду аржуманд ётди. Назокат, Гулиора, Сайёра, Нигора, Насиба, Феруза, Ўгилой, Улжон, Башорат... Лекин гарчи ўғил фарзандли бўлишмаса-да, эру хотин бирор марта ҳам «сенмен»га боришмади.

Нурулла маҳсум турли соҳаларда ҳалол ишлаган бўлса, Ҳосият опа Сатторова ўқитувчилик қилиб, эл болаларига рус тили фанидан сабоқ берди. Чукур билими, ўзига хос даре ўтиш услуби билан ўкувчиларнинг юрагидан жой олди.

Бугунги кунда бу оила фарзандларининг барчаси уйлижойли бўлиб, ота-она юзини ёруғ қиласидан дилбандларга, бир хонадонни нурга тўлдираётган солиҳа бекаларга айланишган.

Маҳсум буванинг бешинчи кизи Насибахон, қўли енгил ҳамилира, доимо беморлардан ўзининг қалб қўрини, иссик меҳрини аямайдиган тиббиёт ходимаси диёнатли турмуш ўртоғи Қиличбек ва фарзандлари билан бугун ота-онаси хизматида. Файзли хонадон янада файзга тўлгандек...

Аён бўлган ҳакиқат шуки. Нурулла бобо Лутфуллаевнинг ўғил фарзанди бўлмаса-да, асло баҳтидан кемтиги йўқ.

Афсуски, киз тугмаётган хотинини уриб, у билан ажрашишгача бораётган, ўз пуштикамаридан бўлган дилбандларини тирик етим қилаётган замондошларимиз ҳам кўплаб топилади. Мен уларни шошма-шошарлик қиласликка, аксинча юқоридаги оиласалардан ибрат олишга чақирган бўлар эдим...

Ойдин истак

Чирокчи тумани Қаҳрамон қишлоғида Жўраевлар сулоласи бор. Пиру бадавлат Жўра бобо Имомовнинг ўғилкизлари кўп бўлган. Тўра бобо. Жовли бобо (раҳматли). Равшан бобо (раҳматли). Тифли бобо. Тухли ака деган ўғилларининг ҳар бири бугун йирик шаҳараға айланган. Кизлари Зарбуви, Норбуви, Холбуви опалар бугун этак-этак невараларнинг севимли момосига айланган.

Жўра бобонинг фарзандларида ўзига хослик кузатилади. Отасидан мерос бўлган меҳнатсеварлик, катъиятлилик, фарзандларварлик улардаги умумий хислатларга мисол бўлади.

Сўзимизга муҳтасар изоҳ берсақ. Тифли бобо кўп йиллар хўжалиқдаги алоқа бўлимида ишилади. Турмуш ўртоғи Зумрад момо билан беш киз ва икки ўғилни вояга етказишган. Фарзандлари Озода. Наргиза. Башорат, Салтанат, Зафар, Зоир. Севара, барчаси уйим-жойим дейдиган, солиҳ ва солиҳа инсонлар бўлиб етишди.

Тақдир мени уларга куёв килди. Куёви бўлганим учун эмас, холис фикримни айтсан, Тифли бобо ва Зумрад момодаги болалари учун қайгуришининг ўзи бир жаҳон бўлса, болаларининг болаларини. яъни невараларини ардоклашиб яна бир жаҳон дир. Қачон қараманг, бува-момо бир этак неваралари билан бирга бўлади. Биринни тиззасида олиб ўтиrsa, иккинчи кўли билан бешикдаги бошқа неварасини тेbrатаётган бўлади.

Кексаларнинг айтишича, инсоннинг ёши кексайган сари, танасини турли bemорликлар безовта килиб турар. табиати тинчликни, осудаликни талаб килиб қоларкан. Бирок Тифли бобо ва Зумрад момога невараларининг шовқин-сурони бўлмаса, улар зерикиб колишади. Кўз тегмасин, момомиз бувамизни, бувамиз эса момомизни бенихоя ҳурмат қиласи, ардоклайди.

Уларнинг таърифити қуйидаги шеърий мисралар билан келтиришни лозим топдик:

«Данагидан мағзи ширин»,
Неварапар унга байрам.

Тифли бобо фарзандларин,
Хеч бирордан қиямади кам.

Момомиз ҳам чин болажон,
Барчамиз гамимиз сиди.
Үзин ўйламас хеч қачон.
Доим «болаларим», дейди...

Тухли домла Жўраев ҳакида гапирганда, ўз касбини жондан севувчи, хаёт қийинчиликларига бардошли инсон кўз олдимда гавдаланади.

Ўттиз йилдан ошдики, у кўз нури, калб кўрини кетказиб. қишлоғимиздаги 13-ўрта мактабда ўғил-қизларга сабоқ бериб келяпти.

Аҳамиятли томони, домланинг фарзандлари ҳам илм йўлини танлашиди. Обиджон, Зоҳиджон ва Лайлохон – педагоглик машакқатини ўзларига ҳузур деб билган Ватапнимизнинг ёш мутахассисларидир.

Оддий қишлоқ ўқитувчининг бир вактнинг ўзида уч нафар фарзандини олий ўқув юртида, яна пойтахти азимда ўқитганининг ўзи жасорат эмасми?!

Обиджоннинг турмуш ўртоғи Санобархон ҳам Низомий номидаги педагогика университетининг бакалавриат ва магистратура йўналишларини тамомлаб, айни пайтда илмий иш устида изланишда.

Холбуви ола ёса ўзбекнинг мўмина оналарига тимсол бўлгуликсифатларга эга. Кўли ширии новвой. Ўзи каби окила тўқкиз кизни окила ва пазанда, меҳнатсевар ҳамда эпли килиб вояга етказди. Тўқкиз киздан кейин тугилган ўғилга турмуш ўртоғи Тангриберди aka билан маслаҳатлашиб. Иброҳим деб исм кўйишди. Тангриберди aka ҳам бирорга ёмонлик қилмаган. оғир-босик ва болажон инсон...

Серфарзанд, болажон миллатмиз. Шундай экан, тилагимиз – ҳар бир сулоланинг болалари ота-бобоси кимлингини унутмасин, эргашса ҳам факат аждодларининг яхши амалларига эргашсин. Юртимиздаги ҳар бир оила ҳакида факат ибратли хикоялар айтилсин!

Барчинойнинг момоси

Чирокчи тумани Салим Жўраев хўжалиги Халқобод қишлоғида Курбонсулув момо Раҳимова исемли онахон яшайди. Отаси Иккинчи жаҳон урушига кетиб, беш йил деганда қайтиб келди. Лекин даҳшатли урушнинг жароҳатлари таъсирида бир йилдан сўнг оламдан ўтди. Орадан кўп ўтмай Курбонсулувнинг онаси ҳам бокий дунёга риҳлат килди. Укаси Қаюм ва опаси Мусаллам билан етим қолган Курбонсулув не-не кунларни кўрмади.

Ҳалиям хаётда яхши инсонлар бор экан. Мусаллам ва Қаюмни тоғаси ўз қарамогига олган бўлса, Курбонсулув Абди бобо ва Мукаррам момо хонадонида ўёди. Шу ердан турмушга чикди.

Турмушга чиккач, бирин-кетин фарзандлар кўрди. Ўғилларидан Баҳриддин Ёрматов полвон бўлиб етишди. Кўп йиллар давраларнинг кўрки бўлди. Бундан онанинг кўзи севинч ёшига тўлди.

Бугун Баҳриддин ака мураббий, 2012 йилнинг декабр ойида шогирди Гўзал Раҳмонова миллий кураш бўйича Хиндистонда ўтган Осиё чемпионатида 52 кг вазн тоифада олтини медалга эришди. Ватанимиз байроғини баланд кўтарган чемпион киз оддий оиласда, чекка бир кишлоқда туғилган...

Момо достонларда ўқигани, эшигтгани Алномиш ва Барчинойга ҳавасманд эди. Ният қилиб, бир неварасига Алномиш, яна бошқасига Барчиной деб исм кўйди.

Бугун Барчинойи, Исомиддин ва Нилюфархонларнинг дилбанди, кураш тўгарагига катнамоқда. Ажабмас, яхши курашчи бўлиб етишса...

Доруломон кунларга етган онахон невараларига ўтмиши хакида гапириб берар экан. ҳозиргидек шарт-шароитлардан унумли фойдаланишга чақиради. Одобли, фаросатли бўлишга ундайди. Неваралари камолидан қувиаб. Яратганга шукроналар ўқийди.

Ёши саксонга яқинлашса-да, ўғиллариникига, яқинлариникига тез-тез бориб тургувчи оқибатли, тиниб-тинчимас

онахон ўзининг меҳри билан борган хонадонини нурга тўлдиради.

Кариндошларидан кайси бирининг бемор бўлганини эшитса, вакт тоғиб, ундан кўнгил сўрашни одат килганига койил бўламиз. Бу момонинг нафакат, кариндоши, балки оддий қишлоқдошига ҳам зарур паллада бир оғиз ширин сўзи, хушмуомаласи билан руҳий қувват берга олишига барча ҳайрат билан карайди. Ҳаётнинг аччик-чучугини тотган, болаларига, невараю чеварабаларига ҳам меҳнатсевар, улдабурон, ҳалол булишни уктираётган онахон доим бир гапни кайтаради:

Яратган эгамнинг марҳамати кенг. Қанча оғир кунларни кўрмадим. Аммо сабр билан яхшиларга эргашдим ва кам бўлмадим. Сиз ҳам ноумид бўлманг. Окибатни унутманг, отаонага меҳрли бўлинг, илло йўлишгиз очик ва ёруг бўлади".

Ўзлик

Бир ошиам бор. Ҳазилни ёқтиради.

Одати шуки, ҳадди сиккан кишига ҳазиллашиб, уни хотинининг фамилияси билан чакиради. «Қандай Фалончиев?» Унинг бу ҳазилидан баъзилар жилмайиб кўйса, баъзи жиддийрок йигитларнинг жаҳли чиқиб, терс гапиради, иккинчи бундай чакирмасликни сўрайди.

Рост, киз турмушга чиқса, эрининг фамилиясини олиши мумкин. Бу ҳаётда кўп учрайди. Аммо эркакни унинг хотинининг фамилияси билан чакириш яхши эмас. Чунки бу бир қарашда «хотини томонга оғиб кетди, хотин томоннинг фамилиясини олди», деган холосани беради кишига. Балки, хотинкули, деганидир бу. Барибир яхши эмас-да.

Шунинг учун ошиамга бу ҳазили жоиз эмаслигини айтиб. «Бу одатингни ташла, тагин бировларни ранжитиб кўйма», дея маслаҳат бердим.

Аммо куйидаги воеа мени жиддий ўйлантирди:

Таксида кетаётгандик. Ҳайдовчи ва тўрт нафар йўловчи. Одагдагидек. Йўловчилар хол-аҳвол сўрашиб, таниша кетишди.

– Сизинки каердан, йигит? – сўради ёши каттарок киши 25-26 ёшлардаги йигитга.

– Туман марказида тураман.

– Кимларданеиз? Отанизни ким дейди?

– Мен Фалончи Фалончиевичининг күёви бўламан.

Йигит кайнотаси хакида тўлиб-тошиб сўзлай кетди. Унинг хозирги ишлари, кайногаларининг иш жойлари, минадиган машиналари, амали, мансаби... Хуллас, кўп ва хўп сўзлади. Анча жойгача тўхтамай гапирди.

Во ажаб, ундан, отаси ва ўзининг насл-насаби хакида сўралганди-ку...

Хуллас, йигит кайнотасининг бойлиги ва обрў-эътиборидан шунчалик ғууррга тўлардики, гўё ўз отасининг, падари бузрукворининг ўзи смай сидиргани, киймай кийдиргани, кийналиб-кийналиб ўқитганини, уйлантиргани, элга кўшганини ёдидан чикарганди. Бундайлар нафснинг кулими, хотинкулими, пул ва бойликнинг кулими? Билмадим. Хуносани ўзингиз чикарасиз...

Шу ўринда...

Шу ўринда, бугунги кунда жуда кудратли кучга айланган, меҳнат илиа топилиб, бели юзта-юзтадан бойланган, сандикларга, копчикларга тахлам-тахлам жойланган пул хакида ҳам икки оғиз сўз.

Инсонга ҳашаматли уй-жойлар қуришга, башанг кийиниб, бошини баланд кўтариб қуришга, ўйнаб-кулиб, давру даврон суришга, гирромдан келса, «кэтта энасини қўришга» хисса кўшадиган восита ҳам шу пул деганлари бўлади... Ёки сўзим нотўғрими?

Ҳашам учун пул даркор.

Башанг учун пул даркор.

Ҳашам, башанг-ку, майли.

Яшаш учун пул даркор.

Пул йўкки, мол хашаксиз,
Тахмон кўрпа-тўшаксиз.
Тўрттага қўшилолмай,
Хижолат ошар шаксиз.

Пул билан яшнайди чўл,
Лек уни топмок мушкул.
Шунинг-чун хунар ўрган.
Қўли гулнинг пули мўл.

Пул бу меҳнат дегани,
Пок пул давлат дегани.
Ҳаром, гирромдан келса,
Ташвиш, кулфат дегани.

Пулу мансабга қараб,
Куёв ва келин танлаб.
Бахт излайди баъзилар,
Бахтсиз килмагин, Ё Раб!

Пулдор келин пулдор-да.
Характери қулдор-да.
Ишни қойил қилмаса,
Жанжал ҳар кун тайёр-да!

Улдабурон бўл, дейман.
Пулни пулга ур дейман.
Сарфла, сакла, ишла, топ,
«Пулга бўлма қул», дейман.

Меҳр бериб, меҳр кўриш

Бир куни йўлда боласини меҳр билан эмизаётган бир совлиққа кўзим тушди. Боласи онаси елинини никтаб-никтаб, туртиб-туртиб эмар, аммо кўй барчасига чидаб, боласини меҳр билан ялаб қўярди. Кўзилагандан буён у

ўзини боласига шунчалик баҳинида этганидан озиб-тўзиб кетганди.

Шу аснода йўлдан бир аёл ҳам ўтиб қолди. У телефонда гаплашиб кетар, баланд овозда сўзлашидан овози атрофга ёйилиб эшитиларди. Менимча, у кайнонасига телефон қилаётганди: «Неварангизга ўзингиз «малютка» пишириб берарсиз, мен сартарошга боряпман. Тушдан кейин «гапжимиз борлигини биласиз-ку»...

Демак, у ҳам она... У боласига қарашибдан кўра, пардоз-андоз қилиб, дугоналари даврасига борниши афзал биладиган она. «Қоматим бузилиб кетади», деб боласини эмизини тўхтатиб қўйган, ҳатто ярим йил ҳам эмизмайдиган аёллар тоифасига бир оддий мисол.

Кўй ва одамии ўхшатиш бир оз ноўрину, аммо шу пайтда қуйидаги сатрларни қораладим:

Кўзичоқни кўрдим кўй билан турган,
Эй сатанг, меҳрини сен қўйдан ўрган.
Боласин эмизар бўлар, парвона.
Сенинг эса сангиб юрганинг юрган.

Болангни эмизиш сенинг учун ор.
Сунъий сут берасан такрор ва такрор.
Боланг-ку, бир нави одам ҳам бўлар.
Лекин сенга меҳри бўлини душвор.

Она ва бола ўртасидаги меҳр айнан она сути оркали фарзанднинг вужудига сингишини қарияларимиздан кўп бор эшитганман.

Ўзим гувоҳи бўлган яна бир воқеани хикоя қилиб берсамда, холосани ўзингиз чиқарсангиз...

...Бир онахон таҳририятимизга («Ишонч» газетасига – муаллиф) хат ёзиб, ўглининг ҳаракатларидан норозилик билдирибди: «Кенжеса ўғлимга ўй олиб берганимиз. Аммо у отаси дунёдан ўтганидан кейин қалбаки васиятнома ташёрлаб, уйни ўз номига ўтказиб олди. Ўшбу уйни менинг номига ўтказишга амалий ёрдам беришингизни сўрайман».

Бордим, онахон билан учрашдим. Эридан ажрашган кишининг икки фарзанди билан туаркан момо. Ўғли хакида полиб-полиб гапирди.

Афесуки, ўғлита писбатан оналик меҳр, хайрилохлик кўрмадим унда. Шунчалик меҳри совуганики, ўзи туғиб, вояга етказган, уйли-жойли килган, набиралар кўрган жигарбандига эмас, судга, участка нозирига, таҳририятга илинж кўзин тикади она. «Бир-икки марта суд бўлиб ўтди. Ҳовлиниг ярмини менга, ярмини ўғлимга бўлиб беришмокчи. Уч сотих ердаги каталакдай ҳовлиниг нимасини бўламиз», деди менга умид кўзларни тикиб онахон.

Ўғлига учрашдим. Бир неча йилдан бери онаси, акаукалари, она-сингиллари билан «гаплашмас»лигини шундай бефарқлик билан айтдикни, меҳр риштаси, афесуланиш деган тушунчадан зарра кўринмади ган оҳангода.

У онаси хакида шундай совук сўзларни сўзладики, бу гапларни ёзишга камам уялса, эшитган қулоклар мулзам тортади. «Ахир онағизиз-ку, нима киласиз ёши саксоидан ошган момони кийнаб, судма-суд еарсон килиб. Беринг ўша уй керак бўлса, уйнингиз бор экан-ку», дедим ўша фарзандга.

— Ҳеч качон. Ўлсам, уламанки, уйни бермайман. Уй менга васият килинган. Агар шундай ёзверса, бориб, кўчага ҳайдаб чикараман. — деди ўғил тутокиб кетиб.

Бу ёқда онаизор васиятиноманинг экспертизадан ўтказиб, калбакилигини тасдиқлатиш ҳаракатида.

Ё Раб, кани она-бала ўргасидаги меҳр-окибат? Кани ўғилнинг ори, кани уининг онасидан узаётган карзи? Ахир, доиницмандларимиз ота-онани фарзанддан, оиласини бошқа аъзоларидан устун кўйиш кераклиги хакида ёзишган-ку.

Юкоридаги вожабирачник мисол. Орамизда гайтоннинг, нағсаннинг ёки бетавфик хотинининг гапига кириб, ота-онасиининг юзига ёёқ босаётган, оға-инилари билан юзқўрмас бўлиб кетаётган одамлар, афесуки, йўқ эмас.

Акаларим ўгити

Кўп йиллар ички ишлар соҳасида меҳнат килган акам (отамнинг укаси) Тўрамурод Арзиев ота-онани қадрлаш, зъозозлаш ҳакида шундай дейди:

– Ҳарбий хизматдалик пайтимда меҳрибон отам оламдан кўз юмди. Афсуски, падаримнинг хизматини килиш, беморликларига малҳам бўлиш насиб этмади. Бу менга армон бўлди.

Шу ўринда укаларимга, сингилларимга шундай дегим келади: «Биз ота-онамиз учун нима килдик? Улар бизни бир парча гўшт кўринишидан комил инсон килиб тарбиялашди, ўзи смай едиреди, киймай кийдирди. Ўзимизни боккани етмагандай, уч-турғта боламизга бօғчалик килиб, уларнинг таглигини кирк марта алмаштириб, караганда дам олиш ўрнига энагалик килаётганига нима дейсиз? Кўзимизни очайлик, ота-оналар ғанимат. Улар кунни кайтарзда ўтказишяпти? Карилик гаштини қандай суришяпти? Афсуски, аксарият хонадонларда момо-буваларимиз кун бўйи этак-этак неварааларга «богча опа» вазифасини бажариб, чарчаган асаблари баттар толикиб, фарзандлари огирини ёнгил килмоқдалар. Биз эса бунга кўнишиб колдик ва ота-онамизни кийнаб қўяётганимизни сезмаяпмиз ҳам.

Кўзимизни очайлик. Ота-онамизни томошаларга олиб чикиб, зиёратгоҳларга айлантириб, хаёт ташвишларидан бир оз бўлса-да, чалғитайлик. Ахир, улар факат бола бокиши, невара-чеварапарнинг таглигини тозалаш учун дунёга келишмаган-ку?!»

... Бир неча йилдан бўён Чирокчи туман ёнгин хавфсизлиги бўлимида ишлаб келаётган акам Суюнбой Арзиев шундай ҳикоя килади:

– Бир куни хўжаликларнинг биридан кўнгирик килиб, ёнгин содир бўлганини хабар беришди. Зудлик билан етиб бордик. Уй ёнган экан. Ўгни ўчиридик. Ана шунда уйнинг томидаги чумчук уясига кўзимиз тушди. У ерда она чумчук полапонларини канотлари остига олганча жизғанак бўлиб

куйиб ётарди. Ёнгил пайтида у ҳеч қаёққа учиб кетмай, болаларини шу тариқа ҳимоя қилғанди. Җумчукунинг болаларига бўлган муҳаббати бизни ҳайратга солди...

Беминнат нон

Дам олиш куни эди. Эрталабдан ҳовлидаги ишларни килдим. Юмуш йигилиб қолган экан, то тушки соат 14:00 гача тиним билмадик.

Тушликка чиқдик. Қорним ҳам роса очган экан, рафикам ёпган иссиққина нонни сувга ботириб-ботириб ёдим. Овқат сузуб келувди, бир коса овкатни ҳам пақкос туширдим. Қорним тўйиб, ажойиб пеъматларни учун Яратганга шукронга айтиб, чойдан ҳўплар эканман, хаёлимдан «Беминнат ноним» деган сўз ўтди. Рост. бу сўзни кўп бора эшитган бўлсам-да, жиддий эътибор бермаган эканман. Шу куни илк бор beminnat nonning kimaligini хис килдим. Шу чоғда рафикамга ҳазил аралаш шундай дегандим:

— Қара, beminnat nonni. Қанча еса-да, хижолат бўлмайсан, киши. Бу менинг, сенинг, бизнинг beminnat nonimiz. Худога шукр, рўзгоринг бор, бола-чаканг бор. Шу холингда ҳаттоқи боқиб кагта қилган ота-онангникига борсанг ҳам ўз уйингдагидек эркин бўлолмаслигинг мумкин. Улар ҳеч качон берган нонини миннат килишмайди. Бу рост. Бирок бирорнинг иссиқ-иссиқ патирлари ҳам ўз уйингдаги котган нондек тотимли бўлмайди. Сўзим нотўғри бўлса, уч нафар боланг билан бориб ол, кани. Неча кунгача уйни согинмай яшар экансан?

Ахилликниң онаси меҳр.ми?

Ўсмирлик йилларимда сураткашлиқ қилғанман. Суратга туширгани узоқ қишлоқларга боришга ҳам тўгри келган.

Чироқчи тумани Дашибўронжўз қишлоғига борганимда ўша ерлик маҳаллий ахолининг меҳмондўстлигига қойил қолганман. Қишлоқни айланиб, туширган расмларни тарқа-

тар эканман, йўл-йўлакай янги-янги мижозлар чиқиб, мендан суратга туширишни сўрашарди. Агар вакт тушликка якинлашиб колган бўлса, кўярда-кўймай дастурхонга таклиф этишар, танимасалар-да, меҳмон қилишарди.

Баъзан ишларим кўпайиб, қишлоқда икки-уч кунлаб қолиб кетишга тўғри келарди. Бундай паллада уйидан тушашга жой берувчилар ҳам кўплаб топиларди.

Мен бу ердан Улуғбек деган тенгқурим билан дўст тутиндим. Бахтиёр бобо Ҳамроев хонадонида, яъни дўстимнинг оиласида олти ўғил, бир киз бўлиб, ягона киз Замира она турмушга чиқиб кетганди. Оилада киз йўклиги учун кўпинча шу уйда тунаб қолардим. Улуғбек, унинг укалари, ота-онаси ҳам борганимдан оғринмасди. Аксинча ҳар гал онаси очиқ чехра билан кутиб олар, «Чарчаб келгансиз, кириб дам олинг», дея дастурхон ёзишга уннаб кетарди.

Мени ҳайрон қолдирган нарса, ҳар сафар дастурхонга тандирдан янги узилган иссиқ нон қўйиларди. Баъзи бир шаҳарда яшовчи муштариyllар учун шуни эслатиб ўтишим жоизки, қишлоқларда тайёр нон сотиб олиш урф эмас. Онажонларимиз ҳафтада бир-икки бор тандирга ўт қалаб, 15-20 талаб нон ёпиб олишади. Энди савол туғилади: «Улуғбекнинг онаси ҳар куни нон ёпадими ёки мен айнан иссиқ нон ёпиладиган кун уларнига борган бўламанми?».

Хуллас, Улуғбек дўстим билан яқинлигимиз, онасининг меҳрибонлиги натижасида унинг ака ва укалари билан ҳам дўст, оға-ини тутиниб кетдик.

Ортда қолган йиллар давомида Улуғбек ва унинг ака-укалари Музaffer, Отабек, Низом, Бехзод уйланишди, ҳар бири алоҳида уйли-жойли бўлишди. Кенжа Жалолиддин касб-ҳунар колледжида ўқияпти. Бу қишлоқда ака-укаларнинг аҳиллигига барчанинг ҳаваси келади. Ҷунки ўғиллар ҳар хил ишда ишлашса-да, олган маошларининг катта кисмини ўртага ташлашади. Рўзгорлар бозорлиги салмоқли-салмоқли килиниб, уйларга тақсимланади. Йигилган маблағ қурилиш-бунёдкорлик ишларига (ахир ҳар

бир оила учун уй, ошхона, оғил, сомонхона деган нарсалар керак), автомобил олишга ва ҳоказо эҳтиёжлар учун ишлатилади. Демак, ҳар кандай катта режа килинмасин, ўғилларнииг тутувлигидан муаммо осон очим топади. Ўғиллар узок сафарга чикишса ҳам бола-чакаси ахволини ўйлаб, безовта бўлмайди. Кўнгиллар тинч бўлади.

Оlam олсии андоза

(Янги йил кечасида)

Бугун ҳар ёнда байрам, бутун эл-улус хуррам. Алмашар экан йиллар, ажиб жунбушда диллар. Ёшимизга ёш кўшиб, тиляклар жўшиб-жўшиб, янги йил ҳам келмоқда, муazzам, азиз лаҳза...

Эски йил, умрим они, қувончим ва армоним... Гоҳида хуш, гоҳ ноҳуш, гоҳи сароб, гоҳи туш. Ҳаёт ўзи синовдир, имтиҳон беаёвдир. Синалганилар яшайди, ўниб-ўсиб яшнайди. Шукур, тинч-тотув элим, равнакка элтар йўлим...

Иктиносий инкиroz, дунёда бор, бизда оз. Мехнатсевар ҳалқ бугун, ризки бут, нони бутун.

Янги йил, хуш келибсан, сен хушкадам келинсан.

Безатиб арчаларни, шод этиб барчаларни. Корбобо-Коркиз чорлаб, бошда баҳт тожи порлаб, сени шодон кутамиз, курсанд, хушхон кутамиз...

Дема: «Бахши нима дер, чўнг мақсади нимадир?»

Максадбири, бир муддао. Ниятлар бўлди дарё. Бахшилардай бўзлайин, байрамнома сўзлайнин.

Яхши йил бўлсин дея, янги йилга мадхия. Озгишо созгина ва содда бирозгина. Элга эш эзгу дуо. мақсад шу. Шу – муддао. Тўлиб-тошар тилагим, юртдош, баҳтииг тиладим...

Хушкадам Янги йилим – баҳту омад келтирсин. Баҳтиёр ўзбек элим янада баҳтли бўлсин. Равнақ топсии давлатим, гуркирасин, гулласин. Эркесвар, ҳур миллатим, ошсин обрў-шухрати...

Қалби пок, қордай тоза, Аллоҳ севган миллатмиз, олам олсии андоза, оиласи деган миллатмиз.

Оила, махалла, күргөн махкам бўлсин. жипс бўлсин,
олтин кўл. тоза иймон элдошларим кўп бўлсин!

Тарихий лаҳзаларни кутар жамики диллар.
Қаранг, кутланг, каршиланг, алмашар экан йиллар.
Бутун Коинотимиз аерасин Кодир Аллоҳ.
Бошласин ўзи йўлга. тўғри бўлсин кўнгиллар.

Арчаларни безатиб, қувнасангиз қувнайман,
Жамики хижилликни юрагимдан қувгайман,
Кўйинг шўх-шўх мусика, асл куйлардан кўйинг,
Хиром айланг шодумон, бугун байрам, ўйнайман.

Янги йилда ҳикмат кўп, унда орзу бисёрдир.
Ушалади умидлар, мустаҳкам ишонч бордир.
Юртимдаги тараккий, ободлик бунга сабаб,
Ватан шону шухрати сабаб дил баҳтиёрдир.

Янги йил, келавергин бир-бирингни тўлдириб,
Яхшиликни кўп килиб, ёмонликни ўлдириб.
Айтадилар, дунёни куткаради гўзаллик.
Кел, бугундек гўзал дам ва онларни мўл килиб!



Менинг азиз оиласы

Яқинларым ижодидан намуналар



*Бир иш чиңса елкадош бүлиш -
Абдиевлар оиласыга хос.
Элү юрт дея юракдан күнүш -
Бош тарбия, ҳаётга асас.*



МЕН АЗИЗ ОИЛАДА ТУГИЛДИМ

Бир иш чикса елқадош бўлиш
Абдиевлар оиласига хос.
Элу юрт деб юракдан куйиш –
Бош тарбия, ҳайтга асос!

Мен азиз оилада туғилдим,
Сув ичдим бобомнинг меҳридан.
Ердамас, тиззада ўтирдим,
Аллоҳга шукронга айтаман!

Чавандоз бобомни ҳурматлаб,
Эл-улус ёд этар, хурсандман.
Мен Абди бобога набира,
Ва Ўрол бобога фарзандман!

Момомдир – дунёда энг буюк,
Меҳрибон, меҳнаткаш, энг суюк.
Кўлга она бўлган, дуогўй,
Кўнглида заррача кири йўк!

Мулла бобом сўзи хикматдир,
Эшигланлар баҳра олади.
Яна ёзар хикоя ва шеър,
Нияти бор, китоб килади!

Отам бор, бебаҳо донишманд,
Қойилман, олдиндан билади.
Айтганин килмай ман гоҳида,
Барибир айтгани бўлади!

Чарчамас дунёнинг ишидан,
Энамнинг кичкина жуссаси.

Тұрт қизи, уч нафар ўғлидан
Кам змас Ватанга хиссаси!

Абдусаттор акам, меҳрибон акам,
Фаришта мисоли беозор акам.
Тилидан ёмон сўз чиқмади ҳеч ҳам,
Билимдон, сахий ва хокисор акам.

«Қандайсан, ота?», деб сўрар эдингиз,
Болаларим ўпиб қўяр эдингиз.
Китобимни кўриб бермоқчи бўлиб,
Кўргунча улгурмай ташлаб кетдингиз...

Жиянлари учун «ўлиб қолади»
Тўй қилсак, уйида кутамиз меҳмон.
Тангемдек дардманднинг дардин олади,
Дилором аммамдир, дардларга дармон!

Ойсифат аммамдир – қўли гул чевар,
Полвон ўгилларин бутун эл севар.
Уларга қойилмиз, уларга таъзим,
Биз учун катта тоғ, суюнчик ular!

Отам дард чекканда бўлдингиз ҳамдам.
Тиллосиз, йўқ ўзга таърифга сўзим.
Тўрамурод акам, мард, жасур акам,
Сизга бошим ерга теккунча таъзим!

Полвон акам бордир – Суюнбой акам,
Қаттиқўл, бир ишни чала қўймайди.
«Пожарний»нинг фахри, курашда ҳакам,
Яна ош пиширас, еб эл тўймайди!

Янгаларим бордир – Нодира, Лола,
Ғузорлик янгам ҳам қўли гул бека.

Бириси тикувчи, бири домилла,
Барчаси эл аро обрўга эга!

Нилуфар, Фазилат, Хуршида доим
Онласин бахти деб тиним билмайди.
Мадина – кенжатой, эрка, гулойим.
Тикиш-бичишларли кўрдим демайди!

Қаҳрамон – ўз оти билан қаҳрамон,
Акаларга ғамхўр, ҳурмати чексиз.
Аброр полвон ҳарбий, ақлли инсон,
Ёмон одатини топа олмайсиз!

Уйимнинг бекаси Салтанатбою,
Ҳозир уч ўғилнинг чин меҳрибони.
Фарзандларим омон камолга етсин,
Бўлсин Ватанимнинг шарафи, шони!

Поччаларим, менга акадай азиз,
Мехр-ла қучогин очиб кўришар.
Яхши кунимизда қувониб чексиз.
Чопон ёпсанг арзир, хизмат килишар!

Яна келинлар бор, куёвлар ҳам бор.
Жиянлар туғилар шириндан-ширин!
Аллоҳдан сўрайман такрор ва такрор:
Асра азизларим, асра ҳар бирин!

«Машъал» га кўй...

Эй юртдошим, радиони,
«Машъал»га кўй, «Машъал»га кўй.
Гар севсанг мумтоз навони,
«Машъал»га кўй, «Машъал»га кўй!

Ражабийнинг ушшоғини,
Муножотнинг чоргоҳини.
Бобо Машраб дил оҳини,
Тинглай десанг, «Машъал»га кўй!

Тили ширин сухандонни,
Шерали-ю Ғуломжонни,
Ҳосилаю Зулайҳони.
Тинглай десанг «Машъал»га кўй!

Дилнууранинг Ферузини,
Ўткир Ҳошим дил сўзини.
Замира Суюн кизини,
Тинглай десанг «Машъал»га кўй!

Ҳожихону Орифхонни,
Маъмуржону Комилжонни.
Мухриддин-у Охунжонни,
Эслай десанг «Машъал»га кўй!

Юртинг оби ҳавосини,
Мир Алишер навосини.
Юз дарднинг минг давосини,
Билай десанг «Машъал»га кўй!

Дунё спорт ҳабарларин,
Термамизнинг зафарларин,

Хоразмнинг лапарларин,
Тинглай десанг «Машъал»га кўй!

Зафар қучган юртдошнингни,
Якининг синфдошингни,
Куролдошинг, сафдошингни,
Кутлай десанг, «Машъал»га кўй!

Таваккал дучовасини,
Огажон суворасини,
Мунгли танбур павосини,
Тинглай десанг, «Машъал»га кўй!

Қўшикнинг фаркини билсанг,
Хофизларни ҳурмат килсанг,
Юртин севган ўзбек бўлсанг,
«Машъал»га кўй, «Машъал»га кўй!

«Машъал»да йўқдир ёмонлик,
Таърифи бўлур достонлик.
Юртга тинчлик, соғ-омонлик,
Тилай десанг «Машъал»га кўй!

Умр ташвишлари

Үн олтидан ўтиб үн етти ёшга,
Үттиз ҳам ўтади, қирқ келар бошга.
Дил изхор қилмасдан бир қорақошга,
Умр ўтиб қўйди, билмай колибман.

Дилдаги юмушнинг ярмин қилолмай,
Қалдан севганингнинг кўнглин ололмай.
Дўстим, душманимни тўлиқ билолмай,
Умр ўтиб қўйди, билмай колибман.

Гул деб ушлаганинг хазон бўлди-ку,
Ғам ила ташвишлар арzon бўлди-ку.
Ганимат онамнинг кўнглин ололмай,
Умр ўтиб қўйди, армон бўлди-ку.

Олтмишни кўп ёш дер баъзи бировлар,
Оёқ-кўл қалтирап, белда санчик бор.
Ҳатто қошимга ҳам қўнди қировлар,
Умр ўтиб қўйди, билмай колибман.

Йўқ, менинг кўп нарса билганим ёлғон,
Дунёда кўп нарса кўрганим ёлғон.
Ҳали олтмини ёшга кирганим ёлғон,
Олтмиш ёш бўлибди, билмай колибман.

Ҳали кўрганимдан кўрмаганим кўп,
Мени жазолама, бешафқат хаёт.
Ҳали минг бир ойлик тўйлар қилай, хўп,
Ёлғиз Аллоҳимдан тилайин нажот.

Дўстлар, шу тўйимда хизмат киласиз,
Юзга кирганингиз билмай қоласиз.

Телефондаги сұхбат

Дилшода ва Азимжон,
Аброржон фарзандидир.
Кичик қызча Нафосат,
Қаҳрамон дилбандидир.

Дилшодадан сүрайман:
«Қандай уканғ Азимжон?
Сени күп урмайдими,
Йигламайми ҳар замон?»

– Азимингиз одаммас.
Күп йиғлайди, құнмайди.
Кунига үн марталаб
Күрпачасин ҳұллайди.

Овқат берса, емайди,
Үйинчокқа карамас.
Опалигим билмайди.
Тирнаб олди ярамас.

Нафосат-чи, Нафосат,
Йигламайми, бобожон?
Овқат берса, ейдими.
Тили чиққанми бийрон?

– Нафосатни сұрасапт,
Азимжондан фарқи бор.
Күгірчогин урмайди,
Боши тұла акли бор.

Гапиринар ўзича,
Кулиб турад, йиғламас.
Билмам, кимга ўхшаган,
Күрпачасин ҳұлламас.

— Нафосатми. Нафосат,
Акни мендан олган.
Хеч кимга билдириласдан,
Үзимга ўхшаб қолган.

Борганды унга атаб.
Атиргуллар тераман.
Күгирчоқ совға килиб.
Олма чайнаб бераман.

Дадам чиқса таътилга,
Олма пишса борамиз.
Баҳонада укам билан,
Ярашиб ҳам оламиз.

Борсам. Нафосатни мен.
Үйнатаман. сұяман.
Көшига гажак килиб.
Үсма күйіб құяман.

Хайр, бобо, әртага.
Яна ракам тераман.
Ойим, дадам койиса,
Сизге айтиб бераман.

— Хайр, кизим, Диңгиз.
Яхши ухла, яхши ёт.
Йиглатма. Азимжонни.
Дадаңларга салом айт!

Кизлар хазили

Синфдошларнинг 42 йиллик учрашувида бирга ўқиган кизларимиз «Ўрол бобо, биз ҳакимизда ҳам шеър ўқиб беринг», деб кўйишмади. Ана шунда синфдош дўстларимга аталган куйидаги мисралар туғилди.

– Ҳой, бобойлар, тингланг сўзим, кўзни тийинг.
Кўп сукланиб қарайверманг, париларга.
Сиз улардан ширин гаплар умид қилманг,
Ниш уришда дарс беришар ариларга.

Ёногидан кулгуси ҳеч аримайди,
Жужуқларнинг кий-чувидан бўлмас безор.
Қаранг, кизлар олтмишдаям қаримайди.
Лапар айтиб, ракс тушар хумор-хумор.

Кизлар жони киркта деса, тўғри экан,
Кундан-кунга чирой очиб, ялтирайди.
Эркаклар-чи, тишу сочи тенг тўкилиб,
Кўзи ўтмай, оёқ-кўли калтирайди.

Қанду-новвот хўп тотлидир боли билан,
Чиройлилар мактанади холи билан.
Кизу йигит севишса гар айб санаманг,
Қайси кампир севишмаган чоли билан.

Ота тилаги

Нақадар буюкдир, улугдир дүстлик.
Хаётда у равон, чароғын йўлим.
Мехр-муҳаббатга тўлиқдир дүстлик,
Дўстлик хакда суйлай, тинглагин ўғлим.

Хаётда бор баъзи шундай дўстларинг.
Гўёки бир кун хам сенсиз юролмас.
Ёқмайди уларга зафар қучганинг,
Борни кўролмайди, йўққа беролмас.

Нега кўринмайди дўстларим дея.
Тушунмай улардан қилмагин гина.
Дўстингнинг кимлигин билмокчи бўлсанг,
Бошингга мушкулот тушганда сина.

Бўлиш мумкин қирқта ошнанг, синфдошинг,
Дўст ким-у ошна ким, фарқлагин болам.
Божанг, қўшнинг, ҳамкурс, сағдошинг,
Барчаси дўстман дер, лекин чини кам.

Душманинг биттаси кўплик қиласи,
Дўстларинг кўндан-кўп бўлгани яхши.
«Содик дўстни топгин», отанг тилаги,
Вафодор дўст зийнат, хаётнинг нақши.

Диплома

Сингилм Дилоромхон 2012 йылда 53 ёнга кирди.
Шу муносабат билдиң уибуга сатыларни қораладим.

Онамизга үхшайсан,
Күзингү кошиңг билан.
Рухсат эт, табриклайлик,
Эллик уч ёшинг билан!

Фариштадай беш қизинг,
Нурбекжондай ўғлонинг.
Тұққызға неваранг-у.
Муаллимдай посбонинг.

Бир талай жиянларинг.
Сингил, ақа-укалар.
Куёв, қуда, қүшнилар.
Күтлар келин, янгалар.

Биз барчамиз жам бўлиб,
Сенга соғлик тилаймиз.
Оиласигга тотувлик.
Димог чоғлик тилаймиз.

Невара-чеваралар
Моможони бўлиб юр.
Тўйимизга бош бўлиб.
Хўп кайвони бўлиб юр.

Дилда меҳр жомидан.
Яқинларинг номидан.
Бешигингни тебратган.

Алифбени ўргатган.
Кўлларингга гул тутган.
Кагта бўлишинг кутган.
Аканг қутлар сингилжон!

Хаёт чархналаги

1

1969 – 70 йиллар эди. Мактабни тугатиш арафасида тез-тез туман марказига бориб турардик. Йигит булиб қолдик, деб хар-хил олди-қочди гапларга кизиқиш катта эди. «Марказда ким энг бой киши, ким «козир», ким энг чиройли?» деган гаплар сұхбатимизнинг асосий мавзусига айланғанди.

Туман марказидә атир-упа дүкони бор булиб, у ўша пайттар «галантерия магазини» деб аталарди. У ерда бақалоқ, ёши 35-40 ларга борган киши ва ўта чиройли бир киз савдо қилар эди. У киз чиңданам гүзәл, гүёсі табиат ҳамма гүзәлзиккин үнгә хадя қылғандек. Бахшилар баён қылған Құхикоғ парилари мисоли хүшрүй эди. Бунинг устига ўша вактда «мода» бүлған охирғи русумда қимматбақо кийимлар кияр, ялтирок тақинчоқтарнинг энг нархи баландини қўшилааб такиб олган эди. Тақинчоқ ва сара лиbosлар кизларнинг, унинг чиройи эса йигитларнинг ақли-хүшини олиб, уларнинг ҳавасини келтирарди. Хуллас, бу дүконда молидан кўра, унинг эгасига харидор кўп бўлар эди.

Биз уни мудирнинг синглиси бўлса керак, деб ўйлардик. Кейин билсак, етти ёт бегона экан. Соҳибжамол олий ўкув юртига қиролмай ўзини шу дўконга урган экан. Жуда кўп мана-мана деган йигитлар үнгагап отиб, қармокташлишгача борганини эшитардик. У бирортасига ҳам ён бермай, мағрур ва кибру ҳаво билан юрар, гап отган одамга нописандлик билан «сен ҳам одамми» дегандек алпозда заҳарханда кулиб кўяр эди. Кейин билсак, у ўша сотувчи билан дои олишиб юрар экан. Мудирнинг эса ойдеккина аёли ва уч нафар фарзанди бор булиб, бора-бора сир ҳам очиляди. Узун-қулок гапларга қараганда, сотувчининг хотини воксадап хабардор бўлгач, амалдор отаси ва ога-инициарини ишга солиб, «урнб-сўкиб, қаматиб юборамиз» деб қўркитиб, эрини бу йўлдан кайтарибди. Кизни эса отаси «сок килиб» уйдан ҳайдабди...

Шу воқеадан кейин қарийб 20 йил у гўзалии ҳеч қаерда кўрмадим.

Кимдир «Тошкентда кўрдим» деса, бошқа бирори «Пятигорска, санаторийда учрашиб қолдим, ўрта яшар бир бойвачча билан дам олишида экан» дея гапириб қоларди.

Хуллас, бу ўртада уни таниғанлар хаёлидан ҳам чиқиб кетган бўлса, ажаб эмас.

II

1987 йил. Қишлоғимиздаги бөг-узумчилик бригадасига «бригадир» бўлиб қолдим. Мавжуд 20 гектар ток касалланиб, яхши ҳосил бермай, туккан ҳосили ҳам аэдум (корасон) касали билан касаллангани сабабли пишиш олдидан нобуд бўлиб кетарди. Мутахассис агрономлар билан маслаҳатлашиб, токларни бир неча марта дорилаб, орасига қайта-қайта ишлов беришимиз, дедқонларнинг фидокорона меҳнатлари бесамар кетмади. Узумлар 1988 йилда чунонам ҳосил бердики, режани икки ҳисса қилиб бажардик.

Еганга ҳам, сотганга ҳам, давлатга сотишга ҳам етиб ортадиган ҳосил бунёд бўлди. Август ойида «Москва ярмаркасига узум олиб борасизлар», деган буйруқ билан етти киши икки вагон узум ва қовун олиб. Россияга жўнадик. Хуллас, беш киши қовун, икки киши узум сотадиган бўлдик.

«Рязанский проспект» метро бекати ёнида узум сотишни бошладик.

Собик Иттифок давридаги адолатсизлик ҳозиргacha ёдимдан чикмайди. Ўзбекистоннинг ҳар кандай бозорнда 2-2.5 сўм оладиган, таъми тилни ёрадиган узумларимизни «1 сўмдан қиммат сотмайсан», дейиниб, наинга қараб, 80 тийин ва 1 сўм килиб нарх белгилашди. Бирбало килиб, кунига 1,5-2 тоннадан узум сотлик. Бор-йўғи олти кун савдо қилганимиздан сўнг «ярмарка» тугади, «24 соатдан кечиктирмай, тезда вагонни бўшатинглар», дейишиб. «районсполком» томонидан узум бозимиз ёпилди.

Елиб-югуриб, колган 40 тонна узумни ҳемири пулга базага тоширилди.

Орадан иккى кун ўтмай, узумниниз шу тумандаги сабзавот дўконларида килоси уч сўмдан сотила бошланди. Буни кўриб, дежон ва бобонлар меҳнатига канчалик ачинганим халнгача ёдимдан чикмайди. Йўқердаги конуни дастак килиб, «ўрокда йўқ, бошоқда йўқ, хирмонда ҳозир» деганлари шу экан-да, деб тақдирга таш бердик.

Хуллас, биз Москвада бўлганимизда савдо жойимиздан анча узокда бўлган «Киев» меҳмонхонасида тунар эдик. У ерга бир неча марта метрода алмашиб, етиб бораф эдик. Кунларнинг бирида кайсиидир станцияда «эскалатор»дан кўтарилаштганимизда 7-8 ёшлардаги бир негр болакай чикиш тезлигига сабри чидамай, югуриб чикаман, деб кокилиб тушди. Йикилар чоғда, оёги оғриди шекилли, афти бужмайиб, инграб юборди. Уни аста кўлидан ушлаб, турғаздим ва «нега югарасан, эскалаторнинг ўзи олиб чикади-ку» дедим рус тилида. У эса «ойимга етиб олай дегандим-да. Раҳмат, сизга, амаки», деди соғ рус тилида. Бизнинг олд томонимизда аёл киши йўқ эди. Бўлсаям, мен негр аёлни кидирган бўлсан ажаб эмас. «Ойнинг кани?», сўрадим яна.

— Ана, деб ёнимиздаги эскалатордан чикиб келаётган аёлни кўрсатди. Бу нийтда аёл ҳам бизга караб турар, гўёки гапимизга кулок солгандай биз томонга тикилиб турарди. Тўғриси, унга караб, котиб қолдим. Қай кўз билан кўрайки, ўша мен унуган, ҳамма унуган сулув, ўша атир-упа дўконидаги паривашининг нигоҳи бизда эди. У ҳали ҳам чиройини йўқотмаган, аммо ёшига исебатан, бир оз тўлишган, қимматбаҳо замонавий кийимда, такиш мумкин бўлган ҳамма жойига тилла тақинчоклар тақилган, музейдаги безатилган қўғирчок-канизакнинг эслатар эди. Бу вактда тенага чиқдик. Ажралиш олдидан болага «Ўзбекчани ҳам биласанми?» деб сўрадим. «Аз-маз биламен» деди бошкacha талаффуз билан. Биз бошка йўналишидаги метро поездига, улар эса ташкарига караб йўл олишиди. Бола онасидан 3-4 кадам оркада борар, онаси эса тез-тез унга

караб-караб кўяр, нигохи билан биздан ҳам кўз узмасди. Кўринмай колгунча бу хол давом этди. Ўшанда ҳастимда биринчи марта пулнинг зебу зарнинг кучига койил қолдим ва ҳётдаги жонли фариштадан жирканиб кетдим...

Шу кечаю кундузда ҳам кагта бойлик истаб, чет элга чи-кәётган, танини сотиб, миллатини иснодга қўяётган баъзи бир аёлларга «Тўхтанг, эртаси вой, танингизни мол-давлат учун булгаманг. Токи ватандошлиарингиз, кариндошлиарингиз, қолаверса, орқада колган фарзандларингиз хориждаги ишларингиздан вokiф булиб, эл олдида бир умрлик тавки лаънат тамғасини такиб олмасинлар. Умрингиз поёнида ҳеч ким тобутингизни кўтаришдан жирканмасин», дегим келди.

III

Шу ўринда яна бир бўлган воеани тилга олмоқчиман! Юкорида тилга олинган сафар найтида Москвадаги ярмаркада сотилмай колган узумларни Волгоград тумани ОРПО базасига топшириб келиш учун автобусда жўнадим.

Шу куни қўёш чараклааб тургани учун қалин кийинмай, костюмда йўлга чиккандим.

Автобусдан тушишим билан қаерданdir бир тўда булат келиб, шаррос ёмгир кужа бошлади. Бирор пана жой топгунча батамом ивиб кетдим. Базада 40 тонна узумни аскарлар ёрдамида тарозидан ўtkазиб, жойлаштиргунча бир-икки соат вакт ўтди. Шу якин атрофдан бир фуфайка топиб, костюмимни бир рус камширига куритиш учун бердим. Кийимим куригач, меҳмонхонага кайтдим. Ўша бир-икки соатлик совкотиш ўз ишини килганди. Аъзои баданим какшаб, каттик йўтал бошланди. Энди нима бўлали? Ахир эртага Ўзбекистонга йўлга чикишимиз керак.

Ўзимча хар хил шамоллашга карши дорилар олиб ичдим. Бирок фойдаси бўлмади. Кечки соат ўнларга бориб, хароратим кескин кўтарилиб кетди. Йўтал ҳам авжига чикид...

Хонадош шеригим «Тез ёрдам» чакирди. 20 дакикада

шифокорлар етиб келинди. 30-35 ёшлардаги шифокор аёл (унинг исеми шарифи Нехмедова Зинаида Дмитриевна эди. Буни унинг халатига такилган нишонидан билдим) терапевтэкан. Мени обдан текшириб, «Қаттық шамоллабсиз. Мен дори ёзиб бераман. «Круглосуточно» ишлайдиган дорихонадан олиб келиб, ичинг» деди.

Мен унга «Нималар деяпсиз? Менинг ётишим бу бўлса. Шеригим шаҳарни яхши билмайди. Дориларни қандай олиб келамиз? Нима киласангиз ҳам тузатинг. Эртага соат 15:00 да Тонкентга учинчимиз керак», дедим.

«Ўзимда ҳам бир-иккита дорилар бор, лекин улар билан бир кунда тузалиб кетмайсиз», – деди рус аёли.

– Ҳеч бўймаса аналгин-димедрол укол килинг, оркамга «горчичник» ёпиштиринг, «йодний сетка»нинг ҳам фойдаси тегади. Ёки буларнинг ҳам иложи йўқми? – дедим.

– Ие, сиз бўйларни қасрдан биласиз? Ҳудди шифокордек гапирайсаниз? – ҳайратланди Зинаида Дмитриевна.

– Ҳайрон бўйманнг. Унинг учта хотини бор. Учинчиси ҳамшира. – дея гап қўшиди шеригим.

– Алдамаяпсизларми? – лол-ҳайрон сўради дўхтири.

– Нега алдаймиз. Ҳаммаси рост. Гани кўпайтирманг-да, мени уларнинг олдига sog-саломат боришимга кўмалашинг. дедиму, унинг чўнтағига 25 талик пулни солиб қўйдим. – Дорини ҳам ўзингиз олиб келиб беринг.

– Нега пул беряпсиз, – тикирлик кила бошлади дўхтири киз.

– Олаверинг. фақат тузатсангиз бўлди.

Пулнинг юзи иссиқлик килдими ёки аввалдан шунга ўрганганмили, билмадим, шифокор муолажасини бошлади.

– Ростиши айтинг, учала хотинингиздан неча нафар болангиз бор? – қизиксиниб сўради, муолажа чогида Зинаида.

– Улар 15 нафар. Якинда ўн олтичиси ҳам тутилади. Ўн ўғил, беш қиз, дедим саволига жавобан. – Бирничи аёлим уй бекаси, иккинчиси муаллима, учинчиси ҳамшира.

– Ҳудойим-эй, уларни нима билди боқасиз?

– Биз бола юриб кетгуича боқамиз. Яхши юриб кетгандан кейин бир ой кишда уйдан таомланади, сўнгра ризкини

даладаң териб ейишади. Чунки далада мева-чесва сероб. Күн бўйи далада ёки мактабда бўлган ўғил-қизларим кечкурун уйга келишади ва оналари уларни санокдан ўтказади. Ҳар бир кунимиз шундай ўтаверади, – дедим илҳомим жўшиб.

Менинг бу гапларимдан сўнг Зинаиданинг муносабати ўзгарди. То тонггача икки-уч марта хабар олиб, турли уколлар билан муолажа қилди, ошқозоним, «дорихона», орқам «шатир» бўлиб кетди.

Эрталаб бу дориларинг таъсирида шамоллашдан фориг бўлдим. Кетар чоғида шифокори қовун, узум, уйдан олиб борган ёнғогу майизлар билан меҳмон қилдик. Ҳонадаң чикар экан, «Ростдан ҳам болаларингиз 15 тами?» сўради лўхтири кўзларини пирпиратиб.

– Ишонаверинг. Якинда газетада ўқидим. Бир ойнинг ичида собик Иттифок миёсисда 286 нафар онага «Қаҳрамон она» унвони берилибди. Шундан 151 нафари Ўзбекистондан экан.

– Ишонса бўлади. Чунки юрtingиз жанинатмакон ўлка экан, заминида энг мазали неъматлар битаркан, – деди Зинаида ҳавас билан.

Меҳмоҳонадан чиқар чоғимиизда комендант аёл сўз қотди:

– Бу дейман, тўртинчи хотинингиз шифокор бўладими, дейман. Зинаиданинг тилидан Ўзбекистон тушмай қолди.

– Бу бир ўзбекча ҳазил эди. Худонинг ўзи кечирсин, унга ҳазиллашгандик.

– Нима, ҳали гапингиз ҳазилмиди, мен ҳам бутунлай ишонибман, деганча эшикбон ортимиздан караб қолди...

IV

Азиз ватандошларим!

Биз ўтиш давридамиз. Ҳаётимиз йилдан йилга яхшилашиб боряпти. Қирқ ёшга кирганлар ва ундан каттароқлардан сўраб кўринг: «20 йил аввал қандай эди?» Айтиб беришади.

Тўлғоқ тутган аёлни туғруқхонага олиб бориш учун машина топиш қийин эди. Чунки кишлоқда бир ёки иккита

машина бор эди. Ҳозир эса, Ҳудога шукр, уй боши машина бор. Баъзиларда икки-учтадан. Одамларнинг диди ўзгарди. Чиройли, баланд-баланд иморатлар солишяпти. Бозорда товуқнинг сутидан бошка ҳамма нарсабор. Илгаритуғличининг тумшуги кўтарилса, туман марказига бориб, бир яхудий устага таъмирлатиб келардик. Ҳозирги ёшларимизнинг барчаси хунарманд. Собик Иттифок даврида битта игна ва ғалтак ишлаб чикаришга рухсат ололмаган республикамиз бугунги кунда ишлаб чикараётан автомобил, автобус ва бошка техникалари билан жаҳонни койил колдиряпти. Оз койди, сабр қилинг, Аллоҳ сизга узок умр берсиз, кўрасиз. Ватанимиз якин йиллар ичида янада гуллаб-яшнайди. Қасб-хунар коллажларни ҳар йили бир неча ўн минглаб ёшлилар туғатиб, хунарли бўлишяпти. Уларнинг хеч курса 50 фоизи хунарини кўрсатишса, мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига ўз хиссасини кўшса, олам гулистон.

Керак бўлса, чет элликлар биздан келиб иш ўрганишади ва ўрганияпти ҳам.

Мухтарам Юртбошимизнинг «Ўзбекистон келажаги буюк давлат!» деганида катта ҳикмат бор. Биз Темурийлар авлодимиз. Навоий, Ал-Хоразмий, Улуғбек ва Берунийлар бизнинг заминда камолга етишган. Боболаримиз руҳи бизни қўллаб турса-ю хеч кимдан кам бўлмаймиз. Чунки, бизнинг ҳалкларвар, тинчликсевар, доно Юртбошимиз ва ўз ғурурини сотмайдиган ўзи-ўзига бек миллатимиз бор.

Гурур

Бундан карийб 45 йиллар мұкаддам газеталардан бирида бир табиатшунос олимнинг «Табиатшунос ён дафтаридан» рукини остида ёзилған бир-икки вожей хикояларни үкігандың әдім. Бу хикоялар менге шу даражада таъсир эттандыки, ҳали-хануз хаёлимдан кетмайды. Шу сабабли бу вожей хикояни сизга ҳам айтиб бергім келди. Хулоса чикариш үзінізігізга ҳавола...

Ёш әдік. Үзімизге яраша бебош ҳам әдік. Үйимиз ёнидаги пахта даласининг көк ўргасида каттакон тут дарахти булиб, унинг тепасида ҳар хил чүн қаслардан курилған лайлак уяси бўларди. Ҳар йили баҳор келиши билан унга бир жуфт лайлак келиб, кўним топар, тухум кўйиб, бола очиб, уларни учирма килар, кузда яна қаёkkадир учиб кетишарди.

Келгуси баҳорда бу жараён яна такрорланарди. Лекин баридан бир улар иккитадаи кўпайишмасди. Мана, бу йил яна кўклам арафасида лайлаклар пайдо бўлди. Март ойи бошида бир жуфт лайлак уяга кўниб, гўё баҳор билан саломлашгандек, тумшугини баланд кўтариб, «так-таклаш»ни бошлиб юборишиди. Гўёки, бу оламда улардан баҳтлирок оила йўқдек эди тасаввуримда. Гап-гап билан бир куни лайлак уясиға чикдик. Карасак, у ерда икки дона лайлак тухуми опшоккина булиб туради. Билмадим, бу фикр кимдан чиқди, биз тухумларни товукникига алмаштиришга қарор килдик ва шундай килдик ҳам. Лайлак тухумларини эса дуч келган срға ташлаб юбордик. Орадан кунлар ўтди, она лайлак тухумларни босиб, кун бўйи уяда бўлар, нар лайлак эса унга тинимсиз егулик ташир эди. Бир кун эрталаб, отам «Қара-чи, лайлакларингга бир гап бўлган-ов, негадир улар безовта», деди. Үйдан чикдим-у, уя томонга қарадим. Не кўз билан кўрайли, улар ўзаро жанжаллашаётган эди. Дастлаб хеч нарсага аклим етмади. Улардан бири менимча, нари бўлса керак, она лайлакни оёклари билан босиб, тинимсиз чўкир ва ўзларича ажабтовур овоз чикаришарди. Уларни жимгинна кузатишда давом этдим. Хуллас, улардан бири (нари) ғолиб чикиб, ҳамрохини ўлдириб қўйди ва анча вакт уяда туриб колди. Бир

оз дам олди, чоги, жонсиз лайлакни пастга тушириб юбориб. үзи қаёkkадир учеб кетди. У кетгандан сўнг мен уя томонга бордим ва тут тагида миясининг қатиги чиққан она лайлак ва иккита товук жўжасининг жасадини кўрдим. Ана шунда нима қилиб қўйганимизни англадим. Эндиги пушаймоннинг фойдаси йўқ эканлигини кечроқ тушундим.

Тирик лайлак пешингача бир неча марта уяга келиб-кетиб турди. Кун пешиндан окканда уядан жуда катта шиддат билан учеб. ўзини шу яқиндаги дала шийпони бутогига уриб, ҳалок қилди. Ҳозиргача ундан гурурга қойил қоламан... Келгуси йил қиплогимизга лайлаклар келмади. Келгани ҳам уяга қўпмади. Орадан бир йил үтказиб, яна бир жуфт лайлак ўша уяни таъмирлаб, бола очди. Гўёки ҳеч нарса бўлмагандек, хаёт яна изига тушиб кетди...

Хотирамда колган ушбу хикоядан хулоса чиқариш эса сизга ҳавола.

«Менга қаъбатулло, макка эдингиз»

(2012 йыл 14 ноябрь санаасида Абдусаттор акам, ақажоним бизни чирқиллатып, ташылаб кетди. Эрталаб ака-үкагалары билди «түйгө борамиз» деб күлиб-үйнаб чиңған акамшынгюраги наубатидаги инфарктин күтәролмади. Акамшынгисиншилиги, меҳрибонлиги, шириңсұхандылығы бир олам жаңы. Менга қаочон құнғыроқ қылса, «Қандайсан, ота» деб сұрашарады. Суҳбатымыз якунида «Болаларшының үтиб құй» деб таіппелгани көнде қылмасды.

Акамшынгисин оған ғазисшыты, доимо инсонларға ёрдам бершини үйларды. 56 йылдык умри давомыда 56 мине инсонға қандайдыр үз күмәгини берген, десем, муболага бұйламайды. Бүнитіг үчүн үндап ёрдам сұраш шарт әмас жаңы. У кипидан гоҳо мөддөй, гоҳо маңынавий ёрдам, ҳеч бұлмаганды, оқылона маслаҳат олған инсонлар орамизда күн.

Зоро, отам үз иниси ҳақида ёзғаннідек.

Ақдан етук әдинг, билемден әдинг.

Оға-шыншарға меҳрибон әдинг.

Юрагим шынрайди сени эсласам,

Гүёки отамдек қадрдан әдинг.

Үттіз иттің чүл құвдинг, болгар яраттинг,

Депутат ҳам бұлдинг, имкон яраттинг.

Инсонлар қалбінда ҳалоя инсон деб.

Әзтибөр қозындинг, меҳр тараттинг.

Фарзандтаршың қолди, давлатшың қолди.

Бизга күрсатғаншың – ҳимматшың қолди.

Жойтаршың жсаннатда бұлсын, оғажон,

Бизга мерос бұлғыб, ұхматшың қолди.

Ақажоним китобымни күриб бермөкчи жаңы... Алмас бүнга улгурмади.

Күннеге қаламыга мансуб ижод намуналары биз үчүн үндап ёдгорлық бұлғыб қолди. – Ақмал Абдиев)

Онанинг юраги сезгир бўлади, дегани рост экан. Ўзим Талимаржонда ишлайман. Иссик жоннинг иситмаси бўлганидек, баъзани шигаборган пайтларимда мазам бўлмай, дўхтирлардан муолажа олишимга тўгри келади. Ана шундай паллаларда кишлокдан укаларим кўнгирок килиб колишарди: «Ака, энам билан бир гаплашинг. Сизни ўйлаб хавотирланяпти».

Гарчи каравотда бемор бўлиб ётган бўлсам-да, ўзимни тетикрок тутишга уриниб, онам билан гаплашардим.

– Ассалому алайкум, онажон! Ахволингиз яхими? Оёгингиз оғримаяптими? Сизга янги маҳси олиб қўйдим. Уйга борсам, олиб бораман.

– Ўзинг яхшимисан, ўғлим? Саломатлигинг яхими? Тушимга кирибсан. Каеринг оғрияпти, болам...

– Йўқ, соппа-согман. Хозиргина ишдан келдим...

– Алдама, ўғлим. – Онам шундай дерди-да, менинг дардимга Яратганга илтижо килиб, шифо сўрарди: «Эй, Худо, кўп катори мусофиричилкда юрган менинг болаларимни ҳам ўз панохингда асра! Болагинамнинг дардига ўзинг шифо бер!»...

Оналарнинг фарзандларига нисбатан бир оз бемеҳроқ бўлгани яхими, дейман. У боласини бир оз уришиб ҳам туриши керак экан. Яъники, бола онани сал-пал ёмон ҳам кўриши учун. Йўқса, уларни йўқотганимизда бу айриликка чидашимиз жуда-жуда кийин бўларкан...

Отасиз яшашга чорак асрда,
Фарзандлар озгина кўниккан эдик.
Яна худди шундай баҳор фаслида.
Ҳаммамиз бўзладик, «Онажон» дедик.

Мингларча чакирим узокда туриб,
Тишим оғриса ҳам билар эдингиз.
«Қандай билдингиз?», деб сўраганимда,
«Онаизор-да», деб кўяр эдингиз.

«Олсанг мени ол-да, боламга тегма»,
Ажалга тик бокиб айтдингиз шунда.
«Үғлимга камида менинг ёшим бер,
Болалари ёшдир, иши күп бунда».

Уйларга кираман, ҳовли айланиб,
Юрамаи төтираб. Сизни излайман.
Хеч кимга билдирмай ярим тунлари.
Күрпага ўраниб унсиз йиглайман.

Узундан-да узок дуолар килиб,
Бизга яхшиликлар тилар эдингиз.
Зиёрат қилардим ҳар келганимда,
Менга Каъбатулло, Макка эдингиз.

Гамларга чўмаман ҳар борганимда,
Энди дуоларни кимдан оламан?
Фойдаси тегарми, тегмасми, аммо,
Сизга билганимча дуо қиласман.

Тақдирি азал шу, нима хам дердик.
«Онам» деб йигласин, десин «Ох, отам».
Бошга тушганини кўз кўрар, билдик,
Илоҳим ҳеч кимса демасин: «Бутам!»

Үйнгизга қайнағалар келганида

(Хази)

Қават-қават күрпачалар түшалади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.
Самарқанддан келган пойлар ушалади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.

Дастурхонга йўқ нарса ҳам қўйилади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.
Кам деганда бобокхўroz сўйилади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.

«Ҳо-ҳо» кулгу то тонггача чўзилади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.
Ёғи зигир, сергўшт палов сузилади,
Үйнгизга қайнағалар келганида.

Таги кесак, мөгорлаган нон қўйилар,
Үйнгизга эр уруғи келганида.
Янгажоннинг ковоқлари ҳам уйилар,
Үйларига эр уруғи келганида.

Берганига шукр килинг, кариндошим,
Картошкали мастава ҳам бўлаверар.
Чирок, газ йўқ, ўтиналар нам, нима килсин,
Хафа бўлманг, чой совуган бўлса агар!

Келақолгин...

Мен бир аёлдан «Агар Хизр бобони учратсангиз, ундан шимани сўраган бўлардингиз?», деб сўрадим. Ўшанда у «Афғонистонда бедарак кетган ўглимнинг дийдорига бир бор тўйдиришни», дея жавоб бергаиди...

Хиндикушда колди менинг
Ушалмаган армоним.
Келақолгин, келақолгин,
Байналминал ўғлоним.

Беш йил бўлди, ҳамма келди.
Сен келмадинг, ўғлоним.
Ўзбек келди, ўрис келди.
Сен келмадинг, афғоним.

Бирор келди битта қўлсиз.
Бирор кўзсиз, кулоқсиз.
Бошка бири кун кўролмас.
Ҳасса, қўлтиқтаёксиз...

Мен розиман, эй. Худойим,
Жой бермагин беҳиштдан.
Тоат-ибодатим ҳакки,
Болам келсин эшиқдан.

Бирорлар дер. «Хокинг қолган,
Бобонг хоки ёнида».
Мўъжиза ҳам бўлади-ку,
«Кўк» йўқ онанг эгнида.

Тўрт мучанг сог бўлмаса,
Келмай юрма ор билиб.
Онанг сенинг йўлларингга,
Кўзлари тўрг. зор бўлиб.

Бугун барча афғонларга,
Яна орден берилди.
Сепинг эса факат номинг,
Бир бор эсга олиниди.

Вақт ҳам ўтар балки мендан,
Ўтар балки давр ҳам.
Билиб қўйгин фотиҳангга,
Зордир онаниг қабри ҳам.

Онаизорнинг дардидаи юрагим оғриди, уни қандай юпашни билмай, кўзларимга ёш келди. Муштипарни овутдим:

Кўзингизга ёш олмангиз, онажон.
Қалбингиздан ғашни ҳайдангиз, ота.
Кўпга келган тўй, деб кетган мард ўғлон,
Ишонаман, бир кун, қайтар, албатта!

Талимаржон йигитлари

Умримнинг кўп қисми Нишон тумани Талимаржон шаҳарчасида ўтди. Бу шаҳарчада турли миллат вакиллари аҳил ва иноқ, ҳалол меҳнатлари билан яхши турмуш кечиришади. Йигитлари меҳнатсевар, ўз омадини даладан излаган дехкони инсонлар...

Лалми қовун экишади,
Таваккал пул тикишади.
Ҳалал берсанг, сўкишади,
Талимаржон йигитлари.

Мурчадайн тинмас улар,
Ёш йигитлар, «кунликчи»лар.
Чарчашибганда пиво урар.
Талимаржон йигитлари.

Бой бўлишни хоҳлашади.
Асал қовун қоқлашади.
Кузда ҳўқиз бөглашади.
Талимаржон йигитлари.

Қинида сал-пал тинишади.
Пиёздан пул килишади.
Қўш «Нексия» мишишади.
Талимаржон йигитлари.

Тўйхонада ҳар куни тўй,
Ёмон феълинг уйингга қўй.
Ўйнайверар, бўлса шўх куй,
Талимаржон йигитлари.

Сизга келди-ку ҳавасим,
Мард ва ҳалол эй, дилкашим.
Укаларим, ҳаминафасим.
Талимаржон йигитлари.

Тўртликлар

Аёлни хурмат киля, чунки у она,
У она, у сингил, у кизимиздир.
Баъзида хотинни бошга кўтариб.
«Хотинкули» бўлган биз ўзимиздир.

Кимлариниг оёгин ялаб умрингни,
Ўтказиб юрибсан шодумон, жулиб.
Сенинг шу холингни кўрганда отанг,
Номусга чидолмай кўярди ўлиб.

Канийди бўридай довюорак бўлсанг,
Бўри бўлолмасанг йўлбарсдай яша.
Тулки, калтакесак бўлгандан кўра,
Гўнгни титкила-ю, чувалчанг оша.

Ўзбек тилига

Темур бобом килич солса-да,
Ушбу тилда «Тузуклар» битган.
Канча-канча буюк шоирлар,
Навоийнинг этагин тутган.

Хинду сори юзланиб буюк,
Шоҳ ва шоир бўлди-ку Бобур.
Аммо ферсий ё хиндуладамас,
«Бобурнома» соф туркийдадур.

Онам айтган аллалар билан,
Вужудимга сингган нурлигим.
Ҳар бир сўзинг дур, садаф, гулшан,
Ўзимники бўлган ўз тилим.

Она меҳри

Онажонимнинг тез-тез кон босими ошиб туарди. Доимо акаларим, ука ва сингилларим ёнида парвона бўлардик. Онам эса сал нарсага хижолат бўларди. Бемор ётган вактида ҳам «сизларни овора килиб кўйдим», деб кўзларига ёш оларди. Отамидан ажралганимизда икки укам ҳали оила қурмаган эди. Онажоним акаларим қумагида укаларимни уйли-жойли килди. Лекин онам учун отам ўринини босолмадик. «Отанг рахматли бўлганида бошкача киларди», дердилар. Ёнига бориб, ҳар биримиз оиласиз кувончларини баҳам кўрганимизда меҳрибонимиз ёш боладек кувониб, юзлари севинчдан порлаб кетарди. Баъзан рўзгордаги ташвишларимизни онажонимга айтиб, енгиллашиб олардим. Онам бизга Худодан сабр, фарзандларимизга соғлик, баҳт, рўзгоримизга хайр-барака тилаб, дуо киларди. Узи эса биз ҳакимизда ўйлаб коларди. Рўзгор ташвишлари билан булиб, онамдан тез-тез хабар ололмаганимни эсга оламан. Онажоним кўзлари йўлга карай-карай, чарчаб толикарди...

Баъзан ўйлаб коламан, онамнинг «кои босими» касалига ҳам шулар сабаб бўлдимикан?..

Онам бизга, набираларига турмуш, оила, катталар олдида ўзимизни кандай тутиш ҳакида ибратли маслаҳатлар берарди. Ҳадислардан мисоллар келтиради. Она меҳри нақадар азизлигини кундан-кун ҳис киляпман. Онажоним килган ишлари, фарзанд ва набираларимга қила олсан онамнинг рухлари шод бўлармикан? Оналарни асрраб-авайлаш кераклигини ҳар доим ҳис килиб яшайлик, азизлар!

Меҳр билан бошим силаган,
Аллоҳдан соғлигим тун-кун тилаган,
Бемор кунларимда унсиз йиглаган,
Меҳрибон онамсиз, меҳрибон онам.

Сизга ташвишимиң борини сүйлаб,
Билмай дардингизни күйдик янгилаң.
Енгил тортар зәдик сүзингиз тинглаб,
Нажот фариштаси бүлган жон, онам.

Жоним, деб қувониб, қучогин очган,
Дилимга яхшилик уругин сочган,
Ватанинг сев, дея мудом ўргатган,
Устозимиз бүлган чин иймон, онам.

Сўзлар дурларини туза олмадим,
Шоирдек чиройли ёза олмадим,
Ҳаётда карзингиз уза олмадим,
Мендан рози бўлинг, жоним, жон онам!

Онамини тушимда кўрармиқанман

Кунлар ҳам ўтади, кунларни қувиб,
Юрагим эзилар иложсиз куйиб.
Үйқуга ётаман мажбур кўз юмиб.
Онамини тушимда кўрармиқанман?

Согинчларим йиглаб бўлади гижим,
Қўмсаш онларига интиқдир ичим.
Йиллаб кутган орзу ва ўйим,
Онамини тушимда кўрармиқанман?

Дуоингиз бари ижобат бўлиб,
Умрим ҳам ошмоқда ярим асрдан.
Сизни согинганда набирам суйиб,
Она, тимсолингиз кўргандайдирман...

«Боғча момо»

Суюн полвоининг бошига мусибат тушди. Бугун жондан азиз бўлган волидаси Мукаррам момо оламдан ўтди.

Марҳуманинг ёши улуглигими ёки беш ўғил, икки қизининг хурматими, айни баҳор, экин-тикин авжи маҳали бўлишига қарамасдан тумонот одам йигилди. Бирори «момомлаб», бирори «энамлаб» хассакашлик қилувчиларнинг кети узилмади.

Вакт пешинга яқинлашиб, жаноза намозига йигилгашлар саф торта бошлаганида...

1925 йилда Чироқчи тумани Чилживут қишлоғилик Равшанқул оиласида кизалок дунёга келди. Яхши пият билан кизалокка «Мукаррам» деб исм қўйишди. Суронли йиллар, одамларнинг корни тўйиб, тўймас, оиласи бекин учун ҳар қандай оғир ишларни қилишга мажбур бўлган Равшанқул бир хафтанинг нари-берисида оламдан ўтди.

Эркаклар билан баробар меҳнат қилаётган аёллар, қизлар қаторида Офтобойим ҳам бор бўлиб, уч ёшли Мукаррамни бирордан кам қилмаслик илинжида кунни тунга улаб, меҳнат қиларди.

Бир йилдан ортиқроқ боши очик юрган Офтобойимни қариндошлар кистови билан хотини ўлиб, бўйдок юрган Кенжабойга турмушга беришди.

Онасига эргашиб келган тўрт ёшли Мукаррамга ўз фарзандидек муносабатда бўлгани учунми. Яратган Кенжабойга кетма-кет фарзандлар берди.

Йиллар тиним билмай ўтиб борар, гўёки одамларнинг турмуш тарзи бир мунча яхшиланиб борарди. Дуркун бўлиб колган Мукаррам онасига унча-мунча уй ишларида ёрдами тегиб, сигир согар, ҳамир корар, ишдан бўш вақтлари далага, онасига кўмаклашгани борарди.

Айни саратон кунларининг бирида отинг ўчгур уруш бошланди. Сал кун ўтмай, кўлидан иш келадиган эркак зоти борки. Ватан ҳимоясига сафарбаў этилди.

Эди хўжаликдаги ҳамма оғир ишлар аёллар ва ёш-ёш кизлар, ўғил болалар зиммасига тушганди. Эртадан кечгача омочда ер ҳайдар, обжувода буғдор, шоли янчар, гўзага ишлов беришиб, сугориб, нахта теришарди.

Кишлоқда радио ёки бошқа оммавий ахборот восита-ларининг бўлмаганинигидан онда-сонда қўлтиктайла, ярадор, ногирон бўлиб қайтиб келган жангчилардан уруш кўргуликларини эшиштарди одамлар.

Киев, Минск, Орёл, Курск, Бельград, Харков, Смоленск, Керч ва Новороссийскда бўлаётган қабоҳатларни эшишишиб, отаси, умр йўлдоши, ака-укалари тақдиридан хавотирга тушиб, юраклар ғамга туларди.

Яратганинг бандалари учун яна бир синови, экилган арпа-буғдойлар гуркираб турган бир пайтда ҳасвак деб агалмиш бир бало-казо дала-даштга ёсирилиб, кириб келди. Қашоклар кўзни кувонтириб, мўл ҳосилдан дарак бериб турганда ҳасвак дегани далани шилп-шийдон қилиб, ялангочлаб кетди.

Энди мактаб ўкувчилари, идора ҳодимлари ва бошқа ортиқча одамлар ҳасвак терини жалб этилди. Ўша йили стиширилган бошокли экинлардан юздан бир миқдорида ҳосил (агар ҳосил дейниш жоиз бўлса) олинди.

Натижада юртда қимматчилик бошланди. Бир кило буғдой беш юз (ўша даврнинг ўлчови билан жуда катта пул эди) сўмга, бир килограмм арпа уч юз эллик-тўрт юз сўмга чикиб кетди. Бу кўргуликлар хеч бир хонадонни чистлаб ўтмади.

Тўрт нафар фарзандини оч колдирмаслик учун Кенжабой ва Офтобойим тиним билмас, бири бир ховуч чакир топиб келса, бири котиб колган исмалок териб келар, бир сиким ундан (хўжаликдаги меҳнат ҳакидан) ёвғон атала қилиб, болаларниг коринларини тўйдирар эдилар.

Бўй етиб келаётган Мукаррам ҳам кўп катори ҳасвак, бошок терар, катталар билан баробар оғир ишларни бажааради.

Нихоят, отинг ўчгур уруш тугади. Тўрт йиллик кирғин-баротлардан омон колганлар бирин-кетин юртга кайта бошлиди.

Беш синф маълумоти билан раис, уч синф маълумоти билан ҳосилот, хисобчи, ферма мудири ва бригадирликка тайинландилар.

1946 йилнинг кузидаги полвонсифат, алп қоматли тракторчи Абдукаримга (кишлоқда уни Абди дейишарди) турмушга чиккан Мукаррам ҳам шундай йигитнинг тақдирига ёзилганидан хурсанд эди. Бирин-кетин фарзандлар дунёга келди.

Эллигинчи йиллар, урушдан кейинги тикланиш даври. Шундай қунларнинг бирида тут соясида боласини эмизиб турганида бригадир Эргаш Раимов Мукаррамни ёнига чакириди:

— Кизим, кичкинанг исча кунлик бўлди?

— Бобоси, тўккиз кунлик бўлди.

Ўғлинг ҳам катта йигит бўлиб колибди. Энди бугундан сен «боғча» бўласан. Колхозчиларнинг болаларига қарайсан. Гапимни ҳаммаларинг эшигдинглар-а, — деди Эргаш бригадир колган аёлларга караб.

«Бола боғчаси» вазифасини шохлари тарвакайлаб, учтўрт сотих ерни эгаллаб олган тут даражти бажарап эди. У шохдан бу шохга аркон тортилиб, беланчаклар ясалар, чивин, пашшалар уларга уйкусида халакит бермасликлари учун ҳарир мато билан юзлари ёпиб кўйиларди.

— Туғилган болалар уч-тўрт кунлигида қўлимга келарди, — эслайди момо ўтган кунларни болаларига гапириб берар экан. — Худога шукрлар бўлсинки, қўлимдаги болалар соғлом, дуркун вояга етди. Шуларнинг орасида сизни ҳам бокканман. Мановиси бегона, буниси ўзимники, деган хаёлга бормаганман.

Яратганга шукрки, менга отаигиздек мард жасоратли кишини умр йўлдош килди. Етти ўғил-киздан ўттиздан ортик невара-чеваралар, невара келин ва куёвлар насиб этди.

Ҳа, болаларим, ҳаммаларинг уйли-жойлисизлар. Келин тушириб, киз чикариб, сиз ҳам неварали бўлиб қолдингиз. Ҳали башарият бундай доруломон қунларни кўрмаган.

Юртимиз тинч, элимиз обод. Юртбошнимиз юзга кирсин. мендек кекса момога ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам килиб, нафака бериб турибди.

Фарзаандларим! Бундай юртнинг, шу юрт подшосининг қадрига етинг. Мен 29 ёшида «бобча момо» деб тайинлангандим. 1990 йилгача шу элим, кишлоқдошларим берган уйонни сақлаб келдим...

Мукаррам момонинг васиятига қўра. жаноза намозини катта ўғил, тўнгич фарзанд ўқиди.

Оркадан карасанг, қўлдан-қўлга ўтаётган тобут мисоли уммондаги кемадек гумонот оломон орасидан онда-сонда кўзга ташланиб, охирги манзилга томон кетиб борарди.

Онажоним

(Онам Мукаррама Равшан қизига бағишлайман)

Онажоним, меҳрибоним,
Томиримда оқкан коним,
Танамдаги азиз жоним,
Жоним, ҳатто бутун таним,
Бизни ташлаб кетди онам.

Ширин эди сўзларингиз,
Маъюс боқсан кўзларингиз,
Билмадик ҳеч нозларингиз,
Ҳеч ўзини этмай азиз,
Бизни ташлаб кетди онам.

Юрак-бағрим ғамга тўлиб,
Очилмаган гулдай сўлиб,
Кетарингиз қолдик билиб,
Ойтмиш бешда етим килиб,
Мени ташлаб кетди онам.

Она матонати

Фарзандларининг түнгичи – Гулчехранинг туғилган кунини қандай ўтказишими, кимларни таклиф этишини ўйлаб ўтирган Хайринисо опанинг хаёллари париши он эди.

– Эй, Яратган Эгам, Гулчехранинг синифдошлари, кўни-кўшинилар, кариндош-уруглар келинса, бошим эгилиб қолмасмикан? Кизим олдида мулзам бўлиб қолмасмиканман? – хаёллари тўзгиг, Яратгаңга илтижо қиласарди у.

Эх-хе, шу олти нафар фарзанди учун, уларнинг ўзгалардан кам бўлмаслиги учун она деб аталмини бир мўъжизакор аёл сифатида нималар қилмади.

Фарзандлар тарбияси, емок-ичмогидан ортирганига яхши ният қилиб, бир қўзичоқ олиб келган Хайринисо она худди фарзандлари етти нафарга етганцек унга ҳам ўзгача меҳр билан ёндашиб, боқа бошлади.

Харакатлар безиз кетмади, ўша қўзичоқ бир йилда аввал иккита, кейинрок эса тўрттага етди...

Мехмонларнинг сўнггини кузатиб кирган опанинг кўзи ёшлианди.

– Ўзингта шукр Эгам, бирордан кам қилмадинг.

Онасининг кўзидағи ёшини илғаб ултурган фарзандлари ўраб олишиб, «Онажон, нега йиглаяпсиз?», – дей сўрокка тувишди.

– Бирор хафа қилдими? – парвона бўлди Гулчехра.

– Мени ким ҳам хафа қиласарди. Туғилган кунинг яхши ўтганига хурсанд бўлиб, кўзимга ёш келди-да. Мехмонлар хурсанд бўлиб кетишди. Ахир, қувонамани-да. Бунга эътибор килманилар, – жилмайди она.

Энди бир ўтиринглар, менинг кўпдан бери бир режам бор. Шуни бир маслаҳатлашиб олсан. Агар маъқул келса, биргалашиб амалга оширамиз.

– Онажон, сиз бизни оқ ювиб, оқ тараф эл каторига қўшидингиз. Қолаверса, Роҳатой билан Икромжон кичкинга бўлишса ҳам мана, биз бормиз. Нимани ўйлаганингизни тортишмай айтаверинг.

Каттаалардек мuloҳаза юритган Гулчехранинг ҳалдасидан магурлаинган Хайринисо опа дилидагини тилига чиқарди:

— Болаларим, укантлар ҳулишса ҳам оналаринг Гулчехра. Дилдора. Сайёра, акапт Илҳомжонининг қўлидан озми кўпми иш келиб қолди. Ыуни хисобга олиб, режамини айтай. Узларинг биласиз. Каттакўргон шахри балиқ бозори билан машҳур. Бошқа вилояту туманлардан келиб олиб кетишади. Нега энди биз шу бозордан фойдаланмаймиз?! Келинг, шу бозордан балиқ олиб, пишириб сотамиз. Мана шу икки хонани мижозлар учун емакхонага айлантирамиз. Колаверса, ҳукуматимиз ҳам тадбиркорларга катта имкониятлар беряпти. Тўғри, ишлаш, иш бошлини аввалида айрим қийинчилклар бўлиши табиий. Лекин биз бу мушкулликлардан чўчимай иш бошласак, уддалаймиз.

— Оиажон, яхши ўйлабсиз. Биз, албатта, эплаймиз. — дадил гапирди ўн уч ёшли Илҳомжон...

Мана, юкоридаги маслаҳат-суҳбатта ҳам оз эмас, кўп эмас. ўн беш йил бўлибди. Аввалига икки хонадан иборат балиқхона кейинчалик олти, сўнгра саккиз хонага кенгайди.

Қўлларига маблаг тушиб, турмушларида ижобий ўзгаришлар бўлди.

Ўн олтита янги иш ўрни яратган тадбиркор аёл Хайринисо Бобоқулова тадбиркорлар кўрик-танловида шахар ҳокимлигининг қимматбаҳо совғалари билан такдирланди.

— Балиқхонамизга не-не одамлар келиб кетмади, дейсанз. Лекин бирортаси олдига қўйган таомимиздан ёки хизмат маданиятидан рањиб кетганини эслаб олмаймиз. — баҳтиёр кунларига шукrona айтади Хайринисо опа. — Кенжатой ўғлим Икромжон йўл-нагрул хизматчилари тайёрлайдиган коллежда таҳсил оляпти. Шу ўғлимни ҳам “бошини иккита” килиб олсам, навбат набиразларга...

Кўрик-танловда мутасадилардан бири «Ҳар бир фермер хўжалиги ёки кичик корхонанинг ўз номи бор. Келинглар. Хайринисо опанинг балиқхонасини «Ошин балиқхонаси»

деб атаймиз», деган таклифни киритганды, барча бу таклифни хайрихөллик биләп кабул қилди.

— Биз каби тадбиркорларга улкан имкониятлар яратат-етган Юртбошимизга раҳмат! Бундан буен ҳам янада яхширок ишлашга интиламиз, яңги иш ўринлари яратиш йўлида изланишда тўхтамаймиз, — дея сўзига якун ясади Хайринисо опа.

Донолар дейдиларки...

Узингдан кейингиларга ибрат бўлай десанг, ўзингдан илгаригилардан ибрат олгин.

Отилар сўзи

Қачон, каерда қандай ва нимаики иш қилсак, хоҳ яхшилик ва хоҳ ёмонлик – ҳаммаси ҳам ўз мевасини беради.

Халқ ҳикмати

Уят ҳаммада ҳам бор. Ўғрида ҳам, бузукда ҳам. Лекин хаё фақат имонли калбда бўлади.

Халқ ҳикмати

Чиккан нафасга эваз йўқ, ўтган кунларга бадал.

Абдуллоҳ Шубравий

Агар келгуси замонда бўладиган нарса коронги бўлса, унда ўтган замонда бўлган нарсага караб қиёс қиласавер.

Халқ ҳикмати

Ҳар кимнинг нафси уни чегарадан чиқариб юборса, бу унинг ўлимидир.

«Маҳзан ал-улузи» китобидан

Ақлнинг нафсга нисбатан устунлиги шундаки, ақл одамни сенга қул қиласавер. нафс эса сени оламга қул қиласавер.

Халқ ҳикмати

Намози бомдодлан кейин волидангни зиёрат кил ва хизматида бўл.

Муҳаммад Рушдий

Яхшининг сўнгаги тупрокда чириса ҳам, номи колади.

Муҳмуд Конигарий

Яхшилик қилганингизда Аллоҳга ҳамд айтиинг, мабодо бирон-бир гуноҳ иш килиб кўйсангиз, Аллоҳдан мағфират сўраинг.

Абу ад-Дардо

Ҳакикий эътиқод ҳакикатга элтади. Асоссиз эътиқод эса инсонларни потўгри йўлга бошлиайди. Сен ҳакикий эътиқодга талабгор бўл.

Муҳаммад Камол

Киши учун энг фойдали, дилни ёритувчи нарса қаноатдир. Энг заарарли нарса хирс ва газабдир.

Жавидони Ҳироо

Мехрибон ва раҳмдил бўлмоқ умрнинг ва ризкнинг баракали бўлишига олиб келади.

Кашифий

Кишиларнинг кадри унинг химматига яраша бўлади. Ҳадя мухаббатни оширади.

Отилар сўзи

Маслаҳат шошмаслик билан, иш эса суръат билан бўлади.

«Маҳзан ал-улум» китобидан

Ҳеч бир ишни донишмандлар билан маслаҳатлашмасдан бошламагин.

Кашифий

Ёмон кунда сабр килган киши яхши кунга тез етади.

Ошагар сўзи

Олимларга търма, амирларга шошиш, бойларга баҳиллик, камбагалларга кибр, шайхларга нодонлик, насаблиларга гина ярашмайди.

Абу Жавдар Багдодий

Ҳакикий фарзанд ҳар бир соҳада отасининг хукмига тобе бўлади.

Бархурдор иби Маҳмуд

Гарчанд узок умр кўрган бўлсалар-ла, кўп одамлар гўр ва тажрибасиздир.

Аз-Заманинари

Ҳамроҳини мушкул йўлда ташлаб кетган одам хеч ерда ҳаловат топмайди.

Саъдий Шерозий

Аллоҳнинг бандалари ичида ёмони кўп таъна килувчи, кўп лъяннатловчи ва чакимчилардир.

Қатода

Таълим факат сўз билангиша бўлмайди. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади.

Фороӣий

Хотиннинг ҳар бир нафсоний орзуларига буйсунгани ҳар бир эркакни Аллоҳ жаҳданинам оташига отмай кўймайди.

Ҳиссан Басрий

Яхшилик ва эзгулик ёмонликдан қочгани янглиғ ёмонлик ҳам яхшиликдан кочиб кетади.

Мажнидиоддин Ҳавоғий

Иисонга баҳо беришда унинг инятлар мажмунин ва
харакатлари натижасини кўриб чиқиш керак.

Мао Цзи

Онаңдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур оёгин гарди.

А.Жомий

Гапиришида сукутдан, англаб етишда фикрдан мадад
олинглар.

Имом Шафиъий

Ит қопмайди, от тепмайди дема, негаки бу одат уларнинг
табиатида бордир.

Махмуд Кошгарий.

Хотин содик – ани севгил азиз эр, Ҳар оғир ишда ҳам
доим сени дер.

Сайфи Саройи

Тўғри харакат қилсам, менга эргашинг.

Тўғри йўлдан чиксам, мени тўғри йўлга солиб қўйинг.

Абу Бакр Сиддиқ

Инсоф – олижаноблик белгисидир.

Али ибн Абу Толиб

Оlam бир дарёдир, унинг қирғоғи охиратдир, ул дарёнинг
кемаси – такводир.

Одамзоднинг ҳаммаси мусофиридир.

Абу Исҳоқ Ҳурхурий

Одамларга зарари ҳам, фойдаси ҳам тегмайдиган киши-
дан факиррок одам йўқ.

Кобус

Синамай бирояни дүст тутсанг,
Нолима шу дүстдан қон ютсанг.

Абы Шукур Балхий

Ғазаб ўти олдин эгасини ёндиради, кейин учқун душман-
ларига ё етади, ё етмайди.

Саъдий Шерозий

Фосихдан ҳаёт тилама, золимдан вафо.

А.Навоий

Химмати ва саботи бўлмаган миллатнинг ҳакки ҳаёти
йўклир.

Абдурауф Фатрат

Тўпловчи: Рузимурод АРЗИЕВ

МУНДАРИЖА

Шерали Ҳабибуллаев. Яхшиликкин күйлайди баҳши	3
Муқаддима	6

I БОБ. БОЛАЛАРГА АТАЛГАН ШЕҮРЛАР

Алифбе байрамида	10
Болаликдаги илк шеърим	17
Ватаним	18
Бөгбөн ҳакида әртак	19
Бузокчам	24
Ялков	25
Наврүз – энг гүзәл асар	26
Шахар яхшими, кишлок?	28
Азобдан кочма	30

II БОБ. ПОК МУХАББАТ КИССАСИ

Қыскача ўзим ҳакимда	34
Ота-онам, болалик йилларим	34
Ижоддаги илк одимлар	35
Пойтахтда топғанларим	36
Устозларим	37
Иисендердеги гүзәл фазыллатлар	38
Ёктирган ёзувчи ва шоирларим	38
Замон ва хаёт ҳакида	39
Орзуладарим	39
Тіллакларим	39
Хаёт ўзи мураббий	40
Юрак	42
Пок мухаббат киссаси	43
Болаларимга	47
Ёшимни сұрамаң	49
Гүзалим-әй	50
Яшагим келади, келмайди	51
Бола кулса	53
Мен шоир эмасман	54
Ү кимнинг кизи?	55

Хаёт ақидаси	56
Кўлларимдан ушла мени, дилбар киз	57
Вазифамиз	58
Қариб колдимми?	59
Кўзгу	60
Сигирнинг шоирга дегани	61

ІІІ БОБ. ҲАЁТ ЎЗИ МУРАББИЙ

ЗИЁДАН МУНАВVAR ДИЛЛАР	64
Истикболли илм маскани	65
Шахмат жонкуяри	68
Мехрнинг чукур илдизлари	70
Тарбия масаласи	72
Зиёлилар оиласи	75
ОРЗУЛАРДАН КУЧ ОЛГАН ИНСОН	77
Оғир атлетикага илк кадам	78
Федерация янги боскичла	82
Ташкилотчилик	83
Жаҳон хайратда	84
Ватан ичра мўъжаз Ватан	88
Ёш чемпион орзуси	89
Ифтихор	90
САДОКАТ	91
ЮРАГИМДАСАН, ВАТАН!	96
ДУНЁ ҲАҚИКАТЛАРИ	104
СПОРТНИНГ ЧИН ФИДОЙИСИ	115
МЕҲНАТСЕВАР ВА СПОРТСЕВАР ЙЎЛЧИБОЙ АКА	123
НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ ЙЎЛ	131
ЖОБИР ПОЛВОН ҲИКМАТЛАРИ	139
Энг катта бойлик	146
САОДАТЛИ САНЪАТ САЙЁРАЛАРИ	148
УСТОЗ	153
ТЎДАЧОРБОҒДАГИ КУРАШ	160
КЎНГИЛ КУЙЧИСИ	164
Бодомгулим	174
Хондамир	175
ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ИТАЛИЯДА	179
ОТАНГИЗГА БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!	181

ИБРАТЛИ ОИЛАГА ТАШРИФ	184
ЎЗБЕК ГАНДБОЛИ ЎЛДУЗИ	191
КЛАЙВОНИСИН УНУТМАГАЙ ЭЛ	195
УЙЛАНДИГАН УКАЛАРНМГА МАСЛАХАТЛАР	200
МАЪРИФАТ ФИДОЙИЛАРИ	206
ДАРВОЗАБОННИНГ ОНАСИ	212
КУРАШ КИТОБНИНИНГ ЗАРВАРАҚЛАРИ	218
АЛИЖОН ОТА	226
МАСТЬУЛЛИК	231
Муаммонинг ечими	234
АРМОН	236
ЎЗБЕКНИНГ БАХТИ	242
САНАМЛАР САРВАРИ	246
ЮРТНИНИНГ ЎЗ ПОЛВОНИ БЎЛСИН	250
ОЙСИФАТ	257
АМИРҚУЛ БОБО	261
ОДАМНИНИГ БЎРИСИ	265
ҲАЁТ САБОҚЛАРИ	271
Ҳар иисонда бор хикмат	271
Оккан даре оқаверади	271
Мунаввар диллар	272
Ҳаёт имтиҳони	274
Ойдин истак	276
Барчиинойнинг момоси	278
Ўзлик	279
Шу ўринда	280
Мехр бераб, меҳр кўринг	281
Акаларим ўғити	284
Беминнат нон	285
Ахилликиниг онаси меҳр.. ми?	285
Олам олсин андоза	287

IV БОБ. МЕНИНИГ АЗИЗ ОИЛАМ

Акмат Абдиев. Мен азиз оплада тугилдим	290
Ўрол Абдиев. «Машъал» га кўй	293
Умр ташвишлари	295
Телефондаги сухбат	296
Қизлар ҳазили	298

Ота тилаги	299
Дилнома	300
Ҳаёт чархпалаги	301
Гурур	308
<i>Абдулсаттар Абдиев. «Менга каъбатулло, Макка эдингиз»</i>	310
Үйингизга қайлоғалар келганида	313
Келақолгин	314
Талимаржон йигитлари	316
Тұртликлар	317
Ўзбек тилига	317
<i>Дилорам Арзиеva. Она меҳри</i>	318
Онамни тушимда күрармиканман	319
<i>Рұзимурод Арзиеv. «Богча момо»</i>	320
Онажоним	323
Она матонати	324
Донолар дейдиларки	326

Бадиий-публицистик пашр

АКМАЛ АБДИЕВ
ҲАЁТ ӮЗИ МУРАББИЙ

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нозима ТҮЙҒУНОВА

Босишига 03.10.2013 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 10.5. Шартли босма тобоги 17.64.

Гарнитура «Times New Roman». Офсет қоғози.

Адади 500 нусха. Буюргма № 236.

Баҳоси келишилгани нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол күчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43
факс – 273-00-14; e-mail: yangiastavlodij@mail.ru